


Аҳмад Аъзам

Рӯё

ёхуд
Ғулистонга
сафар



АҲМАД АЪЗАМ

РЎЁ ёхуд ҒУЛИСТОНГА САФАР

Роман

Мундарижа

Бошлама	5
Кириш	10
Саёҳатнинг энг боши	30
Сафарнинг бошланиши	37
Ғулистон ёки ғулийларнинг ҳаёти	49
Менинг ғулийларга қараганим, уларнинг...	60
Ғулийлар дўкони	66
Менинг ҳам ақлим буларникидан кам эмас	87
Намунали ичғу	92
Бир нарсалар бўлади чоғи	98
Ғулистон қомуслари ва баҳслар	102
Севгида ҳам севги бор	105
Дўстимга раддия	112
Ғулистоннинг асосий санъати	120
Муҳаббат гўшаси	127
Болалигим қушлари	129
Холдор билан келишмаган яқин ошналармиз	135
Электрон бўёқ	142
Ғулистон тарихи ҳақида нақллар	146
Аросат	153
Ғулийларнинг доҳийси	156
Яна аросат ёки яна муҳаббат сахнаси	158
Табиат барибир юракка яқин-да	164
Бир ёлғон ўнлаб ёлғонларни болалатади	167
Занжирнинг тарихда келиб чиқиши ва қоидалари	170
Ғулистонда жазо	178
Болалигимдаги дунё	180
Ким эди улар ва мен ким?	201
Ҳали ҳам кимлигимни ўйлайман	219
Ғулистондаги жиддий тадқиқотлар	234
Қудрат йўқ ердан ҳам бўлади	241
Бадий асар ҳам хавфли бўлар экан	243
Қутилмаганда шодланганим	251
Ё ўзимга бир нарса бўлдим экан	260
Вазият ўзгараётган экан	267
Бари бир кўтар-кўтарга учрадим	276
Яна ўша шубҳа-ғумонлар	287
Шу ҳавода яна йўл	291
Ўзимизнинг чуқур-чоплар	295
Ўлан тўшагим	303

Еттинчи жавоб: бу қиссамизнинг аввали ҳам туш,
ўртаси ҳам туш, охири ҳам тушдур.

“Юсуф алайҳиссалом қиссаси”

Бошлама

Бу савдога учраганимга кўп бўлди. Ўн беш йиллар, эҳтимол ундан ҳам кўпдир. Шунча вақтдан бери тинчим йўқ, на унутиб, эсимдан чиқариб, хотиржам яшадим, на кўрган-билганларим асосида у-бу нарса ёзиб, чиқардим. Ёзишни-ку ўша пайти, яъни бориб келган вақтларимдаёқ бошлаган эдим, лекин бунақа гапларга ишонадиган одам топилармикан, айтишга айтиб, кейин ҳаммага кулги бўлиб юрмасам эди деган истиҳола билан тўхтатганман. Кейинлар ҳам кўп уринганман, туркум ҳикоялар қилмоқчи бўлдим, рўмон ёзишга чоғландим, тажрибам йўқ, қўлим келмади. Кейин вақт ўтиб, ўз кўзим билан кўрганларимга ўзим ҳам унча ишонмай қолдим, йўқ... Йўқ, нотўғри гапирдим, кўрганларимга ўзим шубҳалансам бўлмас, туб-тубигача тушуниб етганим йўқ, десам тўғрироқ. Лекин энди айтиб бермай ҳам иложим қолмади. Шу сатрларни ўқиётган битта сизга эмас, ҳаммага, бутун инсониятга етказишим керак. Ҳа, бу – бир киши ўзида сақлайдиган сирий гап эмас! Олтмишга етдим, бошқатдан йигит бўлиб қолмайман, қирқ бешимда ёза олмаган рўмонга энди ҳам кучим етмаса керак, бу ёғи соғлиқ ҳам хаминқадар. Шунинг учун ҳам қанақа асар бўлиб чиқишидан қатъи назар, қисса дейманми, рўмонми ё кузатувларми, балки сафар таассуротларидир, ўқиб чиқсангиз, ундаги воқеалардан воқиф бўлсангиз кифоя. Уларга ишониш-ишонмаслигингиз ҳам иккинчи даражали масала. Энг муҳими – шундай бир мамлакатнинг борлиги ва менинг ўша ёққа бориб келганим.

Ҳа, дарвоқе, бир дўстим шу ҳақда рўмон ёзган, кўп нусхада чиққан, ўқигансиз, лекин уни энди ўқиманг, сабабини ҳали кўп айтаман, гап ҳам кўп.

Ўзи одатда, асарларга сўзбошилар, шундай аталишига қарамай, асар якунига етгач, уни аввал ёзувчининг ёру дўстлари кўриб бериб, сўнгра каттароқ, масалан, рўмон бўлса, Ёзувчилар уюшмасида муҳокама этилиб, кичикроғи, дейлик, қисса, нашриётда ўқилиб, босишга лойиқ топилгандан сўнг, у-бу изоҳ, тушунтириш лозим топилса, кейин ёзилар эди. Мен эса мазкур сўзбошини энди ёзишга чоғланган йўл хотираларимга бошлама қиялман. Ёзмоқчи бўлаётганларимнинг яхлит бир сюжети йўқлигини ҳам айтиб қўяй, чунончи сизга таништирадиганим ғулийлар ҳам тўқима бадиий образлар эмас, балки, танқидчилар ибораси билан айтганда, образга прототип, яъни жонли одамлар. Мен бир воқеа ёки ишқий саргузашт тўқиб, уларни бош ёки иккинчи даражали қаҳрамонлар сифатида ҳаракатлантира олмайман. Чунки маълум тоифа одамлардан бадиий образ яратиш, уларнинг бошидан кечган воқеаларни қаламга олиш учун, аввало уларнинг ўзини, яшаётган ҳаёт муҳитини ҳам билиш керак, мен эса бир кўрдим, булар қанақа одамлар, туриш-турмушлари нега бунақа, деб эсим оғиб юрганимда, худога шукр, яна ўзимизга қайтиб қолдим, демоқчиманки, кўрганларимнинг тубигача етишга улгурмадим. Шунинг учун қандай кўрган бўлсам, шундайича гапириб, яъни ёзиб беришга мажбурман. Шубҳасиз, уларнинг ҳаётида ҳам бадиий асар қилишга арзигулик турли воқеа-ҳодисалар, ибратли ишқий савдою саргузаштлар кўп бўлса керак, талайини эшитдим ҳам, аммо айтганларига асосланиб, кўрганларимга таяниб, рўмонни-ку қўяверинг, бирон ҳикоя ё қисса яратиш қўлимдан келмайди. Балки ўрнимда устоз адибларимиз бўлса, бир марта кўрганларининг ўзиданоқ катта асарлар чиқарардилар, чунки уларнинг тажрибалари катта, ҳаёлотлари бой, хоҳлаган воқеа ё саргузаштдан хоҳлаган жанрда асар чиқариб беришлари мумкин. Ёзувчи дўстим ҳам тўқишга жуда уста. Менда бунақа тажриба йўқ, ғулийлар ҳаётини ўрганиш, тушуниб тадқиқ этиш учун эса ёзувчилик малакасидан бошқа ҳам кўп фазилатлар зарур эди: ўзида идеолог, файласуф, иқтисодчи, социолог, этнолог, археолог, психолог, геолог, манбашунос, гидролог, маъданшунос, математик, хуллас, ҳаётда қайси мутахассислик учраса,

хаммасини мужассам қилган, шунда ҳам жами таҳсилини бу ёқда эмас, у ёқда, яъни Гулистонда олган, яна бу ихтисосларнинг ҳаммаси битта одамда бўлиши керак. Чунки у ёққа шунча мутахассисни тўплаб, бирга юборишнинг сира иложи йўқ, ҳатто бир кишининг бориши ҳам маҳол муаммо. Шу бугунги кунгача Гулистонга битта мен бориб-қайтганман, олдин ўзимиздаги бошқа мамлакатлардан бирон сайёҳнинг йўли тушганми, йўқми, бу ҳам номаълум, боргани бўлса-да, қайтмагани аниқ, ўша ерда қолиб, ғулийлашиб кетган бўлса эҳтимол, чунки уларда бунақа маълумотлар мутлоқ ошкор этилмайди. Алалхусус, ғулийларни бу дунёмизга ошкор этиш битта менинг чекимга тушиб турибди. Шундан келиб чиқиб айтяпманки, у ёққа борадиган одам дунёдаги ҳамма мутахассисликни эгаллаган бўлиши шарт. Айниқса, жуғрофиюн - географлик касбини. Мана, мен бориб, бутун бошли мамлакат, бутун бошли бир халқнинг ҳаётини ўз кўзим билан кўрдим, ғулийларнинг орасида яшадим, шаҳару қишлоқ, боғу роғ, далаю чўлларининг ҳаммасини кезмаган бўлсам-да, оралаб ўтдим, тупроғига қадам босдим, ҳавосидан нафас олдим, кундузи осмону булутларини, кечалари ою юлдуз ғужжаларини томоша қилдим, лекин келганимдан сўнг ўзимизнинг хариталардан у мамлакатнинг жуғрофий ўрнини тополмадим, дунёнинг энг майда аҳоли мавзеларигача белгиланган атласларидан ахтардим, уларда бунақа мамлакат йўқ! Катта хариталарнинг кичик нуқталарини катталаштирувчи заррабин ойналар билан текшириб чиқдим. Тупканинг тагидаги Яшил бурун ороллари деган мамлакатчанинг оролчаларигача бор, лекин Гулистон хариталарга тушмаган. Ўзимиздаги жуғрофия билимдонларига буни айтган эдим, менга маъноли қараб қўйдилар, холос. Йўқ, биродарлар, менинг ақлим жойида, уларнинг бунақа қараб қўйишларида нима борлигини ҳам тушунаман, ўзлари билмаган нарсани сўрагандан кейин ҳаёлларига ҳар нарса келиши табиий. Қанча кутубхоналарда ўтирдим, қомусларни варақладим, талай илмий китобларни титкиладим, бадий асарларни ўқидим - ғулийларнинг ҳаётига тегишли бирон ишора топилармикан деб, тополмадим. Наҳотки дунёда бутун бошли бир халқ яшаса, унинг бутун бошли ҳаёти, мамлакати, тарихи, илм-

фани, маданияти, урф-одатлари, эътиқоди, хуллас, жами нарсаси бут бўлса-да, бошқа халқ ёки давлатлар унинг борлигидан мутлақо беҳабар юрса, деб кўп ўйладим. Йўқ, ғулийлар билан борди-келди алоқалар ўрнатилишининг иложи топилмас, лекин уларнинг бу жаҳон саҳнида борлигини бизнинг бутун дунёмиз билиши лозим, юртларига бориб қолганимда кўрганларимни ёзишим керак, деб аҳд қилдим.

Энди, албатта, катта ёзувчи эмас-у, ул-бул нарсалар ёзган одам сифатида айрим саҳифаларда, хусусан ўз аҳвол-руҳиям, таассуротларимни ёзаётганимда тилим ёзувчиликка кетиб қолиши мумкин. У ёқда энг панд бергани ҳам шу ёзувчилик бўлди. Асли бу кори хайр кейинги йиллари тирикчиликка тиргак бўлолмай қолган эди, Гулистонда у мутлоқ тескари иш берди. Ёзувчи - ўз мамлакатада, ўзи биладиган одамлар ва, энг асосийси, ўзи билган ҳаёт ичида ёзувчи, унинг ҳаёл-тасаввурга бойлиги ўз юртида иш беради, яъни у асарларига материални шу ҳаётнинг ўзидан олади, ҳатто ҳаёлий асарлар яратса ҳам, ҳаёли шу ҳаётга таянади. Лекин мен кўрган Гулистон шундай мамлакат эдики, унинг ўзи ҳаёл, у ерда ёзувчи одамнинг оғзини очиб томоша қилишдан бошқа ҳеч иш қўлидан келмайди. Кўрганларининг ҳам ҳаммаси савол! Шунга айтяпман-да, ёзувчилик сал ҳавойироқ деб, агар ўрнимда ҳамма саволларга жавобни биладиган бир комусий олим - жомииул-улум бўлганда, Гулистон ва ғулийлар ҳаёти ҳақида чуқур бир тадқиқот, яъни катта бир китоб яратиб, биздаги одамларни шундай бир унут мамлакат, шунақа унут бир халқ борлигидан воқиф этар эди. Каминада бунақа ноёб иқтидор йўқ, ундан-бундан чўкилаб ўқиган одамман, холос. Ҳозир жомииул улумларнинг ҳам вақти ўтган, битта олим минг доно, минг билимдон бўлмасин, бутун бир мамлакат, бутун бошли бир халқ ҳақида нимани ҳам айта олади?

Начора, бор – борича, йўқ - ҳолича, кўрганим кўп, билганим оз бўлса-да, бир бошдан, баҳоли қудрат айтаверишга тўғри келади. Ёзадиганларим

сизга ғалатиноқ туюлса ё кузатишларим саёз чиқса – мен тан, бергани ҳам, бўлганимиз ҳам шу.

Ёзадиганларим, ҳозир шу узрни сўраётганимда сезиб турибман, парокандароқ, боғланишлари сустроқ чиқар, Гулистон ҳақида сизга яхлит, бирбутун тасаввур беролмас, аммо бу мамлакатга биздан, такрор айтаман, мендан бошқа бирон инсон борган эмас, биз биладиган мамлакатлардан ҳам бирон сайёҳнинг қадами тегмаган, мен ҳам у ерда кўп турмадим, аниқроғи, қанча яшаганим ноаниқ, шу боис таассуротларимдан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлмаса-да, уларни сизга тортиқ қилишни бурч деб биламан. Тортиқ ҳам эмас, яшириб юришга ҳаққим ҳам йўқдек туюлади: хотираларимни эълон этишим сизга қизиқ бўлса, ғулийлар ҳам шунга жуда муҳтождек. Ўқисангиз, қандай аҳволга тушганим ва нимага бунақа ғалатиноқ ёзишимнинг сабабларини ўзингиз ҳам англайсиз деган умиддаман. Ҳа, кейин «Гулистон» атамасини қулоғимиз ўрганиб қолган «Гулистон» билан зинҳор адаштирмасангиз, сабаби - булар маъноси бир-биридан жуда йироқ сўзлар, ўқиш давомида буни ҳам билиб борасиз, албатта.

Мен ёзадиган Гулистоннинг ёзувчи дўстим ёзган уйдирма мамлакатга ҳеч бир алоқаси йўқ, унинг тилингизга тушган рўмонидаги мен ҳам мен эмасман; қизиқ нарса, лекин у ёқдаги ҳаёт ҳақида мендан эшитганларини ўз билганича бу ёқдаги ҳаётга мослаб тўқиган, оқибатда нотўғри нарса чиққан. Ўзим ёзган бу асар муайян маънода ёзувчи дўстимнинг яхши ниятда, аммо мени мутлақо бошқача қилиб кўрсатган рўмонига тўғридан-тўғри раддия ҳам. Нима сабабдан дўстимнинг яхшилигига оқибат кўрсатмаяпман, буни ҳам йўл-йўлакай айтиб ўтаман. Ёзганларим, такрор узр сўрайман, мукамал эмас, лекин уларни мукамал қиламан дегунча, умр ўтиб кетиши мумкин.

Кетдик, бўлмаса.

Муаллиф

Кириш

Кечкурунлари безовталанаман. Калламда шовқин туради. Айниқса, эл ухлаб, ҳаммаёқ тинчигандан кейин кучаяди. Ётолмайман, босиқ ғовур, аллақандай шивир-шивир, узук-юлуқ сурнай куйи, жуда олисда қизиган бир бозорнинг ғала-ғовури келади. Шу ерда ётганим кўйи яна аллақандай издиҳомга аралашиб юргандек бўламан. Кундузги шовқин худди тошқин сувдек калламга кириб, ўтиб кетаётганда унинг ҳар жой-ҳар жойдаги чуқурчокларида қолиб кетгану энди шу лойқа кўлмаклар шилпиллаётганга ўхшайди. Кечалари кундуз давом этаётгандек...

Ухлаб, ухладимми, уйғоқманми, билмайман: баъзан одамлар шундоқ ёнимда гаплашади, атайлаб, мен ётганимни билиб, шундоқ тепамда шанғиллаб туради. Ғовур-ғувур, ғўнғир-ғўнғирнинг ичида, бошим итирқин, алла-паллага бориб ниҳоят уйқуга кетаман. Кундузи ланж, гарангсиб уйғонаман, юрагим ўйнаб туради, лекин қулоғимдаги шовқин йўқолади. Эрталабки офтобдан қийналаман, кўзим ачишиб ёшланади, ичим дирдираб юраман. Чошгоҳларга бориб, аччиқ чой дамлайман, бостириб-бостириб ичаман, чанқовим босилиб, бошим терлайди, сочим жик-жик хўлланади, ҳаётга қайтиб одам бўлгандек бўламан, дунё билан одам қатори тиллашаман. Ҳангомалашишни яхши кўраман, тўймай қолишдан кўрқиб кўп гапириб юбораман. Ҳаяжон билан, худди ҳамсухбатларим эшитмай кетиб қоладигандек, илҳомланиб гурунг бераман. Асрларга бориб бошим енгил айланаётганини туяман. Тамакидан дейман, рост, қанча чексам, шунча ёқмай қолади, аммо шу бемаза аҳволдан қутулиш учун баттар чекаман. Бирдан толиқаман, юришга ҳам, ётишга ҳам бўлмай қоламан. Китоб ўқий олмайман, телевизорга қараб юрагим сиқилади, қулоғини шарақ-шуруқ бураб каналларини алмаштираман. Ётишдан юрагим безиллайди – бошланади: яна босиқ ғовур, ғўнғиллаш, кимлардир паст товuşда тинмай шанғиллайверади, одамзоднинг майда гапи сира тугамас экан, деб эзилиб ётаман.

Тушларим ҳам жуда ғалати: кундузи нимани кўрсам, ким билан гаплашсам, нимани тортишган бўлсам, ҳаммаси тўппа-тўғри тушимга ўтиб кетади, яна бунинг туш эканини билиб ётаман, билиб турсам-да, тушимда яйраб юролмайман, кундузи гапимни ўтказолмаганлар билан яна айтишаман, бўғиламан, асабим бузилгандан кейин тушим секин ғувиллаб айнийди: хотиним, болаларим борлигини билиб ётган ҳолимда ҳали уйланмай юрган йилларимга ўтиб қоламан, машинамга ўтираман, лекин ҳайдай олмай, қандай юрғизиш керак, деб қийналаман, машинанинг ўзи юриб кетади, мен уни бошқаролмайман, чунки оёғим қимирламайди, тепинаман-да, илкис уйғонаман, чунки оёғимга кўрпа ўралиб қолган бўлади. Баъзан қийналиб кетсам, тушимдаёқ уйғониб оламан, давомини кўриш азобини ўзим тўхтатаман. Йўқ, тушим тўхтамайди, лекин ана шу тушимда «Ҳа! Ҳа! Қани, очдик!», деб бир силкиниб кўзимни мажбурлаб очаман.

Бир тушни тез-тез кўраман: ўн беш йилча олдин Жарарикда бир кампирнинг ҳовлисида турганман. Бу ҳовли қизининг уйига девор-дармиён, кампир қизиникида турар, ўзининг ҳовлисига, яъни биз турган жойга камдан-кам ўтар, ижара пулини ҳам қизиникидан чақириб олиб, берар эдик. Ким билади, кампирнинг пулга зорлиги йўқ, шунчаки ҳовли ҳувилламасин, чироғи ёниб турсин дер эдими, лекин бир қиз невараси бор эди, мени шунақа ёмон кўрардики, қўнғироқни босиб, тақиллатиб, бир амаллаб дарвозани очдирганимдан кейин бошини чиқариб нима гаплигини сўраш ўрнига «Ҳа-а!» деб шунақа бақириб бир берарди, худди мен кампирни ўлдиргани келганману бу мегажиннинг паҳлавони мени фош қилиб қўйгандек, юрагим ёрилиб кетай дерди. Кампирнинг неварасини кейин ҳам унда-бунда кўриб қолсам, мазам қочарди, ўша кўркув ҳали-ҳануз юрагимдан чиқмаган, бўлмаса, ёши мендан кичкина, ушоққина қиз эди, албатта, тешик кулча ерда ётмас, турмушга чиқиб, бир рўзғорни тебратиб юргандир, лекин эри шўрликка қандай экан, деб сесканиб кетаман.

Ана шу ҳовли ҳадеб тушимга киради. Яъни, бошқа жойга кўчганимда неча ойликдир ижара пулини бермаган бўламан-да, шуни тушимда ич-ичимдан эзилиб ўйлайвераман, ўйлайвераман, кампирни ахтариб боришни ният қиламан, лекин орадан шунча йиллар ўтган, Жарарик бузилиб, у ҳовлининг ўрнига ҳам кўпқаватли уй тушган, кампир қизи билан кўчиб кетган, қизининг уйини топсам, кампирнинг ўзи борми ё ўтганми, эшигини тақиллатсам, яна ҳалиги неvara чиқиб бақиради деган хавотир, хуллас, у ёқдан ўйлаганда ҳам, бу ёқдан ўйлаганда ҳам, чораси-ечими йўқ эзгин бир ҳаёлда ётавераман. Қизиқ лекин, ижара пулини баъзан ўз вақтида бермагандирман, лекин бирон марта еб кетганим йўқ, охирги марта, кўчиш олдидан, кампир билан ҳисоб-китоб қилиб, дуосини олганман, ҳалиги мени ёмон кўрадиган неварасига бирон ёмонлик қилмаганман, ёмон ҳам гапирмаганман, у билан умуман ишим йўқ эди, билмадим, нега шунча йил ўтибдики, худди кампирга ижара пулини тўламай қочиб кетгандек туш кўраман – ҳайронман; гоҳида уйғониб ўйлайман, балки бўш ҳовлига, икки хонали, пойдевори баланд, ғиштин, баҳаво яхши уйига нисбатан арзон тургандирман, қарздорлик ҳисси шунгадир дейман, қиз неварасининг ҳаётда ҳам мени бунча ёмон кўришига келсак... у мени яхши кўрган бўлса керак, яхши кўришини ўзи ҳам англамай, атайлаб, жон-жаҳди билан ёмон кўраман деб ўйлаган бўлса керак, дейман. Шуниси тўғрироқ чиқар, бўлмаса нега бунча танлаб, ашаддий, махсус, иштиёқ билан ўқрайиб ёмон кўрган мени? Ҳар қалай, шу пайтгача ўша неvara қизнинг ўзи эмас, ундан қолган кўрқувнинг тушимга кириши бежиз эмас. Кейин, тўғриси айтсам, бир марта шундай бўлган ҳам, лекин бу тушимга кирмайди. Автобусда бир қиз билан айтишиб қолдим. Одам кўп эмас, лекин ўтиргани жой йўқ, тикка кетаётган эдим, қизни кўрганим йўқ, у эса бирдан менга: «Сен, йигит ўлгур, нега менга қарайсан? Мен сенга томошақовоқми?», деб сенлаб қичқириб юборди. Довдираганимдан: «Қачон қарадим, синглим?», деган эдим, «Қарадинг! Мана, қараяпсан-ку! Қараб турибсан-ку!», деб яна бақирди. Автобустагилар ҳам анграйиб менга қаради, лекин ҳеч ким гапирмади, бари

бир, жуда ўсал бўлдим, қиз менга ғирт бегона, илгари сира учратмаганман, автобусга чиққанда ҳам кўрганим йўқ, бировга ўхшатдим, бало-казодек ёпишиб кетди. «Э, бор-э!» деб юзимни зўрға буриб олдим. «Ҳа, энди кўзингни яширасанми? Ҳе шу кўзинг гўрда чирисин!», деб яна қарғашга тушди. Ҳамманинг кўзи икковимизда, худди мен унинг нозик жойидан ҳеч кимга билдирмай чимчилаб олгандек шундай қарғадики, бўралаб сўкди, десам ҳам бўлади. Ёмон уялдим. Миқ этмадим, индаганимда ҳам бунга бас келишим амримахол эди. Ўзимни четдан қараб турган бошқа бировнинг ўрнида тасаввур қилиб, бунга ўзим билмай бир ёмонлик қилганман шекилли, бўлмаса одам боласини ҳам шунча ёмон кўриб қарғаш мумкинми, деб ҳам ўйладим. Ёнидан ўтаётганда қўл-пўлим бирон жойига тегиб кетдимикин десам, у орқа эшикдан чиққан, мен олдинги эшикдан. Яхши ҳамки, тушадиган бекатим келиб қолди. Буни қарангки, у ҳам бирга силжиди, бекатимиз битта экан, биздан бошқа ҳеч ким тушмади. Автобус жўнади, бекатда икковимиз, у менга тескари қараб турибди-ю, худди кетгиси йўқдек туюлди менга. «Ўв синглим, жуда кўзим гўрда чиригулик нима ёмонлик қилдим сизга?», десам, у менга ялт этиб қаради-да, бирдан кўзлари ёшланиб: «Ҳа, нима қилай сизни яхши кўрсам, эрим бўлса, у асли сиздан ҳам яхши бўлса-да, мен эса сизни яхши кўрсам, хўш, сизни қарғамай кимни қарғашим керак, қани, ўзингиз айтинг-чи?», деса бўладими? Нима дейман, кўнглимдаги хўрланган ғурур билан тош қотиб қолавердим, у эса менга қараб турди-да, кейин шахт бурилиб, ўша мендан яхши эрининг олдига кетаверди. Тим қора кўзлари ўт, қадди сарвиравондек, ўзи ҳам чакнаб турган бир аломат жувон экан. Тилимга «хайр» деган калом ҳам келмади. Кампирнинг невараси ҳам муҳаббатини шундай изҳор қилгандир, лекин у сира тушимга кирмайди, ижарада турганим, кўнглимдаги қарздорлик ва ўша қиздан кўрқув туйғусининг ўзини ҳис этиб ётаман туш кўрганимда, уни эмас.

Баъзан эса жуда ёрқин, жуда чиройли тушлар кўраман, уйкуда кўтарилиб, баҳаво кенгликларга чиқиб кетганимни билиб ётаман. Қандай яхши-я, тушим узилмасин, ишқилиб, охиригача кўрай деб, юзимни

парёстикқа каттиқроқ босаман, билиб туриб уйғонмайман, баъзан ҳатто уйғониб кетсам ҳам, чуқур нафас олиб, ҳозиргина кўрган тушимни бир эслайман-да, келган жойидан давом эттираман.

Мана, биттасини айтайми? Тушимда кўп иззат-хурмат билан Қашқадарёнинг қаеригадир борибман. Тоғ тагидаги бир қишлоқ, қишлоқдагиларнинг ҳаммаси кулол эмиш. Ўрта - сойлиқ, бир томони бирига маташиб, худди расмларда кўрганимиз Кавказдагидек устма-уст қурилган уйлар, бу томонидаги тоққа туташ адирнинг усти аралаш-қуралаш пасту баланд хумдон! Ҳамманинг ўз хумдони бор, жуда кўп. Мени одамларнинг уйи томондан олиб ўтиб, қишлоқнинг ўртасидаги чойхонага бошладилар. Чойхона дарахтларнинг тагида, тутун босган, ўчоқлардан чиққан шекилли, кейин бу чойхона бирдан клубга айланди, кўп одам тўпланган, мен билан учрашув бўлгандек бўлди, ишқилиб, кўп кишининг иззат-хурматини сезиб ётибман, бу шу туманнинг ҳокими ёки пойтахтдан борган амалдорга билдирилган эътибор эмас, йўқ, жуда самимий, тоза, қандайдир жуда инсоний, манфаатсиз чуқур бир эҳтиром; ўзимга ҳам сал ноқулай, лекин қушдек енгилман, дил яйрайди. Ростдан, тушимда шундай ичимдан қувнаб юрибман. Бир вақти яна орқага қайтиб келаётиб қарасам, осмонда оппоқ булут, оппоқми ё кулрангроқми, ишқилиб, жуда тепада, булутнинг орасида эса елкасида кетмон, эшагини етаклаган одам учиб юрибди, яъни осмонда бемалол юриб кетяпти эшагини етаклаб! Яна қарасам, нарироқда яна бир одам, белидан юқориси кўринади, чайқалишига қараганда, у ҳам осмонда келяпти. Кўнглим... боя ичдан яйрайди, деганим ҳеч гап бўлмай қолди, қанақадир жуда ёруғ бўлиб ёришиб кетди. Гўзал туйғуларга чулғаниб қолдим. Одамлари осмонда худди ерда юрадигандек бемалол юрадиган шунақа жойлар бор, шу жойни кўриш менга насиб қилди, деб роса қувониб кетдим. Кўнглимнинг бир чеккасида булар қандай қилиб осмонда юрар экан деган жичча қизиқсиниш ҳам бор, яна нега шу пайтгача буларни газетларда ёзмаганлар, сайёҳларга кўрсатмаганлар, бизникиларга гўзаллик эмас, фақат пахта керак, деб жиндай яниш ҳам бор-у, лекин ўзим шунга гувоҳ

бўлганимдан, газетчилар бундан беҳабарлигидан хурсанд кайфиятдаман. Ёнимда бир-иккита одам бордек эди, улар осмондагилар билан шунчаки бош ирғаб саломлашиб қўйдилар, осмондагиларнинг саломидан менга ҳам тегди, шундан билдимки, булар ҳам истаган пайти, йўлни қисқа қилиш учунми, ё шошилиб турсаларми, тўппа-тўғри осмонга чиқиб, борар манзилига ўша ёқдан юриб кетаверадилар. Балки осмонга чиқиб ёнбошлаб, пастдаги қўйларини боқарлар. Шунақа оддий, лекин чиройли бир хайратда томоша қилиб бораётиб, осмонда фақат одамлар эмас, хумдоннинг мўриси, тўғрироғи, ярмидан кўпроғини кўрдим. Хумдон – осмонга қурилган! Аллақандай баланд бир завқ билан томоша қилдим. Ёнимдагилардан: «Сизларнинг осмонда бемалол юришингиз-ку тушунарли, лекин нега хумдонни ҳавога қургансиз?» деб сўрашга чоғланаман, лекин, шундоқ ажойиб фазилатлари бор, яна мени меҳмон деб иззатлаб бораётган одамларнинг хурматини қилай деб гапирмайман. Лекин ичим қизиб кетади: тоғда яшайдиган одамлар тоққа ўрганиб қолади, гулзорнинг ичида яшайдиган одам бутун дунёни бир оддий гулзордек кўради, дунёдаги энг сулув, энг ҳусндор, энг кўркли қизга уйланган йигит унга оддий хотинга қарагандек қарайди, ҳатто ўзини ҳам ҳамма қатори оддий бир эр деб билади, ахир; «Ҳей, бу гўзаллик, бу ноёб нарсаларнинг қадрига етинг, ўзингизга шунчаки бир одам сифатида қараётганингиз нимаси, нега ўзингизни оддий одамлар қаторига туширасиз?», деб шодон қичқиргим келади буларга. «Нега шунақа чиройли тоққа хумдон қуриб ташлагансиз, ахир, бу кўринишни ҳам, ҳавони ҳам бузади-ку!», демоқчи ҳам бўламан, лекин завқимни бузгим келмайди, чунки бошқа жойда бунақаси йўқ. Кейин хумдоннинг осмонда туриши ҳам ўзимга керакдек, ҳали уйғонсам ҳамгапларимга айтиб бераман, деган фикр ҳам бор тушимда. Кейин тушим сал ўзгариб, бу жой Қашқадарё эмас, Фориш тоғидаги бир қишлоқ бўлиб чиқди. Бу ерга келганимнинг сабаби ҳам саёҳат эмас, асли бу ердаги одамлар она томондан қариндошларим бўлиб, шу узоқлашиб кетган хешларимни ахтариб келган эканман, менга бўлган эътибор ҳам шундан экан. Бир уйга кириб чиқдик,

ўртада бир уйғонган бўлсам керак, осмон тоза, булут ариган. Қарасам, боя эшак етаклаб осмонда юрган одамнинг ўрнида тиккалаб кетган баланд тоғ сўқмоғи, ақба дейдими, шунда ҳали ҳам одамлар юрибди, бирови ўроқ, бирови елкасига арқон ташлаб, бирови ўтин елкалаб тушяпти. Шунда билдимки, олдинроқ кетмон кўтариб, эшак етаклаб учган одам менга булутнинг ёриғидан кўринган! Ҳалиги хумдон ҳам бошқа хумдонлардан энг баландда тургани, пастини ҳам, тепасини ҳам булут босгани учун менга осмонда муаллақ туюлган экан! Баттар завқим ошди. Ростдан! Ҳафсалам пир бўлгани йўқ, аксинча, шундай фавқулодда манзара бўлиб кўринганига! Фавқулоддалиги шундай эдики, асли қиялаб кўтарилиши керак бўлган тоғ тиккароқ турган, одамлар ҳам, хумдон ҳам менга жуда яқин кўринган эди. Кейин тушим яна давом этдими, эсимда йўқ, лекин эрталаб хуш кайфиятда уйғондим, уйғонганимда ҳам ҳалиги одамларнинг кўрса – одамнинг ғурури тошадиган шундай гўзал маъвода яшаётганидан, ўша ерга борганимдан кўнглим ҳали ҳам ёришиб турган эди. Ўша куни ишга ҳам енгил бордим, ҳамкасбларимга нукул яхши гапиргим келаверди, улар ҳам, катта-кичик ҳаммаси шу куни менга яхши муносабатда бўлди, ҳатто мен билан сўзлашишни ўзларига эп билмаганлари ҳам, жилла курса, илиқ қараб кўйдилар. Шу-да, сен яхши – олам яхши, деб бекорга айтилмаган. Ҳалигача шу тушни эсласам, яхши маънода ғалати бўлиб кетаман: бизда шундай маъволар борки, у ерларнинг қишлоқларидаги одамларимиз самода ҳам худди ердагидек бемалол юргандек, хумдонларини баланддаги ҳавода қуриб, сопол лаганларини ўша хумдонларда пишириб, кейин шу осмондаги шу хумдонларида пиширилган лаганларга сузилган ошни ўртага олиб, ҳавода муаллақ ёнбошлаб, гурунг қуриб ётгандек, ана шундай осмон одамлари менинг олис қариндошларим, нуроний тоғаларим жойнамоз оппоқ булутларнинг устида намозларини адо этаётгандек бўлиб туюлади. Шунақа жаннат тушларидан кейин бу ёққа қайтиб ҳам уларни кўришга интиқ бўлиб юраман.

Шу соғинч билан тушимдан уйғондимۇ эсимдан чиқиб қолмасин деб, кундаликка туширдим. Вақти келиб ҳикоя қиларман, деган эдим, аммо кейин шундай тушни қоғозга исроф қилишга қизгандим. Бу ҳам қанотлари яшноқ капалакни ушлаб, унга игна тикиб, деворга санчиб қўйишга, чиройли гулни узиб, дафтар варақлари орасига тикишга ёки ноёб хонгулни овлаб тутиб, кийик бечоранинг гўшти ширинлиги учун сўйиб юборишга ўхшайди.

Қизғанмаганимда ҳам ёза олмайман, ўзи ёзмай қўйганимга ҳам анча бўлган, уйга қамалиб юрибман. Мени билганлар кўчада кўришса: «Кўринмай қўйдингиз? Жа уйга бекиниб олиб ёзаясиз шекилли?», дейишади. «Қаёқда!». Ёзаман деган ўй кўп, режалар бор, лекин чиқмайди. Ёзишга ўтираман, қоғозга бир-икки жумла тушираман, ўхшамайди. Бир куни «Викинглар» деган кинога тушдим. Яхши кино экан, таъсирланиб кўрдим. Кино тугади, шифтдаги чироқлар чинк-чинк этиб, аввал бир-иккита, кейин бараварига ёнди, доимгидек босинки ғовур кўтарилди, ўриндиқлар орасидан ёнлаб чиқишга бораётганимизда бирданига қиз боланинг шодон қичқириғи эшитилди: «Вой, бу кимнинг сумкаси?». Ҳамма ўша ёққа – тепага қаради. Қиз, йигити ёнида бўлса ҳам бояги қичқириғидан пастроқ, лекин ҳамон баланд овозда гапирди: «Қаранг! Биров қолдириб кетибди!». Қиз йигитнинг ортида эди, сумка эса йигитнинг олдидаги ўриндиқнинг бурчагида турарди. Йигит сумкани олиб, «Ҳой, кимники бу?», деди. Ҳамма ўрнидан турган эди. Олдиндаги бир йигит орқасига ўгирилиб, сумкага қаради-да, яна олдинга қараб: «Ҳэ-э, Сано!», деб чақирди. Йигитнинг олдидаги қиз унга қаради. «Сумканг қолиб кетяпти-ку», деди йигит. Негадир йигитнинг ўзи дастлаб сумкага қўл чўзмади. «Вой-й! – Сано – Санобарнинг товушида кўрқинч бор эди. – Оберинг! Оберинг!». Йигит сумкани бу йигитдан олиб унга узатди. Қизнинг олдида яна икки дугонаси бор эди, энг олдиндагиси талмовсираб ўгирилиб: «Ҳа, Сано?», деди. «Вой! Сумкам қолиб кетяпти экан!», деди қиз. «Во-ой! – у қизнинг талмовсираши кўрқувга айланди. – Вой, Сано-ей!». Қолиб кетаётган сумкани кўрган қиз эса тинмай йигитига бидирлар эди: «Қарасам – сумка ётибди! Кимники деб ўйладим! Шундай бурчакка тикилиб

ётибди. Биров унутган деб...» Йигити эса негадир хижолат бўлиб, ҳаммадан кўзини олиб қочар эди. Учинчи қиз эса паришон, юзида ачинишми, таассуфми, ишқилиб, шунга ўхшаган ифода, сумкасини топган қиз эса негадир унинг олдида ўзини гуноҳкор билиб, «Кинога эсим кетиб...», деб нукул ўзини оқлар, сумкани бағрига маҳкам босиб олган, «Сано!» деб кўрқиб кетгани эса сумкадан кўз узмас эди. Энг биринчи қиз эса гоҳ қизларга, гоҳ уларнинг ёнидаги йигитга аланг-жалаң кўз югуртириб, ўзининг йигитига бояги гапларини қайтарарди: «Шундай бурчакда ётибди-я! Кинога кирганда ёнига қўйгану тураётганда унутган...» Уч қизнинг йигити ниҳоят уларнинг эсига келмаган гапни айтди: «Раҳмат!». Ҳалиги қиз эса маъюсланиб: «Шундай қарасам!.. Ўрнимдан тургандан кейин бирдан кўзим тушди», деб яна такрорлади.

Шундан ҳикоя чиқармоқчи бўлдим, ҳар хил руҳий ҳолатларни ўйладим:

а/ қиз кино таъсирида ўзи ҳам кутмаган ҳолда яхшилик қилиб қўйиб, кейин кўнглининг туб-тубида, айтмай, билдирмайгина ўзим олсам бўлар экан дедими; йигити эса унинг кўнглидаги майда манфаатни туйиб, ундан ўзини узоққа олиш пайига тушдими;

б/ қиз сумкада қимматбаҳо нарса бор деб ўйладими ёки ўзи қилган яхшилигидан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетиб, буни бошқалар унча қадрламагани учун ҳадеб қайтаряптими, йигити асли қизни алдаб юрган бўлиб, энди шундоқ яхши қизнинг олдида ўзининг пастлигини сезиб қолдими;

в/ «Вой, Сано!» деган қиз сумкадаги нарса йўқолмаганидан кўра, дугонасининг паришонлигидан хурсанд, униси эса ичиқоралигини яшириш пайида, ҳатто йигит ҳам сумкасини қолдирган қизга ўзини бегона кўрсатмоқчи, бўлмаса, уч қизнинг ичидан юрадигани шу қиз.

Хуллас, у ёғини-бу ёғини ўйладим, икки йигиту тўрт қизнинг ҳар бирининг ўзича фикри, ўзича муносабатлари бор, шунда ҳам ҳеч бировининг ичи ташига тўғри келмайди. Олтови ҳам жуда мураккаб экан. Яхши бир ҳикоя чиқиши мумкин эди, лекин кўнглим сезиб турибди-ю, бир якун ўйласам, унга акс бошқа бир хулоса келиб чиқадигандек туюлаверди. Кейин ёзганимда ҳам «Хўш, нима бўпти? Битта сумка йўқолганига шунча гапми?» деган савол кўндаланг чиқаверди. У пайтлари ҳар бир ёзган нарсангизнинг моҳиятида катта ижтимоий мазмун, ибратли бир сабоқ бўлиши шарт эди. Мен бир ҳикоямни пьесага айлантирган эдим. Унда иккита аспирант қизнинг стипендиясини бошқа бир қиз ўғирлайди, Мусо деган бир йигит учта аёлни уюштириб уни фош қилишга киришади, лекин қўлидан ҳеч нарса келмайди, ҳаммаси эски ҳолича қолади, институтдаги ҳаёт илгаригидек давом этаверади. Воқеа жуда қизиқ эди, бир-иккита режиссёр ўқиб, сахнага қўйса бўлади, оригинал, деди, вазирликда бир бошқарма бор экан, пьесаларни бор ёки йўқ қиладиган, шу ерга берсам, у ердагилар бир устоз танқидчимизга оширибдилар, устоз танқидчи: «Муаллиф танлаб олган воқеа жуда арзимас, унинг асосида кўпчиликнинг диққат-эътиборини жалб қиладиган асар яратиш қийин... Муаллиф яхши ният билан қалам олган-у, лекин нияти рўёбга чиқмай қолган. У танлаган воқеа айтмоқчи бўлган ғояларни очишга ночорлик қилган. Воқеа тутуриқсиз бўлгани учун персонажлар ҳам жуда ғариб, рангсиз, инсоний белгилардан маҳрум бўлиб чиққан... Буларнинг барчаси пьесани ғоявий-бадиий жиҳатдан бугунги талабларга жавоб беролмайди, деб баҳолашга асос беради», деб ёзибдилар. Такриздан анграйиб қолдим: устоз танқидчи пьесада кўра ўзимнинг чангимни қоқишга бел боғлаган кўринади. Кейин, бу воқеани тўқиганим йўқ, асли ростдан шундай эди, воқеанинг ўзи шунақа арзимас, одамлар шунақа бачкана, институтдаги ҳаётнинг ўзи тутуриқсиз бўлса, менда нима айб; мен шу кичкина ҳодисадан катта гап, майда ўғирликдан катта ўғирликлар ҳақида хулоса чиқаришга томошабиннинг ўзини ундамоқчи эдим деб, раддия ёзай дедим-у, фойдаси йўқ, биринчидан, танқидчи устоз одам, унинг юзига оёқ қўйиш одобдан эмас,

иккинчидан, бу кишининг ҳукмномасидан кейин, минг тортишма, биронта театр пьесани олмайди, учинчидан, пьесани юрагимдан чиқариб эмас, балки театрга қўйилса, оладиган пулимга қизиқиб ёзган эдим. Лекин шундан бери кўрган-билган воқеаларимнинг замиридан катта ижтимоий мазмун ва улкан ижобий ибратлар чиқмаса, уларни ҳикоя ё қиссага айлантиришни ўйлаб кўрадиган бўлдим. Тўғрироғи, ҳали ҳам ўйлаб кўряпман, ёзмапман. Тумонат кўп, жуда ажойиб, баъзан ғаройиб воқеаларга дуч келаман, азбаройи ижтимоий мазмунсизлиги, замиридан катта хулосалар чиқмагани учун, ёзмайман, дўстларимга оғзаки айтиб бераман. Ҳаммаси эшитган, баъзиларини қайта-қайта тинглаган, лекин думоқ чоғ, кайфият баланд пайтлари: «Ҳалиги, бор-ку, ўшани айтиб беринг», деб илтимос қиладилар. Айрим оғзаки ҳикояларимни бошлашдан олдин: «Олдин айтиб бермаганманми? Айтган бўлсам, айтинглари, айтмайин», деб сўраб оламан. «Айтгансиз. Лекин айтаверинг, айтаверинг», деб қистайдилар, айтаман, улар худди биринчи марта эшитаётгандек берилиб тинглайдилар, ҳатто адаштирган жойларимни тўғрилаб ҳам қўядилар. Гоҳида эса баъзилари: «Йўқ, сиз яхшилаб айтолмаяпсиз, олдин айтганингиз бошқача эди, мана, ўзим ўшандай қилиб айтиб бераман», деб ҳикоямни оғзимдан олиб қўядилар. Шу ҳикояларим билан ҳангома қизийди. Ҳикояларим ҳар хил, ҳаммаси ҳаётдан олинган, лекин ҳаммасини ҳам ёзиб бўлмайди, чунки ўша пайтдаги талаблар даражасида катта ижтимоий мазмун йўқ, социал буюртмага тўғри келмайди. Лекин, қизиқ, тушунмайман - мазмуни саёзроқ, воқеаси ҳам анчайин, чуқурроқ хулосаси бўлмаса ҳам, одамлар маза қилиб эшитади. Ўзим ҳам айтишни яхши кўраман. Ё ўзим саёзроқманми, деб ўйлаб ҳам қоламан баъзан.

Кейин ўзи бир хил воқеалар бўладик, уларни фақат айтиб бериш мумкин, ёзишга ярамайди. Мана, биттаси. Бир куни Отчопар бозоридан чиқиб келаётсам, кўкрагига қора кучукчани босиб олган бир ўрис кампир олдимни тўсиб: «Эй, тўхтанг, яхши одамга ўхшайсиз, юзингиз шундоқ очик экан», деди. Ҳозир тиланади, деб ўйладим. Бозорнинг ичидагилари ҳам безор

килиб юборди ўзи. Кампирнинг кийимлари сал абгорроқ эди. Кучугини менга чўзиб: «Шуни олинг!», деб илтижо қилди. Ўзимни тортиб: «Э, йўқ, кучукни бошимга ураманми?», дедим. Кампир ичади, шу кучукни яримтанинг пулига сотмоқчи, деб ўйладим яна. «Майли, пули керак эмас, шундай олинг. Юзингиздан кўриниб турибди: сиз ҳайвонга озор берадиганлардан эмассиз. Яхши қўлга тушсин деяпман-да», деб кампир мени яна мақтади. Уста кампир экан, одамни шундай деб эритади-да дедим, лекин, бари бир, гапи ёқди, бозордан оёғимда оёқ йўқ, ҳориб-толиб чиқяпман, таъсир қилди. «Раҳмат! – дедим. - Раҳмат, лекин уйда кучукка қарайдиган одам йўқ. Ўғлим ҳам, қизим ҳам лицейда ўқийди, фақат шанба-якшанба куни келадилар». Кампир ҳайрон бўлди: «Ўзингиз қаранг. Ахир, бу жуда яхши кучук, бир яхши одамга бераман деган ниятда турган эдим, сизни узоқдан кўрдиму шу одамга бераман, дедим», деди. Кучукнинг кўзлари мўлтиллайди, ҳайвон тилида мени олиб кетинг, деб кампирга қўшилиб ялинаётгандек. Ноқулай аҳволда қолдим, бир томондан, кампирнинг гапларидан кетолмай турибман, у билан гаплашгим келяпти, бир томондан, одамлар қараб ўтяпти, кучук кучоқлаган кампир билан нимани гаплашяпти бу одам, деб айтмайдиларми... Олсам ҳам бўларди-ю, лекин қандай олиб кетаман, ўғри тегмасин деб, машинасиз келганман, кийимим ҳам кучук кўтарадиган эмас. Лекин энди кампирни ҳам хафа қилгим келмаяпти. Кучук ҳам чиройли, тим қора, кўзлари ҳам тўсдек, териси товланади, гавдаси узун, тумшуғи ҳам чўзинчоқ, ҳовлида ўйнаб юради-да, машинамни миниб келсам, олиб кетардим, деб ҳам ўйладим. Шуни кампирга тушунтиришга уриндим. «Бундай қиламиз, шу кучукни уйингизга бориб оламан, албатта бораман», дедим. Бу кампир кучугини ҳозир менга ўтказмагунича қўймайди, деб ўйлаган эдим, йўқ, у бирдан кўнди: «Яхши, - деди хурсанд бўлиб. – биламан, бир сўзлик одамсиз, албатта борасиз. Мен Чилонзорнинг ўн еттинчи мавзеида тураман. Шундоқ болалар боғчасининг ёнидаги, йўлга кўндаланг тушган уй, ёзиб олинг, йигирма тўрту ўн тўққиз». Ёзиб олдим. Кампирдан узоқлашишим билан бошқа одамга айландим, «Ол-а, бир куним шунга

колдими? Кучукни деб атай Чилонзорга келиб юраманми?», деб ўйладим. Уйга келиб, кечкурун чой ичиб ўтирганимизда: «Бозордан чиқаётганимда бир ўрис кампир, мени атай тўхтатиб, жуда яхши одам экансиз, юзингиздан кўриниб турибди, мен яхши одамларни юзидан танийман, деди», деб келинингизга талтайдим. «Ўрис кампирлар учун яхши одам бўлсангиз керак-да», деб чандиб кўйди келинингиз. «Э, ишонмадинг-а, текинга берди, олмадим. Чиройли, тоза кучукча эди», деган эдим, бирдан қизим: «Вой, дада, нега олмадингиз, шу вақтгача ҳовлимизда кучук бўлмаган», деб афсусланди. Ўғлим эса синглисига: «Э-э, ўчир! Ким қарайди унга? Ҳовлини бир марта ҳам супурмайсан», деди. «Ўзим қарайман, ҳовлини ҳам супураман», деди қизим. «Айтишманглар, - деди келинингиз. - Қанақа кучук? Дадангнинг ҳамишаги гапи-да, билмайсизларми?». «Э-э, ростдан. Ҳозир олиб кетолмайман, уйингизга бориб оламан, деган эдим, адресини берди. Бечора менга ишониб қолди», дедим. Шу-шу, қизим ҳар куни айтади, ўғлим: «Э-э, олиб келиб беринг шу қизингизга, бошни қотирворди-ку», дейди, келинингиз ҳали келмаган кучукка қарашни икковининг бўйнига қўяди, кампирнинг «Бир сўзлик одамсиз, биламан, албатта борасиз», деган гапи менинг кулоғимдан кетмайди. Охири ўн беш кунча ўтиб, бордим Чилонзорга. Боғчанинг ёнидаги, йўлга кўндаланг тушган ўша йигирма тўртинчи уйни топдим. Кампирнинг эшиги биринчи қаватда экан, кўнғироғини босган эдим, ичкарида бирданига тўрт-беш ит ҳар хил вовуллаб юборди. «Ҳозир!», деб кампир ҳам товуш берди. Эшик очилди, очилди-да... пасту баланд саккиз-ўн кучук баравар отилиб чиқиб, ёнимдан бир-бирига урилганча ўкдек ўтиб кетди, иккитаси думалаб ҳам тушди. Ўзимни зўрға четга олиб қолдим, ҳатто кўрқишга ҳам улгурмадим. Уларнинг орқасидан «Серий! Серий! Орқага!», деб қичқариб кампир чиқди. Мени кўрдию жилмайди, «Юрагим билан сезган эдим келишингизни, бугун деб ўтирган эдим», деди. Салом бердим.

«Мана, кўряпсиз, менинг ҳаётим - шулар», деди кампир. «Нечта ўзи булар?», деб сўрадим. «Ўн саккизта!», деди фахр билан кампир. «Уйингиз

неччи хонали?», деб сўрадим. «Бир хонали», деди кампир. Анграйиб қолдим, «Қанақасига? Битта хонада шунча ит!», дедим тилим тутилиб.

Ташқарига чиқдик, итларнинг қайсиси буталарнинг тагини ҳидласа, қайсиси дарахтлар тагида оёғини кўтарган, бир-бири билан иши йўқ. Ҳалиги қора кучукча ҳам пилдираб юрибди. «Серий!» деб пўписа қилиб қўйди кампир катта оласига. «Шуларни деб яшайман-да, - деди яна кампир маъюсланиб. — Бошқа кимим бор. Официантка эдим, пенсиядаман, лекин идиш-оёқ ювувчиликка ўтиб олдим. Ҳар куни челақ-челақ сарқит олиб келаман, талашиб-тортишиб ейди булар. Шулар учун ишляпман-да. Раҳмат келганингизга, лекин нега дарров келмадингиз, бари бир келар эдингиз-ку?». «Иш кўп эди», дедим. Тезроқ кетгим келди. Итлар у ёқ-бу ёққа ивирсийди, ҳалиги Серий дегани ёнимизга келиб, мени искалайди. Атрофда уч-тўрт одам ола қарайди, турган гап, итлар ҳам, кампир ҳам уларнинг жонига теккан, бақириб бермоқчилар, лекин кампирнинг олдида пўрим кийинган одам турибди. Кампир ҳам менинг ёнимда ўзини катта одам сезган. Кучуклар орасидан менга кўкиш-оқ бароқ кучукча ёқиб қолди, кампирнинг қарашидан билдимки, у ҳам шу кучукни сўрашимни билди, лекин бермоқчи эмас. «Оти нима шу кучугингизни?», деб сўрадим. «Пушок», деди кампир. «Шуни менга берсангиз?», дедим. «Ладани билмаяпсиз-да. Пушок нима — оддий кучук. Ладани берамиз сизга», деди кампир ҳамма кучукларининг ҳам номидан. Мен Пушокни беринг, дедим, кампир Ладани бераман, деди, охири: «Ладани ҳам олсангиз, Пушокни қўшиб бераман», деди. Шунга келишдик. Ўзим ҳам бирон нарса берсамми, деб турган эдим, кампир мени ноқулайликдан кутқариб, иримига — «итларининг ризқига» атиги ўн сўм сўради. Кучукларни уйга олиб келдим, бирпасда ҳовлига ўрганиб кетишди. Лекин бир-икки кун ўтиб қарасам, дарвозанинг олдида маҳалланинг итлари уймалашадиган бўлиб қопти, Ғазирага бораётганда Ладани машинага солдим-да, ундан уч қишлоқ бери - Ботботда тўхтаб, итни бир ҳовлининг тўғрисига ташлаб кетдим. Ит бўлса ҳам, сизди шекилли, машинадан тушгандан кейин қимирламади, ортимдан қараб қолаверди. Жуда ичим ачиди, анчагача ўзимни гуноҳкор

билиб юрдим. Шундан кейин олти-етти ойлар ўтди-ёв, бир куни ичкари уйда қоғоз қоралаб ўтирган эдим, қизим ҳовлидан ранги ўчиб кирди. «Ҳа?», дедим. «Дада, Пушогимизни сўраб бир кампир келди, олиб кетмаса эди», деди. «Қизим, хаёлингга нималар келмайди-я», дедим-у, лекин бирдан ўша кампир ёдимга тушди. Мумкин эмас, унга қайси кўча, қайси уйда туришимни айтмаганман-ку, деб ўйладим. «Пушок, деб чақирган эди, Пушок югуриб бориб суйкалди. Аниқ ўша кампир!», деди қизим. Ҳовлига чиқсам, ҳа, ростдан ҳам ўша кампир, у ҳовлига аланглайди, Пушокбой эса думини ликиллашиб, «гостинец» – совғани чангитиб уряпти. «А, Лада қани?» - кампирнинг саломлашгандан кейин сўрагани шу бўлди. «Уни қишлоққа бериб юбордим», дедим, тўғриси айтишга кўнглим бўлмади. «Яхши одамлар олдим, ишқилиб?», деб мунгайди кампир. «Ҳа, албатта, қариндошларим, ўзлари сўраб қўймади», дедим. Кампир лакка ишонди: «Раҳмат сизга, Ладамни ёмон одамларга бермаганингизга ишонаман!», деди. Мени ҳали ҳам яхши одам деб билганига сал ноқулай бўлди. «Менга қаранг, ҳовлимни қандай топиб келдингиз? Адрес бермаган эдим шекилли, отимни ҳам билмайсиз», деб сўрадим. Кампир ожизона жилмайиб: «Топдим-да, эски шаҳарда тураман, деган эдингиз-ку», деди. «Қанақасига?! – деб тонг қотдим. – Эски шаҳар катта-ю, Самарқанд дарвоза, Чуқур кўприкни билмасдингиз-ку?». «Шу, келавердим, юрагим қаёққа бошласа, шу ёққа қараб юравердим. Ичимдан туйдим-да, мана, топиб келдим», деди кампир.

Қаранг, ҳайҳот шаҳарда, яна ҳайҳотдек эски шаҳарда турар жойимни ҳам, отимни ҳам билмай, ҳеч кимдан сўраб-суриштирмай, тўппа-тўғри Каттабоғ кўчасидаги ҳовлимга кириб келаверибди. Юраги сезиб! Бировга айтсанг, икки дунёда ишонмайди! Мен ишхонада, дўстлар даврасида, ишқилиб, ажабтовур воқеалар ҳақида гап кетса, албатта шуни айтаман, оғзаки ҳикояга ёзишдан ҳам устароқман, аввалига «Йўғ-э, э-э, қойил!», деб эшитадилар, кейин бир пас ўйлагандан кейин, «Йўқ, мумкин эмас, адресни билган, юраги ҳар қанча сезгир бўлмасин, Эски шаҳар жуда катта, билмаса,

топиши мутлақо мумкин эмас. Ё обқочяпсиз!» деб туриб оладилар. Лекин рост! Айнан шундай бўлган.

Пушокбой ҳали ҳам бор. Ҳозир ҳовлига ўрганиб кетган, эшикка чиқишим билан оёғимга тармашади, думини ликиллатиб қараб туради, кейин ҳаҳ-ҳаҳ деб думалайди, бирдан туриб қочиб кетади, яна пилдираб келади, орқа панжасида тик туриб, менга термулади, хуллас, дардини биламан – бир нарса бериб қолар деган ўйда умидвор! Кампирнинг хонасида яшамаганми, авваллари уй ичига киравериш безор қилди, ҳовлига чиқариб, эшикни ёпиб олсак, панжалари билан тақ-тақ уради денг! Шуни Пушоклигини билиб турсак ҳам одамнинг кўнглини ваҳм босар экан. Худди ақлли бир катта жонивордек! Лекин кейин бу ерда бошқа одамлар туриши, итни ҳеч қачон уйга қўймасликларини бўйнига олди, шунга ҳам ҳаминиша хурсанд. Машинамни танийди, дарвозанинг очиқ эшигидан пилдираб-думалаб отилади, машинанинг атрофини айланиб чопади. Бир марта мен келиб тўхтадим, шу пайти бир «Москвич» ҳам ўтиб қолди, дарвозадан учиб чиққан Пушок тўппа-тўғри унинг тагига кириб кетса денг! «Москвич» ғийқиллаб тўхтади. Ўлди, деб ўйлаган эдим, бир лаҳзадан кейин кучукча бечора шунақа ангиллаб бердики, «Москвич»идан тушган ҳайдовчи кишининг ранги ўчиб кетди. Пушок бўлса, шу ангиллаганича машина тагидан чиқиб, ичкарига отилди. Уч-тўрт кун оқсаб юрди-да, тузалиб кетди.

Пушокнинг ўзбекчаси – Паҳмоқ, Паҳмоққа аҳмоқ уйқаш. «Ҳей, Паҳмоқ - Аҳмоқ!» десам, негадир жўшиб кетади. Ҳовлини гирр айланиб, кумуш пўстак ер бағирлаб учаётгандек, хўб чопади, кейин ёнимга келиб, икки оёғини кўтарганча таққа қотади, худди мукофот сўрагандек. Мен унга яна: «Эй Паҳмоқ! Аҳмоқсан-да, Аҳмоқ!» дейман, у яна бирдан бурилиб чопишга тушади. Қаранг, ҳайвон-да, ҳайвоннинг кўнгли оқ, «аҳмоқ» деган товушни ўзига мақтов деб билади.

Қизиқ, қани эди шуларни ёзсанг, лекин булардан чуқурроқ маъни тополмай одамни қийнайдилар. Баъзан уларга керак катта маъни ўйлаб

топасан-у, шунга мос саргузашт тополмайсан. Уларга катта воқеа, қаҳрамон бўлса! Бир куни ўзим ҳам аввал қаҳрамон бўлдим, кейин шу қаҳрамонликдан «тушиб қолдим». Ишдан чиқиб Шайхонтаҳурдаги бекатда турган эдим, трамвай келиб қолди, бирдан ҳамма кичқириб юборди. Бир одам релсни кесиб, биз томонга келаётганини кўргандек эдим, шу одамни трамвай гуппа босиб кетибди! Одамлар кичқириб юборганда кўрмаган эканман, кейин карасам, шундоқ рўпарамда, трамвай тагидан иккита оёғи чиқиб турибди. Ҳамма қотиб қолган. Қараб турсам, оёқнинг иккови ҳам қимирлаяпти! Илгариги қўш вагонли эски еттинчи трамвай эсингиздами, олди узун, бир ярим метрча келарди, бечорани шундоқ кўндаланг йиқитиб, тумшуғи тагига думалатиб босиб, ғилдиракларига атиги ярим қарич қолганда тўхтабди. Секин палахса бетондан тушиб бордим-да, ҳалиги иккита оёқни ушлаб, тортдим. Ишқилиб, бирон жойидан илиниб қолмаган бўлсин-да, деб ўйлаганим эсимда. Бечорани суғуриб олдим, костюми бошига ёпилиб қолган экан, ҳамма «Ҳи-ий!» деб юборди. Қаранг-эй, мен тамом деб ўйлаган одам, бирдан туриб ўтирди, костюмини шарт туширди, кўзи аланг-жаланг, нима бўлганига ақли етмаяпти, фақат бурни эзилган, қонталаш кўкариб турибди. Худонинг асраганини! Бир-икки одам келиб елкамга қоқиб: «Маладес!», деди. Қаранг, ростдан-эй, кўрқиб қолмабман, ўзимни йўқотмай буни трамвай тагидан бамайлихотир тортиб олибман! «Қалай, у ер-бу ерингиз лат емадими?», деб қўлларини ҳам ушлаб кўрдим, жойида! Турмоқчи бўлиб, кўлини мендан силтаб тортиб олди, лекин турулмади, ғирт маст ҳам экан. Шу вақти бир киши: «Манг, сизларники», деб қўлимга қоғозга ўралган бир нарсаси тутди. Ушласам, икки кило музлаган гўшт. Буники экан, мени шериги деб ўйлабди. Мен гўштни унинг тиззасига қўйдим. Бирпасда тумонат тўпланди, муҳокама бошланди. Кимдир мелиса чақириш керак, деди. Жингир-жингир қилиб бизнинг трамвай бу томондан келди. Агар мелисавозлик бўлса, ким кўрди, ким гувоҳ деб, бошни қотиради, дедим-да, трамвайимга чиқиб кетавердим. Тик туриб олганман. Ёнимдаги ўриндиқда икки қиз овозининг бориचा гаплашиб кетяпти. «Бир ургандаёқ тагига кириб кетди. Устидан икки

бўлак қилиб ўтиб кетди, деб ўйлаган эдим». «Икки эмас, уч бўлак қиларди», деди униси. «Вой-й!» деб қичқириб юбордим!», деди буниси, «Мен ҳам. Тамом, ўлди, деб ўйладим-да», деди униси. Қарасам, ҳозир бўлган воқеани айтишяпти, ўзим эса уларнинг тепасида турибман, булар мени кўрмаяпти. «Қизлар, нима бўлди? Нимани гапиряпсизлар?», деб сўрадим. Иккови барабар менга қаради. Ҳозиргина нима бўлганини менга «Йўқ, мен айтаман», «Йўқ, шовша, сен унча айтолмайсан, мен айтай», деб талашиб-тортишиб айтиб бердилар. Жўрттага «Э-э, шунақами? Ростданми?», деб эшитяпман. «Шунда оқ костюм-шим кийган бир киши шундай борди-да, трамвай тагидаги одамнинг оёғидан тортиб чиқариб олди», деди буниси. «Киши эмас, йигит эди, - деди униси. – Ўзиям баланд бўйли, келишган йигит экан!». «Жуда салобатли экан-да, кўзимга кишидек кўринди. Лекин йигит бўлса ҳам зўр киши экан! Ҳамма кўрққан-да ҳам кўрқмади. Ўлган бўлиши... ўлган одамнинг оёғи бўлиши мумкин эди-ку! Тўғри бориб, қўли билан ушлади!», деди буниси. «Роса чиройли экан!», деди униси ҳаяжон билан. Шу ерга келганда завқим тошиб чидай олмадим. «Қаранглар-чи, ўша йигит мен эмасми?», дедим. Иккови бирдан гапдан тўхтаб менга қаради. «Ҳечам-да!», деди униси. «Вэй! – деб буниси бурнини жийирди. – Башарангизга бир қаранг». Мен ўзимга бир қараб олдим-да: «Мана, менинг костюмим ҳам оқ», дедим. «У йигитнинг костюми жуда қиммат, модний эди», деди униси. «Менга қаранг, нимага бегона қизларнинг гапига суқиласиз? Уялмайсизми? Биз унақа қизлардан эмасмиз», деди буниси. Мен кулиб юбордим, бошқа гапирмадим. Ҳар қанча исботламай, ўша йигит ўзим эканлигимга ишонтира олмас эдим. Бу қақажон қизларнинг хаёлидаги ўзим шу қадар баланд эдимки, ҳозирги туришим ўша ўзимнинг олдида бир пул эди. Лекин, бари бир, худди боя трамвай тагидаги одамни тортиб олган одам бошқа, ҳозир трамвайда кетаётган ўзим бошқа одамдек, қизиқ аҳволга тушдим. Ўзимни ўзим шу қизлардан рашк қилдим. Аҳволимнинг бетайинлигини қаранг-да энди, аламим келди-ей.

Ана шу воқеани ёзсам ҳам бўлади-ю, лекин ўзингни қаҳрамон кўрсатиш, гарчи сени ҳамма танимаса ҳам, бари бир, ўзингга ноқулай. Хўш, бир бечорани трамвай уриб кетибди, сен унинг оёғидан ушлаб, трамвай тагидан тортиб олибсан. Бор-йўғи шуми? У трамвай босганда ўлиб, сен уни тирилтирганинг йўқ-ку! Шунинг нимаси қаҳрамонлик? Лекин бошқа томони ҳам бор, аниқ эсимда: ҳали трамвай тагидан иккита оёқ чиқиб туриб, сал кимирилаганда, битта мен бордим, аввал эгилиб, шу оёқларга қарадим, кейин секин ушлаб тортдим. Суғуриб олдим ҳалиги одамни. Ҳа, шундай кўз олдимда турибди: одам кўп, лекин атрофим бўш эди, ҳаёлимда фақат бу томондан трамвай келиб қолмасин-да, деган хавотир бор эди, чунки мен қарши томоннинг йўли устида турган эдим-да. Бу одам туриб ўтириб, қўлини мендан силтаб тортиб олиб, яна олайиб қараб қўйгандан кейин бошқалар ўраб олишди. Мен қилган иш жуда қаҳрамонлик бўлмаса ҳам, ҳар қалай, бошқаларнинг юраги дов бермаган, кўнгли ботинмаган нимадир ўзгача бир ҳаракат эди, бари бир.

Бунақа воқеалар давраларда айтиб беришга яхши, гапни гапга улайди, вақт ўтганини билмай қоласан. Буни ҳам кўп айтиб берганман, ўзим ҳам яхши кўраман, таниш-билишларим, баъзилари ичида мени опқочяпти, деб ўйласа ҳам, бари бир, берилиб эшитади.

Лекин бошқа нарсани ўйлайман, шунақа ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни айтаётганда, ўша воқеани кўргану ҳозир гапираётган ўзимми ё бошқача эдимми, дейман, чунки ўша воқеаларда ўзимнинг иштирокимни гапираётганда қандайдир бошқача, ҳозир гапираётганимдан мардрок, қандайдир тозарок тасвирлайман, шунда одамнинг ўзи ҳақидаги фикри ўзига унча тўғри келмайди, мен яшаётган ҳаёт ҳам кўриб турганимдан бошқачарок шекилли деган ҳаёлларга бориб, ҳаётнинг асли билан у ҳақдаги тасаввурларим ўртасида адашиб юргандек бўламан.

Ғулистонга ҳам шундай қилиб бориб қолдиммикан дейман. Ҳа, дарвоқе, у ҳеч тушимга қирмайди, яна бир кўрай, бориб бир қарай-чи, нима

Ўзгаришлар бўлган экан, хизматчи қизнинг тақдири нима кечди, боласи каттариб қолгандир, билай деб шу қўзимни чирт юмиб ётаман, ухлаганимда бошқа тушлар келади, фақат Ғулистон эмас. Лекин уйғоқлигимда ўйларимни тинч қўймайди, хотираларим хаёлимга бостириб кириб, мисоли қопонғич ит бўлиб талайверади.

Саёҳатнинг энг боши

Келинингиз билан болаларимни Жиззахга ташлаб келганимга анча бўлган. Жиззах Тошкентдан иссиқроқ, лекин бу ердагига караганда мева-чеванинг бозордан олинмаслиги, ҳозирги шароитимда ёзда уларни бирон ёкка жўнатишга чоғим келмаслиги, кейин, бувасию бувисининг илиқ кучоғи, тоғаларининг меҳри ҳар қандай дам олишдан яхши эканини ўйлаб, қайнотамнинг чорбоғида бир яйраб юринглар, деб олиб бориб қўйганман. Кундузлари ишда овунаман, кечқурунлари уйда бир ўзим зик ўтираман, Паҳмоқ-Аҳмоқдан бошқа эрмак йўқ, у ҳам ўн-ўн беш дақиқа. Ўтириб кучук билан гурунг қурмайсан-ку.

Зерикаман, ўтириб олиб шу зерикишнинг охиригача боришни мақсад қилгандек, зерикавераман. Худди зерикиш менга берилган баланд бир мартабадек, масъулият билан зерикаман. Чеки чегараси йўқ бир мазмунли зерикиш. Кўнглим ториқиб кетади. Одам деган зотнинг кўнгли ўзи ғалати, гоҳ ундай, гоҳ бундай, нега шундайлигини тушуниб тургандек бўласан-да, аниқ тушунмаганингдан қийналасан. Бир хил кунлари уйқудан эзилиб, ғаш турасан, кун бўйи ўйлайсан, шу нимадан ғашлигингни тополмайсан, баттар ториқасан, бирон танишинггами, яқининггами захрингни сочиб юборасан-да, салдан кейин бирдан енгил тортиб, енгил бўлганингнинг сабабини ўйлаб, нима, жинни-пинни эмасманми, деб ажабланасан. Ё бўлмасам, кун бўйи очилиб-сочилиб юрасан, ҳаммага яхши гапирасан, кейин бирдан, йўқ ерда ғуссага ботиб юрганингни, ҳазил-хузуллари, шод-хуррамлигинг фақат ниқоб эканини, ўзингни шундай кўрсатишга ҳаракат қилганингни англаб қоласан. Майли эди бирон ташвишни ўйлаб ғуссага ботсанг, лекин ғуссангнинг ўзи мутлоқ ғуссанинг ўзи, ҳар куни келиши таниш, лекин, бари бир, ўзи нотаниш, тубига етолмайсан...

Шундай зерикарли-ғуссали кунларнинг бирида, шанба эди, душанбагача бир ўзим қандай яшайман, дедим-да, охириги пулимга бориб-келишга етарли бензин олиб, ҳайё-хуйт, Жиззахга отландим. Машина

хайдашни яхши кўраман, катта йўлда камида бир юзу ўттиз-бир юзу қирк юраман, кўзим йўлда, хаёлниң саёҳатини суриб боравераман. Ростдан, машинада хаёлим эркин саёҳат қилади, каминага ҳам, мана, яратганга шукр, шу хаёл, шу хаёлни суриш эркини бергани учун яна минг шукрлар бўлсинким, саёҳат насиб этди, дейман-да, кетавераман. «Нўл тўққиз» ел қувлагани сайин хаёлим ҳам баландлай боради, шу пайтгача кўрмаганим маконларга етаман. Ҳозир одамлар дунёнинг хоҳлаган бурчагига бориб келаётир. Албатта, чўнтак ё амалларидаги имкониятларига қараб. Саёҳатдан ҳар ким ўзининг, яна шу чўнтаги ё амалига қараб, ҳам қизиқишига яраша кўнглига сикқанини олиб келаётир. Сотгани – жомадон-жомадон мол. Айтайлик, мана Отчопар бозорида хитойлик бақалоқ кўғирчоқ «Ваҳ-ҳа-ҳа» деб ханда отяпти. Хитойга бормаганлар уни харид қилиб, уйларида қуввати тугагунча кулдирадилар. Саёҳатга борганлар яна кўрганларини ҳам олиб келадилар. Ҳар ким таъбига яраша: ким хориж дўконида неча хил ароқ, неча хил колбаса-пишлоқ санагани, ким денгизни кўрганини, ким эркагу аёл қипяланғоч чўмиладиган оролга борганини гапиради, бормаганлар эшитиб, ҳавасга чўмади. Мен, бир вақтлар Москва, Ленинград, Новгород шаҳарларига, Болтиқбўйи республикаларига борганимни айтмаса, бошқа жойни, узоқ хорижни эса умуман кўрмаганман. Унча қизиқмайман, боролмайман ҳам, лекин юртимизни саёҳат қилишни, ўзимиздаги бормаган жойларимга боришни яхши кўраман. Термизга шу «нўл тўққиз»имда беш марта, Бухорога тўрт марта борганман, Фарғонада қанча бўлганимни санаганим йўқ, Самарқанд ўз жойим. Фақат Хоразмга машинада бормаганман, лекин ўзим у ерда ҳам, кейин Қорақалпоғистонда ҳам кўп бўлганман. Одам, айниқса ёзувчи одам ўз юртини беш бармоқдек билиши керак, дейман. Ҳозир ҳам бор-йўғи Жиззахга кетяпман-у, хаёлимда юртимизнинг узоқ-узоқ пучмоқларида саёҳатда юргандекман.

Шу, Жиззах билан Тошкентнинг йўлида бир жой келади, орқа ҳам, олдини ҳам бир хил манзара, яъни катта йўл у ёққа ҳам, бу ёққа ҳам бирдек чўзилиб ётади, ўртада ўша-ўша бетон тўсиқ, икки чеккада ҳам чуқур зовур,

зовурлардан нари бири биридан сира фарқланмайдиган кўтарма семон-арик. Йўлнинг шу жойида ҳамиша ҳаёлим адашади: Жиззахга бораётган бўлсам, худди Тошкентга келаётгандек бўлиб қоламан, у ёқдан келаётган бўлсам, худди Жиззахга – орқага қайтаётгандек туюлади. Бешинчи курсда, Ленинградда, Салтиков-Шчедрин кутубхонасига амалиётга катнаб юрганимда ҳам, Невский проспектининг бир жойида шунақа бўларди, «Китоб уйи»га бораётганимда қарасам, олдинга эмас, орқага кетаётгандек туюлар, сал юрганимдан кейин эса «Китоб уйи» олдимга ўтиб қолар эди. Бу йўлда ҳам ҳамиша тўрт-беш дақиқа ақлим адашади, ўрганиб кетганман: «нўл тўққиз»нинг тумшуғи бирдан Тошкентга қарайди-да, сал юргандан кейин яна Жиззахга ўнгланади.

Йўлда бир ўзим, зоғ йўқ, машинамнинг оппоқ тумшуғи гўё Тошкентга қараган, лекин Жиззахга кетаётганим, мана, ҳозир ойдинлашади деган туйғуда тезликни туширмай боряпман. У пайтлари чет эл машиналари ҳали йўқ, ташландиқлари ҳам келмаган, «нўл тўққиз» - энг учқур машина, газни қанча боссанг, шунчага тортади, бир юзу етмиш бешгача ҳайдаб кўрганман, учгани сайин тумшуғи шунча босилади, текис йўл - жони, худонинг ўзи асрасин деб, бир юзу элликларгача чикдим. Кўп юрган ҳайдовчи катта тезликда йўл белгиларига қарамайди, уларни кўрмайди, лекин ҳаёлининг бир чеккасида ёзилиб бораверади, агар ҳаммаси ўз ўрнида ҳамишагидек турган бўлса. Мен ҳам шундай кетаётган эдим, бир вақти диққат қилсам, йўл бўйида доим қаторлашиб турадиган белгилар йўқ; янги шиорлар бор эди, уларнинг ҳам биронтаси кўринмайди, асфальт ҳам оқиш, йўл қора эмас, резина ишқаланишининг доимги юқуми билинмайди, ғилдиракларнинг шиғиллаб-ғувиллаб, йўлнинг палахса бетон улоқларига гурс-гурс урилиши йўқолган, машина юмшоқ, майин бир гиламда кетаётгандек. Сал секинлатдим, йўлдек йўл, бир қарашда яхши, теп-текис. Аммо бу яқин ўртада одам ўтмаган, бир энлик чанг босгандек, орқамда булутдек карвон-карвон тўзон тургандир, деб қарасам, йўқ, фақат енгилгина ғубор ер бағирлаб эргашяпти. Машинани тўхтатдим, моторни ўчириб, эшикни очдим. Атроф

чеки-чегараси йўқ, адоқсиз биёбон. Ҳеч қандай хавф кўринмаса-да, тушишга оёғим тортмади. Йўлни босган нарса чангга ҳам ўхшамайди, сичқон терисидек майин йилтирайди, худди тегирмондаги ун гардидек. Шундан билдимки, бу гард бир-икки кунлик ё ҳафталик эмас, балки ойлар, эҳтимолки, йиллар бўйи шундай ётибди. Ҳеч бир из йўқ, қафт билан силаб чиққандек сидирға текис, чангга ҳатто қуш панжасининг изи ҳам тушмаган. Атроф тим-тирс, осмон артилган шишадек товланади, шунақа тозаки, агар узоқдан қуш учиб ўтса, силкинаётган қанотларини ҳам аниқ-таниқ чизиб кўйса бўладигандек. Паустовскийдамиди, «ҳаво жаранглайди», деб ўқиган эдим, бу ер ҳам шундай. Лекин ўлик, йўқ, алланечук ҳаракатсиз, қотиб қолган чиройсиз манзара.

Сал турганимдан кейин ҳавода ростдан ҳам қандайдир жаранг бордек туюлди. кулоқ солиб турдим: аввал ўчиқ моторда доимгидек жуда паст чирс-чирс товушларни эшитдим, кейин эса ҳавонинг элас-элас жаранги кулоғимга келди. Жаранг эмас, худди оёғига шокила-шокила кўнғироқчалар такқан хинд қизи рақсга тушаётгандек, фақат жуда олисда, ингичка кўнғироқ товуши. Менга шунақа туюляпти, битта йўлдан келяпман, ҳеч қаёққа бурилганим йўқ, Жиззах тўғрида-ку, адашишим мумкин эмас, кўзимга кўриняпти деб, яна машинани ўт олдирдим. Осмон, йўл, чеки-чегараси йўқ биёбон кўриниб тургани билан, бу ер бўшлиқдек, ҳаво боягидек жаранглаётгани билан, барибир, ҳаёт йўқдек, «нўл тўққиз» енгилгина, сиз шунга эътибор беринг-да, мен буни бекорга айтмаяпман, жонивор ҳавода бир гувиллаб, силкинмай, бир текисда, худди ўзи юриб кетаётгандек ҳаракатда эди. Ҳа, ҳавода ҳақиқатан ҳам жаранг бор, лекин бу ердан, ҳали уларнинг орасига кирмай туриб, шунча узоқдан қандай эшитдинг денг? Ана шунисига ўзим ҳам ҳайронман, кулоғимнинг ўн чакиримдан ҳам олисроқ жойдан одамга тақилган занжирнинг жиринглаганини илғаб олганига, бир томони, ақлим лол бўлса, бошқа томондан, ҳозир ҳам кўрқиб кетаман. Эшитишда бунақа сезгирлик тинчликда яшайдиган одамга эмас, доим хавф-хатар ичида ов қиладиган ҳайвонга хос-да, ахир. Ҳайвон, бу ҳам ўлжани пойлаши, ҳам

Ўзи тузоққа тушиб қолмаслик эҳтиётини қилиши керак. Ё ким билади дейсиз, фавқулодда ҳолатларда одамда ҳам фавқулодда қобилиятлар пайдо бўлиб қоладими, ишқилиб, қулоғимга пашшанинг ғингига ўхшаб элас-элас кириб турган пастгина жиринг-жирингга бошда бир эътибор қилдим-у, кейин қўл силтадим. Аҳволим ҳозир эшитилган бир тушуниксиз товушни ўйлайдиган эмас эди ўзи.

Ҳа, дарвоқе, ёзувчи дўстимнинг рўмонида бу гаплар йўқ, у тўғридан-тўғри Гулистон пойтахтига бориб, меҳмонхонага жойлашганимдан бошлаб кетаверган. Унга қандай йўл босганим, йўлда нималар бўлгани, кейин қаерда турганимни ҳам батафсил айтганим йўқ-да.

Яна йўлга қайтсак, шу зайлда анча юрдим, кейин олдинда бир қурилиш кўринди, Тошкент – Жиззах йўли, кўп юрганман, менга ёд бўлиб кетган, аниқ биламан, бу ерда бунақа иморат йўқ эди. яқинлашганда қарасам, «ДАН» манзили, янги шекилли, дедим. Шу ҳайронлик ичида эсимда қолибди – бино бошқачароқ бўялган эди. Ичкарисидан бир «дан»чи чопиб чиқди, машинамга қарадию анграйиб қотди, мен ҳам тезликда ўтиб кетибман, сал кейин эсласам, кийими ғалати, кўк эмас, сарғиш-қизил, офтобда бир нарса елкасидан осилиб, оёғигача тушиб йилт-йилт қилди, нималигини унча кўролмай қолдим. Орқага қарадим, у ўзига келиб, рациясига ёпишди. Жаримага пулим йўқ-ку деб, юрагим шиф этди, мени хабар қиляпти! Лекин ўзи тўхтатмади-ку! Балки «дан»чи эмасдир. Эндигиси ушласа ушлар, ҳужжатларим жойида-ю, лекин бари бир хавотирга тушдим. Нимадир ғалати эди, йўл ўзгарди, машиналар юргани билиниб қолди, жуда тепада бир катта қуш шитоб билан олислади, йўл чеккасида бир юмронқозик ибодатда турганида ўтиб кетдим. Унда-бунда ҳаёт асари кўринди, одами йўқ ўланзорлар чиқди, буғдойзорнинг ҳосили ўриб олинган, думини силкитиб иккита от юрибди, ҳув узоқда яшил дала, полизга ўхшайди, яна нарироқ борсам, ўт орасида уюм-уюм увада – чангда унниқиб кетган оқ қўйлар шунақа кўриняпти экан, чўпони жуда ҳам баҳайбат туя минган, худди чош

килиб жун ортилган араванинг тепасида ўтиргандек. Шунақа туялар ҳали бор экан-да, дейман. Одамни кўрганимга кўнглим сал жойига тушди-ю, лекин ғашлигим тарқалмади.

Биринчи кўзим тушганда унча эътибор қилмаган эканман, ҳадеб унда-бунда учрайверганидан кейин қарасам, олма кўп экан. Далаларнинг чеккасида, ичида ё ёлғиз, ё тўп бўлиб ўсиб ётибди, бошини еб битган, етилиб қолган мевалари офтобда товланади. Худди ўзимиздаги тутга ўхшаб ҳамма ерга тарқалган. Олмафурушларнинг макони шекилли, қайтишда келинингизда пул бўлса, бирон челақ олиб кетамиз, болаларим қарсиллатиб еб юради, деб кўнглимга тугиб ҳам қўйдим.

Яна «ДАН» манзили учради, боягидақа бўялган, унда ҳам бояги кийимдаги посбон, оқ-яшил таёғини ўйнатиб, елкасидан оёғигача йилтираб йўлга чиқди-ю, машинамни тўхтатмади. Бу ҳам шоша-пиша рациясига ёпишди. Шундан билдимки, йўл кета-кетгунча «ДАН» назоратида, бугун булар рейд ўтказаятганга ўхшайди. Фақат тўхтатиб жарима солса ё қўлига сўраса, чўнтак касал, китоб ўқимайман деб туриб олса, албатта ёзади, деб кўнглим ғашланди.

Бир қишлоққа кириб бордим, одамлар юрган экан, машинадан қараганда ғалатироқ кўринди, буларнинг кийимида ҳам узун-узун бир нарса йилт-йилт қилади, арқонми десам, унча ўхшамайди. Машинамга ҳайрон бўлиб қарайдилар-да, ичида ўтирган ўзимга кўзлари тушгани заҳоти худди кўрмаётгандек бефарқ бўлиб қоладилар. Нима бало, буларнинг қишлоғига бегона одам келмаганми, дейман. Кейинги қишлоқда эса ҳалиги кийимдаги посбонлар кўчадагиларни уй-уйига ҳайдаб киритаётганини кўрдим. Ундан кейинги қишлоқнинг кўчаларида одам йўқ, фақат ҳар эллик-юз метрда посбонлар қатор, йўлга орқа ўгириб турарди. Қачон шунча кийимни алмаштириб улгурибдилар, деб ҳайронман.

Лекин бу ерларда ҳам ҳалиги манзара: ҳамма ёқда олма, унда-бунда тол, терак ҳам бор, лекин олма жуда кўп, кейин худди шунақа йўл бўйларида хурмо ҳам олмага аралаш экилган, шиғил, чақалоқнинг муштидай кўм-кўк меваси кўплигидан, пишмаган бўлса ҳам, шохлари ҳалитдан осилиб ерга теккан. Ҳаммаси сал бошқача туюлди-ю, лекин бирпасда кўзим ўрганди. Ҳозир кўнглимга боғдорчилик сиғмаётган эди.

Эсимда йўқ, ишқилиб, анча юрдим, бир «ДАН» масканида тўхтатдилар. Саёҳатим шуми, мусибатимми ё уларга бир мусибат бўлдимми, ишқилиб, шу ердан бошланди. Кейин саёҳат саргузашту риёзати бисёр бўлса, у, менингча, саёҳат эмас, сафар дейилади. Гулистонга қидириб келмадим, келгандан кейин қийналган жойларим, айниқса кўнгил сиқинтиларим бор, шунга бемалол сафар десам бўлади.

Сафарнинг бошланиши

Боядан бери ялт-юлт, йилт-йилт этиб, кўзимга урилиб, хаёлимга ҳам кириб қолган нарса – занжир, кўкан экан. Мени тўхтатган посбонлару харбийлар занжир таққан, ҳаммаси бўйнидаги занжир бўйинтасмадан икки кўлининг билагигача, яна шу бўйинтасмадан белидаги занжир белбоққа, ундан икки тўпиғигача яна занжир билан боғланган эди.

Одам шу пайтгача сира кўрмаган, умуман бўлиши мумкин бўлмаган нарса ё воқеани ўз кўзи билан кўриб турса, жуда ғалати аҳволга тушади. Мана, дейлик, бу ёқда, куппа-кундуз куни Тошкентнинг автолар гавжум кўчасида шунча одам бошқараётган машинанинг орасида биттасини маймун ҳайдаб кетаётганини кўриб қолсангиз, кўзимга шундай кўриняпти деб, ўзингиздан хавотир оласиз, кўрқув босади сизни. Агар ёнингизда бошқа одамлар бўлса, «Э-э! Қаранглар! Маймун машина ҳайдаяпти! Ўзи ҳайдаб кетяпти-эй!», деб беихтиёр қичкириб юборасиз, негаки ёлғизликдаги кўрқувнинг ўзи кўрқинчли, сизга шерик керак. Бошқалар ҳам буни кўриб, хавотирга тушса, кўрқса, қичкириб юборса, демак, маймун ростдан ҳам машина ҳайдаб кетяпти, кўзингизга шундай кўринмаяпти, демак, сизга ҳеч нарса бўлмаган, ақлдан озмагансиз, шунинг ўзи сизга катта мадад. Кейин, шерикликдаги кўрқув кўрқинчли эмас, одам фақат ёлғиз қолганда, ёлғизликдан кўрқади, кўплашгандаги кўрқув – ботирларнинг ҳайронлиги, холос. Одам кўпчиликнинг ичида бир ўзи кўрқмайди, кўпчилик билан биргалашиб кўрқиш нотаниш, номаълум бир нарсага ёки мубҳам бир хавфга шунчаки қизиқсинишга ўхшаб кетади. Кўпнинг ичида турганда маймуннинг машина ҳайдаб кетаётганини кўриб қолсангиз, чалаҳайрон бўласиз-да, дарров ғайриоддий ҳодисани оддийлаштириб оласиз, масалан, «Оддий маймун эмас бу, ўргатилган, ҳа, циркдан қочган», деб сабаб топасиз. Бир ўзингиз кимсасиз катта кўчада маймун машина ҳайдаб кетаётганини кўрганда албатта кўрқасиз, ақлдан озяпман, деган хаёлга ҳам борасиз-да, шу заҳоти ақлингиз жойидалигини кўрсатадиган сабаблар излайсиз, буларни

топасиз-да, кейин, бўлиши мумкин, циркда хайдаса, нега кўчада ҳайдай олмайди, ҳайдашни ўрганган экан, мана, ҳайдаяпти, дейсиз. Яна шуниси борки, одам ногаҳонда ақли етган ҳодисадан кўрқади, агар ақл бу ҳодисага изох топа олмай қолса, кўрқув ҳам тўхтайдди, ақл эса ғайриоддий ҳодисани ўзи ўрганган андазалар билан ўлчаб, уни оддий мантикқа мослаштиришга, шу билан кўрқув туйғусини ҳимоялашга ўтади: қойил, зап ўрганиб олибди, худди одамдек ҳайдаб кетяпти-я, дейди одам.

Албатта, кўрқувнинг шакли-шамойили кўп. Бировга: «Оғайни, тун ҳам кундуз, фақат қуёши йўқ», деб минг тушунтиринг, у бари бир, қоронғи тундан кўрқаверади, бир умр кўрқади. Биз билан бир барзанги йигит ишлар эди, юриш-туриши ваҳима, ҳамкасбимиз уйланганда, тўйда шу гавдаси билан ўйинга тушиб, ҳаммани кўрқитди, шундан кейин унинг Боқи оти Боқизавр бўлиб кетди. Энди, қаранг, шу гавда, боши шифтга тегадиган бўй билан қоронғидан жуда кўрқар, кечаси ташқари чиқмоқчи бўлса, албатта ёнидаги ҳамхонасини уйғотиб, бирга борайлик, деб ялинар экан. Агар ўзи кечаси одамнинг олдидан туйқусдан чиқиб қолса, кўрқмаган одамнинг ҳам юрагига ваҳима солар эди. Кўрқув деган нарсга гавдага қарамас экан-да.

Яна бир одамни биламан, кечқурундан бошлаб, анув кулбача жойга борадиган бўлса, аввал бормасликнинг чорасини хўп излайди, захар танг қилавергандан кейин, ноилож, ариқнинг пастидаги катта ҳовлисининг ҳамма чироқларини чарақлатиб ёқиб, чароғон йўлакдан салобат билан кўкрак кериб, томоғини қаҳрли қириб, йўлга тушади. Қоронғида ногаҳонда ҳамла қилиши мумкин бўлган рўдапоми, яна нима балоларни ҳуркитишга мўлжалланган бу ҳаракат шу атрофда бошқашиларми ё бекинмачоқ ўйнаб юрадиган шумғия болакайларни ўзига чорлайди. Амаки кулбачага кириб, эшигини тамбалаб олиши билан... томчага тўп-тўп кесак тушиб бошлайди-ку. Амаки ичкаридан мардона наъра тортади: «Ким бу ҳазиллашаётган? Қулоқсиз, беодоб! Ҳозир қулоғини кесаман! Ўзидан каттага ҳам шундай қиладими, а?» Қишлоқда нима кўп, кесак, тўп-тўп тўхтамайди, наъра бўқиришга айланади, «Билиб

турибман, сен Эшматнинг боласи Тошматсан, кун чиқсин, бўйнингни узиб оламан, қараб тур!» Бу ёқдан албатта садо берилмайди, пиқир-пиқир кулги кулбагача етмайди. Сал ўтмай мардона бўкириш пасайиб, гулдирашга, гулдираш эса ошкора ялинишга айланади. Болаларга эмас. Амаки зорланиб хотинини чақиради: «Шапо! Шапожон, бу ёққа қара! Бу балодан ўзинг кутқар. Ўлдириб қўяди мени! Э-э, бунинг бостириб келишини қара! Ўлиб қоламан!» Шафоат хола ичкаридан: «Ҳай, қирчинингда қирилгур, шу катта одамдан бошқа одам қуриб кетдими сизларга», деб қарғаниб чиқади-да, устидан бекитиб олган эрини асоратдан халос қилиб, эргаштириб келади. «Э тавба, шунча чироқ ёруғ, мунча юрагингиз ёрилмаса?», дейди. Ростакмига ўтакаси ёрилган амаки: «Томнинг устидан гуп-гуп бостириб келгандан кейин юрак қоладими? Ичида ўзинг бўлмадинг-да», деб ўзини оқлайди. «Минг марта айтаман, - дейди шўрлик хотини. – Узоққа бориб юрманг, майли, шу атрофда ишингизни қилаверинг деб». Энди хотинининг ҳимоясида ўзини анча босиб, дадилланиб олган амаки шовқин солади: «Э-э, мени нима деб ўйлаяпсан? Қоронғида кўрққаним билан, худога шукр, ҳали оёқдан қолганим йўқ». Бу-ку майли, қоронғида ким кесак отгани кўринмайди, инсу жинс ҳам ҳазиллашиши мумкин, лекин кун ботгандан кейин таниш одам чақириб келиб, амаки овозини таниб турса ҳам: «Шапо, Шапожон, ўзинг қара, биров чақиряпти», деб яна зорланади.

Нима дейсиз энди?

Яна бировлар бор, илондан кўрқади, буралиб ётган чилвиргами, сигирнинг ерда судралиб кетаётган арқонигами, хуллас, чўзилиб ҳаракатланаётган нимаигаки кўзи тушса бас, ваҳима босади. Бир курсдошимиз бўларди, ҳарбий хизматни ўтаган, уйланган, фарзанди бор, биздан тўрт-беш ёш катта, оти Али ака, «Алака!» деб қисқартириб айтамыз. Пахтага чиқамиз, унинг фартуғи тўлай деганда мен: «Хў, Алака!», дейман, у: «Ҳа!», дейди. Ҳамма курсдош теримдан тўхтаб, тез-тез қайтариладиган томошага мунтазир қараб туради. «Мана, қараб туринг!» дейман-да, битта

бақувват ғўзапояни томир-помири билан суғуриб, баланд кўтараман, «Нима бу?», дейман, «Ғўзапоя! Қўркмайман!», дейди. «Қўркмайсиз-а», деб ғўзапояни шу туришида Али акага кўрсатиб сидириб ташлайман-да, учидан тутиб айлантириб боравераман, Али ака: «Бари бир кўрқитолмайсан!», деб жойида илжайиб тураверади. Яқинлашганим сайин илжайиши йиғламсирашга айланади, кўзи ола-кула бўлаверади, охири ёнига бориб улгурмасимдан фартуғини кучоклаб, урра қочади, икки ёнидан пахта тўкилади. Бизга шу керак. Мен ундан: «Алака, жиддий, нега ғўзапоянинг ғўзапоялигини кўриб туриб, кўрқиб қочасиз? Томирлари ҳам осилиб туради-ку!», деб сўрайман. «Кўриб тураман, ғўзапоя-ку, ғўзапоя-ку, кўркмайман деб туравераман-да, туйиқсидан тагин илон бўлиб чиқса-я, деган хаёл келади, билиб турсам ҳам, ўзимни тўхтатолмайман», дейди. Қаранг, кўрқувга сабаб йўқ, лекин кўриб-билиб туриб ҳам кўркаверади ё кўрқувга ўрганиб, мослашиб, ҳатто кўрқувни яхши ҳам кўриб қолган, кўрқувсиз яшай олмайди, ундан айрилгиси келмайди. «Бу юрак билан ҳарбийда қандай хизмат қилгансиз?» леб сўраганимда, «Мен қисмдан кўп чиқмаганман, ҳарбий машқларга тягачда борар эдик, бу палакат яқин йўлай олмас эди», деган.

Момақалдиروقдан кўрқадиганлар бор. Гумбурласа бўлди, кўрпанинг тагига кириб кетади. Бу ҳам майли, аридан, чумолидан кўрқадиганларга нима дейсиз? Итдан кўрқадиганлар бор, каттасидан ҳам, кичигидан ҳам, бор-йўғи телпакдай келадиганидан ҳам, хурса бўлди, ҳатто бир чақирим нарида безарар ётганидан ҳам юраги ёрилаверади. Аёлларнинг кўпи сичқондан кўрқади, сичқон бечора-ку одамни сезгани заҳоти тирақайлаб жўнайди, бари бир, сичқоннинг ўзидан кўрқиб қочганини тушуниб турса ҳам, заифа зотининг юраги қинидан чиқиб кетади.

Бир бош бухгалтерни биламан, шунинг нимадан кўрқишини ўйлаб ҳам тополмайсиз, - телефондан! Ички, шаҳар, мобил телефонида чақиринг, бари бир, ҳеч қачон ғўшакни олмайди, бош бухгалтер, албатта сизга керак, овора бўлиб учинчи қаватга чиқсангиз, кетма-кет жиринглаган аппаратларга мазаси

кочиб қараб ўтирган бўлади. Гўшакни кўтармай гап эшитган, кейин жирингласа яна гап эшитаман деб кўтармаган, бу чексиз давом этаверганидан кейин юрагининг мазаси қочган, юрагининг мазаси қочгандан кейин хуруж қилмасин деб, яна жиринглаган аппаратга қараб ўтирса ҳам, гўшакни кўтармаган, хуллас, ўзига сурункали дард орттирган, иши шунақа, тинмай телефондан излайдилар, у эса ўзини йўқликка солиб ўтиради, борлигини билдиришдан қўрқиб, касали кучайиб кетаверади. Ҳатто хотини телефон қилса ҳам ўйнашим эмасмикан деб ваҳимага тушади, шу ҳолига яна ўйнаш тутганига ўласиз, ўйнаши сим қоқса, хотиним бўлиб чиқса-я, деб ўтакаси ёрилаверади, умуман қўрқув домидан чиқолмайди.

Демак, ҳамма қўрқувнинг тагида қанақадир тушунча бор, ақл ишлаб туради, шу ақл кейин таскин ҳам беради. Лекин одам ғайриоддий ходисаларни кўрганда бошқача аҳволга тушади: у ўйламай, ажабланмай кўяди, чунки минг ўйлагани-ажаблангани билан ақл чегарасидан нариёққа ўта олмайди, ходиса қандай бўлса, шундайлигича кўришга ўзини мажбур қилади.

Мен ҳам шу ҳолатларнинг ҳаммасига бирваракай ўхшаб кетадиган бир аҳволга тушдим. Аввалига, боя айтганимдек, ҳайрон бўлдим, ҳайронлигим ҳам бир тийрак, сачраб турадиган таассурот эмас, балки қанақадир қарахтроқ, доноликка ўхшаб кетадиган ғаройиб бир лоқайдлик эди, нега бунақа ўзимга ўхшамаяпман деган бир таҳлика ҳам бор эди кўнглимда: бу ҳам худди ҳукми ўқилган одамнинг энди ҳаммаси бефойда деган бир хулосага келганидек. Яна денг, бу жойга худди сўрамай келиб қолганман-у, лекин нега сўрашим керак, рухсатни қаердан ҳам олардим, ахир, тўғри йўлдан келяпман-ку, тўғри йўлимдан буларнинг ўзи чиқиб қолди-ку, деган ўжарлик ҳам бор, хуллас, ҳамма туйғу-таассуротларим аралаш-қуралаш, лекин тагида нимадандир хавотирли бир қўрқув симиллаб турар эди – бу шунча занжир таққаннинг ичида ёлғиз ўзим занжир тақмаган эдим.

Машинамни тўхтатдилар, аниқроғи, бу аҳволда бошқа юриб бўлмаслигидан, худди йўл сўраётгандек, беихтиёр ўзим тўхтадим. Улар ҳам мени худди шу жойда кутиб турган экан, лекин эътиборсизроқ қарши олдилар. Уларга ҳурмат билан машинадан тушдим. Машинамнинг эшигини улар ёпдилар, шу пайтда улар билан кўришаётган эдим, эшикнинг охишта ширқ этишидан юрагим шувиллаб қўйди: сиз ўз уйингиз эшигини очиб чиқсангиз-у, орқангиздан эшигингизни сизга келган одамлар қулфласа, кўнглингиздан нима кечади, менда ҳам шундай бўлди, нимагадир, энди машинамнинг менга ёпиб қўйилганини англадим. Одатим бўйича, ҳеч бирининг юзига тик қарамай, жамоатга салом бериб, кейин ҳаммаси билан бир-бир қўл олишдим. Бўлади-ку: бир узоқ танишингизникига, масалан, тўйга ё маъракага, ишқилиб, лозиматга борасиз, борган пайтингизда мезбоннинг ўзи бўлмайди, эшик олдида кутаётганларнинг ҳаммаси сизга нотаниш, лекин улар сизни танийди, нафақат танийди, балки уларга шу одам келса, албатта шунақа кутиб оласизлар, ўзини қандай тутишни унинг ўзи билади, деб тайинланган бўлади, сиз ҳам шуни билиб турган ҳолда танимаган одамларингиз билан, мажбурият юзасидан худди уларни яхши танийдигандек иштиёқ билан кўришасиз, улар ҳам шундай, саломни менсимайдиган энг ғўдайганлари ҳам эшик олдида мезбон бўлиб тургани боис қўлингизни оғринмай олади. Лекин булар билан кўришаётганда мен билан кўришгилари келмаётгандек, қўлимга қўл бераётганда кўзларида аллақандай саросима қалққанини пайқагандек бўлдим. Худди менга қўл бергилари келмаётгандек туюлди. Илжайиб ҳурмат кўрсатишларида ҳам, юзлари очик бўлса-да, қандайдир қатъий қоида, ҳатто мен ҳам бўйсуним керак бўлган бир талаб бор эди. Яна ғалати, нокамтарлиг-у, лекин ғаним томонга асир тушган саркардага ўхшатдим ўзимни. Улар ҳамма гапимга, ҳамма истагимга лаббай деб турибдилар, мен эса айна шуларнинг ўзлари белгилаган чегарадан ташқари чиқолмаслигимни билиб, ўша истагим ё гапимни айтмайман, айтмаслигим керак. Масалан, «Оғайнилар, мен сизлар ўйлагандек, катта одам эмасман, бор-йўғи, фақат бир-иккита жўраси қаторга

кўшадиган қаламкашман, холос. Адашибми, адашмайми, бу ерга келиб қолдим, илтимос, қайтишга йўл кўрсатинглар!», деб камтарона сўрагим келяпти, аммо, билиб турибман, сўраш керак эмас, билиб туриб сўрамаяпман. Лекин, бари бир, хаёлим ҳали ўртада овора-сарсон, зўр бериб ўйлаяпман. Фақат қимирлаганларида занжирларининг жиринг-жиринг қилишига сал алаҳсияпман, занжир шиқирлаши керак-ку, нега жиринглаяпти, деган савол чалғитиброқ турибди.

Аввалбошда ҳаммаси занжир тақиб олганига бугун буларнинг бирон ҳайити шекилли, деб ўйладим. Лекин шу ўзим билган Мирзачўл, бу ерларда бунақа маросими бор қавм йўқ: боягидан бери юрган бўлсам, ўн беш-йигирма чақиримча юрдим-да, агар ҳам Қозоғистонга ўтиб кетмаган бўлсам. Лекин Қозоғистонда ҳам ўзимизникилар, битта мазҳабдамиз. Кейин ўзи жуғрофий маънода бирон ёққа ўтиб кетишим мумкин эмас, харитани жуда беш кўлдай билмасам-да, бари бир, вилоят ва туманларимизнинг қандай жойлашганини кўз олдимга келтира оламан, яқин-ўртада бирон байрам ёки ҳайитида занжир тақадиган одамлар яшамаслиги аниқ. Юрган йўлим чамасича, ҳали Оқ олтин тумани ҳудудидан чиқиб кетмаганман, лекин Оқ олтинда бунақа жой йўқ, жой эмас, буларнинг муомаласи, ўзини тутиши, яна ҳаммасининг занжир тақиб олгани бу ернинг бутун бошли мамлакатнинг бир ўлкаси эканини кўрсатиб турибди, бинобарин, унинг битта туман ҳудудига сиғишига ақл бовар қилмайди. Кейин буларнинг менга эҳтиром кўрсатишида бегоналигимни урғулайдиган бир таъкид бор эдики, бу ҳам бу ернинг бошқа юрт, менинг ҳам кутилмаган, яна бўлакча меҳмон эканимни кўрсатарди. Шунда кўнглимга чин хавотир оралади, қанақадир мутлақо бошқа жойга келиб қолдим, бу жойни ҳам, ҳозир ўзим кўриб турган одамларни ҳам кўрмаганман, эшитмаганман, умуман шунақа жой ва шунақа одамлар борлигини билмаганман, булар менга шунчаки бегона эмас, балки бизга умуман тескари, ёт, қанақадир ўзга бир зотлар, бизга ўхшаган одам эмасга ўхшайди, деб ўйладим.

Мени бўйнидан оёғигача тақилган ялт-юлт занжирларини жингирлатиб посбонлару ҳарбийлар ўраб олиб, дарров лимузинга ўхшайдиган, ойналари кулранг, ичкараси кўринмайдиган, узун бир машинага чиқардилар. «Нўл тўққиз»им нима бўлади деб ўйлаган эдим, ўша заҳотиёқ сўрамай тушундим: катта юкмошинга ортиб, ўраб қўйдиларми, демак, орқамдан олиб борадилар. Амалдори ҳам, ҳайдовчиси ҳам, кўриқлаб турган каттаю кичик аскарлари ҳам, хуллас, ҳаммаси занжирга чулғанган. Кийимлари, сиртдан карасангиз, бизникига ўхшаб кетади-ю, лекин тугмаси кўп. Аввалига занжирига эсим оғиб, диққат қилмаган эканман, бунча тугма нимага керак бўлар экан, деб разм солсам, қўлтиқлари тагидан тўпикқача, бўйиндан икки қўлнинг билакларигача икки қатор тугма, яна зеҳн қўйсам, буларнинг занжири бўйинда ҳам, билакда ҳам занжиртасма билан ечилмайдиган қилиб кавшарланган, лекин кийим ечилиши, алмаштирилиши керак-ку, кўп тугма шунга экан, яъни кийим икки бўлак пўстлоқдек ечилади, кийилганда шу икки бўлак занжирнинг тагидан тугмаланади. Акс ҳолда, бўйиндан, икки қўлу оёқдан чиқмайди, кийилмайди ҳам. Тасаввур қияпсизми, тўғри, кўрмаган одамнинг буни тасаввурга келтириши қийин. Шунинг учун йўлда учраганларнинг кийимига кўзим тушганда ҳам йилт-йилт қилган нималигини ақлимга келтиролмаган эдим, ҳатто посбонларни яқиндан кўрганда ҳам, буларнинг кўчалик либоси шунақа экан, деган хаёлга борибман. Тўғри-да, бизда ҳам ҳарбий зобитларнинг байрамлик либосларида шунақа аксельбантми, эполетми деган нарсалар, елкасидан осилиб турадиган қанақадир ўрмалари бор-ку, шунақа бир нарсадир-да, дебман.

Олдинда чироғини палпиллатиб бир машина, орқамиздан уч машина эргашиб, карвон бўлиб жўнадик. Икки ёнимда биттадан фукаро кийимидаги одам, лекин ҳатти-ҳаракатлари шахдамлигидан билдимки, махфийлар, жуда бўлмаса, ҳарбий тайёргарликдан ўтган. Ҳибсга олиндим десам, боя айтганимдек, эътибор жойида, мўътабар меҳмонман десам, мени йўлда учраганларга кўрсатгилари йўқ, лекин мен уларни кўриб боряпман, демак, буни ҳам Фулистонда анча яшаганимдан кейин англадим, мени бу

ердагиларга эмас, менга бу ердагиларни кўришга имконият туғдирганлар. Кўзим тушган ким бўлмасин, ҳаммаси занжирга солинган. Машинада кетяпмиз, енгилгина жиринг-жиринг, кўникмаганимдан қулоққа ғалати, нега ҳаммаларинг занжир таққансизлар, деб сўрашга ноқулай.

Шу жойларни диққат билан ўқинг-да, албатта, мендан бошқа одам бунақа гапларни айта олмайди, сиз учун атай батафсил ёзаяпман, тасаввурингиз тўлиқ бўлсин, ҳалиги ёзувчи дўстимнинг бўямаларига ишониб юрманг деб.

Йўлнинг ўртасидаги бетон тўсиқ - баҳайбат занжир шаклида, то уфққача тортилган, йўл чеккасидаги шиорлар, плакатларни умримда биринчи бор кўряпман. «Занжир – тартиб амалиётидир» деган шиорни кўриб, аввалига анграйдим, кейин, айниқса, «Инсоннинг ақл-заковати уни занжирни кашф этишга олиб келди», «Ёввойи табиат – занжирсиз, маданий жамият – занжир билан!» деган шиорларни ўқиганимдан кейин, анграйишим қизиқишга айланди. «Куйлар куйи – занжир жаранги» деган шиорга умуман қойил бўлдим. Бир жойда орқада қолиб кетган машиналарни кутиб секинладик, жуда баҳайбат плакат бор экан: мускуллари ўйнаб кетган бақувват, лекин занжирланган чиройли йигит ним жилмайиб, олис-олисларга боқиб турибди, пастда эса занжири йўқ майда одамлар тирақайлаб ҳар ёнга қочяпти. Унда «Тартиб рамзи - ғул, эркинлик – ўз майлига қул», деб ёзилган эди, ростки, бу фалсафадан тонг қотдим.

Индамай кетяпман, хавотирли бўлса ҳам қизиқ, мен ҳам уларга қизиқман шекилли, чап томонимда ўтиргани, занжирига алаҳсиб эътибор бермабман, бир қоши оқ, бурнининг ёнида катта холи бор экан, кимсиз деган эди, исми шарифимни айтдим, кейин қаердансиз деган саволига асли самарқандлик, лекин тошкентлик бўлиб кетганимни уқтирган эдим, умуман тушунмади. Нега тушунмаганини ўзим ҳам тушунмабман, кейин Ўзбекистонданман, унинг пойтахти – Тошкент, ўша шаҳарда тураман, асли Самарқанд деган вилоятда туғилганман, ҳозир Жиззахга кетяпман, деб айтган

эдим, у, ақли бир нарсага етгандек «А-а», деди, икки ёнимдагилари кўз уриштириб олди. «Нима, билмайсизларми?», дедим. Тўртови ҳам бирдан бош чайкаган эди, бўйинларидаги занжирлари бетартиб жиринглаб кетди. «Йўқ, билмаймиз», деди холдори. Нега билмасликларини секин тахминлаб бораётган эдим. «Бу ер қаер?», дедим. Холдори: «Ғулистон», деган эди, кулоғимга «Ғулистон» бўлиб кирибди, «Ғулистонда яшаб туриб, Ўзбекистонни билмайсизларми, ақлга сиғмайди», деган эдим, холдори «Яхши эшитмадингиз, «Ғулистон» эмас, «Ғулистон», деди. «Э-э, шошманг!», дедиму ўзим бирдан тушунгандек бўлдим: «ғул» – «занжир» дегани, ҳозир бу сўзни биз ишлатмаймиз, архаик, лекин ғазалларда кўп учратганман, аниқ эсимда. «Ҳа-а, Ғулистон, яъни Занжиристон, шунинг учун занжир тақар экансизлар-да», дедим. Бу гапга холдори: «Шундай, лекин унча тўғри эмас, биз ғулистонлик бўлганимиз учун занжир таққанимиз йўқ, аксинча, занжир таққанимиз учун ҳам мамлакатимизнинг номи Ғулистон!», деди. «Тушундим», дедим, чунки энди бундан бошқаларини ҳам тушунаётган эдим. Лекин олдинда ўтиргани: «Бош олиб кетяпсизми?», деб сўраган эди, яна тушунмадим. «Кимнинг бошини?», деб сўрадим. «Занжирингиз қани бўлмаса? Тўғри ғулий занжирсиз юрмайди-ку», деди у. Гапи саволдан кўра сўроққа ўхшаб кетаётгани учун: «Бизда тўғри ҳам, ўғри ҳам занжирланмайди. Умуман инсон зоти занжирга солинмайди, агар ҳам қопоғон итларни айтмаса», деб уни шарт кесдим. Тўртови ҳам бир-бирига қараб қўйиб, тунд қолдилар. Мен буларнинг ҳам елкасида биттадан калласи бор-ку, бу нима деганим, кўнгилларига келмайдими, деб сал ноқулай бўлдим. Лекин булар ҳали менинг кимлигим, қаерданлигимни унча билмаганлариданми ё нима бўлмасин, мени кўнглимни оғритмай манзилга етказиш ҳақида қатъий кўрсатма олганларми, гапим ботганини унча билдирмадилар. Холдори совуққон илжайиб, яна гапга тутди. «Бизда итга занжир тақилмайди. Чунки у ит, ғулий эмас! Фақат ғулийгина азиз занжирга лойиқ. Ғулий - улуғвор», деди. Мен тилимни ютиб, ичимда тонг қотиб қолдим, ўйларимнинг ҳам чалкаши чиқиб кетди. Холдори «эй содда одам!»

дегандек кулди, занжирлари кулгисига ҳамоҳанг жингирлаб кетди. «Унинг улуғлиги ҳам занжирбандлигида, кейин, бизда ғулийлар учун қамоқ йўқ, фақат қоғон ит, йиртқич ҳайвонлар ихота этилади, бу ҳам ҳайвонот боғида», деди. «Жиноятчилар-чи? Уларни қамамайсизларми?», дедим. «Уларнинг қамоғи ўзи билан», деди холдори. «Қанақа ўзи билан?», деб ҳайрон бўлган эдим, олдинда ўтиргани биз томонга ўгирилди-да, «Ҳамма нарсанинг мавруди бор, ҳали кўп нарсани билиб оласиз», деди.

Шу гаплашиш пайтида беихтиёр бошқа бир нарсага эътибор бердим: буларнинг занжирлари гапларига ҳамоҳанг жингирлар, кейин, ўзимча шундай тахмин қилдимки, булар мен билмаслигим керак бўлган гапларини занжирларини жингирлатиш билан бир-бирларига ишора қилаётган эдилар. Яна зеҳн солсам, занжирни фақат бугун учун, бирон байрамга атаб тақмаганлар, балки умуман ечмаганлар, у жисмларининг бир аъзоси, кундалик лозим кийимдек бир кўникмага айланган, шу қадар кўникиб кетганларки, усиз юрмайдилар, юрмаганлар ҳам, юришни тасаввурларига ҳам келтирмайдилар. Шунда ҳаёлимга бир фикр келди-да: «Сизлар кимсизлар?», деб сўрадим. Холдори менга ажабсиниб қаради-да: «Ғулиймиз!», деди. «Мен қанақа халқсиз, миллатингизнинг исми нима деб сўраяпман. Масалан, биз ўзбекмиз, сизлар-чи?», дедим. «А-а, - деди холдори. – Айтяпман-ку, ғулийлармиз, ғулиёт». Боядан бери шуни такрорлаётган экан-да.

Шу пайти келаётганимдан бери буларнинг кўнглимни ножой қилиб келаётган яна бир феъли миямга лоп этиб урилди: учрашибмиз, кўришибмиз, машинада шунча гаплашибмиз, бирортаси кўзимга тўғри қарамабди, менга саволини берганда ҳам кўрмай, жавобимни эшитганда ҳам менинг гапимни эмас, худди радиони тинглаётгандай ё бошқа ёққа, ё бир-бирига кўз тикиб келаётган эдилар. Жуда ғалати бўлдим, ўзи бирон киши ҳадеб кўзингга тикилиб олса ҳам ноқулай, бир танишим бор, кўришиб-гаплашиб қолганда одамнинг кўзига кўзини лўқ қилиб, тўппа-тўғри қадаб тураверади, жуда

ўнғайсизланаман, худди у терговчию мен бир айбдордек, тезроқ хайр-хўшга ўтаман. Лекин гурунглашган одамнинг сенга умуман карамаса, бу ҳам жуда ёмон беписандликдек туюлиб, ўзингни қандайдир ерга урилгандек ҳис қилар экансан. Аммо, начора, бошқа мамлакат, ғулиймиз деяпти, бошқача бир халқ, ёт-бегоналарни кўрганда шундай қилиш буларга одатдир, ўзларига шу одат яхшидир, ахир, бизнинг дунёда ҳам маъқуллаганда бош силкимай, аксинча сарак-сарак қиладиган, жаҳли чиққанда кўзлари қисилиш ўрнига катта-катта очилиб кетадиган халқлар ҳам бор, ўзимизда ҳам чапак чалиш қадимларда аза-кулфатни билдирган бўлса, ҳозир олқиш аломати-ку, деб тишимни тишимга босиб, ўзимга базўр таскин бердим. Ёрилиб кетай деб боряпман лекин! Ҳали бошимга нималар тушишини билмайман-у, ҳамма ёғим, бутун вужудим нима бўлар экан деб ғуж бир кутиш. Қўрққанимдан фойда йўқлигини билиб туриб, юрагимда сал-пал ваҳима бўлса-да, унча қўрқмаяпман лекин.

Ғулистон ёки ғулийларнинг ҳаёти

Баланд-баланд ошёналар пайваст иморатлари узоқдан кўриниб турган шаҳарга етиб бордик. Шаҳар, бизнинг шаҳарларга ўхшаб, аввал жавонибдаги олмали ҳовлилардан, дарвозаларининг олдидаги чавра тўсиклари, гулзору ишжомлари, улашган бир қаватли, болохонали уйлардан, кейин икки ошёналар иморатлардан бошланди, ошёналари кўтарилиши баробарида кўчаларида ғулий одами қалинлашиб, автолари гавжумлашиб борди. Ҳа, шаҳар ташидан бизнинг шаҳарлардан фарқ қилмайди, уйларнинг айвонларида осиб қўйилган кирларидан тортиб, кўчаларнинг тепасида булутдек туриб қолган кўкимтир тутун ғуборигача кўз ўрганиб қолган манзара, трамвай, троллейбус, автобуслари биздагидек тирбанд, дарахтлари дарахт, фақат олмаси бисёр, осмони шу осмон, гуллари ўша-ўша кўз ўрганган гуногун ранглар, лекин ҳамма катта-кичик шаҳарларга хос турли-туман шиорлар, суратлар, плакатлар, эълонлар, афишалар, чақириқлар, хулласки, инсон зотининг ўқиш-ёзишни ўрганганидан кейин яралган неки бўлса, ҳаммаси бошқа, умуман бу ердагилар ҳам қошу кўзи бизни айнан такрорлагани билан, бари, еттидан етмиш яшаригача ҳамма-ҳаммаси занжир осган, чорраҳаларда машинанинг зич ёпилган ойналаридан силқиб кирган шилдир-шилдир жиринг товуши ҳам бу ернинг мутлоқ бир бошқа макон, яшаш қонунлари ҳам бизникига мутлоқ ўхшамаслигини урғулаб турар, кўзимга кўриниш бераётган нарсаларнинг барчасини ақлимга сиғдиролмай, машина ичида ўзим ҳам иштирок этаётган ҳаёлий кинони берилиб томоша қилиб бораётган эдим. Лекин шаҳарнинг инсонга тааллуқ манзараси қанча ғайритабиий туюлмасин, мени ҳарқанча ҳайратга солмасин, бари бир, бу ердаги турмуш, менга нотабиий, ўзлари учун эса жуда табиий тарзда кечаётган, занжирини, занжирланган баҳайбат ҳайкаллари, чақириғу чорловларининг мазмунини айтмаса, ҳамма ердагига ўхшаган бир турмуш эди. Кўчаларда машиналар занг чалиб, бир-биридан йўл сўрар, қувлашиб юрар, сумка, портфель, халта кўтарган эркаклар, болалар аравачасини сурган аёллар худди биздагидек, кўчаларни бетартиб кесиб ўтар, ҳаммаси ўз ташвиш-қувончлари билан

шаҳарни ҳаётга тўлдириб борар, мен ҳам энди шуларнинг ичида оқиб кетаётган эдим.

Анча юрдик, чамамда шаҳарнинг марказини кесиб ўтдик, кўкимтир девор бўйлаб бориб занг бердик, чиройли занжиргулчин темир дарвоза ёнбошга сурилди. Икки томони олмazor кенг хиёбонга кирдик. Одам бир бегона жойга борса, унгача кўрмаган нарсаларига эътибор қилади шекилли, йўлакнинг икки четидаги чавра тўсиқ занжир шаклида шунақа чиройли қайчиланган эдики, беихтиёр: «Қойил! Боғбоннинг қўли гул экан», деб юбордим. Холдори очилиброқ жилмайди-да: «Ҳали шошманг, бунақа нарсаларни кўп кўрасиз. Ҳаммаси олдинда!», деди. Бир баланд иморат олдида машинадан тушдик. Раҳбарлар ҳордиқ чиқарадиган маъво шекилли, ҳаммаёқ ораста, зинапояларига чўғдек гилам тўшалган. Умуман, бизнинг илгариги обком дачаларига ўхшаб кетади. Фақат фарқи, нимага эътибор қилмай, гиламнинг гулларими, зинапоя тутқичларими, девордаги ганчнинг нақшларими, ишқилиб, ҳаммасида у ёки бу шаклда занжир рамзи бор. Ойнаванд эшикни бир қиз очди, бежирим занжир таққан, қимирлаганда кумуш қўнғироқдек жиринглайди, пешбандида ҳам занжир расми босилган, лекин чиройли, матога чизилган бўлса-да, бояги кумуш жаранг шулардан ҳам келаётганга ўхшайди.

Шу, эшик очилиш асносида бир қизик иш рўй берди, қиздаги занжирнинг кумуш жарангига мени олиб келганларнинг занжири ҳам, худди камертондек, ҳамоҳанг жиринглади. Бу ҳамоҳанглик кўп давом этмади, лекин менга шундай туюлдики, буларнинг ҳаммасининг занжири ўзаро келишиб, бир куйга жўрлик қилаётгандек, ҳар ҳолда, туйғуларим мени алдамаган экан, кейин, бу ерда анча турганимдан кейин билдимки, булар занжир тилида гаплашиб олган экан: «Салом!», «Салом! Яхши келдингизми?», «Меҳмоннинг жойи тайёрма», «Тайёр», «Қани, бошланг ўша хонага!» - буни сизга ҳали тушунтириб берарман. Бу ерда шу аҳвол, қиз занжири бор учун менга сал мумсикроқ кўринди-ю, лекин жуда сулув,

караган кўзлар баҳра олиши учун яратилган эди, булар билан қараб гаплашди, менга келганда, нигоҳи ёнбошимдан ўтиб кетди. Бир кўришда сездим: менга қарамагани билан алоҳида эътибор бор эди, буни фақат юрагим билан эмас, бутун вужудим билан туйдим. Бўлади-ку сизда ҳам, баъзи аёлларни ҳали ўзи билан гаплашмай туриб ҳам, жуда яқин бўлиб қолганини туйиқсиндан ҳис этасиз. Қиз шу ерда оқсоч ё хизматчи, аммо ўз кадрини яхши биладиган сулув эди, ҳали гаплашамиз, гап кўп...

Мени учинчи қаватга бошлаб чиқдилар. Бир ўймакор, яъни занжир нақши кесиб солинган эшикни очдиларки, сизни чарчатмаслик учун қаерда занжир расми ё шаклини кўрсам ҳаммасини айтавермай, бари бир, санаб ҳам адоғига етолмайман, хуллас, Фулистоннинг номига яраша, ҳамма ёқда гул асари бор, ҳа, ҳалиги эшикдан ичкари кирдик. Жуда мухташам, меҳмоннинг ўз меҳмонларини кутиши учун бир хона, дам олишига хона, бу ёқда ҳалиги яна керак бўладиган бўлмалар. Диван, юмшоқкурсилар, дастурхон ясоғли каттакон масо, бурчакда телевизор, деразаларга оғир пардалар осилган, ярқираган паркет полнинг ўртасида жуда чиройли гилам тўшалган. Паркет, айтмасам бўлмайди, ерга тўшалган занжир шаклида жуда чиройли терилган, локида гард йўқ. Устида юрганда оёғингизга ўралиб эркаланаётгандек.

“Мана, баҳузур дам олинг, кейин гаплашиб оламиз”, деди холдор гулий. Бор пулимга бензин олиб, ёнимда чақа ҳам қолмаганини айтиб ўтирмадим, ҳар қалай, бегона одамларга ғариб-ғурабо кўриниб нима ҳам керак. “Узр, йўлга шошилиб чиққан эдим, бу ерда ётиб-туришнинг ҳисоб-китоби қандай бўлади?”, дедим, холос, пули бор одамдек, иложи борица бепарволик билан. Пулим бўлганда ҳам бу ерда ўтмаслиги ҳали хаёлда йўқ. Холдор дераза пардаларига қараб, «Ҳеч нарсанинг ташвишини қилманг, меҳмонимизсиз, ўзимизга ўтганингиздан кейин бир гап бўлар. Ҳозир дам олинг, келган жойингиз билан танишинг», деб сирли илжайиб қўйди. “Аввал шахрингизни бир айлансаммикан?”, деб сўрадим. Улар бир-бирларига қараб олдилар, холдорининг юзига сал парда тушди, “Ихтиёрингиз, лекин маслаҳат

бермаймиз. Кейин бошқа гап”, деди. Келдим-ку, яна қаёққа ўтаман, кейини нима , бу гапларни, албатта англамадим, кўнглимга бир тахминлар келди-ю, майли, кейин бўлса, кейин-да, деб қўл силтаб, битта ўзимга шунча ташвиш, яна хизматчи қиз ҳам тайинланган, нимасига бунча хавотир қиламан деб ўзимга таскин бердим. “Мана, кассеталар, юртимиз, ўзимиз тўғримиздаги ҳамма маълумотлар шуларда бор, бемалол кўраверасиз. Пастки ошёнда кутубхона, у ҳам ихтиёрингизда. Яна нима керак бўлса, манави тугмани босасиз, қизимиз хизматингизда», деди холдори худди мен кўрмаётгандек аввал телевизорга, кейин эшик кесакисига янги ўрнатилган ўша тугмага имо қилиб.

Дўкайроғи шекилли, фақат холдори гапиради, бу иккови унинг нима дейишини назорат қилиб ё ўзларининг занжир тилида ўргатиб турадими, деб ўйладим. Чунки мен сўраганимда, ҳали холдори жавобга оғиз жуфтламай, буларининг занжирлари садо беради, ҳатто қизники ҳам уларга ингичка-нозик жўр бўлади. Буларнинг занжир билан бир тўхтамга келиб олиши, холдорининг ҳар бир гапини маъқуллаб туришини, албатта, кейин билдим, лекин ўша вақтдаёқ нимага бунча ғалати жиринг-жиринг деб, эътибор қилган эдим.

Ҳозирдан «билдимки», «сездимки» деб ёзипман, сиз бу одам ҳамма нарсани олдиндан пайқар экан ё ўзини шундай ошириб юборяпти, деб ўйламанг тагин, шунчаки, вақтида кўрганларимга кейин ақлимга етгани аралашяпти. Воқеаларни улар ўтгандан кейин таърифласангиз, албатта ўша вақтдаги нарсаларга кейин ўйлаганларингиз ҳам қўшилиб кетади-да. Ҳали бу воқеаларга алоқаси йўқ нарсалар ҳам ҳикоямга кириб қолган, улар ё мени, ё уларни тушуниш учун керак, лекин ҳозир гапдан алаҳсимай, кейин айтаман.

Ҳа-я, дастурхондаги бошқа нозу неъматлар ўртасида катта чинни лаган тўла олма ҳам турган эди. Бошқача эртаки навларидан шекилли, олтиндай сап-сарик товланиб мени е, мени е, деб турибди. Одамни нимага бунча ўзига тортишини ҳали билганимча йўқ лекин.

Ниҳоят мени ёлғиз қўйиб чиқиб кетишди. Яхши бўлди, шу уч-тўрт соат ичида кўрганларимни ўбдон ўйлаб олишим керак эди. Лекин ёлғиз қолишим билан хаёлларимнинг итлиги тутиб, фикрларимни талай бошлади. Бошқа бир мамлакатга, бегоналарнинг ҳаётига келиб қолганим аниқ, лекин бу ёғи нима бўлади? «Ўзимизники бўлганингиздан кейин», деяпти, бу нимани англатади? Нима, энди, тамом, шу ерда қоласан, бизникисан, дегеними? “Ўзимизга ўтганингиздан кейин» дегани шудир-да. Ахир, у ёқда оилам бор, дадам Тошкентдан келиб бизни олиб кетади, деб бемалол ўйнаб юрган ўғлим билан кизим, машинани тез ҳайдашимдан йўлимга хавотирда кўз тиккан келинингиз бор, менга суянадиган, керак пайти суяйдиган укаларим, опа-сингилларим, акаларим, қайнота-қайноғаларим, хешу қариндош, қўйингки, бир дунё яқинларимнинг ичида яшайман; ниҳолни-ку, бошқа тупроққа кўчириб ўтқазса бўлар, лекин мен бўй чўзиб қотган дарахтман, илдизларим чуқур кетган, қандай суғуриламан, қуриб қоламан-ку, фақат ўз тупроғимда, ўз яқинларимнинг ичида тирикман, бу аҳволга солишга нима ҳақлари бор? Бир бурда нон ташвишида кўча кезиб, қийналиб яшаб юрганимни эшитиб келган бир танишим: «Юрасизми бу аҳволда, чиқариб юборайлик. Ҳар хил жамғармалар бор, таъминлаб қўядиган», деганда, «У ёқда аммаю холам бўлмаса, бирон хешим йўқ жойда тил билмай қандай яшайман? Йўқ, тириклигим шу ерда, чет элга чиқиб кетсам, тик юриб ўламан у ёқда», деган эдим. Рост-да, жа қойиллатмаган бўлсам-да, ёзувчиман, мен ёзадиган ҳаёт, одамлар шу ерда, у ёққа кетиб нимани кўриб, қандай ёзаману ёзганимни ким ўқийди? Мен уларнинг, улар менинг тилимни тушунмаса. Шунчаки ебкетарга ким пул беради, аравасига ўтирғизгандан кейин қўшиғини ҳам айттиради-да. «Йўқ, шу тупроқда борман, у ёқда йўқман», дедим. «Бошингизга бир иш тушиб қолса-чи?», деди танишим. «Нима кўргулик келса, пешонамдан», деб жавоб қилдим. Бу ерда, ҳали одам ё одам эмаслигини ҳам билмаяпман, ҳаммаси ўзини ғулий дейдиган ғулиёт ичида ўша суҳбат эсимга тушиб, юртимнинг қамоғи ҳам кўзимга азиз кўриниб кетди. Худога шукр, қамалиб кўрмаганман-у, лекин, ҳар ҳолда, маҳбус бўлса

хам ўзингга ўхшаган одамлар орасида, панжарали туйнугидан ўзингнинг осмонинг кўринади, чакқан хомишаги ҳам бегона эмас-да энди. Кейин ойда-йилда эркинликдан мужда ҳам келиб турса керак. Сиз ўз юртимдан, одамлардан тамомила, мутлоқ узилиб қолаётганимни тасаввур қилишсизми ҳеч? Ичимда буларни яниб турибман-у, лекин бу ёққа мени ҳеч ким мажбурлаб судраб келгани йўқ, ўзим келдим, бу бечораларга бир ортиқча ташвиш бўлсам керак, деб шайтонга ҳай ҳам бераман.

Ўзи сал ваҳимачи одамман, кўнглимга бир хавотир келса, шуни хаёлимда катталаштириб, охири сесканиб, истиффор айтиб юраман, яна бу совуқ ўйлардан тишларимгача такирлаб кетяпти. Шу аҳволда анча ўтириб, кейин кўп ўртанма, эй кўнгил, деб ўзимга далда берган бўлдим. Бандасининг бошига нима кунлар тушмайди, бахти қочса, қавму қариндош, ёру жўранинг ичида ҳам ёлғиз, пешанасида бўлса, кимсасиз чўлу биёбонда ҳам биродарларининг ҳимоясида юради, ҳаммаси яратганнинг иноятидан, унинг даргоҳи ҳам, карами ҳам кенг, шу ерга ўтказиб юбордими, лозим кўрса, қайтариб ҳам олиб чиқади, пешонада шуни кўриш ҳам бор экан, бошқа не илож, ўзимни худога топширай-да, ҳозир бир қовғаниб олай, эгам бир йўл кўрсатар, дедим. Шу пайти укамнинг «Ака, назардаги одамсиз, вақти-вақти билан ўзингизга дам солиб тулинг, ёмонликлардан асрайди», деб тайинлаганлари эсимга тушди. Илгарилари бунақа гапларга бепарворок эдим, лекин ҳозир айна нажот бўлиб кўринди. «Фотиҳа» билан «Ихлос» сурасини ўқиб, кейин бошқа билганларимни қўшиб ўзимча қироат қилдим-да, бирпас сукутда ўтирдим. Шу ҳам ғалати туюлди, нимагадир бу ер, умуман шу атроф қироатнинг ўрни эмас, ўқишим мени ўраб турган ҳамма нарсага, хатто ҳавога ҳам бегонага ўхшади. Тугмани босган эдим, шу заҳотиёқ эшик очилиб, бояги киз, қаддидан майин кумуш сочилиб кирди. Чой сўрадим. «Қанақа бўлсин? Кўкми, қорами?», деган эди, бирдан кўнглим илиди, занжир тақса-да, чойлари бизникидек экан-ку! «Қора! Памил», дедим. «Яна нима? Овқатдан?», деб сўради. «Фарқи йўқ», дедим-у, кейин: «Сизларда ниманинг гўшти истеъмол қилинади?», деб сўрадим. «Мол, қўй гўшти, товуқ, нимани

буюрасиз?», деди қиз. Анча хотиржам тортдим. Ҳар қалай, калтакесак ё илон емас эканлар-ку. «Майли, билганингиз», дедим. Қиз яна жилмайди, яна хонага кумуш сочилди. Чиқиб кетаётганда ҳам, патнис кўтариб кирганда ҳам хона кумуш тангага тўлиб қолгандек. Менга қараб гаплашса, асакаси кетармикан, а? Сўрай дедиму тагин бошқа хаёлга бормасин, деб ўйладим. Ҳа-я, айтгандек, боягилар, яъни эркаклари ғулий бўлса, буни энди ғулия деймиз-да.

Тамаддига ўтирган пайтимда қиз чиннидаги олмадан биттасини олиб, карсиллатиб тишлади-да, бориб телевизорни қўйди: кенг, нилий осмон сатҳида унда-бунда ҳали кўрганим ўрқачли туядек сузиб юрган булутлар кўринди, майин куй бошланди. Чиройли бир ғулия қиз, албатта бўйнида занжири билан, пайдо бўлди-да, тўппа-тўғри менга мурожаат қилиб: «Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмон!», деди. Ҳеч бўлмаса шу менга қараяпти-ку, дедим ичимда. Ёнимдаги қиз: «Сиз учун махсус дастур», деди. Экрандаги қиз: «Юртимизга хуш келибсиз! Мамлакатимиз – Ғулистон, ўзимиз эса ғулиётимиз. Бутун оламда Ғулистонимизга тенг келадиган ўлка йўқ, биз ғулийлар ўз ватанимиз билан беҳад фахрланамиз», деди. Кейин мусиқа ўзгариб, Ғулистоннинг кўринишлари билан тантанавор қўшиқ бошланди:

«Қойил сенга, юксал, эй Ғулистон, ота макон,
Фулларинг биз билан, ҳамиша, ҳар он,
Занжиринг бахш этар буюк интизом,
Тартибни куйлаймиз ҳар ёнда, ҳар тонг...»

Қўшиқ матни бизнинг ўзи ёзиб, ўзи айтадиган ҳаминқадар қўшиқчиларимизникидек сактароқ экан-у, лекин мазмуни ҳайратга солди. Бутун бошли бир занжирланган мафкура-ку бу! Занжирига қараб буларни ибтидоийроқмикан деб турган эдим, фикрим ўзгарди, йўқ, кишанбандлигини айтмаса, шакли шамойили бизга ўхшайдиган онгли мавжудот, фақат ихтиёрларини занжирга топшириб, унга топиниб яшайдилар; занжир буларни

боғлаб турадиган интизом риштаси, ғулга чулғанган жамият юксак тартиб намунаси экан. Тепамда турган манави ғулиянинг занжири ҳам кўшиққа хамоханг, сал далда берсам ўзи ҳам ўйинга тушиб кетадиган. «Бунақа пайтлари тинч туролмаймиз, буни жўр куйлатамиз», деди у занжирини ибo билан ўйнаб.

Экранда эса занжири йўқ одамлар йўқ ердан тушиб қолган бир бўлак хом гўштни талашиб, тишларини иржайтирганча олишиб кетди. Кейин уларнинг боши устида ялт-юлт қилиб бир занжир жаранглаб чиққан эди, ҳаммаси таққа тўхтаб, унга тикилиб қолди. Юзларидаги тириш-буришлар текисланиб, майин табассумга айланди, занжирнинг жаранги тартибли бир куй бўлди. Пастдагилар эса бир-бирига аста кўл бериб, бу куйга жўровоз ашула бошлади. қиздан ҳалиги хос гўшт қаёққа кетганини сўрамоқчи бўлдим-у, лекин ўзимни содда кўрсатгим келмади. Яна манзара ўзгарди, осмонда ярақ-ярақ нурланаётган занжир, пастда эса кўзни қувонтирадиган олмазорлар, хурмо қаторлари, экинзорлар, бўлиқ буғдойпоялар, сал ўтиб ораста қишлоқлар, улкан шаҳарлар кўринди-да, бирдан шод-хуррам, бахтиёр ғулийларга тўлиб, ҳамма-ҳамма жингир-жингир силкиниб, ғулга салламно айтишга тушди, шу билан ҳаёт ҳам худди юксалиб кетгандек бўлди. Минг-миллион одамнинг бирваракайига куйлаганини шу пайтгача сира эшитмаганимдан сочимнинг тагигача жимирлаб кетди. Ахир, одамни қамоқда эллик йил чиритсанг ҳам, унинг хурликка интилиши ўлмайди, ўзи асли жиноятчи ҳам эркинликнинг қадрини билсин деб ундан маҳрум этилади. Булар эса ёппасига, оломон бўлиб тутқунликка талпиняпти, яна кўшиқ айтиб ҳам боряпти:

«Сенга топинаман, сен билан борман,
Эй, буюк интизом, маҳкумлик шахди,
Сенда ғулийлигим, сенда аъмолим!
Муаззам бир тартиб, сендадир бахтим!»

Ғулия хизматчига қарасам, худди ошиғи билан илк бор қовушаётгандек бир хаяжонда. Кўзларида ёш, лекин олма ейишни ҳам тўхтатмаган. Йўқ, артистлик қилаётгани йўқ, чиндан тўлқинланиб кетган. Кейин билдим, тумонат бўлиб айтадиган қўшиқлари «Ғулия» деб аталиб, шундай ғулиялар янграганда биронтаси берилмай туролмас, бу ҳам уларнинг ўзига хос, йўқ, ўзига хос эмас, ҳақиқий муножотлари экан. Ҳали вақти келиб эътиқодларини тушунтирганда айтиб берарман, аммо ҳозир экранда кишанларини титраб-қақшаб, шавқланиб ўпаётган оломонга қараб, бутун бошли бир мамлакат халқини тамом камраб олган маҳкумлик туйғуларининг жозибаси олдида ўзим ҳам лол ўтирган эдим. Бир тасаввур қилинг: биз хурликни қанчалар севамиз, озодлик учун тарихимизда қанча бошларимизни тикдик; ҳатто сал бўғиқроқ хонада узоқроқ ўтириб қолсак ҳам, ташқарига – эркинликка кўчиб нафас олайлиг-эй, деб юборамиз, қишдан офтобшувокқа чиқиб, қалин кийимларимизни ечганимизга, худога шукр, эй, яйрайдиган кўклам кунлари ҳам келар экан-ку, э-э, бормисан озодлик, деб энтикиб кетамиз, уйларимизни катта-катта қуришга интиламиз, азбаройи бемалолроқ яшаш учун, оёқларимизнинг чигилини ёзайлик деганимизда ҳам эрк маъноси бор; мана, ё узоқ умр кишанда яшайсан, ё ўлимга қўнасан, деса, ҳеч иккиланмай, кейингисини танлаймиз! Бизнинг озодликка талпинишимиз шу қадар кучли, ҳаётлигимиз билан баб-баравар, ўзи инсонлигимиз ҳам шу! Бизга бошқача мумкин ҳам эмас! Лекин ҳозир бу ерда, кўз олдимда бўлиши мумкин бўлмаган нарса бўляпти, кўз ўнгимда кечаётган воқеликни кўриб турибман! Албатта, бу телевизор экрани, мен учун атайлаб тузилган дастур, лекин уйдирма эмас, бор гап, ўзим ҳам телевидениеда ишлаганман, биламан, Тошкентдан чиққанимдан бери ўтган вақт ичида бунақа кўрсатув ё кинони тўқиб-яшаш, ҳар қанча усталар тўпланмасин, ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Ҳар қандайига тескари туюлмасин, нечоғли ғайритабиий кўринмасин, буларнинг бори ҳаёти шу ва бу ҳаёт бир кундагина кечаётгани йўқ, балки узоқ тарихга эга, шу кетишида келажакка ҳам қараб бораётир!

Ғулия қиз яна чой дамлаб келди, чойни қайтараётиб: «Боя ўзингизга ўзингиз оҳанг билан нима дедингиз?» деб сўраб қолди. У хайрон эди, ҳеч нарсани англамаган, тушунмаган, шундан билдимки, бу қизнинг худоси йўқ, фақат у эмас, ҳамма ғулийлар умуман худони билмайди, танимайди. Жуда раҳмим келди: бечоралар, занжирбандлиги етмагандек, яна осий ҳам экан. Лекин хайратда ҳам тонг қотдим: булар мени эшитиб турар экан! Ҳалитдан! Боя тугмани босишим билан эшик очилишидан сезиб, бу даражада билдириб қўймаса керак деган эдим. Лекин қизнинг бу саволи ҳамма нарсани ойдин қилди қўйди. «Қироатим йўқ, ўзим билганча ўқидим-да», дедим-у, унча изох бермадим. қиз бармоқ тишлаб туриб қолди. Унинг нимани ўқиганимни ўйлаб қолишига қараб, хона бутунича эшитадиган мосламалар билан жиҳозлангани, эҳтимолки, митти камералар ҳам ўрнатилганини тахминладим. Мени фақат бу қизнинг ўзи эмас, балки катта бир хизмат эшитаётганига ҳам бирдан ақлим етди. Шу фикрга келишим билан ўзим ҳам шир яланғочга ўхшаб қолдим, ҳамма ёғим уларга кўриниб туради, еган-ичганим ҳам, ётган турганим ҳам, булар учун ҳатто миямда нима ўйлаганим ҳам кўринади, деб ўйладим, хонанинг деворлари бўлгани билан, ўзи шаффоф, ичидаги ҳамма нарса қараб турганларга ошкордек туюлди-да, бу ерда дақиқа ҳам қолгим келмади. Телевизор кўриб ўтирай десам, кўриб ўтирганимни булар кўриб ўтирса, кўнглимга сиғадими. Бирдан эркинликка муҳтож бўлиб қолдим, менга ҳаво керак, майли, ғулийлар орасига бўлса ҳам, чиқай, бу ерда тарс ёрилиб кетаман дедим. Ҳа, дарвоқе, ўшандаги сезгирлигимга ўзим ҳозир ҳам қойил қоламан, нимадир тажрибам ҳам бор эди шекилли-да.

«Синглим, бир жойда ўтиролмайдиган одамман, оёкнинг чигилини бир ёзиб келай», дедим-да, ташқарига отландим. «Шу туришингиздами?» деб сўради қиз. «Ҳа, нима қипти? Иссиқ кунда галстук тақиш шарт эмасдир», дедим. «Нима қиласиз чиқиб, ундан кўра, мана, олма еб, чой ичиб, телевизор кўриб дам олинг», деди қиз. У олманинг қандай яхши эканини кўрсатиб, чиннидан яна биттасини олиб карсиллатиб тишлади-да, деразага қараб

ишваланди. Унинг ишвасидан билдимки, олма ширин экан. Юрагим бир зирқ этса ҳам, ҳозир олмахўрликнинг пайти эмас дедим-да, эшикка йўл олдим. Шу аснода ғулия томонидан бир ҳаракат содир бўлди: у томонидан ўтаман десам ҳам, бу томонидан ўтаман десам ҳам худди эркалик қилаётгандек йўлимни тўсаверди, аввалига сал довдирроқми, деб ўйладим, ҳалигиндай деразага ним кулиб тикилиб, олдимдан чиқаверади, худди билмай қолгандек. Бир камим оқсоч қиз билан ўйин қилиш эдими, дедим-да, айланишни каттароқ олиб, эшикка етиб олдим. Ҳў кейин, кўчага чиқиб, ғулийларга аралашиб анча юрганимдан кейин қиз бу эркалиги билан нима демоқчи бўлганини тушуниб етдим. Шунини сўз билан айтиб қўйса ҳам бўлар эди, аммо, майли, ўз кўзи билан кўрсин дедими ғолибо.

Менинг ғулийларга қараганим, уларнинг...

Оромгоҳми, меҳмонхонами, ишқилиб, унинг олдидаги хиёбонда ҳам, боғда ҳам ҳеч ким кўринмади. Атрофга қарадим. Йўлка – йўлка, дарахтлари ҳамсоя, чимзорнинг майсаси ҳам бизларникидан фарқ қилмайди, қушларнинг ўша чуғури, қаттиқ ғийқиллаган бир товуш келди, дарров танидим, Хоразмда бир кеча уч-тўрт марта шу товушдан уйғониб, нима бало, мов мушук ҳам шунақа товуш берадими, деб хайрон бўлган эдим, эрталаб турганда кўрсам, ҳовлидаги катакда ўнтача товус, ўзи чиройли бўлгани билан шунақа хунук нағмаси бор экан, буларникининг ҳам фарқи йўқ, шу лўлилибос мурғ, яна думини елпуғичдан ҳам катта ёйиб, макиёнига кеккайиб мақтаняпти.

Кўкрагимни тўлдириб нафас олдим, ҳавоси тоза, бизникидан ҳам сал тотлироқ туюлди. Офтоб чарақлайди, ёзнинг оқишроқ-кўк осмони, худди унинг шишасини биров тирноғи билан оҳиста чертаётгандек элас-элас жаранги бор. Табиат ҳамма ерда ҳам бир табиат шекилли, бу бегона жойда эмас, худди ўзимизнинг истироҳат боғларимиздан бирида, товуси бор учун, масалан, Хоразмдаги ўша меҳмонхона хиёбонида юргандек бўляпман.

Дарвоза очиқ экан, ташқарига чикдим. Узун кетган кўчанинг икки томони бир-бирига маташган уйлар, уйларнинг олдида худди бизникидек чанг ўтирган ишком, энсизгина томорқача, иссиқдан қовжираёзган гулзорлар, икки-уч олма, бир-иккита хурмо. Ҳаммаси ҳар хил ё панжара, ё чавра билан ўраб олинган, ўртадаги эски асфальт кулранг-оқиш тусда, доим машина юрган жойларидаги резина юқи қорайиброқ кўринади. Ўтиб бораётганимда ёнбошдаги дарвоза очилиб, бир қиз чикди, атласининг устидаги занжирлари офтобда ялтиллаб кетди. Юрагим зирқиллаб берди: ё кизлари ростдан ҳам чиройли, ё кўнглимдаги шайтон бош кўтаряпти, бегона жойда андиша нима керак деб. «Кечирасиз, шаҳарнинг марказига шу йўл тўғри борадими?», деб сўраган эдим, атлас тагидаги самбиттол қоматини салгина эгиб, инжилиб ерга қаради-да, индамай ичкарига қайрилди. Жуда уятчан экан, балки янги келинчакми, дедим. Кетавердим, сал юрганимдан

кейин бир дарвоза олдидаги ўриндикда уч-тўрт ёшли қизалоқ кўғирчоғини ўйнаб ўтирган экан, менга ҳайрон тикилиб қолди. Ўзининг ҳам, кўғирчоғининг ҳам бежирим занжирчалари бор. «Ҳа, қизим!» деб, яна бир ширин гап айтмоқчи эдим, кўзлари катта-катта очилиб кетиб, кўғирчоғини бағрига маҳкам босди. Бегона одамман, шайтонлаб юрмасин тагин деб, бошқа гапирмай ўтиб кетдим. Дарси тугаганми, икки қиз, уч йигитча тўғри рўпарамда пайдо бўлди, йигитларининг занжири қалинроқ, қизлариники сал ингичка, заифона, ўз хаёллари билан, ўзаро гаплашиб, менга мутлақо парво қилмай, ҳамоҳанг жингир-жингир ўтиб кетдилар. Йўлимда яна бир отахон учради, қўлини орқага қилганча, тўғрига тикилиб келаётган эди, занжири ҳам ўзига ўхшаган эски, балки ота-бобосидан қолган қадимийдир, юрганида салобат билан жингирлайди, салом берган эдим эшитмади, мени ҳам кўрмади, қулоғи оғир, кўзлари ҳам хира тортган шекилли, бўлмаса, шундай нуроний киши, саломга алик оларди, деб ўйладим, лекин сал ғалати аҳволга тушдим. Бегонани шунча иззат қилиб, салом берсанг-да, у ёши улуг марди калон пинагини бузмаса, кўнглинг оғрийди албатта. Яна юрганимдан кейин гўшт дўкони кўринди, олдида бордим. қон сачраган оқ фартуқ устидаги занжирлари, мой юқи қўли билан ушлайверганигами, ялтиллаб кетган жиккаккина қассоб йигит, бир қўлида олма, бир қўлидаги катта пичоқ билан осилган гўштларга уймалашган ариларни ҳайдаб турган экан, «Савдога барака! Гўшт неча пул?» деб сўраган эдим, парво ҳам қилмади, қулоғи том битган бўлса ҳам, кўзи очик-ку, деб ориятим кўзиди, «Ў, ука, сени одам деб биров гап сўраяпти!», дедим. У бўлса жавоб ўрнига чала илжайиб, бу ерда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқдек, катта пичоғи билан гўштга қўнган ариларни шапиллатиб ўлдиришга тушди-да, яна олмасини тишлади. «Начора, суймаганга суйкалма. Боягилари ҳам бир нави экан, қарамаса ҳам, ҳар қалай гаплашди-ку», деб ўйладим, булари менга гапирмаса, мен ҳам биронтасига гапирмайман дедим. Лекин узиб олдим, «Ё ари ўлдириш керак, ё олма ейиш. Ювиш ҳам эсдан чиқмасин», дедим. Шунда ҳам индамади. Ўзим ҳам қизиқ, гўштини олмасам, нархини сўраш нима керак эди дедим-да, кетавердим.

Анча юрдим, трамвай излари, троллейбус симлари, автобус бекатлари учрайверди, чипта нархини билмайман, чўнтак ҳам ҳам ҳалигиндай деб, бирон уловга чиқмадим. Ғулийларнинг аста-секин қалинлашиб, иморатларнинг баландлаб, маъмурий биноларнинг кўпайиб бораётганига караганда, мўлжални тўғри олибман, марказга шу кўча олиб чиқар экан, катта, кенг бир майдонга яқин бориб, оломон ичига, еру кўкка таралаётган занжир жарангига кирдим. Бирон ғулий менга қарамаяпти, ҳатто кўз қирини ҳам ташлагани йўқ, ноҳосдан тўқнаш келганлари ҳам нигоҳи билан мени тешиб ўтиб, орқамдаги бир нарсага тикилаётгандек. Худди кўринмас одамга ўхшаб қолдим, лекин биронтаси менга урилиб ҳам кетмаяпти, қаёққа қараб бурилмай ё юрмай, олдим ўз-ўзидан очияпти, яъни ғулийлар ўзларини икки томонга олиб, мени ўтказиб юборишяпти.

Сайр қилиб юрганлар биздагидек эркин, бирови у ёққа, бирови бу ёққа юрган ё бир хиллари тўхтаб турган издиҳом эмас, ҳаммаси бир тартибда: жиринг-жиринг, жингир-жингир қилиб, ҳу дўнглик устидаги баланд ҳайкалнинг чап томонидан чиқиб, айланиб, ўнг томонидан тушиб келяпти. Аввал улар гуруҳ-гуруҳ юраётгандек кўринди, кейин диққат қилсам, гуруҳлар шунчаки тўда эмас, ҳаммаси чўзинчоқ шаклда, ўртаси бўш. Бирдан ақлим етди - ҳалқа! Булар ҳайкал пойига ҳалқа-ҳалқа занжирга сафланиб чиқиб, ҳайкални катта ҳалқа ясаб айланиб, яна бошланган жойига тушяпти. Бу ерда эса кутиб турганлар ўз навбатида гуруҳларга уюшяпти. Эринмай санадим, гуруҳда энига ҳам, бўйига ҳам саккизтадан ғулий бор экан. Булар учун саккиз қандайдир муқаддас сон шекилли, деб ўйладим-у, шу заҳоти бунинг изоҳини ҳам топдим: «8» сонининг шакли бир ҳалқа иккинчисига кийишиб, занжирнинг ибтидоси бўлиши-ку! Мана, кўз олдингизга келтиринг: битта сифр - «0» битта, лекин у ҳалқа, агар ҳалқа «0»ни иккинчи ҳалқа «0»га кийдирилса, занжирнинг ибтидо «8» шакли чиқмайдими? Унда, булар ҳайкални шунчаки зиёрат қилмаяпти, балки зикр тушяпти! Фақат унча англамадимки, кимнинг ё ниманинг шарафига: ёши ўтинқираган ғулийнинг тунч ҳайкалигами ёки уни чулғаган силлиқ-йўғон тунч занжирларигами?

Балки иккаласи ҳам бир рамздир. Чунки бутун ҳайкалнинг қўл қовуштириб, бошини хиёл эгиб, ним илжайиб туриши ўзини ўраб олган занжирга, ғулликка тобелигини ифодаламайдими? Зиёратчиларнинг ҳам ҳаммаси унга монанд ним илжайган. Бояги жиккак қассоб ҳам чала илжайган, йўлдагиларнинг чехрасида ҳам табассум сояси бор эди, энди эсласам, хизматчи қизнинг кулинчларида ҳам, мени Ғулистон чегарасида кутиб олиб, олиб келганларнинг юзида ҳам худди шу бир хил илжайиш нусхалари қотиб қолган эди. Илжайиш гўё буларнинг ҳаммаси учун фабрикадаги битта қолипда тайёрлаб чиқарилганга ўхшайди. Ҳайкалнинг илжайишига диққат қилиб қарасам, майдондаги ҳамманикини жамлаб, битта илжайиш қилгандек, жуда қатъий, ҳукмфармо, мен шундай қилиб кўрсатяпманми, демак, барчанг шундай ним кулиб юрасан деяётгандек. Ҳақиқатан ҳам, ғулийлар билан улар зиёрат этаётган ҳайкалнинг ўртасида одамни ҳайратга соладиган бирлик менга яққол эди.

Менга бу янгилик бўлди, жуда қизиқдим, нималигини билмасам ҳам, менга гапирмасликлари эсимда йўқ, сўрамоқчи бўлиб, беихтиёр уларга қараб юрдим. Албатта, улар мендан баттар узоқлашдилар. Одамнинг табиати қизиқ, нимаики мумкин бўлмаса, шуни қилгиси келади, буларнинг мендан ўзларини олиб қочаётганларига, бир қаторларига қўшилиб, ҳайкални айланиб тушсамми, гапирмасалар, майли, гапирмаптилар-да, деб ўйладим. Бунақа сукут зиёратни кўрганман, университетнинг охириги курсида, етмишинчи йили Ленинградга бораётиб, Москвада бир кун тўхтаганмиз, ҳамма ҳамма билан, мен эса бир Очил ака деган курсдошимнинг «Э-э, қўй, шунча йўлдан келиб, Ленин бовонгни кўрамизми, бари бир, одамнинг ўлиги-да, ундан кўра, шаҳарни томоша қилайлик», деб оёқ тираганига қарамай, сахар-мардонда мовзалеяга судраганман. Самарқандда иссиқ эди, Москвада эса қор, изғирини тешиб юборай дейди, уч соат навбатда туриб, ниҳоят гунгурт мрамор мовзалея эшигига етдик, болалигимдан иккита кўриқчи қилт этмай қотиб, хатто кипригини ҳам қокмай туришини эшитганман, энди қайси бирига зехн солиб қарашга шошаман, кипригини қокқан-қокмаганини

билмадим-у, лекин уларнинг кўзи худди шишадан ясаб, тўппа-тўғрига каратиб қўйилгандек экан, мисоли бўяб, тикка қотирилган ўликка дуч келгандек юрагим шувиллаб кетди, навбатда турганда уни-буни гаплашиб турган эдик, зинадан тушаётганда бир менинг эмас, хамманинг тили танглайига ёпишиб қолгандек сукунат, қаторнинг ичида секин юриб бориб карасам, шиша қалпоқнинг тагида бўйи бир-қулоч келар-келмас қорамайиздек кичкина одамча ётибди, калтагина соқоли ҳам бор, болалигимдан бери «Москвага бориб, мовзалеяга кириб, Ленинни кўрганимни ҳаммага айтиб берсам», деб юрган одам, бирдан ҳафсалам пир бўлди ва Лениннинг шу кичкина ўлигидан эмас, йўқ, худди ҳозир шу ерда ё ташқарига чиқишим билан «Мана бу йигитча ичида Ленинга шак келтирди», деб қамаб қўйишадигандек ваҳима босди, тезроқ бу лаҳмдан қутулгим келди. Қизил майдонга чиқишимиз билан Очил акага: «Бир бурдаю!», дедим. Очил ака: «Ҳа, энди, эллик-олтмиш йилдан бери қуриб-кичрайган-да», деди. «Йўғ-э, асли ўзи кичкина одам бўлган бўлса керак, қуриб, териси тортилгани билан суяк калтармайди-ку! Бу бадҳайбат ҳайкалларнинг ҳаммаси қуруқ савлат экан-да», дедим. Очил ака: «Э-э, қўй, оғримаган бошни оғритма. Шунақа гапларни секинроқ гапир», деди. Ҳафсалам пир бўлиб, ичимда бир шайтон кулгига ўхшаган бир нарса ғивирлагандек бўлди. Очил аканинг ёши биздан каттароқ, Ленинни ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётганда кўрган экан, менга эса бу етлмай ётган орзу эди. Шу зиёратга одамлар билан бирга кирган бўлсам-да, лекин ичимда уларга тамомила ёт бўлиб қолганимдан кўрқдим ҳам. Бу ердаги зиёратчиларни кўрганда ҳам шу ётликни чуқурроқ англадим. Аввал бир кўнглим, зиёратчилар ҳалқасига қўшилай, дедим, лекин бошқа кўнглим, қўй, бу зиёратни муқаддас билсалар, ёт бир одам аралашганидан бир қор-қол чиқмасин, Таллиндаги православ черковига бош кийимимни ечмай томошага кириб, менга ҳурмати шу деб ўйлаббан-да, у ердагиларнинг зимдан олайиб боқиб, биттаси қулоғимнинг тагида таҳдид билан шивирлаганидаги аҳволим ҳам етади, дедим-да, шаҳарнинг бошқа жойларини кўришга чоғландим. Лекин кетолмай узоқ томоша қилдим: жингир-жингир, жиринг-жиринг,

жангир-жунгир: гуруҳларнинг кети узилмайди, занжир ҳалқаларининг охири ҳам, боши ҳам йўқ - тинмай жойида айланиб ётган жуда баҳайбат бир ҳалқа! Ҳаммани ўз табаасига айлантираётган улкан бир ғулий мусиқа! Ҳамма шу даврада, ҳаммаси бир хил интизомли тўлқинланишда. Мен ҳаммасини кўриб турибман, лекин ҳеч ким мени кўрмаяпти, фақат мен бир ўзим, тумонатнинг ўртасида атрофим ҳалқа бўшлиқ, ёлғиз ўзим...

Ғулийлар дўкони

Майдоннинг шундоқ бикинида тўрт қаватли жуда катта дўкон бор экан, ғуғийлар гала-гала кириб чиқиб турибди, шу ёққа қараб юрдим. Биз ҳозир «супермаркет» деймиз-ку, шунақа. Харидор гавжум, сотувчилари боадаб, лекин моллари унча қалашмаган тим бозорга ўхшаш бир жой, фақат жуда шовқин: ҳамма ёғи, ҳатто шифти ҳам ойнаванд, одамларнинг гапи ҳам, занжирларининг жингирлаши ҳам шу ойналардан аралаш-қуралаш акс-садо билан кўпайиб, кулоққа бостириб киради.

Азалдан дўкон айланишни яхши кўраман, ҳали машина олмаган, ишдан пиёда қайтадиган кезларимда йўл-йўлакай, пулим бор-йўғига қарамай, учраган дўконларни кезиб, шу билан дам олиб, бошим тиниқлашиб уйга келар, кейин одамларнинг нима олиши, нимага навбатга туришига қараб, ўзим ҳам бинойидек мол танлашга ўрганиб кетган эдим. Қани, буларнинг дўконлари қанақа, нарх-навоси қандай, нима қиммату нима арзон деб, бир бошдан томоша қилишга тушдим. Пештахталарнинг безаклари, жавонларнинг нақшлари, хуллас, ҳамма-ҳамма жойдаги занжирга кўзим ўрганиб, энди қарасам ҳам эътибор қилмай қўйдим. Эсингиздами, бир вақтлар Тошкентнинг бинолари тепаси худди қизилга бўялганга ўхшар, одимда шиор, қадамда капэсэсга шарафлар, уларни кўриб кўрмас эдик, кўзимиз тушганининг ҳам бирортаси диққатимизни жалб қилмас эди. Бу ерда ҳам энди жуда бошқача чиройли безаклари бўлмаса, бошқаларига алахсимадим; одам кераксиз нарсаларга ҳам жуда ўрганар экан.

Менга ҳам боягидек ҳеч ким қараётгани йўқ, ҳаммаси четлаб ўтяпти, пештахта ёнига борсам, сотувчилар боягидек тайёр ним жилмайганча, секин бир ёнга сурилиб, бошқа ёққа тикилади. Бари бир, савдога пулим йўқ, бор бўлганда ҳам буларга ўтмайди. Ана, ёзиб қўйибди: «Бошмоқ - 56 ғ.» «Кўйлак – 12 28 ғ.» «Болалар велосипеди - 27.80 ғ.», «Сочик - 8.45 ғ.». “Ғ”си нима экан, сўм ё рубл-публ эмас, деб ўйлаб тополмадим, лекин бориб кейин билдим: буларнинг пули ҳам “ғулий” дейилиб, қисқартмаси шу экан. Яқин

ўртада алмашмаган, чунки нархлари, чамаласам, бизнинг ўн беш йил олдинги нархларга тўғри келади, фақат ичкилик уч баробарча арзон, лекин бирдай тип-тиниқ шишаларда қатор терилган. Ҳа, ичкилик деб ўйлаган эдим, адашмабман. Дарвоқе, ёрликлардаги номлари ҳам зўр: «Хушнуд», «Хушҳол», «Шавқ», «Қувонч»... “Хумор” дегани ҳам бор экан, бу энди кечаги бошоғрикдан кейин эрталабга зўр кетса керак деб чамаладим. Энг кўп олувчини шу бўлмада кўрдим, бошқа пештахталарнинг олди гавжум эмас.

«Эркаклар пойафзали» деган бўлманинг пештахтасида бир-биридан унча фарқланмайдиган бошмоқлар қатор-қатор терилган экан, биттасини қўлимга олган эдим, сотувчи ғулия жувон нари кетди, бошмоқни буклаб, тирнаб кўрдим, кўполроқ тикилган-у, пишиқ, лекин кўни асл. Жувоннинг мен билан ҳам, қўлимдаги бошмоқ билан ҳам мутлоқ иши йўқлигига ҳозир индамай бошмоқни кўтариб кетаверсам, нима қилар экан, ҳой, пулини тўламайсизми, деб товуш берар, ахир, деб қўлтиғимга қисдим, унга бир қараб қўйиб, уч-тўрт қадам узоқлашдим ҳамки, парвойига келмади. Тағин пештахтасидаги бирон тугмани босиб, қўриқчиларни чақирмасин, деб бошмоқни секин жойига қайтардим. Нариги, сертугма ич кийимлар бўлмаси олдида туриб, шу ёққа секин кўз қиримни ташлаган эдим, буларнинг мени кўрмаётгани ёлғон экани билиниб қолди: сотувчи жувон шунчасининг қаторидан айна мен ушлаган бошмоқни олди-да, пастга, билдимки, супуринди қутига ташлади, унинг ёнига бир эркак ғулий бориб, қўлидаги дафтардан бир нарсани ўчирди. Нима бало, мени бир юкумли касал биляптиларми, деб ўйладим. Лекин бориб, ҳой, нега бунақа қияпсизлар, деб айтиш бефойда, улар, бари бир, мени кўрмасликка олади, гапимни ҳам эшитмайди. Ёмон бўлдим! Ғулистонда пайдо бўлганимдан бери биринчи марта қаттиқ эзилишим эди. Лекин додимни кимга айтаман, шу кўзи очик кўрларгами, қулоғи мен учун том битган гарангларгами? Осмон узоқ, ер қаттиқ, йўқ, бу жойнинг осмони ҳам, ери ҳам яқину юмшоқ бўлганда-да меники эмас, карами йўқ!

Ҳа, шу ерда ичкийимларга алаҳсиб қолдим. Айтдим-ку, сертугма экан. Энг пастки деймизми, қалдирғочнухасими, чолворими, хуллас, ҳаммасининг бир ёни қатор-қатор тугма. Айниқса аёлларники, битта ипчага илинадиган роҳатибадан, лекин бир томони нозик илгак ёки нинчанинг калласидек живир-живир тугма қадалган Ўзи икки энли ҳам келмайди, қаерга кийилишини ҳам аниқлаш қийин, лекин бунда ҳам тугма жонивордан иккитаси бор. Айтишга тил бормайди-ю, қанақасини айтаётганимни билиб турибсиз, албатта.

Ҳеч бир ғулий менга қарамагани учун аёллар бўлмасини ҳам хўп томоша қилдим. Роса ғалати-эй, бунақа кийимлиги ҳам йўқ кийимларни бемалол кўрсангиз, одамнинг шарми ҳам кетиб қолар экан, ўзим ҳам асли табиатан сал бузуқроқман шекилли, деб ўйлаб қолдим. Бошқа бўлмаларни кезишга зўрға ўтдим. Бу ёғида энди мақсадсиз юриш тўйдириб юборди. Бугунча етар, қайта қолай, орқага бурилсам, бояги эшикнинг тепасида отнинг калласидек «Тушиш йўқ!» деган ёзув, занжирбанд қўл тепага ишора қилиб турибди. Бу ёқдан кўтарилиб, у ёқдан тушилса керак деб, зинадан тепага югурдим. Тасир-тусиримга олдинда чиқаётган ғулийлар жон ҳолатда ўзларини четга олдилар, биттаси ҳатто йиқилиб тушди. Жангир-жунгир товуши кучайди, орқамда ҳам тарс-турс бўлиб қолди, қарасам, бир силлик кийинган йигит ҳам югуриб чиқяпти. Тўхтадим, у ҳам тўхтади, бир зум каловланиб, кейин ҳалиги йиқилган ғулийнинг қўлтиғидан олиб турғизиб кўйди. Бари занжир таққани, ҳеч бири менга қарамагани учун майдондагилар ҳам, бу ердагилар ҳам, ҳаммаси кўзимга бир хил, бир тус илжайган қиёфада кўринаётган эди, лекин шу йигитнинг юзи эсимда қолди, у қай бир сонияда ялт этиб менга қараб қўйгандек эди.

Тўртинчи қаватга чиқдим, тушадиган жойни тезроқ топиш учун, тўғри кесиб бораётган эдим, жуда чиройли безатилган, алоҳида бўлмага кўзим тушди. Бу ер ароқ бўлмасидан ҳам гавжум, лекин навбатда занжир таққан ғулияларнинг занжирсиз болакайларнинг қўлидан ушлаб ё кўтариб

турганини кўриб, тўхтаб қолдим. Болакайлар бир-бир ярим, икки, баъзилари уч ёшда, шу ернинг ўзида онасидан ташқари, отаси, ака-опалари тўдалашиб турибди, хуллас, харидга оила бўлиб келганлар. Бўлманинг тепасида «Занжиринг муборак, паҳлавон тойчоқ, Орзуингга етдинг, ширин қизалоқ!» деб икки қатор шеър ҳам чиройли қилиб ёзилган. Бўлмадаги мол тўлиғича занжир! Булар ўз болаларига занжир олишга келган! Яқинроқ бордим, бир эркак ғулий ичкарироқда, паст курсида ўтириб кўлидаги тизим занжирчани жингирлатди, бу ёқдан бир болакай қоқилмай, туртинмай адл борди, эркак занжир тизимини ечиб, мўъжазгина бўйинтуруқ тасмани боланинг бўйнига кийгизди-да, кўлидаги ялтироқ омбир билан қирс эткизиб қотирди, болакай баралла йиғлаб юборган эди, бу ёқдагилар шодон чапак чалиб юбордилар, онаси қувончдан ёшларини оқизиб, занжирини шўх шилдиратиб, отанинг бўйнидан кучоқлаб олди. Ҳалиги эркак ходим, болакай уввос солиб онасига талпинганига қарамай, уни маҳкам кучоқлаганча қаҳ-қаҳ уриб, билаклари, оёқларига ҳам худди бояги тарзда кишан солиб қотирди. Бола бақириб, занжирларини бетартиб жингирлатиб, бу ёққа онасига қараб чопди. Онаси билан отаси бахтиёр қийқириб, талашганча уни бошларига кўтардилар, икки опаси, бир акаси бор экан, шилдир-шилдир сакраб ўйинга тушиб кетдилар. Бўлманинг бу томонида бир қиз кўлидаги юмшоқ жазбар билан бошқа боланинг бўйни, билаги, тўпиғининг андазасини ўлчаётган, ўзимизнинг «фехедеё» бўлимларида ишлайдиган ишбилгич аёлларга ўхшайдиган бир хотин эса онанинг кўлидаги қоғозларни ўз дафтарига расмийлаштираётган эди. Бояги болакайнинг йиғисидан юрак олдирган бу бола эркак ходим занжир тизимчасини жингирлатганда бормади, унга қараганча тўрсайиб тураверди. Онаси унга: «Бор, бор, амаки сенга ҳам занжир беради», деди. Бола «Боймийман!» деб оёқ тираб олди. Эркак ходим унинг онасига қаттиқ тикилиб қаради-да: «Яхши юриб кетганми ўзи?», деб сўради. Боланинг онаси бу саволдан бўзариб кетди, «Ҳа, юради, чопқиллаб юради!», деди, ота ҳам унинг гапини шоша-пиша: «Тинмайди уйда, роса чопади!» деб қувватлади. «Қани, ўртани очинглар-чи! – деди эркак ходим ўрнидан туриб. – Менга

келмаса, сизга эргашади, болани қўйиб, ўзингиз ҳу анави газлама бўлмасигача боринг-чи», деди. Она югургилаб нари кетган эди, бола пилдираб эргашди. «Ҳа, тузук, бўлади! Опкелинг!», деди эркак ходим энди жилмайиб. Онаси уни қўлидан етаклаб бораётганда бола, феълликкина экан, йиғламади. Эркак ходимнинг тиззасига ўтирганда менга қараб олди, бўйин тасмани қотираётганда ҳам, қўл-оёғига кишан тақилаётганда ҳам мендан қўзини узмай, миқ этмай тураверди. Ҳатто занжирчалари тақилиб, ота-онаси, катта икки акаси қийқириб, бошқалар чапак чалганда ҳам болақай менга бот-бот тикилди. Шунча издиҳомнинг ичида менга қўз тиккан фақат шу болақай эди! Бола нигоҳида у нима демоқчи бўлди, «Озод одамсиз-ку, каранг, булар мени нима қилди?», деб сўраяптими ёки: «Манави одамга каранглар, занжири йўқ экан», деб айтмоқчимикан, билмадим, лекин унга қараб қўзимни қисиб қўйган эдим, кичиккина жилмайди, жилмайиши болаларча беғубор, катта ғулийларга сира ўхшамас эди. «Ҳа, пучук», деб қўйдим ичимда.

Шу пайти яна бир қизалоқ занжирга қараб алпанг-талпанг бораётган эди, чалишиб йиқилди. Унинг онаси бир ҳалокат бўлгандек, чинқириб юборди. Эркак ходим унга қараб туриб бош чайқади-да, «Ҳали бир-икки ой бор», деди. Онаси жиккаккина, сал нарсага пов этадиган хотин экан, титраб-қақшаб кетди-да, зум ўтмай ялинишга тушиб: «Икки ой кутамизми? Уйда чопқиллаб юрар эди, бу ерда чўчиб қолди-да», деди. Эркак ходим изғирик кулиб: «Шундай қутлуғ нарсадан ҳам чўчийдими?», деган эди, онаси бориб қизалоқни юзи-бетига шапатилай кетди: «Ҳе ўл, шарманда қилдинг! Юришнинг ўрнига бўкиб овқат ейсан, мечкай!» Қизалоқ калтакка ўрганиб қолган шекилли, шартта бошини кучоқлаб олди. Бошқалар хай-хайлаб, онасини чеккага тортишди. Бошқа ҳеч кими йўқми ё ота жонивор қизининг шундай имтиҳонда йиқилганига чидамай қуённи сурдими, ишқилиб, аёл бечора боласини силтаб-силтаб етаклаганча ўзи кетди. «Қанақа ўқимаган хотин-а! Ўзини эпполмайдиган болага занжир, а? Аввал болангни ўргат! Қани, кимнинг навбати?», деди эркак ходим. Лекин қолган ота-оналар анча хавотирга тушган, ҳаммаси навбат ўзларидан бошқа ота-онага ўтишини истаб

қолган, аммо тириш илжайиб турган эдилар. Шу вақти занжирлар ҳам садо бермай қўйди.

Сиз булар занжирга шунча сиғинса, болани занжирга солиш учун дўконга олиб келиб, тақдириб кетаверишадими, деб ҳайрон бўлманг. Мен ҳам аввалига шундай деб ўйлаган эдим. Йўқ, болакайларга занжирнинг супермаркетда тақилишига сабаб, биринчидан, ғулий уни зурёди учун ўз ёнидан тўлаб олади. Бунда улар бир ҳикмат кўрадилар: ғулий ўзидаги бир нарса эвазига эркини топширади, яъни меҳнатдан топган пулига тартиб сотиб олади. Иккинчидан эса, бола ҳақиқий ғулий фарзанди маросимигача занжир билан яшашга ўрганади. Аниқроқ айтганда, у занжир билан бир вужудга айланади. Ўн саккиз ёшида ақли ҳам, гавдаси ҳам занжирга лойиқ кўрилгандан сўнг у янги кишан билан бирга ғулийлик ҳужжатига ҳам эришади, яъни бизникига ўхшаган паспортбашара нарса олади. Мен ҳам бунини кейинроқ, кутубхонага танда қўйганда билдим. Ҳозир ўша кунги кезишимни давом эттирай.

Сиз бу жойларни тушириб қолдирманг, чунки ғулийёт психологиясини билишда жуда муҳим, ёзувчи дўстим эса ўзи кўрмагани учун бунақа гапларни хаёлига ҳам келтира олмаган, демак, ёзишга ҳам уриниб кўрмаган.

Ҳа, мен ториқиб, тушиш йўлини ахтариб кетдим. Ҳамма ёқда занжир жиринглаётган эди, энди бунга қулоғим анча ўрганган, кишанбанд юрганларга ҳам кўзим кўникаётган, лекин ёлғизлик ҳисси оғир юкланиб босаётган эди, шунинг учун ҳам боғҳовлини кўмсаб қолдим. Ҳар қалай, у ерда қарамаса ҳам гапимга жавоб қиладиган қиз бор.

Пастга тушганимдан кейин бир муддат қайси йўлдан қайтишга бошим котиб, дўконнинг бу томонидан чиққанимга мўлжал ололмай турдим. Бировдан сўраш бефойда, жавоб албатта йўқ, кейин нима деб сўрашни ҳам билмайман, чиқаётганда боғҳовлининг отини ҳам билиб олмабман. Дўконни айланиб ўтган эдим, бояги майдон кўринди. Ўша ерга борсам, қайси йўлдан

келганимни эслайман, деб ўйладим. Ўзи хотира ҳам сал кемтик, баъзан уйда бир нарса учун ҳовлига чиқсам, нимага чиққанимни унутиб қўяман, кейин қайтиб уйга кириб, ўша ўйлаган жойимга бориб ўтирсам, ўйлаганим лоп этиб эсимга келади. Шу одатимни билиб, ўзимга келиб олишга уриндим.

Ўша-ўша зикр, ҳалқа айланиб турибди, узоқдан қарадим, майдонга ҳар тарафдан катта кўчалар келиб туташган. Ўзим чиққан кўчани топаман деб анча айландим, келаётганимда кўп шиорларни ўқиган эдим, энди ҳаммаси аралашиб кетгандек. «Олам тартиби - қалбинг инъикоси», деган бир шиор турган эди, лекин уни ҳозир ўқидимми ё ҳали кўчада келаётганимда кўрдимми, билолмайман. Ё манави, «Кўнглинг жаҳон мувозанати саройидир, ғулий!» деган шиорни қайси томонида туриб кўрган эдим? «Ғулга шарафлар!» деб ёзилгани ҳамма ерда бор, кейин занжирбанд ғулийлар акс этган сўзсиз, чақириқсиз шиорлар ҳам анчагина, буларга қараб мўлжал оламан деб, умуман адашиб қолиш ҳам мумкин. Яна денг, ҳамма ёқдан бояги ҳайкалга ўхшаган нусханинг турли ўлчамдаги, лекин ҳукмфармо илжайиб қараши бир хил портретлари «Адашмай, айтганимни қил», дегандек тикилади. Ўзим ҳам разм солиб кўрсам, жонлига ўхшайди: юзида билинар-билинемас ҳаракат, сезилмай ўзгарадиган қатъий ифодалар бор. Албатта, бунга компьютер аралашган, худди тирикдек дастур қилинган. Шунинг билганимдан кейин сал ваҳимага ҳам тушдим; булардан ҳали кўп нарсани кутса бўлади. Офтоб балқиб ёнбошляпти, боғҳовлидан бошқа борар жойим йўқ, бировни танимасам, биронтаси гапимга жавоб бермаса, нотаниш шаҳар, қаерга бошимни суқаман? Умуман бегона, яна акс юрт! Тагин машинага ўрганган одам, уловсиз қолганимни айтмайсизми, ҳаво унақа совуқ эмас, адашсам, машина ичида ҳам ётаверар эдим, энди эса кўчадаман.

Тентираб юриб, бир истироҳат боғига кириб бордим. Қуюқ соя. Жуфтлар муҳаббатнинг зўридан бир-бирининг пинжиги кириб кетган, бошқа бировлари, янги бўлса керак, уялганидан оралари очик, сайр қилиб юрибдилар. Бошқа бир йигит қизини шундай маҳкам қучоқлаб олганки,

муштипарнинг бели синай деб қайрилган, «Яна ҳам қаттиқроқ ушла, қочиб кетмасин», деб айтай дедим-у, энди буларга одоб ўргатишим етмай турувди деб индамадим. Занжирга солинган бўлса-да, ошиқ юрак, бир нарса деб кўнглимни қора қилмасин. Ўзи шусиз ҳам паришонроқ аҳволдаман. Қулоғимнинг ичида ҳам занжирнинг майин жиринглаши буткул уялаб олган, буларнинг ўз ихтиёрлари билан асоратда юришларини кўриб туриб ишониб-ишонмайман. Лекин кўзим анча ўрганиб қолди.

Нарирокдаги тўниқ кўкка бўялиб, ранги унникиб қолган ўриндиқларнинг кўпида биттадан, иккитадан жуфтлар, бирови бир-биридан кўз узмай, термилишса, бировларининг оғзи ўпишдан бўшамайди; икки томонга қараб аразлашиб ўтирганлари ҳам бор. Ҳаммаси ўзимизнинг ошиқ-маъшуқларга ўхшайди-ю, лекин кўзимга қандайдир мустар кўриниб кўнглимни эзади; худди севги-муҳаббатлари туфайли занжирбанд қилинганга ўхшайдилар.

Ўзим нима сарсон бўлиб юрибман-у, яна бу ердаги ошиқ-маъшуқларни томоша қилишимни қаранг. Одамнинг ҳамма нарсани билгиси, тумшуғини суққиси келади. Айниқса носинашта жойда.

Жаҳонгашта бўлмасам-да, юртгашта одамман, бунақа аҳволга кўп тушганман. Бир марта Туркистонга, Яссавий бобомиз зиёратига борганимда, ҳозир қозоқ «дан»чилари ёмон, қадамда тўхтатади, ўт ўчиргичингдан, дорикутинггача сўрайди, йўқ бўлса, “таста” – бер, дейди, деб роса кўрқитишган эди, боргунча юрак така-пука, лекин биронтаси тўхтатмади, қайтаётган эдим, чўл, кимсасиз, барги сийрак, бутага ўхшаган бир нарса билан қараман деган дарахтдан бошқа зот кўринмайди, бир юзу қирқларда учириб келаётсам, «антирадар» чийиллаб қолди, одамсиз бу жойларда «дан»чилар нима қилади, бирон радиосигнал бордир-да деб, «нўл тўққиз»ни секинлатмадим. Қараманнинг панасидан лоп этиб погон қозоқ жўрамиз чиқиб, ола таёғини ўқталди. «Ўй-баёв, лашинқуш бўп кетдинг-ғўй! “Анав «шигули»ға бар, каптанамиз ишида, дакумитингни шунга берасин», деди.

Урди худо, «лочинкуш»да фақат сўм-купон, қозоқнинг тенгеси йўқ, «таста»сига нима бераман, деган хавотирда қараманнинг илма-тешиқ соясида турган «жигули»га борсам, орқа ўриндиғида дум-думалоқ капитан бовуримиз ёнбош ётибди. Салом бериб, ҳужжатларни узатсам, алик ҳам олмай, тумсайиб, ҳужжатларимни варақлади-да, «Мунча уширасан, бу ер сенга Таскентми?», деб машинанинг қутчасига ташлаб, яна ёнбошлади. Худди буларнинг ерига беҳурматлик қилгандек, ноқулай бўлиб, бир пас гапирмай турдим. Капитан менга қарамай, «Ҳа, кетавер, не дейсин?», деди. «Энди, оғайни, ўзимизнинг бовурларнинг йўли деб, ҳаддимиздан ошибмиз-да. Кейин одам йўқ жойда «ДАН» нима қилади, деб ўйлабман, лекин жуда ҳушёр экансизлар», деб, яна бир нималарни гапирган эдим, капитан ёнбошлаган жойида менга қараб қўйди-да: «Тошкентда не ис қиласан?», деди. «Ёзувчиман, мени Ўлжас билан Мухтор яхши танийди, жўрам бўлади улар», деган эдим, унинг дўнг пешанасида тириш пайдо бўлди, билдимки, шоир жўраларимни билмайди ё билмасликка олди, ё мендақа сўзамолларни кўп кўрган, гапим таъсир қилмади, лекин сизлаб: «Не ердан келяписиз?», деб сўради. «Туркистондан», дедим. «Туркистонга нега бордингиз?», деди. «Аҳмад Яссавийнинг зиёратига. Кўпдан бери ният қилиб юрган эдим», дедим. Капитан ёнбошлаган жойидан қадини ростлади-да, «Тастанг!», деб менга қўлини узатди. «Энди, оғайни, чўнтакда фақат сўм-купон, тенге ҳам, доллар ҳам йўқ, нимани ташлайман?», дедим. Каптан менга ялт этиб қаради-да: «Қўлни тастанг деяпман», деб думалоқ юзидаги тиришлари ёйилиб кетди, кейин ҳужжатларимни узатди. «Қазрат Ясевийга келган азаматтан пул оламанма!», деди яна. Раҳмат айтдим, у машинадан чиқиб, яна қўлимни қаттиқ сиқиб, «Қазретимиз битта-ғўй! Бизда «сатти сапар», сизда «оқ жўл», яхши боринг», деб хайрлашди. Қаранг, бошқа-бошқа давлат бўлиб кетганимиз билан ҳазратимиз битта-да, дарров кўнгил топишдик, бегоналик йўқ.

Лекин ҳозир юрти ҳам, пири ҳам ғирт бегона, тескари жойда ўзим куйиб, ўзим ёниб юрибман, буларнинг, зикрига қараганда, ҳазрати ҳам

занжир, шунга аҳволимни бир тасаввур қилинг? Душманингга ҳам соғинмайсан одам!

Етмиш олтинчи йили, кўкламмиди, кузмиди, эсимда йўқ, ишқилиб, салқин эди, биология практикасидан қолиб кетган бир таниш қизни олиб бориб қўяман деб, оқшом тоғда қолиб кетганмиз. Аввал автобусда, кейин йўлмошинда юрдик, ҳайдовчи «Сизлар сўраган Ғазалкентнинг тоғи шу ер бўлса керак, бу ёғига енгилмошин юрмайди», деб бизни бир тошнинг орасига тушириб кетди. Борадиган манзилимизни на мен биламан, на қиз бир тасаввурга эга, нукул: «Гора Ғазалкент», дейди, сўрай десак, одам кўринмайди, қайтай десак, энди улов йўқ, шом тушиб келяпти, ноилож, қизнинг рюкзаги елкамда, кўнглимда ҳар хил ўй-хавотир, олдинга юравердик. Умримда биринчи марта кечқурун, ҳамма уйига кирган пайтда кўчада, яна бегона бир жойда қолишим, ўзим-ку, майли, йигит одамман, совқотсам ҳам юриб тонг оттирарман, лекин бу овлоқ жойда қизни нима қиламан, ҳар қалай, эрта-бир кун бировнинг хасми дейман, яна кўнглимда алламбало ўйлар ҳам бор. Қоронғу тунда қиз билан қолиш ҳам яхши-ю, лекин қиз ҳеч нарсани ўйламаётганга ўхшайди, кўрқмайди ҳам, фақат қошини чимиради. Сал ҳавлиқяпман, лекин бошим жуда қотган. Ипнинг оқу қорасининг фарқи йўқолаётганда аввал тўрт-беш сигир, кейин бўйи сигирдан ҳам пастроқ, ерга ботган пачоқ уй кўринди, яқин борсак, увовқина бир келинчак сигир соғяпти экан. Қизга юр десам, унамади, ўзим бордим олдига, саломалайкум, биз Тошкентдан, аҳволимиз шунақа-шунақа деб тушунтирсам, бечора, тортинганидан боши тиззага олган челагига кириб кетай деяпти. Гапириб бўлганимдан кейин индамай челагини кўтариб уйига кириб кетди-да, зум ўтмай қўлини артиб қайтиб чиқди. Ерга қараганча, «Э-э, шапалак ушлаб юрган болаларми, айтишган эди, улар тоғнинг у ёғида, энди боролмайсизлар, катта мошин ҳам ўтмайди, фақат эрталаб хашак ташийдиганлари боради», деди. «Э-э, унда нима қиламиз?», дедим. «Эса, бизникида ётиб қоласизлар эртаминнангача», деди. «Уйларинг битта экан, сиғамизми?», дедим. «Бошқа уй йўқ, бу ўртада ҳеч ким турмайди. Бир

Ўзимман, куёвингиз бугун келадими, йўқми ҳали», деди. Э, хулласи калом, шу ерда ётиб қолишдан бошқа илож ҳам йўқ, рози бўлдим, лекин қизи тушмагур, «Тошкентга қайтайлик, булар мени нима деб ўйлайди?», деб туриб олди. Билиб турибман, унинг аҳволини кўриб, киргиси келмаяпти. «Ўйлагани билан нима ишинг бор? Тошнинг устида ўтириб тонг оттирмаймиз-ку», дедим. Бир амаллаб кўндирдим. Уйга кирдик, келин овқатга уннаб кетди. Ундан билсак, қизнинг амалиёти тоғнинг орқасида, ўн беш километрча баландда экан. Биз тескари томонига келибмиз, Майдонтолми, Кумушконданми, ишқилиб, йўли у ёқдан экан. Қоронғи тушганда эри келиб қолди, бизни кўриб қувониб кетди, балиқ олиб келган экан, уни ҳам қовуртирди. Хижолатимни айтган эдим, «Э-э, қўйсангиз-чи, тоғу тошнинг орасида меҳмонга зор яшаймиз ўзи, уйимизни тор демасангиз бўлди, лекин кўнглимиз кенг», деди. Алла-паллагача тўртовлон хангомалашиб ўтирдик. Келинчакнинг эри: «Бизнинг хотин уятчан-да, бўлмаса, «верховний совет»га депутат. «Э-э, қўйинглар, бечора менга гапиришга ҳам қўрқади-ю», десам, райкомбуванинг ўзи соғувчидан ҳам бўлиши керак, деб туриб олди. Мана, депутатнинг эри бўлиб юрибмиз», деб келин бечорани жиндай эрмак қилди. Эрталаб депутатнинг эри хашакка кетаётган танишини тўхтатиб, бизни машинага чиқариб юборди.

Ўша тор уйда кўнгли кенг депутатнинг эри эсимга тушиб, «Бизнинг одамларимиз қанчалар очиккўнгил, нақадар меҳмондўст. Энди буларни кара», деб кўнглим бир хил бўлиб турган эдим, биров елкамга секингина урилиб кетгандек бўлди, орқамга қарасам, ҳалиги дўкондаги силлик кийинган йигит, менга бир сония тўғри тикилди-да, кўзи билан ана у ёққа дегандек ишора қилди. У менга бошқа қарамади, лекин, атрофдагиларнинг ҳаммаси бир бўлиб унга қарагандек туюлди. Йигит бошини эгиб, қўллари билан юзини тўсиб шитоб билан узоқлашди, бир тўп одам келаётган эди, шундан тўрт киши ажралиб чиқиб, илжайганча унинг орқасидан кетди. Илжайишган бўлса-да, кўнглим бир совуқ нарсаларни сезгандек туюлди

лекин. Нима бўлганда ҳам, у менга келган йўлимни кўрсатгандек эди, кўзи билан имо қилган томонга қараб юрдим.

Кўчанинг бошини топганимдан кейин, бу ёғи осон кечди-ю, лекин боғҳовлига бир чақиримларча қолганда худди уйдаги Паҳмоқ -Аҳмоғимга ўхшаган бир пўстак кучук илакишиб олиб, кайфиятимни бузди. Бир дарвозанинг олдида жимгина турган эди, кўрдию акиллаб менга югурди, яқинимга келишга юраги бетламай, нарироқда тўхтаб олиб акиллайверди. Бир ер тепинган эдим, ғирра орқага қочдию юришим билан яна эргашди. Телпакдай бўлса ҳам ғирт аблаҳ экан, то меҳмонхонагача орқамдан қолмади, хуравериб эриниб кетганидан, ора-сира «вак-вак» деб тин олиб, кейин яна бошлайди. Худди бутун атрофга «Ана, қаранглар, занжирсиз одам кетяпти, сизлар ҳам унга акилланглар», деб жория қилаётгандек. Ким билади, занжирсиз одамни кўрмаганми ё шунақаларга хуришга ўргатилганми, ишқилиб, ғулийлар орасида шунча эзилганим етмагандек, энди буларнинг кучуги ҳам дашном берса, деб кўнглим баттар ғашланди.

Боғҳовлига етганимда, келишимни ичкарида пойлаб турганлар шекилли, дарвозаси ўз-ўзидан икки ёнбошга сурилди, хиёбонга кирганимда димоғимга олма иси урилиб, сал енгил тортдим. Бу ердаги дову дарахт менга эътибор кўрсатмагани билан, ҳар қалай, занжирсиз юришимга ҳам бефарқ эди. Иморат эшиги олдида хизматчи ғулия қараб турган экан, жилмайиб пешвоз чиқди. Менга эмас, боққа табассум қилиб. «Сиз бораверинг, мен чой дамлайман. Ҳа-я, агар кийим алмаштирсангиз, тайёрлаб қўйибман», деди. Ўзини яқин олиб айтганига кўнглим бир ғалати бўлди. Ким ўзини яқин олиб кийимларингизни тахлаб қўйиши маълум-ку сизга ҳам. Хонамга кирсам, тўшак устига янги ичкийимлар, қўйлак-шим ташланган. Аввал қизиқиб томоша қилдим. Зўр, майканинг чап томони бутун, ўнг томони билан икки елкаси ешиқ, бежирим тугма қадалган, тушундим: чап томондан қўлтиққа қисилади-да, тугмаланади, чунки ўнг қўл билан тугмалаш қулайроқ, шимнинг бичиғи сал бошқача, икки ёнбоши бўлак-бўлак, лекин чоти бутун,

бутингизга олиб, аввал белнинг икки томонидаги катта тугмаларни илантириб, кейин икки ёнбошдаги кичикроқ тугмаларни ўтказиб чиқиб, охири лозим жойдаги шириллоғини тортсангиз, қуйиб қўйгандек бўлади, почаси ҳам тугмаланиб, оёқдаги занжиртасманинг ичига киради; қўйлакнинг сал даҳмазаси кўпроқ, унинг ҳам ўнг биқини бутун, лекин устидан тугма қадалган, бошқа ҳамма жойи очик, уни ҳам олдин икки елкасидаги тугмаларига илдириб, кейин, хоҳланг, бўйиндан икки енгининг устидаги тугмаларини ўтказинг, хоҳланг, аввал икки биқинни тугмалаб, кейин енгларга ўтинг; ҳа, енги ҳам билакдаги занжиртасма тагига тикилади. Ҳаммаси худди қўлдан, белдан, оёқдан ҳам сириб боғланган иш кийими – комбинезонга ўхшайди. Боя дўконда кўрганларимни энди тушундим. Бўйиндаги занжир бўйинча билан оёқдаги икки тушов занжир битта бўлгани учун, кийимни бўйиндан ўтказолмайсиз, шимга оёғингизни тиколмайсиз, чунки занжир умуман ечилмайди, кейин у кийимнинг устида туриши керак. Асли тасаввур қилишингизга осон бўлиши учун занжир таққан яланғоч ғулийни ҳам, кийимларнинг бичиғини ҳам чизиб кўрсатиш керак эди, лекин расмчиликдан кейинроқ туғилганман. Балки, ҳомий топилиб, китоб босилса, бирорта рассом оғайнилардан илтимос қилиб кўрарман. Йўқ дейишмас, кейин уларга ҳеч қийини йўқ, чунки ғулий либослари хотирамда михланиб қолган, у-бу жиҳатлари ёдимдан кўтарилган бўлса, ҳозирлари Ғулистон тушимга кирмаса ҳам, хотиралари, айтдим-ку, тирик, худди кўз ўнгимда кечаётгандек жонланади, дарров эслайман. Фақат... кўрмаган одам, кўргандай чизиб бера олармикан, деган истиҳола бор. Ҳа, дарвоқе, ёзувчи дўстимнинг рўмонида ғулийларнинг занжир тақиши икки гапнинг бирида уқтирилавергани билан кийимларининг бунақа ўзига хосликлари борасида гап ҳам йўқ. Худди бизга ўхшаган одамлар занжир тақиб юрадигандек ёзилаверади. Кўрмаганни эшитган енгаман дейди, дегани шу. Сиз ҳам-чи, ул-бул ёзиш ниятингиз бўлса, дуч келганга, ҳатто дўстингиз бўлса ҳам гапираверманг, ўзингиз ёзинг. Маслаҳат-да. Оғзингиздагини илиб кетишади, қуйиб қолаверасиз.

Энди бу кийимларни жуда батафсил айтаётганимнинг сабаби – сиз ҳам кўрмагансиз, билган-кўрган нарсангизни ўзингизга ҳикоя қилиб беришимнинг сира қизиғи ҳам йўқ. Агар ҳам, қани, бу ёзувчи бир нарсани биладими, йўқми ўзи, деб қизикмасангиз. Бизда шусиз ҳам ҳамма билган нарсани ёзувчи одам кўп. Ишқ-муҳаббат мавзусини олинг, ҳамма билади, бошидан ўтган, ўзи ҳам шу савдонинг меваси, лекин қўлига қалам олган одам борки, шуни ёзади, одамлар ҳам шуни талашиб ўқийди. Аслини, тубини суриштирсангиз, янги нарса йўқ, ҳаммаси ўша, ўшанинг ўзи, лекин қайта-қайта яхши кўраверишади, қайта-қайта ёзаверишади, қайта-қайта ўқиладигани ҳам. Ҳа, Фулистонда бўлганимни, айтдим-ку, сир тутиб келдим, айтганим билан ҳам кўплар ишонмай, ёзадиган ҳаёлий асарини оғзаки машқ қилиб оляпти, деб ўйлайди, сал-пал ишонгани... нимагадир ўзини яқин олиб, шерик бўлгиси келади, ёзувчи дўстимга ўхшаб. Ўшанда, бир марта “яримта” устида калла қизиб гаплашиб ўтириб, ҳам унинг ёш бўлса-да икки рўмон ёздим, мунча қисса чиқардим деб ғурурланганига, э-э, мен кўрган нарсаларни сен ҳаётда ҳам кўрмайсан деб, Фулистонни ҳеч кимга айтмаслик шарти билан ўзим гуллаб қўйганман, лекин қойил бўлинг, оғзимга маҳкамман деган одамнинг қўли югурик экан, олти ой ўтмай шу сиз ўқиган рўмони чиқиб турса! Яна виждони ҳам йўқ эмас, «Фалон Фалончининг ғоялари асосида» деб, исми шарифимни ҳам ёзиб қўйибди. қаҳрамон ҳам мен. Лекин... лекин ҳафсаламни ўлдирди. Аммо яхшигина сабоқ ҳам олдим, агар яна шунақа сафарга борадиган бўлсам, ҳеч кимга айтмайман, яхши чиқадими, чиқмайдими, ўзим ёзаман, оғзаки ҳам гапириб бермайман. Айтайми, у нима деб ёзганини. Мана, эшитинг-да: бир саёҳатчи йигит саргузашт ахтариб, бошқа оламга ўтиб қолади ва у ерда бир соҳибжамолга ошиқ бўлади, у қиз ҳам маъшуқаликка тайёр турган экан, дарров бунга ҳам кўнгил беради, унинг ўзига эса ўз навбатида яна бир нечта йигит ошиқ, пинҳона олишув, мусобақалар, кунчилик, қоработирлик, хуллас, муҳаббат можаролари. Тасвирлар ҳам зўр: сўлим табиат, сой бўйи, мусаффо ҳаво, ғир-ғир шабада, изҳори дил, энтикиб ўпишишлар... ҳатто сувга сочини солган мажнунтол ҳам

бор; ошиқлар висолга эришганда унинг шоҳида майна ҳам тўлиб-тошиб сайрайди, у ҳам кўзини лўқ қилиб, буларнинг бир-бирининг кўйнига кириб, кучоклашишини пойлаб юрадигандек. Дўстимнинг тасвирлари ўзига зўр туюлса керак, аммо менга мутлақо ёқмади. Майнаси ҳам бир кичкина паррандалигига қарамай, ғирт ахлоқсиз. Ўзи мен шу мурғни жуда ёмон кўраман, юзсиз, без-бет каззоб, бошқа кушларнинг инини ғорат қилади, полапонини ўғирлайди, умуман расво куш, куш ҳам эмас, қанақадир бир олақанот шаллақи, баднафс касофат! Кейин, Гулистонда уни кўрганим йўқ, кўрсам ҳам кўрмаганликка олгандирман. Бизга ҳам бу беҳосият шумғия эллигинчи йилларнинг охирида Ҳиндистондан келиб қолган шекилли, Гулистонга борган-бормаганини ўз кўзим билан кўрмагандек кейин, аниқ бир нарса дея олмайман. Қулоғимга чалинди, шунга яраша гапимни ҳам ўзларига айтдим, лекин бу бошқа масала. Лекин ёзувчи ошнаимиз рўмонига уни нима учун киритган, менга қоронғи, аммо ёзган воқеалари ҳам тўқилган. Ўзи кўрмаганини кўргандай қилиб ёзгандан кейин, асли таги ҳам ёлғон-у, лекин шу ёлғони ҳам ўзини оқламаган. Мана, ўйлаб кўринг, қаҳрамони ўша ўзга оламдаги қизни севиб, қиз ҳам унга ошиқ бўлиб қолган экан-да, энди бу ёққа яъни юртимизга қайтиб келгандан кейин, ўша қизни унутолмай, виждони қийноқда, яна уни соғинар эмиш. Ҳа, бу ёқда аввал хотини қолган, энди келгандан кейин у ёқда хиёнат қилганини бўйнига ололмай, яъни хотинига айта олмай, икки карра азобда қоврилар ҳам эмиш. Ўйламай деса, бу ёқда ҳар майна сайраганда эсига тушармиш, бизда майна кўп-ку жуда, шундан жуда диққат эмиш. Чағир-чуғур қилса бўлди, севги-муҳаббат азоблари кўзгалар экан. Бари бўлмағур гап! Бу ёқда қийналган виждон у ёқда қаёққа кетган эди? Тўғри одамнинг бир жойда виждонли бўлиб, бошқа жойда виждонсиз бўлиши ғалати-ю. Ё саёҳатга чиқаётганда виждонини бу ёқдаги хотинига омонатга қолдириб кетган эдими? Ё сени биров юр деб мажбурладими? Шунчаки бир қиз билан вақтичоғлик қилишни бизга севги деб пеш қиялсан, бизга ўтмайди, а, оғайни, ўзимиз кўриб келганмиз-ку!

Хуллас, мени ижобий қаҳрамон қилиб кўрсатса ҳам, рўмони таъбимга мутлоқ ўтирмади. Ўзимиздаги ҳаёт ҳақидаги саёз тасаввурини Ғулистон тўғрисидаги уйдирмага ёпиштирган. Бошдан-оёқ чўпчак. Чўпчак бўлганда ҳам кераксиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг-да, шундан шу ёққа, ўзга бир оламга бориб қолса-да, ҳаммани кўй, эчкини сўй, деб, бир қизнинг орқасидан ҳаллослаб юрса. Э инсон, пулининг сассиғига чидолмай ётган миллионер-миллиардерлар ёнидан харжлаб ҳам кўролмайдиган жойни кўриш сенга насиб қилибди-ку, шуни ёзмайсанми? У ёқдагилар қандай ётиб-туради, ҳаёлида нима ўй бор, дунёни қандай тушунади, биздан нималари билан фарқланади – айт шуларни! А, қизлар ўзимизда ҳам бор, ишқий саргузаштлар бу ёқда ҳам ачиб ётибди! Битта яллачи хотиннинг нечта эрга тегиб чиққани, бошқасининг неча марта шу яллачи хотинни хотинликка олгани тилимизда дoston, етади бизга. А, сен, ахир, ўша кўрмаган-билмаган дунёга борибсан, шуни айтиб бер бизга. Ишқ-муҳаббатингни бошимизга урамизми, ибодан қалтираб кетган қизни бўлиқ майсанинг устига тортишни ўзимиз ҳам билсак. Тавба, одам қайси дунёга тушмасин, асли қандай бўлса, шундайлигича ўзгармай қолаверар экан-а. Шу ёзувчи дўстимнинг хотинлар тўғрисида кўп гапиришини ёмон кўраман, ҳатто айти борада ўзининг нуқси йўқ эмасми, деган шубҳага бораман, чунки оғзи тинмайди: одамнинг тилидан ўзи интилиб эришолмайдиган нарса тушмайди-да. Ёзган нарсаларига ҳам шу уриб кетган. Бўлмаса, бошқа оламга боради-ю, кўзига шундан бўлак нарса кўринмайдими? Хотини билмаса, юриб кетаверадими? Ғирт ахлоқсизлик бу! Ёзгани ҳам шу зиногарликни оқлаш. Ўқувчини гўл деб ўйлайди-да. Бошқа олам экан, у ёқда бор, бу ёқда йўқ нарсаларни ёзиш керак-да, тўғри эмасми? Менда буларнинг ҳаммаси бўлган, лекин мутлақо бундай эмас. Ҳали айтиб бераман.

Ҳа, узр, ғулийларнинг менга атай қўйган кийимларини гапираётган эдим, жуда чалғиганим ҳам йўқ лекин, чунки сиз бунақа кийимларни кўрмагансиз, ўзим ҳам ўша ерда кўрдим. Матоси ўзимизникидан, шими сунъий тола аралаш мовут, қўйлак юпка-нозик батистми, нима дейди, хуллас,

бежирим материалдан, ипи ҳам бошқача эмас шекилли, лекин тикилиши, бичими сиртдан бизникига ўхшагани билан тамомила ўзгача.

Аввалига бир-бир қўлимга олиб, хўб томоша қилдим, катта тугмаю кичкина тугмаларигача санаб кўрдим. Буларда тугма ишлаб чиқариш саноати жуда ҳам катта шекилли, жуда кўп кетар экан. Анча томоша қилиб, қизиқишим босилгандан кейин эса бу кийимлар менга экани эсимга келиб, кўнглим ножой бўлди. Ҳа, мени кийсин деб берган-да булар. Ҳаммаси ичкийимдан бошланмаса эди! Бугун майкасини кийсам, эртага каравот устида занжир ҳам ялтиллаб ётиши ҳеч гап эмас. Ҳа, албатта. Занжир - сизу менга занжир, тутқунлик белгиси, қуллик рамзи, лекин булар, ғулийлар учун, ким билади, қанақа мўътабар нарса бўлса? Балки занжир бермасак, кўнгли қолади, деб ўйларлар мени? Эҳтимол, бўйнимга занжир солиш уларнинг менга кўрсатаётган зўр эҳтиромидир? Билиб бўладими! Менга занжирбанд одамнинг кийимини берибдилар деяпман-у, лекин буларда бошқача кийим ҳам йўқ, қаёқдан ҳам бўлсин, ҳаммаси шунақа кийинса. Кейин билдим, ҳатто жазога мустаҳиқ бўлиб, ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум этилганлари ҳам абгор, лекин худди шунақа кийимларни кийиб юради. Албатта, занжирсиз. Бошқа андазадаги кийимни билмайдилар-да, ахир.

Ҳаммаёқда: боғда, кўчада, иморатларда, кийимларда, йўлу йўлакларда, хуллас, кўзим тушган бари нарсада занжир гулини кўравериб кўникиб қолган бўлсам ҳам, тўшакка ёпилган мовийранг рўйжада ҳам кўндалангига туширилган шу шаклни кўриб, сесканиб кетдим. Рўйжани кўтариб, хушкига қарасам ҳам, шу аҳвол: худди осмон асоратга солингандек, оч нилий кенглик юзига ҳалқа-ҳалқа бежирим занжирчалар солинган. Ётганимда устимдан ҳам, остимдан ҳам занжир чулғаб олса, матога туширилган гул бўлса ҳамки, бари бир, рамзий маънода тутқун бўламан-да.

Бу ўй бошқа ўйларни эргаштириб келиб, фикримни бутунлай бўтаб юборди. Ақлимда нимадир ўзгаришлар бўлди, қанақадир умидларим синдим, ишқилиб, ҳадями, хайриями, ёки шунчакига берилганми, бу

кийимлар жуда аччиқ ҳақиқатга рўпара қилиб қўйди: мен тилини тушуниб турган бўлсам-да, дили еттиёт бегона одамлар орасига тушиб қолган, ҳозир боғҳовлида ё шаҳар кўчаларида бемалол юрганим, хоҳлаганимча сайр қилганим билан қандайдир, нима деб тушунтирсам, бир эркин банди эдим, гўё эрким ўзимда-ю, аммо худди шу эрк ортиқча, менга керак эмас, ҳатто зарарли бир даҳмаза эди. Ҳа, шу эркинлик бошимни кўп азиятга солишини аниқ билиб қолдим. Менга буларнинг азим шаҳрида, кейин билдим, мамлакатининг пойтахтида жой йўқ эди. Шу боғҳовли ҳам ҳозирча эканини англадим. Шунинг учун энди бирон зарурат бўлмаса, бу ердан ташқари чиқмасликка қарор қилдим. Биров танимаса, билмаса, худо кўрсатмасин, кўчада бирон қор-ҳол бўлса, ҳолинг қандай дегувчи йўқ, булар занжирсиз одамга парво ҳам қилмайди, ўлиб кетаверишим ҳеч гап эмас. Адашиб бир мамлакатга ўтиб кетсанг-да, ҳеч бир иш қилмай, кимса билмай, троллейбусми босиб ё трамвай туртиб тасодифан ўлиб кетсанг, алам қилади-да. Кейин, айтиб бўладими, балки менга бошқа дунё вакили деб қараб, бу дунёга бегона бирон хасталикни олиб келган, деб чора кўришлари ҳам мумкин-ку. Қутулишнинг осон йўли автоҳалокатми, шунга ўхшаган нарс-да. Йўқ, оч қорним, тинч қулоғим. Ҳайҳотдек боғҳовли, чой ичганимдан кейин ғулия қиз кўрсатди – катта кутубхона, телевизор, видео, бир жавон кассета, яна хизматимда бу сулув, занжирини жингирлатиб чопқиллаб юрибди, менга шаҳарининг нима кераги бор? Тумонат занжирбанднинг ичида битта занжир тақмаган, ёмон кўриниш газогимга нима дори? Сиз минг яхши одам бўлманг, яхшилигингиз яхши одамлар орасида билинади, ҳаммаси ёмонларнинг орасига тушинг – ё бир эсипаст, ё калтафаҳм лақмага чиқасиз. Бемалол ёмонлик қилиб юришларига ҳалал берасиз-да. Яъни ёмонликдан тийилсалар, сиздан кўришади. Шунинг учун тинч ўтирай дедим.

Яна қаранг-эй, ўзи бир нарсани ўйлайдиган аҳволда эмасман, лекин буларнинг ташвишини тортиб ётибман, ҳаёлимда катта бир савол: битта шаҳарида шунча одам, яна қанча шаҳру қишлоғи бор, неча милён ғулий яшайди, ҳаммаси икки-уч ёшидан занжир тақса, тасаввур қилинг, неччи минг

тонна темир кетади? Қанча руда қазиб олиш, қайта ишлаш, металл қилиб эритиш, қуйиш, пардозлаш, хуллас, бутун бошли бир индустрия! Нимага керак? Ғулийни занжирга солиш учун! Зарилми шу? Ана масала! Эй, бор, аршингни қил, сендан ош-нон сўраяптими, дейдиган одам йўқ. Хаёлимнинг бир чеккасида ўзимча куйиниб ётибман: бутун бошли бир оғир саноат беҳудага ишлаб ётибди экан деб. Энди сўрасангиз, бу ёкда ўзимизда йўқми? Бу танку кирувчи учоқ, автомату тўп, атому водород бомбаларини ишлаб чиқармаса, яшаб бўлмайдами? Қайси мамлакатнинг ҳарбийларидан сўрасангиз, бостириб кирадиган душмандан ҳимоя қилиш учун, дейди, бостириб боришимиз учун, демайди. Ҳаммаси ҳимояланади, босиб оладиган душман ким, билмайсиз. Бошқа мамлакатнинг ҳудудига ҳам ўзининг хавфсизлигини таъминлаш учун киради. Майли, бу бошқа гап-у, лекин ана шу йўқ душманга қарши тайёрланишга қанча куч, қанча маблағ, қанча меҳнат кетишини ўзингиз, ҳа, яхши биласиз. Ҳа, энди бу жуда содда саволлар-у, лекин доим одамни ўйлантиради-да.

Ғулистонники нима, бошқаларга аниқ бир зарари йўқ, ўзича занжир ишлаб чиқиб, халқини занжирбанд қилиб ётар, халқи шундан хурсанд экан. Ўзи умуман халқ бир тузумдан рози бўлса ё ўзини розидек кўрсатса, тескарисини исботлашга минг урининг, бефойда. Мана, мен буни кўриб қайтдим, ҳозир ўтиб кетгандан кейин, ўтириб олиб ўйлаганим сайин жуда кўп нарса ойдинлашяпти. Мен, бундай қараганда, ҳу кейин жаҳаннамнинг оғзидан эсон-омон қайтибман. Битта занжирсиз одам тумонат занжирбанднинг нафратини оралаб соғ-омон етиб келибман. Ана шу битта нафратнинг ўзиёқ мени ўлдириб юбориши мумкин эди, Лекин бегоналигим, буларнинг нафратининг нималигини тушунмаганим менга паноҳ бўлди. Худди тилини билмаганим учун ҳақорат қилгани ҳам калламга етиб келмагандек. Менинг акам ёшлигида, ҳали ҳарбийга бориб келмаган пайтлари бўлса керак, бригада шийпони томини хашар сувоқ қилиб туришганда, йўлдан бир ўрис ўтиб қолиб, буларга «Бог в помощч» деса, ўрисчани билмаганлар, лойга ботганимиз учун майна қияпти деб ўйлаб, «Чо

балтаеш, фалон-беҳмадон» деб сўкиб берган эканлар. Меники тескариси, булар мени овоз чиқариб сўкмай, ҳақоратлаяпти, мен тушуниб турсам ҳам тушунмасликка оляпман. Тушунганимда билдирганда ҳам нима қилишимни билмайман, чунки мени эшитадиган одам ё арзимни тинглайдиган идора йўқ. Тамом ёлғизман, осмондаги ой ҳам ёлғиз, лекин унинг атрофида, майда бўлса ҳам, юлдузлар бор, қуёш ҳам танҳо, лекин унинг ўзи нур сочади, олам-жаҳонни ёритади, энг асосийси, осмон ўзиники, бегона эмас, мен эса... э-э, нимасини айтасиз, ёлғиздан ҳам ўтиб кетган ёлғиз, ҳеч кими йўқ дуппа-думалоқ етимдан ҳам бешбаттарман.

Биласиз, кўпнинг муносабати жуда кўп нарсани белгилайди. Мақтаса, шу мақтовга арзимаслигингизни билиб турсангиз ҳам шишиб кетасиз, ёмонласа – минг кучли одам бўлманг, руҳингиз чўкади – кўпнинг таъсири шунақа. Мен ўттиз еттинчи йиллари отувга ҳукм қилинганларни халқ орасида муҳокама бўлиб, оммавий қоралаганларини ўкиб, уларга йўқ ердаги айбни тақаб, ёлғондақа суд қилиб, ҳаётдан маҳрум этиб, яна одамларга нафратлантиришнинг нима кераги бор, деб ҳайрон бўлар эдим. Энди тушунсам, ҳақиқий, тамомила ўлдириш шу – кўпчиликнинг қарсаги билан қилингани, энди бу дунёда қўллаб турадиган ҳеч нарса қолмагани учун бечора қатағон қурбонлари милтиқнинг мили қаршисида ҳам партияга, Сталинга қасам айтиб, кўкракларини ўққа тутиб берган эканлар. Мен шунақа жавоби маълум саволларни билиб туриб ҳам ўйлайвераман. Кутилмаган вазиятга тушган ҳар хил одам ўзини ҳар хил тутди. Мен аввалбошда ҳовлиқаман, шошаман, ўзимча бир нима ҳаракатлар қилиб кўраман, лекин вазият ойдинлашавермаса, босилиб, қани, бу ёғи неча пулдан тушар экан, деб кутишга ўтаман. Шуниси яхши, кўпинча кутганим яхши бўлиб чиқади. Бу ерда ҳам кўп кўкайингни кесма деб, ўзимга сабр тиладим. Юриб излашга ё ўтириб ўйлашга маслаҳатчи ҳам, маслаҳат ҳам, чора ҳам йўқ, шу боғҳовли, боғҳовлида яшаш учун ҳамма нарса, ҳатто хизматчи қизгача борлигига шукр эди. Бу ҳам худонинг бир инояти, мен бечорага бир ғамхўрлиги, яхшиликка бир умид эди.

Ўйлаб ўтириб, бир нарсага эътибор қилиб қолдим: энг пастки ичкийим жуда бежирим тахланган, қиз бола қўлининг алоҳида меҳри шундоқ кўриниб турар эди, кўнглимга ўшанда бир ўйлар келиб қолди, бу ҳам бежизга эмас экан.

Менинг ҳам ақлим буларникидан кам эмас

Сал ўтмай хонамга ўша бир қоши оқ холдор ғулий кириб келди, салобатли бош ирғаганига мен ҳам калламни қимирлатиб қўйдим. «Қалай?», деди у, мен: «Бир нави», дедим, бошқа нима ҳам дейман. Юртини мақтайми, мен бунақасини кўрмаган эдим, мафтунман, деб айтайми ё халкинг менга карамади, одам ўрнида кўрмади, деб шикоят қилайми? Ҳеч ҳам-да! Кейин, нима фойда? Битта мени деб халқини ўзгартириш бунинг қўлидан ҳам келмайди. Лекин унинг ўзидан кўп керакли гап чиқиб қолди. «Пойафзал бўлмасида битта бошмоқни ушлаб кўриб, қўлтиғингизга ҳам қисиб, нега яна қайтариб жойига қўйдингиз? Олаверсангиз майли эди», деди. Ванг бўлиб қолдим. Ана, кузатиб юрган экан булар демадимми! Яна: «Ёқмадимми?», дейди. «Яхши ҳам одам қўйганимиз, бўлмаса, сизни йўқотиб қўяр эдик. Бечора энг намунали ходимларимиздан эди», деб гапининг ярмида тўхтаб қолган эди, мен «Нимага - эди?» деб сўрадим, у жавоб қилмади, аммо мен тушундим, ўша ходим ҳалиги менга йўлни имо қилган йигитми, демак, унга бир нарса бўлган, одамларнинг орасидан бошқа тўрт ғулий ажралиб чиқиб, орқасидан кетгани бежиз эмас экан. Кейинроқ буни аниқ ҳам билдим, аммо бу ҳам алоҳида мавзу, ҳали ўзингиз тушуниб оласиз. «Яхши бўлмади, буни бошда ҳам маслаҳат бермаган эдик, лекин бундан ҳам ёмон бўлуви мумкин эди, бўлмадимми, шуниси яхши», деди холдор. Бу энди менинг шаҳарга чиққаним ҳақида. Бундан ҳам ёмон нима бўлиши мумкин эди, буни сиз ҳам тасаввур қила олсангиз керак. Билиб турсам ҳам: «Кимга ёмон бўлуви мумкин эди?», деб сўрадим. У саволимга тўғри жавоб бермади, «Ўзингизни соддаликка солманг, - деди. — Аёвли меҳмон эканингизни билиб олиб, чегарадан чиқяпсиз. Минбаъд бундай қадам босманг». Жуда ҳайрон бўлдим. «Билмайман, ростдан, - деб азмойиш олдим. - Қаерда чегарадан чиқибман? Тинч бориб, тинч келдим-ку. Ё бошмоқни ушлаб кўрганимни айтяпсизми?» Холдор ғулий истехзо билан деразага қаради. «Бошмоқ эмас, у-ку бир нарса, - деди. — Вояга етмаган бола билан кўз уриштирдингиз! Ҳали у бегуноҳ мурғак эди-ку». Ана энди ичимда анграйишимни кўрсангиз! Ҳам анграйдим,

хам ақлим ишлаб қолди. Ҳаммаси ҳам майли-ю, энди у болакайга нима бўлар экан? Шу кичкина ҳолида, ўзи ҳеч нарсани тушунмай шундай катта маҳкаманинг рўйхатига тушиб ўтирса! Ҳа, холдорнинг бир-икки саволиданок англадим - жуда жиддий маҳкама, ҳали бутун кучини билганим йўғ-у, лекин бу вазифашуноснинг орқасида жуда катта куч борлигини тасаввур қилиб турибман. Болакай, ким билади... Йўқ, буни ҳам билмасам-да, кўнглим билан ёмон нарсани сезиб турибман. Холдорнинг маҳкамаси билан ҳазиллашиб бўлмайди. Мунинг бир қоши бекорга оқ эмас, яна яноғида, бурнининг ёнида олхўридек холи ҳам бор. Эшак иши билан, тўнғиз тиши билан, булар ҳазилни кўтармайди. Ҳали буни ўзингиз ҳам билиб оласиз. Лекин менинг шаҳарни безарар сайр қилишим шунча зарар келтирадиган бўлса, чиқмаганим маъқул. Ростдан ҳам аввал ўтириб, ғулийларни, уларнинг ҳаётини шу ердаги телевизору кассеталардан, китоблардан ўрганиб олишим керак. Ҳа, шундай қиламан! «Бир илтимосим бор, ўртамизда қолсин», дедим. «Қулоғим сизда», деди ғулий. «Шу бола билан кўз уриштирганимни, майли, менинг шахсий ишимда турсин, лекин унинг таржимаи ҳолидан ўчиртирсангиз». Ғулий сакраб кетаёзди. «Нима? Мени нимага бошляпсиз? Жуда ғалати экансиз-ку!», деди. «Э-э, нимага бошлабман? – дедим. – Боланинг ўтмишида қора доғ бўлиб турмасин, холос». Ғулий бир нарсаларни ўйлаб деразага қатъий тикилиб қолди. «Анойи эмассиз. Бир кундаёқ кўп нарсани тушуниб оляпсиз. Лекин иложи йўқ нарсани қилдиришга уриняпсиз. Ахир, вақтни орқага қайтариб, тарихни ўзгартириб бўлмайди-ку», деди. «Вақтни қайтаринг, демаяпман. Тарих – жуда катта, бу воқеа эса жуда арзимас. Бор-йўғи мурғак бир болакайнинг менга назар ташлаганини ташлаганини ҳисобдан чиқарсангиз, деяпман, холос», деб тушунтиришга уриндим. «Нима, бу болакай катта бўлмайдими?» деб сўради ғулий. «Мен ҳам уни безарар катта бўлсин, деяпман-да», дедим. «Шу бола катта бўладими, ахир, ё бошқасими?», деди холдор. «Албатта, шу болани айтяпман», дедим. «Хўп, сиз билан кўз уриштирган ҳам шу болами, ахир? - деди у. – Эртага шу бола вояга етса, сизга қараган кўзи ўзиники бўлиб

тураверадими, ахир?» «Дўстим, бола-ку у ҳали, қаради – нима, қарамади – нима, шуни ёзиб қўядиганларга бир оғиз айтсангиз, Гулистон - гулистон, уларда ҳам юрак бор-ку», дедим бор умидимни тўплаб. «Унинг келажаги ҳозир бошланади! – деди холдор кескин қилиб. – Сизга қараган шу бола, шу кўзлар, келажакда бошқа бўлиб қолмайди. Қараганини келажак учун муҳрлаб қўйишимиз шарт. Бу мавзуга бошқа қайтмаймиз». «Дўстим», деб яна илтимосга киришган эдим, у гапимни шарт кесди: «Мени дўстим, деманг, - деди, - Ҳали дўст бўлганимизча йўқ». «Э-э, майли, - деб қўл силтадим. – Сизларда нима дейилишини билмайман, жанобми, сэрми? Нима бўлганда ҳам ўшаларга айтсангиз, компьютердан ўчириб қўя қолишсин. Менинг жаддимга боланинг келажаги куйиб кетмасин, ўртоқ», дедим. Яна ўртоқ деб юборибман. Лекин бунга холдор ҳеч нарсга демади, рўйжадаги занжир шаклига тикилиб турди-да, «Зийраклигингиз яхши, - деди. – Худди Гулистонимизда туғилиб катта бўлгандек, ҳамма нарсани билиб турибсиз. Ё илгари ҳам келиб яшаганмисиз? Ёки у ёқда ҳам шунақа маҳкамаларда, а?...». «Э-э, худо асрасин», деб юборибман. «Худо? – деб ҳайрон бўлди у. – Ким у?». «Ким эмас, биру бор, яккаю ягона, буюк акбар, олам сарвари...» деб таърифлашга тушдим-у, бирдан тўхтаб қолдим. Чунки у билан важлашиш бефойда, бари бир уқмайди.

Ҳа, ана шунда кўп нарсани англаб, эзилишим бошланди. Бегоналигимни шунчалар чуқур ҳис этдимки, ўлиб, дўзахдан ҳам баттар жойга тушгандай бўлдим. Ҳар ҳолда, дўзах ўтида куйиб, додласанг, додингни ёнингдаги бошқа дўзахийлар тушунади-ку. Дўзахийларга дўзахнинг ҳам қадрдонлиги бор. Бу ерда... умуман бошим қотди. Кейин-чи, ўлим ботирдан ҳам қўрқади, деган гапни мен ҳам биламан, лекин, кўриб турибсиз, бу ерда кимга ҳам ботирланаман?

Яхши ҳам шу пайти ғулия қиз чой дамлаб кириб, холдор бошлиғига ним таъзим қилди-да, бизни яна холи қолдириб чиқиб кетди. Қиз, табиийки, менга қарамади, занжири билан майин садо берди, холдорнинг занжири ҳам

маъқуллагандек секин жингирлаб қўйди. Холдор ўртоқ чойни қайтариб, аввал ўзига, кейин менга ҳам қуйиб, пиёлани узатди. Раҳмат айтиб, олдим. Оддий бир суҳбат, оддий чойхўрлик, чойнак битта, унинг олдида бўлгандан кейин, сузиш ҳам ундан. Эътибор берадиган томони йўқ. Лекин... худди шу суҳбатнинг ғулийга қанчалар оғир тушишини мен у пайтлари хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. То шу доим чой дамлаб келадиган қиз билан ўртамизда ҳалигидақа қалин бир муносабат пайдо бўлмагунча. Ҳа, яна, ана шу муносабат ҳам қизнинг бошига айрилиқ мусибатини солганини сиз хаёлингизга келтира олмайсиз. Булар менга боғлиқ ҳам, айти пайтда имконимдан ташқаридаги кўргуликлар. Навбати билан ўқийверасиз, сиздан фақат сабр. Ҳозир суҳбатимизнинг давомини эшитинг-да.

То кўчага чиқиб, қайтиб келгунимгача бўлган нарсаларнинг биронтаси холдор ғулийнинг назаридан четда қолмабди. «Сизга қассоб билан гаплашиш нимага керак эди?», деб сўради, масалан. «Билмайман, - дедим. – Йўл сўрадим шекилли». Ростдан ҳам, нимага шу қассоб билан гаплашдим, кейин эсласам, гўшт неча пуллигини сўрабман, шўрва осяпманми ё ош дамламоқчи эдимми, ишқилиб, сира кераги йўқ эди. Қизиқ, баъзида бировлар билан гаплашасан-у, лекин нима учун гаплашганингни ўйлаб ҳам кўрмайсан. Лекин, қассоб беодоб экан, майли, кўзимга қарамасин, гапимга оғзи билан жавоб бермасин, лекин, бегоналигим бетимга ёзилган, пичоғи билан «ху, манави тараф» деб йўл кўрсатиб қўйса ҳам бўлар эди-ку. Аммо... булар қаердан туриб кузатган экан? Атрофга қараганимда, қассобдан бошқа ҳеч ким йўқ эди-ку. «Қассобларинг молфаҳм экан лекин», демоқчи эдим, лекин «Бир қизча ўйнаб юрган эди, у ҳам дафтарингизга тушдими?» деб кесатдим. Холдор ўзини ҳайронликка солди: «Қанақа қизча? Атлас кўйлаклими?». «Келинг, дим-дим ўйнамайлик, - дедим. – Атлас кўйлагини биласиз-у, қайси қизча эканини билмайсизми?» «Унда дафтарга тушмаганини сиз ҳам билишингиз керак, - деб истехзо қилди у деразага қараб. – У сизга англамай қараб қўйди, бу ҳам атиги сония. Шубҳадан холис ғулияча у. Келажагига доғ тушмайди.»

Энди, суҳбатимиздаги ҳар бир гапни айтиб бериб, шарҳлаб ўтиришим шарт эмасдир, ўзингиз ҳам англаб турибсиз шекилли. «Биз ўйлаганчалик содда эмассиз», деди ғулий. Шунақа гапни кўп қайтарди, бу билан киноя қиялпими ё тан беряптими, билолмадим, чунки одамнинг кўзига карамагандан кейин, гапининг тагида нима бор, англаш қийин, лекин, барибир, сал таскин топдим, ҳар ҳолда сенга содда деб қарамай, шунга яраша муомала қилса, яхши-да.

Намунали ичғу

Қизгина чиройли патнисда ликопчаларга дид билан терилган газак, хали мен дўконда кўрганимдек чиройли шишада ичгулик келтирди. Иккита, шишами, биллурми, фарқиға бормадим, ишқилиб, занжирча шаклида тилла белбоғча ҳал берилган жуда тиниқ қадах ҳам бор эди. Холдор шишанинг оғзини бураб очиб, қадахларга қуйди. Биласизми, қуйганини кўряпман, майин кул-кул товуши ҳам келди, оқиб тушишида деразадан тушган нур ҳам жило берди, лекин ичимликнинг ўзини кўрмадим, қадахлар бўм-бўшлигича қолгандек, шунақа ҳам тиниқ экан. «Нима бу?», деб сўрадим холдордан. «Ичғу», - деди у саволимга ажабланмай. «Ичғу? - дарров англаб сўрадим: - Даражаси неччи?» «Эллик бир, - деди ғулий. – Бизда ичғунинг даражаси бир хил, ҳаммаси бир даражада. Мана, қуйғу кўрсатиб туради».

Демак, кучлироқ бўлса ҳам, бари бир, ароқ экан, дедим-да, жуда чарчаганим, бугунги таассуротлардан кўзиган асабга дам бериш учун кўтариб юбордим. Дарвоқе, холдор уриштиради, буни хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Ичғусини ичиб юбордим-у, одатдагидек, сал афтимни буриштираман десам, бурним жийрилди-ю, лабим буришмади, ҳеч нарса йўқ, тўғрироғи, таъм сезмадим, тиниқлигидан ичдимми, ё бошимни орқага ташлаб, ичимга бўш қадахдаги ҳавони бўшатдимми, билмай қолдим. Газак қилишга ҳам ҳожат йўқ эди. Холдорга ҳайрон қарадим, у эса пинагини бузмай, қадахларни иккинчи бор тўлдирди. Булар кайф учун шунақа тоза сув ичади шекилли деб, яна уриштирмай ичиб юбордим. Кейин!.. Биласизми, бирдан ичимга шодлик камалиб қолиб, тошиб чиқа бошласа денг. Ҳа, бир олам қувончга чулғаниб кетсам! Дунё тамомила бошқача кўриниб, ҳатто холдор ғулий қимирлаганда занжирининг секин-секин шиқирлаши ҳам ёқимли эшитилиб қолса! Ичғуси шунақа зўр, асл тоза эканки, ичганда билинмай, кучини кейин кўрсатар экан. Э, баракалла, девордим ичимда. Ҳеч тортинмай, шишани қўлимга олиб, ёрлиғини ўқидим: ичғусининг исми

жисмига мос - «Кувонч», боя дўконда кўрганим. Бу палакатнинг ҳам шунақа тозаси бўлар экан.

Кейин холдор менга тушунтирди. Майли, шуни ҳам сизга айтиб берай. Балки бунинг бадий асарга алоқаси йўқдир, лекин ҳаммага тегишли жойи бор, чунки, бизда, ёмон иллат, жуда кўп одам ичади, ётиб ичмаса ҳам, менга ўхшаб, дўстлар билан ўтирганда, туғилиш кунлари, тўйларда тортиб кетаверади. Лекин биз нимани ичамиз, нимага ичамиз – ўйлаб кўрадиган вақт келди. Шунинг учун ҳам ғулийларнинг ичғусига тўхталиб ўтишни мулоҳаза учун жуда керак, деб ҳисоблайман.

Холдор ғулийнинг айтишича, буни ўзим ҳам дўконларида кўрдим, ичғу уларда биздагига ўхшаб жуда бемалол экан. Тури унча кўп эмас-у, лекин истаганча бор. Фақат биздагидек аччиқ ва қиммат эмас. Арзонлигининг ҳам сабаблари бор, буни ҳали айтаман. Ичганда тез таъсир қилади, билмадим, нима қўшадилар, лекин хурсандчилик беради, ичган одам бир-икки пиёла билан тайёр бўлади, албатта, ружу қўйганлар бундан мустасно, улар тамом учиб қолади. Ичғу билан ҳордиқ чиқариш, умуман маишат, оддий одамларининг овқати кам бўлса ҳам, биздагига қараганда кўп марта арзон тушади.

Кейин, яна бир ибратли томони, бу ерда ҳеч ким ичғуни тўғри келган нарасда ичиб кетавермайди. Бизга қадахми, пиёлами, фарқи йўқ, алюмин кружка, консерва идишига ё бодрингнинг ичини ўйиб ҳам солиб, ичаверамиз. Ғулийларда асло бундай эмас, уларнинг махсус қадах бор, ҳозир холдор айтгандек, «қуйғу» дейдилар, «қайғу» билан адаштирманг, ўрисларнинг «стопка» деган майда стаканчасининг худди ўзи, юз граммни роппа-роса чоракларга бўлган тўртта майда тилла занжир шаклида ҳал берилган белбоғчалари бор. қуйғу давлат зовутларида ишлаб чиқилади ва унинг шакли, сифати, сиғими қатъий назоратда. Гап шундаки, қуйғу шишага-да, биллурга-да ўхшайдиган, лекин жуда мустаҳкам, синмайдиган аллақандай тиниқ материалдан тайёрланиб, нафақат қуйилган ичғу миқдорини, балки

кувватини бир даражанинг чорагига аниқ кўрсатади. Дейлик, масалан, арокнинг қуввати эллик бир даража эмас, эллигу юздан етмиш беш даража бўлса, қуйғуда лойқа тус олар экан. Ғулийлар дўкондан ичғу олса, бизга ўхшаб, тозами, йўқми деб арок шишасини силтаб ё тагини кафтига ишқаб овора бўлиб юрмайди, қуйғуга қўйганлари заҳоти унинг ранги шундок сифатини кўрсатиб қўя қолади. Қуйғу, биринчидан, арокнинг сифатини доимий назоратда тутиш имконини берса, иккинчи томондан, қўлбола ичимлик тайёрлаб сотишни тамомила йўққа чиқаради. Ҳа-я, Ғулистонда биздагидек қўлбола арок савдосидан бойишга эҳтиёж, талаб ҳам йўқ. чунки давлатнинг барча сир-синоатлар билан юқори сифатли тайёрланган ичғу шунчалар бемалол ва арзонки, қўлбола тайёрлашнинг харажати даромадидан катта тушади. Кейин, дейлик, бирон уддабурон ғулий харажатини камайтириш йўлини топиб, қўлбола ичғу қилди ҳам дейлик. Лекин уни ўзи ҳам, бошқа ғулий ҳам ича олмайди. Чунки ичғуни қуйғуда ичиш шу қадар мустаҳкам кўникма, шунчалар кучли одатга айланганки, ҳатто жону жонзот кўзидан пана овлоқда ёлғиз ўзи қолсаю ичмаса, ичмагани учун бошига ўлим жазоси тушса ҳам, ғулий қуйғудан бошқа нарсага қуйилган суюқликни оғзига олмайди. қўлбола ичғуни қуйғуга қуйганингиз заҳоти қуйғу хиралашиб, бедана тўрқовоғидаги йил бўйи ювилмаган сувдондек кирланиб қоладики, уни ҳеч бир ғулийга мажбуран ҳам ичириб бўлмайди. Бу ҳам ғулийга занжирини ечишдек бир гап. Ҳатто кимсасиз, овлоқ тоғу тошда якка ўзи эчки боқадиган чўпони ҳам ёнида ичғу бўлиб, қуйғуси йўқ ёки йўқотиб қўйган бўлса, бари бир, ўзи ясаган ёғоч чўмич ё бошқа идишда ичолмай, ташна юраверар экан.

Хуллас, Ғулистонда ичғу ишлаб чиқариш ва умуман ичкилик савдоси ҳамда истеъмоли содда, бекаму кўст ишлаб, яна ўзини ўзи назорат қиладиган ажойиб табиий бир механизмга айлантирилганки, фақат қойил қолиш мумкин. Буниники кейинги йиллари сони тобора кўпайиб, сифати борган сари тушиб кетаётган турли маст қилувчи ичимликларни ичиб, боғини суриштиришга тили ғулдираб қоладиганларнинг ақли етмас, лекин

«компетентний» соҳа мутахассислари менинг ҳайратим боисини жуда тушунадилар. Масалан, алкоголь ичимлик савдосидан давлатга қанча тушум келишини ҳамма ҳам билавермайди. Мен ҳам унча билмайман. Лекин жуда салмоқли! Даромаднинг филдек қисми ичкиликдан. Ароқ ишлаб чиқаришнинг ўзи жуда катта соҳа. Минг-минг одамлар ишлайди, минг-минг гектарлардан олинадиган арпаю буғдой, олмаю узум ҳосиллари уни тайёрлашга кетади, минг-минг мошинлар минг-минг дўконларга уни ташиб туради, милён-милён одамлар юзминглаб ресторону ошхоналарда, тўй-маросимларда, ҳатто ёлғиз ҳам сабаб-бесабаб шу заҳри қотилни истеъмол қилиб ётади, даромади, соғлиғи, баъзан эса оиласидан айрилади. Нимага ҳеч ким бу кори беҳайрга чек қўймайди, деган бир содда савол туғилади. Тўғрими? Тўғри. Аммо сира бунинг иложи йўқ. Бундай уринишлар кўп бўлган. чор Россияси тарихида, СССР пайтида. Энг охиргиси, эсингизда бўлса, Лигачёв номи билан боғлиқ. қанча ароқ-шароб заводлари ёпилди, қанчадан-қанча токзорлар қавлаб ташланди, олмазорлар кесилди, дўконларда давлат ароғи йўқолди. Натижа нима бўлди? Таъқиққа, аҳолидан ускуналар йиғиб олинганига қарамай, қўлбола ароқ тайёрлаш авжга минди, этил эмас, метил спиртдан қилинган ароқ ичиб, ҳатто бир жойда бутун бир шаҳарнинг қирилишига бир баҳя қолди. Одамлар алкогольга, умуман маст қиладиган нарсага шунчалар ружу қўйганларки, ақлга сиғмайдиган ишларни ҳам қиладилар. Буни қаранг, бензиннинг сассиғини искаб ҳам одам маст бўлар экан. Бир кружка пиво олиб, устига суварак ўлдирадиган дорини пиш эткизиб пуркаб, кейин ичсангиз, кун бўйи бангихаёлда кайф қилиб юрар экансиз. Вэй, этикмойни биласиз-а, ҳарбийда «гуталин» дейишади, шуни қалинроқ бўлканон бўлагига суртиб, бир муддатдан кейин устини кесиб олиб ташлаб, қолган ивиғини еса, шундан ҳам маст бўлар экан. Жони азизини ўйламай, одам боласи кайф учун ҳайвон ҳам қилолмайдиган ишни қилади-я, астаффируллоҳ! Ҳей, падари қусур, ажалингдан беш кун бурун ўлиб кетяпсан-ку, дейсиз, у бўлса сизга қараб ҳиринглайди! Маст-да, бахтиёр, текин кайф топганидан оғзи қулоғида...

Хуллас, давлатнинг ароқ ишлаб чиқаришни тўхтатиш, ичкиликбозликка чек қўйишига қўлбола ароқ тайёрлаш, қўлбола кайф ихтирочилиги монелик қилади. Тўғрироғи, кейингиларини назорат остида тутишнинг иложи йўқ. Ғулистонликлар эса ишнинг айниқса бу жиҳатини қойиллатганлар, яъни қўлбола ичғу тайёрлашни илдиз-пилдизи билан қуритиб юборганлар.

Мен анча вақт ғулийларнинг бу кордонликларига беш кетиб юрдим. Шу биринчи куни холдор ғулий билан икки қуйғу ичдим, кейин ҳам чарчаган пайтларим, меҳмонхонада бир ўзим, банияти шифо деб отиб юрдим ҳам. Аммо... берилмадим, ўзимни тутиб олдим, сабаби шу биринчи икки қуйғу ҳам кайфимни оширди, ҳам кўзимни очди. Ичғунинг ўзи эмас, ичғу туфайли ғулий ўртоқ билан бўлган суҳбат. Унинг олхўри холи йилтираб қолганига қараб, кайфи ошди деб айтиш мумкин-у, лекин гапларининг ҳаммаси тағдор, маънили, коса тагидаги нимкосалари бисёр эди, шунга қараганда хуши ўзида, менга кўп нарсаларни ичғу баҳонасида етказмоқчи бўлди, етказди ҳам. Ё менга ўзича ғулийчилик қилди, яъни ғулийгарчилик, ё шу йўл билан, яъни кўп нарсани шама билан англашиб, ўзларига оғишдан бошқа йўл йўқлигини сездирмоққа уринди. Нима бўлганда ҳам, ғулийлигига, анувнақа маҳкамада ишлашига қарамай, яхши зот экан. Яхшилиги – шу икки қуйғу ичимлиги билан менга Ғулистон мафкурасининг моҳиятини очди; умуман, раиятини, яъни ғулиётни муайян бир босим остида тутиб турадиган тизимлар учун ичкиликни яйпатиб-қўллатиш хос хусусият, ғулийларнинг ҳам бу сиёсатдан бебаҳра эмаслигини бошдан билиб қўйишим мени анча хушёр торттирди. Кейин бошқа бу ерликлардан, хизматчи қиз истисно, бундай очик ғулийни учратмадим ҳисоби.

Энди унинг янада очик мақсадга ўтиши қолди шекилли. Лекин холдор: «Сизга дам. қиз сизга яна чой дамлаб, бош учингизга қўйиб қўяди, кечаси чанқасангиз», деди.

«Кечаси... ёлғиз ётаверасизми?» деб сўради ғулия қиз чой келтиргандан кейин. «Ҳа, - дедим ишонгим келмай. – Кап-катта одам». «Бир ўзингиз кўрқманг деяпман-да», деди у яна шом қорайиб келаётган деразага хушҳол термилиб.

Бир гаплар бошланади шекилли. Ухлагани ётган эдим, ичимга бир безовталиқ қамалиб, юрагим шошиб, алламаҳалгача кўз юмгани қўймади. Ўйлаб ётдим. Бу ёғи нима бўлар экан энди? Нима бўлмасин, имонимни басаломат асрашим лозим деяпман-у, имонимнинг ўзи нураб бораётгандек. Яқинларингдан узоқда, уларнинг сенга кўзи тушиб турмагандан кейин шу экан-да.

Бир нарсалар бўлади чоғи

Эрталаб чойни кутиб, хаёл суриб ўтирган эдим, ғулия қиз ўша патнисда наҳорлик олиб кириб, столга қўйди-да, юрак ютиб, тўсатдан: «Жуда ҳам оғир бўлса керак?» деб сўраб қолди. «Ҳа, жуда у даражада эмас-у, лекин калавамнинг учини йўқотиб турибман», дедим. «Ўзингизни қандай эплаб юрасиз? Жуда бебошвоқ бўлиб қолгансиз-ку», деди қиз. У аҳволимни десам, занжирсиз юришимни сўраётган экан. «Аксинча-ку, - дедим, - жуда бемалолман. Мен сизларга ноқулай бўлса керак, деб ўйлайман.» «Йўқ, - деди қиз. – занжирсиз қолишдан занжирнинг ўзи асрасин! Мен ҳатто тушимда ҳам... вой, узр, ҳеч кимга айтманг, илтимос қиламан!» Қизнинг ранги ўчиб, ниҳоятда қўрқиб кетди. «Бу билмасин», деб, отини айтмай, кўрсатгич бармоғи билан қошини силади. Билиб тургандирсиз, ҳалиги холдорнинг бир қоши оқлигига ишора қилди. «Яхши ғулий экан-ку у, кейин, нима, тушингизни ҳам текширадиларми?», деб сўрадим. «Яхши ғулий яхши ғулий бўлгани учун ҳам сидқидилдан, ҳалол ишлайди, ҳеч бир нарсани яшириб қолмайди. Тушда занжирсиз юриш ҳам ғулийнинг асли ичида ғулийликка содиқ эмаслигига далолат деб қаралади. Мен унақа туш кўрмайман. Мисол учун деб, оғзимдан чиқиб кетди. Сиз эшитмадингиз, мен айтмадим, ўтиниб сўрайман», деб ёлворди қиз. Шу ялинаётган пайтда кўзимга қараб қўйиб, баттар саросимага тушди. «Вой, мен тамом бўлдим, энди тозалаш сабоғига тушаман», деб йиғлаб юборди. Сабоғи нималигини билмадим-у, «Жон синглим, кўрқманг, айтишнинг қизиғи ҳам, кераги ҳам йўқ менга», деб кўнглини тинчитишга уриндим. Кўзёшларини артиб, сочини силаб қўйгим келди-ю жуда, лекин бошқа хаёлга бормасин деб, ўзимни зўрға ушладим. Чой ҳам совиб қолди. Лекин шу баҳона бу занжирбанд қиз билан ўртамизда бир нарсалар баттар кучайди. Кўнглимни қувонтиргани - қизнинг атрофга кўрқа-писа аланглаб, эҳтиётини қилиб бўлса-да, мен билан бир-икки марта кўз уриштиргани бўлди. О, сиз жуда оддий нарсаларнинг қадрига етмайсиз-да, бир одамнинг, яна қиз боланинг сизга суяниб, ишонч билан кўз

уриштириши... йўқ, менинг аҳволимга тушмагандан кейин, шу аҳволнинг нақадар фараҳбахш эканини ҳам билолмайсиз.

Энди мен сизга қизнинг ўзини таърифлай. Ҳу олдинроқ айтган эдим, чиройли қиз. Юз бичими бежирим, қошлари ҳам ингичка тизилган, қалдирғочнинг қанотидай, гапирганда учаман дейди, айниқса, бурунчасининг ингичка сайқали ҳалиги мумтоз эллин андазасига мос тушади, даштлик, саҳройироқ одамлар бундай қизларни албатта тоғликка тақайдилар, ҳақиқатан ҳам тоғу тошларда дингиллаб чопиб юрадиган оҳуга ўхшайди, тикилиб қарасангиз, ундан ҳам гўзалроқ. Пешана, қош, бурун, ияк, яъни сақоққа тангрининг ўзи тарашлаб, жило берган. Қадди-қоматининг адл сурхдек чиройлилиги ўтирганда ҳам қараган одамнинг юрагини энтиктириб юборади. Ҳа, бу ерда хизматкорлик иши, бўйнию оёқ-қўлларига боғланган занжир, яна доимий, бетиним хавотир, ҳамма-ҳаммаси биргалашиб ҳам йўқота олмаган, икки қошининг ўртасидаги, табиийми, ё кейин ясалганми, мошдек кўкиш холининг тагидан ҳам шу ўлмас чирой мўралаб туради. Яна бу хуркак, ўт чақнаган нигоҳлар! Одам бу қизга қараган сари сулувликнинг янги-янги қирраларини топаверади. Яна ёнида ўтирганда бир еридан ушлаб турмасангиз, сакраб қочиб кетадигандек туюлаверади-да, одамнинг қўли ўзидан унга интилади. қўл ўзига, яъни эгасига бўйсунмай, қиз боланинг сочигами, юзигами тегингиси келаверса, жуда ғалати аҳволга тушар экансиз. Менга нима бўляпти ўзи, дейман.

Лекин кўнглимга ёмон бир қутқу хавотир ҳам ин қуриб олди: мен туфайли бу қиз мусибатга учрамаса! Шундан кўрқдим. Яна кўрқинчли жойи шунда эдики, шундай-шундай қилдим, деб холдор ғулийнинг маҳкамасига қизнинг ўзи бориб иқрор ҳам бўлуви мумкин эди. Ҳа, буларда тўғрисўзлик, ҳалоллик оғишмайдиган бир мустаҳкам бурч! Ҳамма нарса кузатилгандан бошқа иложлари ҳам қолмайди-да.

Бу қизга қандай ёрдам берсам экан деган ташвиш ўй-хаёлимни чулғаб олиб, телевизор кўрганимда ҳам, кутубхонада ўтирганимда ҳам калламни

тарк этмади. Устига-устак, қиз қаерга кирсам, ўша ерга чой кўтариб киради; чойи ҳам бирам мазали! Ўзи чойни яхши кўраман-у, лекин ҳеч бунақасини ичмагандекман, унинг қўли шунақа ширин. Мен тўғри кўнгилда айтяпман. Сиз бошқа хаёлга борманг яна. Айтдим-ку, бу ерда мени ишқий саргузаштлар, муҳаббат савдоси эмас, бизникига ўхшамаган ҳаёт кизиқтиради. Ҳали билмайман, ўзимнинг бошимга нималар тушади. Балки кизнинг менга кўрсатаётган меҳрибонлигида ҳам бир нарса бордир, бу хуркак нигоҳлар, бу тотли чойлар бежизга эмасдир деб, бўшашаётган имонимни маҳкам ушлаб қолишга уриняпман. Бир куним энди занжирбанд киз билан гап-сўзга қолиш эди. Қизга қўлимни тегизгим келяпти, деганда ҳам хаёлимдаги гапни айтдим, асли тегинганим ҳам йўқ, бу бир яширин ёввойи истак эди, холос. Ва, албатта, таскин бергим келди, бу ҳам унинг ўзи овутишимни жуда-жуда истаб тургани учун. Шунини ўйлаб туриб, энди унга жуда тикилиб қарамасликка қарор қилдим. Бечорани бўлмайдиган нарсага умидлантириб нима керак дедим. Албатта, сиз ўйлашингиз мумкин, ёш одам, дам олиш уйида, хизматида бир сулув киз амрига мунтазир, нима деса, муҳайё қилиб турибди, наҳотки, а.. балки, а... Тўғри, ҳар нарса бўлиши мумкин. Сизни тушуниб турибман, лекин, айтдим-ку, нима қизиғи бор, буни ҳамма билади. Демокчиманки, керакли нарсалардан гаплашайлик. Энг асосийси - кизнинг менга бир-икки марта қарагани... балки хизмат қилиш учун махсус қўйилгани учун менга қарашга, кўз уриштиришга ҳам истисно тариқасида, алоҳида рухсат берилгандир, лекин шундай расмий кўрсатма билан қараганда ҳам, нигоҳлари жуда чуқур маъноли, туб-тубида теран бир меҳр нурланиб, одамнинг юрагини орзиқтириб юборар эди. Фақат шу занжири... қандай айтсам, раҳмимни келтирадими ё ғашимга тегадими, ишқилиб, нимадир ўртада бир тўсиқ бўлиб туриб олган эди-да. Ёзувчи дўстим ёзганидек оддий ҳирс эмас бу, ҳеч ким кўрмаган-билмаган юриш, ҳали кўрасиз, сиз учун ҳам қизиқ, чунки аминман, ғулия, яна хизматчи қизга дуч келмагансиз, у билан севишиб ҳам кўрмагансиз. Занжирли қизга сира

мойил бўлмаганман, қанақа экан деб, шу ҳам одамни ўзига тортиб кетяпти
лекин.

Ғулистон қомуслари ва баҳслар

Менга энг керакли китоб - «Ғулистоннинг катта қомуси» бор экан. Ўзи ҳам бир юзу йигирма бир жилд, ҳали тугамаган ҳам. Бу сўнгги нашр, лекин, кейин билдим, охиргиси эмас, жилдлар ҳам санокқа етмаган, қайта нашр эса адоқсиз бир жараён.

Мен ўқиган қомусда Ғулистоннинг жуғрофий жойлашуви, ҳудуди, глобусда тиккасига ва энига кетадиган меридиан билан параллеллари, аҳолиси сони ҳақидаги маълумотлар йўқ ҳисоби, борида ҳам бир нарсани англаш қийин, чунки аниқ рақамлар эмас, қанақадир манбаларга ишоралар бор, ўша манбаларни топсангиз ҳам, уларда улардан ҳам олдинги манбаларга ишоралар чиқади. Уларни минг титкилаганингиз билан, Ғулистон деган мамлакат мавжуд, унда ғулийлар яшайди, деган лўнда маълумотдан нарийёққа ўтолмайсиз. Масалан, бир жилда Ғулистон аҳолиси ҳақида фалон манбанинг фалон саҳифасидан билиб олишингиз мумкин, дейилган бўлса, қизиқиб, ўша манбани топсангиз, унда ҳам ўз навбатида яна битта ёки бир нечта манбага суяниш кераклиги айтилади-да, уларнинг ўртасидаги ихтилофлар ва фарқлар ҳақида баҳс кетади, бунда ҳам нимада ихтилоф, нима нимадан нимаси билан фарқ қилади, буни билиш учун ҳам яна бир нечта жилдни варақлаб кўришга тўғри келади. Энг охирги манбани топдим деб ўйлаб, ўқий бошласангиз, унда ўзидан олдинги тадқиқот билан ҳам, кейин ўтказиладиган илмий изланишларнинг йўналишлари билан ҳам кескин баҳс кетган бўлади. Охири чарчайсиз-да, ҳа-е, шу экан-да, билдим – нима, билмадим – нима деб, кўл силтайсиз. Балки шуниси ҳам маъқулдир, кўп маълумот олганингиз билан шохингиз чиқиб қолмайди, ундан кўра аниқ иш қилиш керак. Ҳар ҳолда, қомусни тузган ғулий олимларининг фикри шундай. Улар баҳсга ниҳоятда уста. Мантиқ илмини сув қилиб ичиб юборганлар. Масалан, осмонга булут чиқиб, ёмғир ёққани илмий мубоҳаса объектига айланадиган бўлса, шундай жиддий тус оладики, ёқангизни ушлайсиз. Энг аввало, осмонга булут чиққанми ё чиқмаганми, шуни баҳслашиш керак.

Булутмиди ё булут эмасми, ёмғир ёққан бўлса, албатта - булут, лекин буни асослаб бериш лозим, булут экан, демак, осмонни тўсади, осмонни тўсса, осмоннинг ўзи бормиди ёки йўқ, яъни кечасими ё кундузи, кечаси чиққан булут билан кундузи чиққан булут бир-биридан тамомила фарқ қилади, уларнинг туси ҳам бошқача, демак, кечаси ё кундузи чиққан булутдан ёмғир ёққан дейлик, унда қанақа булутдан қанақа ёмғир ёғди? Ёмғирликка ёмғир, лекин қанақа эди, ҳақиқатан ҳам ёғяптими ёки тасаввур қиялпизми? Битта ёмғир ёғиши ҳақида шунча мантиқ, баҳс-тортишувлар. Ўқийвериб, каллангиз ачиб кетади-да, э-э, ёмғирингни ҳам худо кўтарсин! – деб охириги жилдни отиб, иккинчи ўқимаганим бўлсин, энди тинч яшайман деган хулосага келасиз. Ана шу қилганингиз тўғри бўлади, бўлмаса, ўқияпманми, йўқми, ё менга шундай туюляптими, унда нима учун, нимага... деб ўз-ўзингиз билан баҳсга киришиб кетасиз-да, кейин, бандасининг раҳмини ўзи есин, ақлдан озишингиз ҳам ҳеч гап эмас. Бу гапларни бекорга айтмаяпман, уларнинг баҳс билан яшашини ҳали кўрасиз.

Лекин мен бечора Ғулистон ҳақида кам нарса билганим учун, кўпроқ билай деган умид билан кўп нарсани ўқидим. Ўқиганим қомус жилдларида ғулиёт фалсафаси, эътиқоди, урф-одатлари, яшаш тарзи борасидаги маълумотлар жуда бисёр, лекин булар ҳам бевосита уларнинг ўзи ҳақида эмас, балки тартиби тўғрисида экан. Шу маънода жилдларни тартибот қомуслари деб аташ тўғрироқ. Чунки ҳамма масала, у ашёми, фалсафий тушунчами, ёки одатми, фарқи йўқ, ҳаммасининг ўзидан кўра, қандай тартибда амалга оширилиши ёки қайси тартиб туфайли юзага келиши тадқиқ этилади ва ҳамма-ҳаммаси олиб бориб, занжирга боғланади. Ҳа, шундай. Бизда ҳам, эсингиздами, илгарилари ҳаммасини партияга боғлар эдик. Тўй қилсак, икки ёшнинг боши қовушса ҳам, албатта, буни партиянинг ғамхўрлигидан деб, қапеэсэсга шарафлар ўқиб, доҳийга раҳматлар айтар эдик. Худди болаларимиз ҳам марҳум доҳийнинг қарами ва меҳрибонлигидан дунёга келгандек. Буларда ҳам, нима бўлмасин, занжир туфайли, занжирнинг тартиботи берган имконият сабабли деб ёзилар экан.

Мана, занжирбанд бўлгани учун тўй қилган, у занжирбанд бўлгани учун тўйига бошқа занжирбандлар келган, ҳа, ёшлар ҳам ғулий бўлганлари учунгина севишиб, бир ёстикқа бош қўйганлар. Тўғри лекин, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, занжирсиз Ғулистонда тўй қилолмайди, занжирбанд бўлмаса, маъракасига ҳеч ким келмайди ҳам, умуман биров уни севмайди, у ҳам бировни севолмайди. Занжирсиз бу мутлоқ мумкин бўлмаган нарса.

Севгида ҳам севги бор

Кутубхонанинг жуда яхши жихатлари бор. Ўқийсиз, чарчасангиз, атрофда бошқа ўқиб ўтирганларни томоша қиласиз. Баъзан чиройли қизлар кириб қолади, уларни кўрасиз. Ниҳоятда ёқимтой манзара: ўзи чиройли қиз бўлса-да, яна чиройли иш қилиб ўтирса, яъни китоб ўқиса. Қоғозга хушхол термилиб ўтирадиган қизларга жуда ҳавас билан тикиламан. Баъзилари қараб ўтирганимни билиб, янада хушхолоқроқ тусга киради, бу ҳам бир ширин; баъзилари бор, китобини шартта ёпиб, ўқрайиб қарайди, ана шу ўқрайиши билан «Ол кўзингни! Бўлмаса, шарманда қиламан лекин!» демоқчи бўлади, бошқа ҳаёлга борган бўлса-да, бу ҳам завқли, ҳам китоб ўқийсан, ҳам дам оласан.

Лекин бу кутубхонада бир ўзимман, китобу деразадан бошқа қарайдиган нарса йўқ, хизматчи ғулия ҳам бир марта, нари борса, икки марта чой олиб кириб беради. Уни тез-тез кўрай деб ҳадеб чойнакни бўшатавермайсан-ку, нима деб ўйлайди. Лекин чой тўла чойнак олдимда турса-да, унинг яна чой дамлаб киришига кўз тикадиган бўлиб қолдим. Хуллас, ўзимни мажбурлаб, мудраб-мудраб ўқийман. Кассеталарни ҳам кўп томоша қилиб, зерикиб кетдим, воқеалар, маълумотлар ҳар хилу моҳияти битта – ўша ғулиёт мафкураси. Бошқа, биз бекитиб кўрадиган ҳалигидақа фильмларидан йўқмикан деб, шу ахтардим, чиқмади. Сиз бошқа ҳаёлга борманг, ўзи ҳам ахлоқий бузуқ экан деб, йўқ, қизиқишим ғирт илмий, ҳаттоки тиббий-руҳий йўналишда: булар занжирини ечиб кўядими, йўқми, ечолмаслиги аниқ, чунки бўйни билан оёқ-қўлига кавшарлаб қотирилган, лекин занжири билан қандай қовушар экан, темир-ку, одамнинг баданига совуқ тегиб, ҳароратини, яъни истагини ўлдириб қўймайдими деган савол миямга кириб қолиб, сира тинчлик бермаётган эди. Жавобини биламан, бунақа пайти, кўнгил кетганда, темир чолворга қулфланган бўлса ҳам, одам йўлини топади, лекин шу йўлни қандай топгани бари бир қизиқ-да. Яна такрор айтаман, бу қизиқишим - ғирт илмий, тиббий-руҳий ва ҳатто

этнографик йўналиш бўйича. Мен-ку, азалдан шунақаман, ҳамма нарсани тадқиқ қилиб, тажрибада кўришим керак, лекин сиз ҳам, қани, нимаси қизиқ экан, деб қизиқиб турибсиз-ку, тўғрими?

Бир марта шуни қайси манбадан топиб ўқисам, ё қайси кассетада сал бўлса ҳам, ишора чиқиб қолса, деб ўйлаб зинадан чиқиб келаётган эдим, лоп этиб чироқ ўчиб қолди. Шу пайти ё сал ўтдим, билмай қолдим, биров мени қаттиқ кучоқлаб олди, қайноқ нафаси юзимга урилганидан, ҳали гапирмасиданоқ танидим – биров эмас, хизматчи ғулия. Сим--сиёҳ қоронғию, лекин кўнглим чарақлаб кетди, ана шу кўнгил ёруғлигида ўзимга ёпишиб олгани учун қизнинг бор гўзаллигини, бутун қадди-қоматидаги чиройини ҳис қилиб, сезиб турибман. Энтиқиб кетдим. Йўқ, ҳирс маъносида эмас. Яна шунақа хаёлга боряпсиз-а? Ўзи нафасим тикилиб, ҳансираб қолганман. Бўйним қирс этиб синиб кетай дейди. Тавба, қиз бола ҳам шунақа кучли бўладими, астафидуллоҳ, нозик қўллари бўйнимга темир чангадек осилса-я! Юзини юзимга босиб, шивирлади, шивирламади, қулоғимни ноз билан суйиб эркалатди. Эҳ, сўз тополмаяпман, гунгурт қоронғида шунақа сулувнинг бағримга ёпишгани шунчалар ҳаяжонли бўлдики!.. Сиз яна ўйлагандирсиз, яхши кўрганидан чидай олмай, охири «Севаман!» деб энтиккан, «Мени бир ёқларга олиб кетинг!» деб дилини изҳор қилган деб. Йў-ўқ. Сиз кўрган киноларда, ўқиган китобларингизда шундай, унга ҳам биз ёзувчилар, масалан, ўзим ҳам айбдор. Сизни қизиқтириш учун ҳар балони ёзаверамиз.

Мана, дўстим менинг ғояларим асосида ёзган ўша рўмонида ҳам шунақа устумонлик, яъни муҳаббат тасвири деб, ҳирсли йўлни танлаган. Унда айнан шундай қиз ерга ибо билан боқиб, «Сизни севиб қолдим», дейди-да, кейин боғ оралаб қочиб кетади. Топдингиз, ўзимизнинг кинодагидек, уни қувлаши керак, ҳа, қувлайди ҳам, етай дейди, қиз ишва қилиб қочади, қўлидан ушлай дейди, қиз ноз билан ўзини тортади, иккаласи боғда роса қувлашмачоқ ўйнайди, охири қаҳрамонимиз ушлаб олади-да, ҳу бошда ҳам

ушлаб олса бўларди, лекин чўзгани завқли-да, хуллас, қизнинг ғунчадек очилган лабларига лабини босади. Ана сизга муҳаббат! Боғни айтмайсизми, ўрикзор эмиш, баҳорда қийғос гуллаган, дарахтлар гулга бурканган, кўм-кўк майсаларнинг устига ҳам оппоқ гулбарглардан гилам тўшалган, туф-эй, яна майна сайраган; мажнунтолда ҳам майна, ўрик шоҳида ҳам майна, шу кушдан нима барака топган экан, билмайсан. Яна бу ўрикзор, чақирим-чақирим чўзилган, қиз билан йигит машинада шунча юрса ҳам охирига етолмас эмиш. Ёзувчи бу тасвирни севгининг ниҳоясизлигини урғулайман деб киритган-у, лекин мен дарров тагини билиб олдим. Аввал, баракалла, анча таъсирли манзара ўйлабди деб турган эдим, лекин ўрикзорнинг чақирим-чақирим чўзилиб кетганини ўқишим билан миси чиқди: бу ўрикзорлар Ғулистонники эмас, ўзимизнинг Наманганники! Айбдор ўзим, ҳа, буни ҳам мен айтиб берганман. Бир марта, кўкламда Наманганга борган эдим. Ўрик айна гуллаган пайт. Рулда, йўл бўйи ўрик гуллаганини томоша қилиб кетдим. Одамларнинг ҳовлисида, томорқасида биттадан, ё тўртта-бештадан тўп бўлиб гуллаб ётган ўрик одамга бошқача кайфият беради. Айниқса кўм-кўк дала ё ўт босган тепанинг устида гуллаган ёлғиз ўрик худди оппоқ келинлик либосига ўралиб, яна бошига фатасини ҳам ташлаб олган фаришта қиз оёғи ерга тегар-тегмас учиб келаётгандек, одамнинг ичи ҳовлиқиб кетади. Довонда, тоғдаги ўриклар ҳали гулламаган, лекин довон ошиб тушиб, сал юргандан кейин Поп ҳудудига кирганда, ҳайратдан ҳайқириб юборай дедим. Машинада бир ўзим, товушимни ҳеч ким эшитмайди, кейин ҳайқирдим ҳам. Нима деганим эсимда йўқ, лекин ҳаяжонда роса товуш бердим, йўқ, ашула айтмадим, шунчаки, ёввойи, тизгинсиз наъра тортавердим, ўрикзор ҳам тугамади, бир-бирига уланиб кетаверди, ҳалиги фаришта келинлар то Наманган шаҳрига етиб боргунимгача тизилишган, галалашиб ўйнаган, «нўл тўққиз»ни қувлаган! Томоғим бўғилиб қолди. Юртимизда шундай гўзал манзараларни кўп кўрганман-у, лекин кўкламда Наманганнинг ўрикзорлари шунақа зўр бўлишини, яна шунақа бир-бирига уланиб, бу қадар чўзилиб ётишини

билмаган эканман. Қайтишда бир ўзим келгим келмай, хаёлимда бир қизни ҳам ўтиргизиб олган эдим. Уни ҳам шу гўзалликка ошно қилай десам, хаво қуяётган, осмон қоп-қора булут, ўриқлар ҳам чиройини ёмғир туманига бурқаб олган, лекин, бари бир, бу ҳам чиройли эди, аммо қиз жунжикканидан атроф билан иши бўлмади. «Яхши ҳам машинангиз ичи иссиққина», деди. Бу йўллардан кўп ўтганидан ўриқзорлар унга ўрганиш бўлиб қолган экан-да. «Қаранг, жуда чиройли, а?», десам, «Ҳа, - деди ўриқзорга эмас, менга қараб. – Офтоб чикқанда кўрсангиз эди, яшнаб кетади». «Ҳозир ҳам яхши», дедим хафсалам ўлиб. Қиз шаштимни пасайтириб қўйганини сездими, икки қўли билан ўнг қўлимни ушлаб, бошини елкамга қўйди. «Хай-хай, рулдаман», дедим... Булутли осмон, ёмғир, дала-тузларнинг устига худди намхуш ҳарир парда тортилгандек, ёғин тагида оқ қўйлаклари ивиб, ибо билан эгилиб турган келинчаклар сафи ва шувиллаб учиб бораётган иссиқина «нўл тўққиз» ичида ўзинг, елкангга эса бир қиз бошини қўйган, машинанинг пешана ойнасидан бошқалари терлагани учун худди фақат олдигина очиқ чимилдикда ўтириб кетаётгандек... қаерда шундай бемалол, кўнгилхотиржам юрасан, яна нимани хоҳласанг, шуни ўйлайсан, орзу қиласан – албатта, ўз ватанингда-да.

Қайтишимда шунақа бир ширин хаёл сурганман, унга ўзимнинг ҳам ишонгим келиб ёзувчи дўстимга айтиб берган эдим. Лекин аниқ Наманган, деганман. Наманганга борганимнинг Гулистонга ҳеч ҳам алоқаси йўқ. У бўлса, шу манзарани Гулистонга ёпиштирибди, қиз билан йигитга қувлашмачоқ ўйнатибди, уларни ўпиштирибди, ўрик шоҳида майнани сайратибди. Тупукласа ҳам ёпишмаган. Гуллаган ўрикнинг шоҳида майна нима қилади? У шу вақти одамларнинг ҳовлисида ё далада бир бузғунчилик қилиб юрган бўлади. Ўрикзорга у фақат ўрик пишганда чўқилагани боради, бу аблаҳ манфаатсиз юрмайди. Адашиб борган бўлса ҳам, ошиқ билан маъшуқанинг муҳаббатига мадҳу сано ўкиб сайрамаган, хали ўрик пишмабди-ку, нимага келдим деб қақшаган. Кейин, айтдим-ку, боришда бир ўзим эдим, келишда хаёлимда бир қиз ҳам бор эди, лекин ёмғир ёғиб тургани

учун машинани тўхтатиб, чиқиб, ўрикзорда қувлашмачоқ ўйнашни ўйлашга вақт ҳам, хоҳиш ҳам йўқ, кечирасиз-у, қизларни қувламасак ҳам, дилини тушунадиган айёмдамиз.

Кўряпсизми, ёзувчи дўстим жиддий масалаларни ана шунақа қилиб бачканалаштириб юборган. Тўғри, чироқ ўчганини унга айтмаганман, айтиш ҳам номардлик, лекин уни рўмонда йигит билан қизнинг ўрикзорда қувлашмачоқ ўйнаб, шуни тасвирлаганда ишқий савдодан нари ўтолмагани, бу йигит яна мен бўлганим энсамни қотиради. Хизматчи қиз бўйнимга гапимни бошқалар эшитмасин деб осилган, унақа маънода эмас. Йўқ, ёлғон бўлмасин, шу маъно ҳам бор эди, қиз бола бекордан бекорга қучоқламайди, юрак сирини тўғри келган йигитга шивирлайвермайди, аммо бунинг замирида бошқа гап экан-да. Қиз қулоғингга нима деб пичирлади, деб сўранг. «Ростдан туш кўрдим, - деди у ҳаяжонда, мен ҳам қучоқлаб олганим учун, оғушимда титради. – Тушимда занжирсиз юрган эканман». Ана, эшитдингизми, нақадар даҳшат! Булар учун занжирнинг нима эканини шунча гапирдим, энди тушундингизми қизнинг нимага қалтираб кетганини? А? У бечорага ҳақиқатан ҳам ваҳима-да.

Нима таскин беришни билмай, сочларини силадим, қоронғида кўринмаса ҳам лабини топдим. Хуллас, қўлимдан келгунча, бор кучим билан муштипарнинг кўнглини олишга, тинчитишга ҳаракат қилдим. У эса баттар қалтираб, «Сиз билан... сиз билан юрган эканман, қўл ушлашиб», деди. «Майли, майли, мен ёнингдаман», дедим. «Жуда кўрқиб кетяпман, жуда ҳам!» деди. Мен ҳам кўрқиб кетдим, агар бунинг тушини билишса, тушида қўлимдан ушлаб олгани ҳам яширин қолмайди, кейин... у менинг эмас, мен унинг тушига кирганман, кирганимдан беҳабар эдим, деб ўзингизни оқлаб олинг-чи! Лекин буни қизга айтмадим, мардлик қилдим, гапирмай, маҳкамроқ оғушладим; у мени қучоқлаган, мен уни, бағри билан бағрим битта бўлиб кетганидан занжири ҳам шиқирламайди, атроф эса сим-сиёҳ, гўё бутун дунё тубга чўкиб кетгандек. Йўқ, гўё иккаламизнинг ичимизга қамалиб

олиб, ғулу солаётгандек. «Ҳозир ҳамма гапимни айтиб олай, - қизнинг шивирлаши паст, мендан бошқа ҳеч бир жонзот эшитмайдиган хиргойи ашулага айланди. – Занжир тақмаган эканман, лекин бемалол юрибман. Сиз кўлимдан, йўқ, мен сизнинг кўлингиздан ушлаб олган эканман. Учгим келаётган эмиш. Тез-тез айтиб олай, чироқ ёнса, айтиб бўлмайди. Шунақа енгилман, кўлим, оёқларим эркин, югургим келади, кўлларимни силкитсам, худди қанотга айланадигандек... Ҳамма нарсадан воз кечгим келди лекин...»

Шу пайти ярқ этиб чироқ ёнса! Унинг қучоғимдан учиб чиқиб, ўзини ёнбошга отганини билмай ҳам қолдим. Фақат менга ҳуркак, ёт бир нигоҳ билан қараб қўйганини кўриб улгурдим, холос. Нима бўлдию нима қўйди, ақлим етмади, менинг ҳам қучоқлаганимга юраги қинидан чиқиб кетдими ё чироқдан чўчидими, ишқилиб, жуда кутилмаган иш бўлди. Худди мени ачомлаб, бўйнимга осилган қиз бошқадек, мисоли ҳозиргина тушдан кўзимни очгандек туравердим.

Пастга қайтиб тушиб, ҳовлига чиқдим, чунки энди хонага сиғмас, телевизор кўришга ҳам мутлоқ хоҳишим йўқ эди.

Ҳеч ким бўлмаса, бу занжирбандларни кўрмасанг, дову дарахт қадрдон, кўланкалари қандайдир меҳрибон, юлдуз билан битта осмон эса бир ҳимоячи соябон эди. Аввалдан ёзнинг осмонига тикилишни яхши кўраман, энг биринчи Темир қозик – Банотуннаъаш, Дубби акбарни топаман, шу номларни яхши кўрганимдан тез-тез такрорлаб ҳам юрар эдим; Етти қароқчи ҳам дейишади, бу ҳам одамни саргузаштга тортиб кетади, юлдузлар харитасида у Катта айиқ туркуми деб аталган, овқат сузадиган чўмичга ўхшайди; кейин ундан чизик тортиб Темир қозик, Олтин қозик ҳам дейилади, уни мўлжал олиб, Кичик айиқ туркумини топаман, у сут сотишда ишлатиладиган литрлик чўмич, думи - чўмичнинг дастаси, кейин Аждаҳони, кейин қўшпалла тарози - Мезонни белгилайман. Бу ерда, билмадим, бояги ҳаяжонда ҳали ҳам кўзим тиниши ўтмаганми ё бегона жойда турганим учунми, юлдуз буржлари нигоҳимга тутқич бермади, ҳаммаси ўзгариб

кетгандек эди. Аввалига кўрқдим, бошқа сайёрага тушиб қолган эмасманми деб. Кейин, машинада келганимни эслаб, таскин ҳам топдим. Тўғри-да, «нўл тўққиз» ҳавода, яна космик тезликда учмайди-ку. Ҳа-эй, буржи аниқ бўлмаса бўлмас, юлдузларнинг ўзи бор-ку, худди мени ҳам танигандек чарақлаб турибди-ю, деб қўл силтадим. Шу вақти битта юлдуз учиб, шу гапинг тўғри дегандек ҳам бўлди. Анча енгил тортдим. Ҳа, ана шунда келинингиз эсимга тушди. Унча аниқ хаёлимга келтира олмадим, жуда узоқда туюлди, шунга бояги қиз билан қучоқлашганимни ўзим яхши эмас, деб ўйладим-у, лекин виждонимнинг ўзи жиччагина безовталанди, холос. Тўғри-да, ташаббус мендан чиққани йўқ, қизнинг ўзи интилиб турибди, келинингиз эса, айтяпман-ку, ростдан ҳам жуда узоқда, худди ҳали унга уйланмагандекман ҳам. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, дегани ҳам шу бўлса керак. Лекин мен ахлоқи бузуқлардан эмасман, буни ҳам билиб қўйинг. Шу, занжирбанд бўлгани учун бу билан юриш гуноҳми, йўқми, унча билолмай ҳам турибман, балки муҳаббат ҳам эмас, шунчаки чуқур бир раҳмдир. Кейин, эътиқоди тамомила бошқа бўлгани учун ғулия қиз билан дилдорлик қилиш гуноҳ эмасдек ҳам туюлади. Хотинга ҳам ундан бир умр кўрқиб яшайман деб уйланмайсан-ку.

Дўстимга раддия

Мен шу раддияни, яъни норозилигимни алоҳида айтмасам кўнглим жойига тушмайди. Чунки дўстимнинг рўмони катта тиражда босилган, яна эшитдимки, ҳозирги кунда қизиқиб ўқиладиган эмиш, бу сатрларни ўқиётган сиз ҳам уни ўқигансиз, албатта. Мен оммавий машҳур асарларга унча ишонмайман. Чунки кўпи ўрта-миёна китобхонга мўлжаллаб ёзилади, ўрта-миёна китобхон эса ҳақиқатан ҳам омма. Сизни айтмаяпман, бир киши омма бўлолмайди. Аммо ўша оммани ҳам алдаш инсофдан эмас, ёзувчи ҳамма ерда, ҳатто фантастик асар ёзганда ҳам ҳаққонийликдан чекинмаслиги шарт деб ҳисоблайман. Менинг фикрим шундай, қатъий. Дўстимнинг Ғулистон ҳақидаги рўмони эса, унда менинг ғояларим асосидалигини тўғри кўрсатгани билан, ўзи нотўғри, Ғулистондаги ҳаётни бузган, сюжети тасвирлари – ҳаммаси ясама. Битта мисол, унда қаҳрамони қизи билан Ғулистоннинг ичида саёҳатга чиқади. Ҳу, қизни талашган ҳалиги рақиблари маҳв бўлгач. Аввал поездда бир шаҳаргача борадилар, кейин шалоқ автобусда яна бир туман марказигача, у ердан нари ёққа, яъни булар борадиган манзилга уловлар кетиб бўлган бўлади. Буларнинг қорни оч, ўша ерда, йўл бўйидаги сомсахонадан сомса олишса, жуда шўр ҳам аччиқ, яъни серқалампир экан, бир амаллаб еб олиб, чой ичайлик дейишса, чойхона ёпиқ, ёпиқ ҳам эмас, ўзи йўқ, ҳатто совуқ сув ичайлик деса, шу ҳам топилмабди; эсингиздами, бизда ҳам шўро пайти маъданли сувлар ҳозиргидек ҳамма жойда бемалол эмас эди, тимсоли шундан-да. Кейин қаҳрамонимиз ўша ерда оташин бўлиб, сомсапазга нутқ сўзлаб, унинг кўзини очиб қўйибди. Сомсапаз унинг хитобларидан ҳаяжонга тушиб, ҳатто шу пайтгача қизга ҳирс билан термулгани учун уялиб ҳам қолибди, хуллас, у ҳам қаҳрамонимизнинг мухлисига, издошига айланибди, занжирга қарши курашишга онт ичибди. Кейин булар бир «Камаз»га ўтириб, манзилга отланган экан, йўлда машинанинг баллони тешилиб, тўхтабдилар. Бу ер жуда баҳаво, оромбахш экан, мингми, икки мингми йиллик чинор бор экан, бир вақтлар танасининг қавагида саводсизликни тугатиш курси очилиб, ғулийлар ўқиган бўлса, ҳозир

келинчакнинг уйига ўхшатма қилиб ясаиб қўйилган, қаҳрамонимиз у ерга кириб, қизининг қўлидан ушлаб ўтирибди, лабидан ният билан бўса олибди. Ҳа, шу ернинг ўзида бир булоқ ҳам бор экан, булоқ сувида ўйноқлаб юрган корабалиқлар муқаддас бўлиб, қаҳрамонимиз билан қизи уларга нон ушатиб ташласа, балиқларнинг ҳаммаси худди буларга бахт тилаб келгандек булоқ лабига тўпланиб келибди. Қаҳрамонимиз қизининг белидан кучоқлаб, озодлик ҳақидаги ҳаёлларга чўмибди.

Билиясизми, қаердан кўчирганини? Ҳа, шу ўзимизнинг Сайроб! Чинори ҳам, чинор қавагидаги келинчакнинг уйи ҳам, булоқ, ундаги корабалиқлар ҳам Сайробники. Буни ҳам ўзим айтганман. Лекин мен Сайробга ҳеч қанақа қиз-пиз билан бормаганман, ёнимда иккита дўстим бор эди. Дўстларим билан Қумқўрғондаги бир дўстлариникига бораётган эдик, шунда ҳақиқатан ҳам «Камаз»нинг баллони тешилиб, Сайробда яматганда ўша чинорнинг қавагини ҳам томоша қилганмиз. Кейин «Камаз» билан Шерободгача бориб, тушиб қолганмиз-да, кечкурун еттидан ўн биргача йўлмошин пойлаганмиз, не саргузаштлар билан ўн икки яримларда Қумқўрғонга кириб борсак, дўстларимнинг дўсти уйида йўқ экан, хотини чиқиб биздан олдин бошқа меҳмон келганини, у одам меҳмонни олиб акасиникига кетганини айтди. Чунки ишдан бўшаб, пулсиз жуда сиқилган, яна меҳмон айтиб қўйган, харажатни чўнтак кўтармайди, ноилождан меҳмонни олиб, акасиникига ўзи ҳам меҳмон бўлиб жўнаган экан. Устига яна биз ҳам борибмиз, йўлга охирги пулимизни сарфлаб, қайтишга унинг ўзидан олармиз деб. Ана, томошани кўринг. Майли, бунинг ўзи алоҳида асарга арзийди. Ҳа, Қаршигача поездда бордик, у ердан Сурхондарёга кетадиган автобусларнинг ҳаммаси кетиб бўлган экан, қанақадир бир экспедициянинг эски автобуси келиб қолди, шу билан Дехқонободга етиб олдик. Тўғри, очкаб кетган эдик. Сомсадан бошқа ҳеч нарса йўқ, бу ҳам шўр экан, ноилож едик, шу пайти қаторлашиб тўрт «Камаз» келиб қолди, ҳаммасининг тумшуғи илма-тешик, фаралари синиб тушган, Афғонистонга қатнайдиغان колонна экан, ҳарбий аскарлар, прапоршчиги «Агар аскарларим билан гаплашиб,

ухлаб қолгани қўймасанглар, марҳамат», деб учовимизни учта ҳайдовчи ёнига ўтиргизди. Ўзи ҳам юзингда кўзинг борми деб босар экан булар, Чакчакдан шундай учуриб ҳайдашдики, Сайробга борганда биттасининг баллони тешилиб тўхтаганимизда, «Э-э, худога шукур-э», деб юбордик.

Мен буни хангомани қизитиш учун, бир латифадек қилиб айтганман. Кейин Сайробда тўхтаб ўтганим ҳам бошқа эди. Бунинг ҳам маъшуқа қизга сира алоқаси йўқ. Кўп йиллардан кейин, бу мустақиллик пайти, Сайробда ўзимиз тўхтаб, ҳайдовчим билан кабоб еб олиб, балиқларга нон бериб турганимизда бир пичоқчи, қўлида туятовуқнинг қанотидай қилиб беш-олти пичоқни тиғидан ушлаб ёйиб олган, ёпишди-қўйди, бизнинг пичоқдан олинг, зиёрат жой, табаррук, деб. У десам, у деди, бу десам - бу, ишқилиб, темиртагини ўтказса. Мен ҳам йўқ, деб туравердим. Пичоғининг учини чертиб кўрсатдим, тирноқладим, пўлати ярамайди, дедим, пичоқчи кетмондай соқол қўйган, жундор, дарвешга ўхшаган одам, молининг нархини етти мингдан беш мингга, ундан тўрт мингга, тушиб-тушиб, охири «Иримига бир нарса беринг, хай, келинг, мен сизни бир дуо қилай: илоё, ҳоким бўлинг», деди. Мен кулдим-да, «Ўзи ҳокимман-ку, кўрмаяпсизми, мана, галстук таққанман, ана, хизмат машинаси», дедим. Пичоқчи ишониб, бир зум довдиради-да, дарров гап топди: «Э-э, келинг, бўлмаса, катта ҳоким бўлинг», деди. «Катта ҳокимингиз қанақа?» десам, «Ҳамма ҳокимларнинг каттаси-да», деди, тасаввури шундан нарига ўтмас экан. Яна кулиб юборган эдим, «Э-э, ука, одамнинг шунча таваллоси минг сўмга ўтмайдими? Шуям бўлмаса, манг, сизга шу, йўлда қовун-повун сўйиб ерсиз», деб пичоғини қўлимга тутқазди. Ишқилиб, ўтмас матоҳини менга ўтказди-да. Минг сўм берган эдим, индамай тумтайди, яна минг сўм қўшган эдим, юзи ёришди. Шу пичоқ ҳали ҳам бор, ҳеч нарсага ўтмагани учун ишлатилмайди ҳам, шунинг учун турибди.

Бу воқеани ёзувчи дўстимга пичоқчининг молини ўтказиш учун артист бўлиб кетганини кулги учун айтган эдим, холос. У эса буни тушириб қолдирган, ишқий саргузаштга зўр берган. Яна сомсапаздан қаҳрамон

ясаганини айтмайсизми! Бечора бозори қайтиб, олдидаги бир тоғора сомсани кимга ўтказишни билмай, хуноб бўлиб ўтирган эди, ҳатто сомсанг шўр экан деб, қайтариб беришга ҳам раҳмимиз келди. Ейишга бошқа ҳеч нарса ҳам топилмади-да. Рўмонда бўлса у шу туманда занжирга қарши курашадиган яширин ташкилот етакчисига айланади, ғулийларга сомса едириш баҳонасида қаҳрамонимизнинг фикрларини тарғиб қилади. Мантиқсизликни қаранг, сомсапазда шунақа ташкилотчилик қобилиятию отнинг калласидек юрак, яна одамларни эргаштирадиган доно ақл бўлса, тандирнинг тепасида тутун еб, яна чанг босган Дехқонободда қолиб кетар эдими? Ҳеч бўлмаса, сомсапазларнинг каттаси бўлиб, қариллаб юрмайдими? Кўряпсизми, битта тандир билан кунини зўрға кўриб юрган оддий сомсапаздан сохта қаҳрамон ясаган. Ҳа, кейин Ғулистонда «Камаз»га бало борми?

Буниси ҳам майли, лекин мен юртимизнинг чиройли-чиройли жойларини бошқа мамлакатга, яна бизга тескари бўлган Ғулистонга ёпиштиришга тамомила қаршиман. Биз ўзимизни қадрлашни ўрганишимиз керак. Ўзимиздаги гўзал нарсаларни кўз-кўз қилишни билмаймиз-у, яна уларни Ғулистонники қилиб кўрсатсак, энди бу нонкўрлик-да. Ҳа, яхши эмас. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деб шу учун айтадилар. Бу, ахир, сувнинг эмас, ўзининг қадринг-ку. Шунинг учун худога шукр қиламан, кўп нарсаларни айтмаганимга. Ўзим ёзарман деб асраб юрибман-да. Мана, масалан, Хоразмга енгил машинада борганман, лекин ўзимникида эмас. Бухоронинг Олотидан чўлу биёбон бошланади, унгача ҳам бор қум барханлари, лекин Олотдан кейин худди дунё бир хил кенгликдан иборатдек туюлади. Билмаган одамнинг юраги сиқилади, э-э, худо, бу чўлинг қачон тугар экан, дейди. Ўзи чўл эмас, қум саҳроси, фақат яккам-дуккам бута кўп, нукул дўнглик, йўл эса тор, яна кўп жойини ярмигача қум босган; кетаверасиз, тепаликлар тугамайди, шунисидан ошиб ўтсангиз, кишлоққа, одамлар яшайдиган жойга кириб борадигандек кўзингиз тўрт, ошасиз, яна худди шундай дўнглик, орқасида ху уйлар кўриниш берадигандек бўлаверади. Одамнинг юраги торс ёрилиб кетай дейди. Лекин билган одам

маза қилади: жазирама бўлса ҳам тоза ҳаво, кўкракни тўлдириб нафас олинг, машинани тўхтатиб тушиб, қумга тикилсангиз, ундаги ҳаёт асарини кўриб кўзингиз хайрон: чумолилар ғимирлайди, яна қанақадир майда ҳашаротлар, ёмон чаққон калтакесак кўриниб қолади, худди таёқнинг учига оқ ғунча ёпиштириб кўйилгандек гуллайдиган бир бели йўғон карракка ўхшаш ўсимлик ҳам бор, осмонда эса қорақуш учади, бургути шудир, яқин келмайди, жуда узоқда-да; кейин ичкарироқда, ўкиганман, товушқон, қорақулоқ, ёввойи чўчқаларнинг ҳам умри шу қум ичида кечади; эчкемар бўлар экан, илон, қорақурт.. Қани энди, вақтингиз бўлса, қум кечиб пиёда кетсангиз. Унақа тиззагача ботмайсиз, қумнинг усти тинг, бемалол юрса ҳам бўлади. Саксовулни айтмайсизми, шу ҳақда жуда кўп ўқиб, ўзини энди кўриб турганингиз учун, э-э, қаранглар-эй, ҳақиқий саксовул, ҳа, китобларда ёзилгани шу-ку, деб қийқириб юборасиз. Қучоқ-қучоқ қилиб олиб кетай дейсиз-у, лекин олиб борганда нима қиласиз, саксовул саҳрода саксовул-да, уйда ўтиндан бошқасига ярамайди. Агар ҳам саксовулнинг чўғида қайнаган чойдан ичишга кўнглингиз кетмаса. Лекин одам бари бир ҳаяжонга тушади, албатта.

Яхши ҳам ёзувчи дўстимга шуларни айтмаганим дейман. Бўлмаса, бундан ҳам бир нарса тўқиб чиқаради. Чинор масаласига келсак, менда бошқаси ҳам бор. Бу – Косонсойдаги чинор. Кўрмаганмисиз? Эй, жуда қадимий, Сайробдагидан ҳам кўҳна, ҳовузнинг ўртасида битта ўзи тўп чинор бўлиб қолган, мўъжазгина ўрмон! Бунини ўзим учун асраб юрибман, бирон катта асар ёзсам, киритаман деб. Ёзувчи дўстим яхши ҳам бундан беҳабар. Чунки у асар қиламан деб, эшитганига ўзи билганича бир нарсаларни кўшади-да, оқибатда ҳаммасини бузади.

Мана, энди раддиямнинг асосий қисмига, яъни сабабига келдик.

Унинг қаҳрамони Ғулистонга боргандан кейин дарров бузғунчиликни бошлаб юборган. Ҳа, ғирт бузғунчиликни. Кўрадики, одамларнинг ҳаммаси занжирбанд қилинган, халқнинг аҳволига чидаш жуда оғир, бола-чақа

демаса, ғулийлар ўзини осиб юборишга ҳам тайёр. Фақат йўл кўрсатадиган бир йўлбошчи етишмайди, холос. Бунимиз ўша тайёр йўлбошчи бўлиб бориб қоладилар-ку. Уни ҳам бир қиз севган, ҳам бутун халқнинг муҳаббати унда. Ғулийлар унинг орқасидан тўда-тўда бўлиб эргашиб юради, кечалари ҳам хуфия йиғилишларга айтиб кетишади, ҳатто у қиз билан дилғуфторлик қилишга ҳам вақт топиши қийин. Ора-сира ўпишиб туради, чидамаган пайтлари, машинасига ўтириб, хайю хуйт деганча, ўрикзоргами, тоққами йўл олади. Албатта, маъшуқаси билан. Маъшуканинг ҳам турими йўқ, каёққа етакласа, шу ёққа эргашиб кетаверади. Худди мажбурлаб ёдлатгандек, одимда қаҳрамонимизга севги изҳор қилади. қиз бола-я? Занжирбанд қизга шарму ҳаё, одоб керак эмасми? Ёзувчи ўзини бунча яхши кўрмаса! Ахир, қаҳрамонининг тагида ўзи ётади-да.

Бу ҳам майли-ю, лекин унинг бирпасда ғулийларнинг кўзини очиши, бутун мамлакатда озодлик ҳаракатини бошлаб юборишига нима дейсиз! Яширин мажлислар, хуфя режалар, ҳалқа-ҳалқа тармоқланиб кетган қаршилиқ ташкилоти; қаҳрамонимиз гоҳ бекиниб юради, унинг орқасидан юзлаб воқеанавис қўйилган, гоҳ шунча айғоқчи изига тушганига қарамай, ҳалигидақа чақирим-чақирим чўзилган ўрикзорларда маъшуқаси билан ошкора қувлашмачоқ ўйнайди, худди ёш бола сувга чанқагандек, энтиқиб ўпишаверади. Ишқий саҳналарни шунақа чўзадики, бу ўзи ўпкасини қўлтиқлаб қиз билан чопиб юришдан бошқа иш ҳам қиладими, деб ўйлаб қоласан. Йўлбошчилик қилишга қачон улгуради, деб бошинг қотади.

Ғирт, ғирт, ғирт ёлғон, ўтирик, қоғозбўямачилик! Ким уни ўпиштириб кўяди? Яна очик ҳавода, ўрикзорда! Ўзлари бекингани билан машинаси очик кўчада-ку. Қувлашмачоғ-а! Учмабсизлар-да, а! Нима, ўрикзор беэгами? Ёввойи, ўзича ўсиб ётибдими шунча ўрик? Ҳеч ким қарамайди, а? Боғбони йўқ! Битта эмас, ўнта бордир. Чақирим-чақирим чўзилган боғларни камида юзта ғулий парваришлар, ахир. Бир ғулия қизнинг занжир тақмаган мосуво билан қийқиришиб қувлашиб юрганини кўргани заҳоти керакли жойга

етказар. Етказмаса, ўзининг боши кетади, кўрибсан, нимага ўз вақтида, ўша заҳоти айтмадинг, деб. Ҳар бир ўрик, ўрикнинг ҳар бир япроғигача ҳам эшитадиган, ёзиб оладиган ускуначалар қўйилгандир. Кўриб келдим-ку мен. Бу бўлса, бўлиқ майса устида, қизининг чумоли белидан кучоқлаганча мовий осмонга термилиб, занжирсиз келажак ҳақидаги ҳаёлларини сўзлаб берар экан-да, қиз ҳам бу савдойига жўр бўлиб, қуйлагандек оҳиста сўзлар эмиш. Ол-а! Сомсапазни йўлдан уриб, курашчиларнинг етакчисига айлантирар эмиш! Э тавба, қоғоз ҳаммасини кўтараверар экан-да. Тандир-тоғораси билан қўшиб олиб бориб тиқиб қўяр! Яширин ташкилотлар, тармоқ отиб кетган ҳалқалар! Тушини кузатадию! Ғулиянинг қандай кўрққанини айтдим-ку сизга. Туш кўрибди, тушида занжирсиз юрган экан, энди уйғонгандан кейин ҳам икки дунёси қоронғи, ичига ўт қўйиб юборсангиз ҳам ёришмайди, билиб қолишади деб. Ҳа, билмоқ ҳам гапми, қизнинг ўзи бориб айтиб беради, шундай-шундай, мен тушимда шундай гуноҳга ботибман, йўқ, кечирилмас жиноят қилиб қўйибман деб. Ҳали менинг ҳам ёқамдан олишлари мумкин, занжирсиз бўла туриб, асл ғулия қизимизнинг, яна махсус ходимамизнинг тушида нима қилдинг, деб. Рўмоннинг қаҳрамони бўлса, учрашувлар қилади, яширин мажлислар ўтказади, оташин нутқларни гапиреди, овозини чиқариб! Тушингни сувга айт, агар сув ҳам ўша бир қоши оқ ғулийнинг маҳкамасига қараб оқиб бориб етказмаса, унинг тубида ҳам ёзиб оладиган ускуналар бўлмаса! Ҳеҳ, пўконида ел ўтмаган, деб шуни айтади-да. Чучварани хом санабсан!

Ҳа, воқеан, Ғулистонда чучваранинг ўзи борми, йўқми, эътибор қилмабман. Ҳамма ҳамир овқатларимиз у ерда бисёр, лағмон ҳам бор, лағмонки бўлгандан кейин, чучварани ҳам билишса керак лекин. Шу чучварани киритиб, бир нарсаларни тўқиганда ҳам майли, индамас эдим, чунки Ғулистоннинг таомлари ўзи жуда қизиқ. Ўзи эмас, сузилиши. Шуни алоҳида айтиб беришим керак, албатта. Санъат бу, санъат. Сиз буни эшитмагансиз ҳам, кўрмагансиз ҳам. Мен ҳам кутубхонада ўқиб билдим. Чунки қозоннинг тепасига боришга вақтим ҳам, имконим ҳам бўлмади.

Қизиқиб борганимда ҳам бирон ғулий ошпаз менга қарамас, гапирмас, аксинча, капкири билан солиб, кейин, меҳмон билан муносабатга киришгани учун, сўнгра ўзи жазога учраши ҳам ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун оч қорним - тинч қулоғим, жону дилим китоб деб, қомуснинг жилдларига калла ташладим.

Ғулистоннинг асосий санъати

Энг аввало, айтиб қўяй, Ғулистонда таомларни қандай тайёрлашлари ҳақида гаплашмаймиз, гўшт - ҳамма ерда гўшт, ёғ - ҳамма ерда ёғ, картошка-пиёзу сабзи, макарону унлар ҳам шу, фақат уларни ким ейиши истисно: бизда одамлар, уларда ғулийлар. Ҳа, қандай ейиш ҳам... Билиб олаверасиз, қизик гаплар бор.

Ўқиганим манбаларни бир-бир рўйхат қилишим шарт эмас, ҳозир ёзаётганимда, мени бошқа дард қийнаганидан, кўпи эсимга ҳам келмаяпти. Моҳиятини айтаман. Энг аввало, уларнинг биздан фарқи. Биз овқат тайёрлаётганда фақат унинг яхши чиқишини ўйлаймиз, тўғраганда кўзимизни ачиштириб, ёшимизни оқизса ҳам пиёз соламиз, кимқаёқдан териб келиб, кейин Чорсуда сотиладиган зираворлар, зирklar, нималигини ўзим ҳам билмайман, қанақадир таомларга занжабил деган нарсани қўшса, анвойи бўлар эмиш, анвойиси қанақа бўлса... Ош егимиз келса, уйимизда ўша куни ҳайит, ҳар куни ош есангиз – ҳар куни байрам, оғайнилар билан чойхонада ўз кўлимиз билан тайёрлайдиган бўлсак, ў-ў, бунинг гашти! Аввал бозор қиламиз, масаллиқнинг ҳам энг сархилларини танлаймиз, қуйрукни қора қўчқорникими ё оқ қўчқорникими, деб албатта сўраймиз, пулни аямаймиз лекин, сўнг чойхонада беш-олти жўра чункиллашиб, сабзи тўғраймиз, гўшт майдалаймиз, саримсоқ пиёзни бир қават пўсти билан тоштомирини ажратиб оламиз, бурнимизни шинқиллатиб тортиб, пиёзни парраклаймиз, гашт-да! - бирпасда жаз тайёр, дастурхон устида эркакларнинг жиддий ишини бошлаб юборамиз

Ош! Кунингдан бир кунинг қолса, палов е, пулингдан бир пулинг қолса, палов е! Қадимнинг одамлари ёмон ақлли ошхўр бўлган-да. Ош биз учун ҳозир ҳам ҳамма нарса. Айниқса-чи, ўртага олингандан кейин, ичида қайнаб, димланиб, қуйрукни тўйиб симирган қалампирнинг уч томонидан мағзини сиқиб чиқариб, ошамнинг устига жичча тегизиб қўйсангиз! Одамнинг бурни учигача тер чиқариб юборади-я! Даҳшат! Холестериндан

кўрқадиган европаликлар ҳам дош беролмайди бунга, ҳа, ўзим кўрганман, билагигача ёғини оқизиб, қўли билан еганини. Э-э, ошна, биз аллақачон қошиқда олишга ўрганиб кетганмиз, ҳозир ҳеч бир инсон қўлини, тагин ювилмаган панжшаҳасини ошга ботирмайди, десам ҳам эшитмаган. «Ориент, ориент, о-кей!», деб; қўй, деганга қарамай, билагини ҳам ялаган. Бу уларнинг тилида «Шарқ, шарқ, қойил!» дегани. Ҳақиқатан ҳам ош пишириш санъатимизга ўзимиз ҳам қойил. Бир акамиз бор эдилар, олим киши, лекин ош қилишда академиклар ҳам унинг олдига туша олмасди. Ошнинг дамини билиш учун капкирнинг учига бир чўқим илаштириб қараб: «Ҳар бир гуруч алоҳида ажралиб, битта-битта ўйнаб турмаса, ош – ош эмас, шавла», дер эди. Ошининг саримсоғини айтмайсизми, пўстидан ажратсангиз шилп этиб тушади-да, гуручнинг устида килкиллаб туради. Еб, эй худо, саримсоғинг ҳам шунчалар тотли бўладими! – деб юборасиз. Ҳа, жаннати одам эди, сабаби – дўзахга тушган бўлса ҳам, у ердаги мутасадди шайтонларга ош қилиб бериб аллақачон жаннатга ўтиб кетган, ҳа.

Шунақа. Битта ош борасида шунча ёзиш, бундан ҳам кўп гапириш мумкин. Бошқа таомларимиз ҳам шундай. Йигитларимизнинг лағмоннинг хамирини чўзганини кўп кўргансиз, чучвара тукканини-чи? Йўқ, кўрмагансиз. қўлидаги гўшт билан хамирни узиб олади-да, тахтага тераверади – чучвара тайёр! Ҳайрон қолганман, лекин гўштни хамирга қандай тукканини кўзим илғамаган. Манти, норин, қазии-қарта, ҳасип... булар ҳам қозон санъати. Ҳаммасини ҳавас билан, нашъа қилиб, завқланиб тайёрлаймиз.

Лекин Ғулистондаги таом санъати, масаллик ўша-ўша бўлгани билан, мутлақо бошқа масала. Мен бу борада кўп манбаларни ўқидим, ўқиганларимни ўқимаган манбаларимга солиштирдим, улар ўртасидаги баҳс-тафовутлар билан танишиб, охири, сизга оддий, содда тилда гапириб беришга қарор қилдим.

Мана, биз овқатни тайёрладик дейлик, ишимиз битди, ўзимиз кўлни ювиб, дастурхонга ўтирсак ҳам бўлади. Тайёр овқатни ким хоҳласа, сузиб олаверади, «Биз пишириб кўйдик, кулинг ўргилсин қилиб, нима, сузиб олишни ҳам эплотмайсизми», деб таъна қилсак ҳам ярашади. Энди шошманг, ғулистонликлар биздан фарқи шу ўринда, образли қилиб айтганда, бизнинг таом тайёрлаш санъатимиз етиб келган охирги манзилдан уларнинг санъати бошланади. Ҳа, баракалла, тайёр таомдан!

Мен ўқиганларимдан келиб чиқиб айтяпман. Кенг оммани қизиқтиради деб, айниқса шу таом ҳақидаги жилд-жилд тадқиқотларни варақлашдан эринмадим. Шунинг учун ҳам дейманки, таом тайёрлашда бизнинг санъатимиз етиб келиб, тугаган поғонадан ғулийларники давом этиб кетади. Бутун завқ, ҳамма томоша қозон устида, шу ердан бошланиб, ҳў, кейин дастурхон устида ҳам давом этади. Буни бир-бир гапиришим керак.

Мана, бир ўйлаб кўринг, биз нима қиламиз. Яъни таом тайёр бўлгандан кейин - сузамиз. Қўлимизда, ош бўлса, капкир, шўрвага – чўмич, бир қўлимизда лаган ёки коса, қозондан нима илиниб чиқса, шуларга ағдараверамиз, хай, сузилган ошга капкирни бундай айлантириб, зеб бериб ҳам қўямиз, гулдай қилиб, бир-икки парра қази қўямиз устига. Шу билан думоғимиз чоқ, иштаҳа карнай. Ёў-ўқ, Ғулистонда тамомила бошқача. Тўғри, у ерда ҳам шу капкир-чўмич, шу лаган-коса, вазифаси битта. Лекин уларни қўллаш шунчалар санъатки, тасаввур қилиб тургандирсиз, ҳа, занжир билан боғлиқ! Ғулийлар доим занжирбанд-ку, таомланганда ҳам албатта ечмайдилар. Нафақат ечмайдилар, балки у билан таомланишни томоша-шоу даражасига кўтариб юборганлар. Ҳам қорин тўйғазадилар, ҳам мусиқа тинглайдилар. Оғизларида ош, кўнгилларида қулоқларидан кириб турган куй сеҳри.

Келинг, ҳамма биладиган шўрвани олайлик. Яъни уни сузишни. Бунинг нимаси санъат, шўрва сузиш ҳам ишми, бошқа гап қуриб кетган экан-да, деб энсангиз қотмасин. Тўғри, бизга шўрва сузишда ҳеч нарса халақит ҳам

бермайди, чап кўлимизда коса, ўнг кўлимизда чўмич, чапақай бўлсак, тескариси, - сузаверамиз. Энди занжирбанд кўлингиз билан шунга уриниб кўринг-чи, эпполмайсиз, чунки занжир халал беради, кўлингизни тортиб қолади, косага тегиб кетади, ўралишади, ишқилиб, шалдир-шулдир қилиб асабингизни бузади-да. Ғулийлар эса ана шу халални, ўнғайсизликни санъат даражасига кўтарганлар ва бундан, ҳам кўриб, ҳам эшитиб, оламжаҳон завқ топадилар. Завқ деганда сиз эҳтимол уларнинг кўллари занжирбанд ҳолда бир томчи ҳам тўкмай, занжирни қозонга ё косага тегизмай чаққон сузишларини ўйлаётгандирсиз? Йўқ, яна янглишасиз! Бунда занжирнинг иштироки шу қадар табиий, шунчалар заруратки, усиз мумкин эмас. Бу санъатда занжир куйлайди. Ҳа, куйлайди, куйлаганда ҳам турфа мақомда. Билимдон ғулий хўранда шўрва сузилишида занжир куйини тинглаб, бир дунё маълумот ҳам олади, яъни шўрвага нималар солинган, масалан, қанча гўшт, ниманинг гўшти, ўша нима қайси яйловда қанча семирган, териси оқми ё қорами, шохи бурамами ё тўғри эдими, молбозордан неччи пулга олинган, ким сўйган ва қайси кушхонада... Эҳ-ҳе, ўқийверсангиз, шу оддий, биз ит боғлайдиган занжирнинг жиринглашида шунча маълумот борлигидан бошингиз айланиб кетади. Ҳа, яна ошпазнинг ана шу занжир рақс куйида бошқа масаллиқларнинг ҳам қаерда ўсгану қанчадан олинганидан тортиб, қозонга тушгандан кейин қайси маромда милтиллаб қайнаганигача, шўрва пишгандан бери қанча хўрандага тортилдию ҳозир нечта одамга сузилаётгани, яна қозонда қанча ғулийга етарли қолганигача ҳаммаси бор. Мен буларнинг ҳаммасини батафсил айтмаяпман, чунки биласиз, кейин бизга унча фарқи ҳам йўқ, шўрванинг устига сепилган зиранинг Ҳиндистондан келганми ё ўзимизнинг Зомин тоғларидан терилган озгинасига сабзининг уруғини аралаштириб сотганларми, унча билмаймиз, ишқилиб, ҳид берса бўлди. Бошқа нарсалар ҳам шу, картошкасининг бир қайнагандан кейин уваланиб кетадиган навидан бўлмаса, бас. Унинг қанақа куйда, қанақа нотада товуш бериши кимни ҳам қизиқтиради дейсиз!

Ана, энди ўзингиз хулоса қилаверинг, битта шўрвани сузишда шунча гап бўлса, бошқа, мўътабарроқ овқатларни қозондан дастурхонгача етказишда нималар бор эканини. Фулийлар ўрганиб кетган-у, лекин агар бизда бўлса, гуррос-гуррос томошага бориб, сузилишини кўраман деб, ўзини ейиш эсларидан ҳам чиқиб кетиши турган гап.

Энди, таомни сузишда шунча санъат кўрсата оладиган ошпазнинг уни пиширишда қанақа моҳир бўлиши кераклигини тасаввур қилаверинг. Ҳа, ошпазлар ҳам сараланган, устаси фаранг, кўрикларда ютиб чиққан. Махсус ҳайъат жуда ҳам махсус кўрикларда таомларни татиб кўриб, ошпазини ҳам танлайди, айти сузаётган пайтда қайси мусиқани қайси регистрда, қандай товуш баландлигида чалишини ҳам қатъий белгилаб беради. Албатта, занжирда чалишни. қўли ширин бўлмаган ошпазнинг занжирини таъсирчан садоларда жиринглатишга ҳадди ҳам сиғмайди, ҳаққи ҳам йўқ. Бунга муҳтожлик ҳам кўрилмайди, чунки пазандалик маҳорати билан, уни занжирини куйга сола билиши битта бўлиб кетган. Ана энди, ана шу кўрикда мутасаддиларнинг битта шўрвани сузиш борасида қанча билим ва маҳоратга ўзлари эга бўлишлари кераклигини тасаввур қилиб олаверинг. Ахир, ўзи билмаса, қандай ҳакамлик қилади? Бу сизга биздагига ўхшаб, ҳурмати ё хизматига қараб, тўғри келганни жюрига тикиштириб, кўрик ўтиб кетгандан кейин нима тўғрисида мусобақа бўлганини тушунтириб ўтириш эмас.

Мен «Фулистонда пазандалик, таом тайёрлаш-сузиш санъати мусиқаларининг хос хусусиятлари борасида фундаментал масалалар» деган тадқиқотни варақлаб, дейлик, шўрва сузишда 487 хил асосий куй, 17918 оҳанг, 27000 хил жингир келтирилганини санадим. Қойил лекин, ҳар бир куйнинг тавсифи, ҳар бир занжир ҳалқасининг товуш қаторидаги ўрни, регистрлари, жингирларнинг амплитуда ва децибелларигача батафсил ёритилган. Ва, биласизми, йўқ, сиз мутлақо билмайсиз, бу жингир-жингирларга ўша кунги ўша соат, ўша дақиқадаги обу ҳавонинг таъсири, ўша пайтда эсан шабаданинг қаёқдан келиб, қаёққа йўналишигача қандай оҳанг

яратишлари ҳам очиб берилган. қойилмисиз? Бизнинг шашмақомдан фақат номларини биладиган, куй тавсифида беш-олти оғиз доно гапдан нарига ўтолмайдиган айрим мусиқашунос олимларимиз улардан ўртак олсалар арзир эди.

Тўғри, уларда ҳам ечилмаган муаммоли масалалар йўқ эмас, камчиликлар учрайди. Мен Ғулистон Фанлар академияси Таом мусиқаси илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан йигирма уч йил бадалида тайёрланган 117 жилдлик «Фарҳанги таом»нинг 69- «Мусиқун луғот» жилдида маълумотлар О.Ш. деган ғулий олимнинг «Шарҳун мусиқун тамаддин» тадқиқотига қараганда у қадар аниқ эмаслигини кўрдим: «ШМТ»да асосий куйлар 450 атрофида, оҳанглар – 20000га яқин, жингир – 30000тача. Қаранг, бир олими қилган ишга, у эришган натижага бутун бошли институт жамоаси етиша олмаган! Аммо «Фарҳанги таом» қомусининг 1-5 жилдидан мен ўзимга қимматли маълумотлар олдим. Бу жилдлар таом мусиқаси тарихи, мусиқа бобидаги ғоявий-занжирий қарашлар, курашлар ҳақида ғоят диққатга сазовор фактларга эга бўлдимки, буни вақти соати келганда алоҳида ёзарман. Айни бир пайтда, истеъмол этаётганда хўрандаларнинг қайси таомга қандай куйни қўллашлари, яъни ижро қилишларини ҳикоя қилиш ҳам мароқли жуда. Аммо ўйлайманки, таомни сузишда шунча кую оҳангларни кашф этган ғулийлар, унинг истеъмоли чоғида ҳам занжирларини қандай тароналарда куйлатишларини ўзингиз ҳам осон тасаввур эта олурсиз.

Лекин, бари бир, бу қадар муסיқий нафосатни туйиш учун ғулий бўлиш керакми ё улар ўзларини шундай билагон кўрсатадиларми, мен шунча қомусу тадқиқотларни ўқиб, талай маълумотларни қўлга киритган, яъни уларнинг мусиқа назариясини пухтагина эгаллаган одам, ошми, шўрвами, лағмонми, бари бир, мусиқасидаги нозик оҳангларнинг фарқи тугул, жаранг-журунгининг нима зариллигини ҳам тушунганим йўқ. Ҳеч нарсани ҳис этмадим. Ўзи бу ёқда ҳам мусиқа борасида, айтдим-ку, қулоғимни от босган,

берилиб, роҳат қилиб эшитаман-у, нима тўғрисида эди, деб сўрашса, тўғриси, гап топа олмайман. Лекин, такрор айтаман, ғулийларга қойил бўлдим. Битта лағмоннинг хамирини ҳаволатиб чўзишнинг ўзи жилд-жилд таъриф, сузиш – бутун бошли, кўп йиллик тадқиқот, ҳаммаси мусика, ҳаммасида занжир куйлайди. Сизга бу куйларнинг таркибий қисмларини, шўъба ва шўъбачалрини билишнинг ҳеч бир ҳожати йўқ, занжир тақмаганингиздан кейин, бари бир, тушунмайсиз, тушунганингизда ҳам, минг урининг, ижро этолмайсиз, негаки, занжирингиз йўқ, бинобарин, занжир куйлари ҳам сизга мутлоқ керак эмас, вассалом, ахборингиз учун айтяпман, холос.

Таом тайёрлашу сузиш, унинг истеъмоли борасидаги жилдларни титкилашга анча куним кетди, кундузи кутубхонага қамалган бўлсам, кечалари телевизордан кундузи ўқиганларимни томоша қилдим, менга керак бўлмаса-да, бу ердан қутулсам, ҳангомаларда айтиб берарман деган умидда кўп нарсани ўргандим. Ҳамма-ҳаммаси занжир билан боғлиқ, занжирдан келиб чиқади ва занжирга бориб тақалади. Чиндан ҳам занжирсиз яшайдиган мен билан сизга бу нарсаларнинг ҳеч ҳам кераги йўқ, агар ҳам гапхона учун демасак. Кейин сизга айтсам, буларнинг санъати ўзлари кишанда бўлгандан кейин занжирига уриб кетганми ҳам дейман.

Лекин бошқа гап бор – дўстимнинг рўмонида бу ҳақда бир оғиз ҳам гап йўқ! Ёзма, деб айтишимдан кўрққанми ё Ғулистон кашфиётчиси ўзи бўлгиси келганми, ишқилиб, мендан шуларни сўрамаган, сўраганида ҳам айтмас эдим-ку-я, лекин нима қилади ўзи билмаган нарсаларни ёзиб? Бошидан ўтган – табиб дейишади, мен бунга бошидан ўтмаганини ёзган ёзувчи ёзувчи эмас, деб қўшимча қилар эдим. У рўмонини Ғулистоннинг билимдони – менинг ўқишимни, дўст бўлсак ҳам, ўйлаб кўрмаган-да...

Муҳаббат гўшаси

Кутубхонада қош қорайтириб ўтирган шундай кечқурунларимнинг бирида, аниқроғи, кеч кириб, атрофга тун қора чодирини тортиб бўлган, сим-сиёҳ қоронғи тушган пайти яна чироқ ўчиб қолди. Бир нарсани сезгандек, биров, яна ҳам аниқроғи, худди ғулия қиз чақираётгандек, йўлимга туриб қолган нарсаларга уриниб-туртиниб, зинапояга югурдим. У ерга етишим билан, кўнглим сезганидек, бўйнимга нозик қўллар чирмашди, бўғиб юбораёзди. Юзимга ҳароратли нафас урилган. Тилим лолу қўлим билганини қилаверса! Унинг қўли ҳам тинч тургани йўқ... Энди бу ёғини батафсил айтиш номардлик, албатта. Сиз нимага фақат зинапоя деб ҳайрондирсиз? Ҳозир тушунтираман, зинапоя бўлгани билан совуқ мрамор эмас, устига чўғдек қалин гилам тўшалган, гунгуртда чўғдайлиги билинмайди-ю, лекин қалинлиги жуда ўнғай. Кейин, фақат зинапоянинг ўзи эмас, ахир, бурилишида кенггина, эни бўйига бир ярим қулочча текис жой ҳам бор, унинг устида ҳам гилам пояндоз, унга ёнбошлаб, зинага бош қўйса ҳам бўлади, хуллас, ҳаяжонли гўша бемалол.

Лекин мен барибир бир куни: «Нимага энди зинапоя?», деб сўрадим, шунда қиз қулоғимни эркалаб: «Ҳамма нарса ток билан ишлайди, чироқ ўчса, ускуналар ҳам ўчиб туради», деб шивирлади. Зийрак одам эмасманми, дарров англадим. Э, баракалла, буларнинг ҳам нуқсони бор экан-ку, дедим ичимда. «Хўп, унда нимага хонада эмас? Ҳар ҳолда каравот бор, чанқаб қолганда сув-пув дегандек», десам, қиз эшитиш аъзоимни баттар суйиб: «Жим! – деб пичирлади. – Хонангизга ой нури тушади, у ерга ўрнатилган ускуналар жуда нозик, ой нури билан ҳам ишлайди». Ана холос, техникаси шунча ривожланиб кетганми деб роса ажабландим-да, бугун ой чиқмагани эсимга тушди. «Ҳозир борайлик. Ҳали ой йўқ, тонгга бориб чиқади», дедим. Ана шунда ҳайратдан анграйдим, қоронғида оғзим ҳам ланг очилиб қолган бўлса ҳойнаҳой. қиз нима деб нозланди денг? Хонамдаги эшитиб ёзиб оладиган аппаратлар чакнаб турган юлдузларнинг нуридан ҳам қувват олар

экан! Тушуняпсизми, ғулийларнинг қандай ривожланиб кетганини. Ой чиқмайдиган, юлдузлар ҳам йўқ, яъни булутли кечаларда ўта сезгир парраклари қилт этган шабадага пир-пир айланиб, кераклича жичча қувват билан ҳам ишлаб ётаверар экан. Фахрланиб ҳам кетдим, шундай ноу-хау мен учун ўрнатилган, демак, мен ҳам чакки одам эмас ё буларга ниҳоятда керакман. Ўзимга ҳам қойил бўлдим, албатта, тегирмоннинг тагидан бутун чиқадиганман-да, шунча кузатишларига қарамай, бир ғулия қизнинг кўнглини ром этганимдан кейин.

Шунақа чироқ ўчишлар тез-тез такрорланиб қолди. Баъзи кунлари кечаси икки марта ҳам ўчади, баъзан ҳатто уч марта. Ҳар ўчганда мен ҳам автоматга ўхшаб, зинапояга чопаман, ёниши билан хонамга зинғиллайман, ёки боққа чиқиб кетиб, ҳаяжоним ё ҳовлиққанымдан жимир-жимир аралашиб кетса ҳам, юлдузларни томоша қилиб, нафасимни ростлайман. қиз билан чироқ ўчганда ўпишамиз, яна у-бу ишлар, ёнгандан кейин бир-биримизга бегона назар ташлаймиз. Атайлаб, албатта. Аммо ўзим ҳам толиқа бошладим, ҳар куни зинапояга югуриш, албатта, завқ, чарчатмайди, лекин қизни кечалари қоронғида суйиб, кундузи ёруғда занжири билан кўрганда раҳмим келиб, ичим эзиладиган бўлиб қолди. Шу кеча у билан бошқа ўзим бўлгандек, худди ўша ўзим энди ёруғда ўзимга бегонадек ғалати аҳволга тушаман. Яхши ҳам мен билан гаплашгани келадиган бир қоши оқ ғулий буни билмайди, дейман. Унинг зинапоядаги ускуналари чироқ ўчганда қувватдан узилиб ишламай қолиши рост шекилли, синини бузмайди.

Боғҳовлида менга қарамайдиган, табиий, гапирмайдиган ҳам бошқа, ташқаридан келган хизматчилар изғиб қолди. қўлларида қанақадир ихчам асбоблар, сувоқ тагидаги электр симлари қаердан қаёққа кетганию қаерида ишқал борлигигача кўрсатар экан. Ташвишли юзлари, бир-бирларига елка қисишларидан билдимки, чироқ ўчиши сабабларини тополмаяптилар. Лекин улар борида чироқ ҳам чидаб берди, мен ҳам дам олдим, хаёлларимни пешлаб оладиган бўлдим.

Болалигим кушлари

Бир куни эрталаб, кечаси югур-югурдан холи, тиникиб ухлаганман, енгил туриб, ҳаво олгани хиёбонга чиқдим, одамнинг белидан келадиган чавра тўсиқларни оралаб бориб, калин боққа кирдим, шох-шабба тилиб кетмасин деб, бетимни кўлим билан паналаб юриб бориб, боғҳовлининг деворига тақалиб қолдим. Қарасам, кичкина бир темир эшик ҳам бор, итариб кўрсам, занги ғингшиб очилди. Таваккал деб ташқарига чиқсам, бу ёғи кенгиш дала. Унда-бунда ҳар хил мирзатерак, кўктерақ, тут, тол, жийда тарқоқ ўсиб ётибди, албатта, олма ҳам бор, ариқда сув оқади, бедапоя, полизлар. Нарироқда катта буғдойпоя. Буғдойи ўриб олинган, ичида думини елпиб бир от юрибди; куруқ сомонни чимдилаш унга нима зарил, тушунмадим, лекин қадрдонимни кўргандек хурсанд бўлиб кетдим. Бориб бўйнидан силасамми деб чоғланиб турган эдим, бирдан қулоғимга «тра-тра» деган товуш келиб, бошқа ҳаяжонга чўмдим. Ҳа, шу товушни эшитдим-у, ҳали нимадан чиққанини кўрмай ҳам, туғилган қишлоғим, Булунғурнинг сувига шўнғийвергандан бетим тўрлаб кетган болалигим ярқ этиб кўз олдимга келса! Бошимни илкис кўтариб қарасам, устимдан патлари кўм-кўк бир жаннатий қуш учиб ўтди – кўкқарға! Унинг сайроғига қараб, тра-тра ҳам дейдилар. Илгарилари, ҳали мен кичкина пайтимда Ғазирамизнинг боғ-роғларида кўп бўлар, ташлаган патини сувга солиб ичирса, кўкйўталга ҳам даво дейишар эди. Шу қушнинг йўқолиб кетганига, эҳ-ҳе, жуда кўп йиллар бўлган. Кўкйўтал ҳали ҳам бор, учраб туради, лекин кўкқарға тамом кўринмай кетган биз томонларда...

Кўкқарға кўктерақнинг шохига қўниб, менга эски танишини кўргандек ажабланиб қаради-да, яна ўзининг юмушига учиб кетаверди. Орқасидан ўзимнинг ҳам учгим келиб турган эди, бир нарса тўкиллаб қолди. Бунинг ҳам нимасидир таниш, жуда яқин. Аланглаб топсам, терақнинг қуриган учида, биласизми, нима экан - қизилиштон! Жонивор-эй, тумшуғи билан қуриган оғочни роса тўқ-тўқ уради-да, дам олиб, калласини қийшайтириб қулоқ ҳам

солади, кейин яна бошлайди. Бу ҳам бизда йўқолиб кетган, қуриган дарахтларимиз тўқилламай қўйганига кўпдан-кўп йиллар бўлган.

Ҳам бу ерда борлигидан ҳайратга тушиб, ҳам ўзимизда йўқолганидан афсусга ботиб бораётган эдим, ерда бир чипор нарса пилдираб қолди. Бу – сассикпопишак экан! Ҳа, ўша тумшуғи узун сассикпопишак! Фақат ерда, майсанинг орасига эгри тумшуғини санчиб-санчиб емиш қидиради. Дубулға попукли калласи лик-лик қилади, бир –икки қадамча пилдирайди, яна тумшуғини ерга тикиб кўради...Томоша қиласиз!

Кейин қоратолнинг шабада ҳар бирини алоҳида меҳр билан силаб, ҳар бирини, ҳам ҳаммасини шивир-шивир жўровоз куйлатаётган барглари орасида майдагина мовий фотмачумчукни кўриб, роса тўлқинланиб кетдим. Жимит бўлгани учун бу ҳам жаннатнинг бир туйнугидан чиқиб келиб қолганга ўхшайди. Кўрмаганимга кўп йиллар бўлиб кетган. Бемалол, думпатчасини ликиллашиб, новдаларнинг орасида чўпчиб-чўпчиб, тирикчилигини ўтказиб юрибди.

Э-э, кўктарғокни кўрганмисиз – кўкраги кўм-кўк балиқчи қушча. Бунинг ҳам чий-чийи эс-эс таниш, нима экан деб алангласам, толнинг сувга эгилган шохчасида пастга тикилиб овини пойлаяпти. Чийиллади-чийиллади, кейин калла ташлаб, битта чавоқ балиқчани, қойил, тумшуғига илиб чиқди.

Ғулистон ўзи қанақа жой а? Ғулийларни бу аҳволга солишда, уларни кузатиб туриш техникасида анча илгарилаб кетган бўлса-да, давр маъносида биздан орқада қолган шекилли, бу қушлар ҳали ҳам бор. қишларда зағча ҳам келса керак. Шунинг англаб, кўрқиб ҳам кетдим: ўтмишга тушиб кетган бўлсам-а! Худди ховузга чўккандай. Бу қушларнинг ҳаммаси болалигим-ку. Ариқдаги сувга қарадим, тип-тиниқ, ишонасизми, кўм-кўк лимиллайди! Тагидаги шағал тошчалари, сузиб юрган чавоқ балиқчалари ҳам дона-дона кўринади. Бизда бунақа сувларнинг оқмай қўйганига канча бўлган? Шаҳарларимизнинг оқар сувлари мағзава-ю! Бу ариқ лабига кўкрагингиз

билан ётиб, сувни тўппа-тўғри оғзингиз билан симирсангиз бўлади, шунақа тоза. Шу ўйимни тасдиқлагандек, тиниқ сувнинг тубига бир нарса шўнғида, ҳаялда салкам ўзидай қорабалиқни оғзида тишлаган сувкучук қайнаб чиқди. Бир сувилон эса ундан қочиб, сув юзига расм чизгандек, ўзини нари ёкка отди. Худди ундан чўчигандек, буғдойзор ичида зарғалдоқ сайраб юборди. Атрофдаги ҳашаротлар-ку визиллаган, ғизиллаган, пир-пир учган.

Булунғур ариғимиз болалигимда шундай эди, чашмалардан чиққан суви кўп, чуқур, ўрталарини бўйласак, тортиб кетар, тагига оёғимиз тегмас эди; калла ташлаб чўмилардик, бўйлари қалин қамиш, қамиш устида қора илонлар юарди, балиғи сероб, айниқса ширмой, яъни қорабалиқ, биз болалар қармоқ солиб, ҳар қалай тишга теккулик овимизни хивичга тизиб олиб бориб, онамизга қовуртирардик-да, қилтиғи-пилтиғи билан қирс-қирс туширар эдик. Ҳозир Булунғурнинг бўйлари яланг чанг-тупроқ, суви тиззадан, ҳаклаб ўтса бўлади, у ҳам пахтанинг оқовасидан лойқа, қамишини мол қиртишлаган, балиғини одамлар ток тикиб, камарини кавлаб тутиб қуритган, хай, битта-ярим илиниб турар. Ҳа, Булунғурнинг бўйида билмай ушлаганнинг қўлини қийиб қонатадиган тўп-тўп ғишша қиёқ ҳам ўсиб ётарди. Айғирқиёқ дегани ҳам шудир-да, а? Ёз кунлари қиёғини ўткир ўроқда ўриб олиб, ўтга, пичанга боғ қиламиз, совуқ куз кунлари, пахта теримида ҳузурижон гулхан, тўпи кўкка қадар ловуллаб ёнар, кўкламда эса ҳеч нарсани кўрмагандек, яна гуркираб бўй чўзар эди. Ҳозир Булунғур бўйларида йўқолган, болаларга шунақа тўп ғишша қамиш бўлар эди, қиёғи пичанга боғ, қамиши бўйрага чўп деб, чизиб кўрсатинг, ўзини кўрмаган, ишонмайди.

Лекин бу ерда шу ғишша ҳали бор экан. Жайранинг тукидек тикка ўсиб турибди. Биттасининг ёнига бориб, томоша қилмоқчи эдим, тубида сариқ бир нарса йилтираб, шатир-шутур қилиб қолди - билакдай сариқ илон ўзини олиб қочяпти экан. Сариқ илон эканини кўриб турсам ҳам, палакат-да, юрагим шувиллаб кетди, лекин болалигимга қайтганимга мамнун эдим. Ҳа, нарироқда тустовуқ учганини кўрдим. Биз томонларда уруғи қуриб кетган,

лекин бу ерда тилладай товланиб, думини осилтириб парвоз қилиб юрибди. Узоқда бўлса ҳам, чиройи кўзни қувонтиради, ўзи ҳам ранг-баранг зарҳал курокдан кийинганга ўхшайди-да. Бойвучча қизлар ҳам бундай келиштириб ясана олмайди

Бир соатлар айланиб юрдим, нарироқда полизига уриниб ётган гулийлар бор эди, бормадим, менга улардан кўра бу тоза табиат қизикроқ эди, албатта.

Боя учиб кетган кўкқарға қайтиб келиб, худди ўша шохга қўнди. Яна сиёҳ нуқтадек кўзчаларини менга қадагандек туюлди. Шунда юрагим бирдан ҳовлиқди. Балки бу қушлар биз билан Ғулистон ўртасида эркин учиб-қайтар, мен ҳам машинада йўл юриб келдим-ку, булар ҳам осмонда чегара-пегарани билмай келиб кетиб юргандир? Ҳа, уларга бемалол, занжири йўқ, қаноти эркин, силкитади - ҳавога кўтарилади, юксакларга чиқади, чегаралар ҳам беписанд. Шу кўкқарға ҳозир Ғазирага бориб келган бўлса-я, а! Айни қишлоғимда бўлмаган бўлса ҳам, занжирдан менга ўхшаб озод одамларни кўрган! Эҳ, аттанг, бунинг тили йўқ, «тра-тра» дейди, нима деганини англаш душвор. Балки... балки бу болалигимдаги ўша тра-тра мени излаб бу ёққа энди учиб келгандир? Сайроғи балки катта бўлиб қолганимдан ҳайронлигидир?

Қаёқдан тушган, бирон бола унутиб қолдирганми ёки шамол илаштирганми, ўт устида битта ўн икки варақли бирчизик ўқувчи дафтари ётган экан, тutilмаган, варақларига сал-пал доғ теккан-у, лекин бутун. Яна болалигимни эсладим, ўн биринчи, тошбақа-, пушкинперолар билан шунақа дафтарга ҳуснихат ёзар, варағидан учқич ясаб учирар эдик. Дарров бир варақни буклаб, чиққан учқичимнинг қанотини ростлаб, осмонга учирдим. Учқичим ҳаволаб кўтарилди... кўтарилди-да, йўқ бўлиб қолди. Учиб бораётган жойида худди сувга чўккандек, ҳавога ютилиб кетди. Аввалига англамадим, у ёқ-бу ёқни қарадим, учқич ерга тушмаган, йўқ. Яна битта ясадим, буни ҳам учирсам, бояги аҳвол: қулочлаб отганимда отилди, икки

кулочча учди-ю, ўша етган нуқтасида йўқ бўлиб қолди. Биласизми, худди ўзи шаффоф-у, лекин нариёкни кўрсатмайдиган деворга кириб кетгандек. Яна ясаб, яна учирдим. Яна шу аҳвол. Кейи-ин тушундим. Қоғоз учкич учиб қаёққадир ўтиб кетаётган эди. Бошқа дунёга! Шу ҳавода қандайдир сарҳад бор эди, кўринмайдиган. Ундан нарисси ҳам бу ёқдан кўринмайдиган дунё, учкичим эса, қоғоз бўлгани учунми, у ёққа бемалол кириб кетаётган эди. Бу кашфиётимдан ҳам кўркдим, ҳам кўнглим таскин топди: демак, мен жуда узоқда эмас, бошқа сайёрага ҳам тушиб қолмаганман, қандайдир якин-ўртадаман, яъни юртимнинг ёнгинасида, фақат бошқа ўлчамга кириб турибман. Бошимни тикиб қарасамми, гавдам бу ёқда, у ёққа фақат бошимнинг ўзи чиқиб туради.. бир қўлимни ўша ёққа ўтказсамми... У ёқдан қараганлар ҳавода битта қўлнинг ўзини кўрадилар... Бир хаёлим, қушларни тутиб, нарироқда ёввойи каптарлар ҳам донлаб юрган эди, хатча ёзиб, оёғига боғласам, ўзимнинг асл дунёимга етказар, деб ўйладим, кейин, агар бунақа алоқа бўлганда, у ёқда Фулистон борлигидан аллақачон хабар топар эдилар, бундан, албатта, кўп ўқиб, кўп қизиқадиган одам, ўзим ҳам беҳабар қолмас эдим, кейин эса, бу қушлар менга думини ҳам ушлатмас, қўлимда бирон матраб ҳам йўқ. Балки ўзим бир баланд сакрасам, шу қоғоз учкичга ўхшаб ўтиб кетарман, деб ҳам хаёл қилдим, албатта, бу фақат, фақат хаёл эди, лекин болалигим, худди болалигим олдимдаги кўринмас девор ортида тургандек, бўйнимни чўзиброқ қарасам, кўз олдимда бўй берадигандек туюлди... Ариқдаги сув ҳам худди ўша чоғлардаги Булунғурдек сокин бир салобат билан лимиллаб оқиб ётган эди. Бу сув қаёқдан келаётган бўлса? У чегара билмайди-ку.

Шу аснода сарҳад нималигини туйиб, бирдан хатарга тушдим: мабодо шу кўринмас чегара ёнимда бўлса, ўз юртимга деб ҳақлаб ўтиб, Фулистондан ҳам баттар бегона мамлакатга тушиб, ё бундан ҳам ёмони, яна бир бошқа мувозий оламга ичкарилаб, буткул сарсончиликда қолиб кетсам-да, бу ёққа, яъни ҳозир турган жойимга қайтиш иложи ҳам йўққа чиқса-чи, деб жўяли ўйга чўмдим. Қўй-э, оч қорним – тинч қулоғим, деб секи-ин ортимга

кайтдим, юришдан олдин қўлимни чўзиб ҳавони пайпаслаб, Ғулистонда эканимга аниқ ишонч ҳосил қила-қила, эҳтиёт билан бир-бир одимлаб келдим.

Мувозий оламнинг ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада кенглигини шундай чуқур англагач, бу ердан қочиш хаёлим ҳам ўз-ўзидан чиппакка чиқиб, амниятимни авайлаб қолдим.

Холдор билан келишмаган яқин ошналармиз

Холдор ғулий билан суҳбатларимиз авж пардасига чиқди. Энди, илгариги эҳтиёткорлик, ўртадаги масофа сақланиб турган бўлса-да, ҳар қалай, бу бир-бирини ўрганган икки томоннинг мулоқоти, кўп изохоту азмойишлар унча шарт эмас, аксинча, баъзи гапларимиз тифдор, келишмовчиликка тўла, ҳатто чўқишиб ҳам олар эдик. Холдор хизматчи қиз билан алоқамиздан, тез-тез чироқ ўчиб туришининг асл сабабидан ё тамомила беҳабар ёки... майли, ҳамма нарсадан гумон қилавермай, билмайдими ё билмасликка оляптими, бари бир, менга яхши-ку. Ўзим ҳам чироқ ўчишини қиз тушмагурнинг ўзи уюштираётганини кейин англадим. Жойини билар экан, мени хуфяда кўргиси келса, бориб шундоқ бир тугмасини пастга босса, сим-сиёҳ қоронғи икки талпинган дилнинг тасарруфида!

Лекин рўмон ёзган дўстим бу талпинишни озодликка, занжирдан қутулишга интилиш деб кўрсатади; йигит билан қиз осмонни юлдуз босганми ё булут қоплаганми, фарқи йўқ, кўкка боққанларича асоратдан чиқишни орзу қилаверадилар. Мен эса ғулийларнинг бу ҳақда тамоман ўйламасликларини кўрдим, улар мазкур масалага қизиқмайдилар ҳам, масала ҳам деб қарамайдилар. Шу ҳаётми – ҳаёт, бўлди, яша, уни ўйлаш нима керак деб, ҳатто бу ҳақда фикр ҳам юритмаганлар. Занжир шу қадар кўникмаки, усиз ғулийлик тасаввурларига сиғмайди. Занжири йўқ ғулий - ғулий эмас, яшамайди ҳам. Ҳа, ҳам руҳан, ҳам жисман йитади. Руҳан – унсиз нафратдан, жисман – ана шу нафрат келтирадиган руҳий касалликлардан. Секин ақлдан озади, ё ақли дош берса, юраги чидамайди ё қони томирларига сиғмай қўяди. Шунинг учун ҳам, ғулия қиз мени қанча суйса, шунча ажабланади. Занжирбанд бўлмаганим ҳолда гавдамни бардам кўтариб юришимдан, яна севгига ҳам ярашимдан ҳайронлиги тўхтамайди, одам шу ҳолида ҳам бемалол нафас олиши мумкин экан-да, деб таажжубланади, чунки менга ўхшаган эркин одамни кўрмаган, яна ўзининг ҳам шундай одамни, яъни мени

севиб қолганидан ҳайратга тушади. Занжирнинг бўйинчаси туриши керак бўлган бўйнимни нозик бармоқлари билан силаб, менда йўқлигини ақлига сиғдира олмайди. Ҳаяжонда қизиб турган пайтларим занжири яланғоч баданимга совуқ тегиб, сакраб кетсам, шундай мўътабар нарсадан довюраклик билан сесканганимга тонг қотади. «Қўрқмайсиз-а! Қандай журъат, а!», деб мен билан фахрланади, ўзига ҳам қойил бўлади.

Бир куни кечаси елкаларимни силаб, «Уялиб кетаман, жуда яланғочсиз-да», деб қолди. Ҳайрон бўлдим, «Нима ёнингда ётганда чопон кийиб олишим керакми? Ўзинг ҳам ҳамма нарсангни ечиб ташлагансан-ку», дедим. «Йўқ, менда занжирим бор, - деди у, қоронғида юзини ғира-шира кўраётган бўлсам-да, ўйланиб гапираётганини туйдим. – Сиз эса қип-яланғочсиз, шармингиз йўқ». Тонг қотдим, иккаламиз бирдек кийимсиз бирга ётибмиз-у, занжирга чулғангани учун унинг шарму ҳаёси жойида экан-да, меники йўқ эмиш. Кўряпсизми ғулийлик буларнинг қон-қонига сингиб кетганини. Ёзувчи дўстим эса тўғри келмаган нарсаларни ёзаверади. Ғулийлар ўзларига энг қадрдон нарсадан айрилишни орзу қилар эмиш! Кишанни севишга калла йўқ-да... Эй, ўзи бориб кўрмагандан кейин нима ҳам дейсиз. Қўлимни силтайман. Бўзчи билганини тўқийди, таппи таппидан йироқ тушмайди, дегани ҳам ўзи шу.

Мен яна бир куни холдор ғулийдан ўзимни соддаликка солиб сўраган эдим, ўртамизда ажабтовур бир суҳбат воқеа бўлди.

- Ғулийлар қийналмайдими?

- Ўзларидан сўранг.

- Сўрашимнинг ҳожати йўқ, сўрамаслигимни ўзим ҳам биламан. Биз қанча қийналсак, шунча қийналаверамиз, қийналганимизни тушунмаслик учун ҳам янада қийналамиз, деб жавоб берар эди улар, менга тушунтирганларида.

- Ана, кўрдингизми, қийналишни тушунишга эҳтиёж йўқ. Бутун инон-ихтиёрини занжирга топширганлар қийналиш нималигини билмайди ҳам.

- Лекин сиз тушунасиз-ку?

- Ким айтди, мени тушунади, деб? Мен тушунмайдиганларнинг каттасиман, бинобарин, улардан кўпроқ тушунмайман..

- Тушунмайсизми ёки тушунмасликка оласизми?

- Сиз мени қаяққа бошламоқчисиз? Тушуниш бу – ихтилолнинг боши-ку.

Энди мен ҳам тушунмай, анграйиб қоляпман.

- Бу нима деганингиз?

- Мен тушунмайдиганларнинг каттаси бўлганимдек, менга ўхшаган катталарни тушунмайдиганларнинг ҳам каттаси бор, у катталарнинг ҳам тушунмайдиган катталари бор. У катталарнинг яна катталари... Тушуняпсизми?

«Тушуняпман», демоқчи бўлдим-у, лекин яна мени ихтилолчиликда айбламаса деб, тилимни тишладим.

- Нима, бутун бошқарув тизимларингиз омиликка қурилганми?

Холдор ғулий деразага қараб истехзоли кулди.

- Ҳеҳ-ҳе, омиликка эмас, тартибга! Муаззам, буюк тартибга қурилган бутун ҳаёт. Мана, кўчада бирон одамни кўрдингизми бу тартибга юрмаган?

Юрмай ҳам кўрсин-чи, нақ занжирини ечиб оласизлар, демоқчи бўлдим-у, ҳар ҳолда, юрт уники, мезбон эканини ўйладим.

- Бир мартагина чиқиб нимани ҳам кўраман?

- Бор бўлса, бир мартада ҳам белги беради. Зиёратчилар орасида зиёратга мажбуран келган ғулийга кўзингиз тушдими? Йўқ, албатта! Шу сиз кўрган майдону кўчаларда биронта намойишни кўрдингизми?

- Кўрмадим, кўрмадим...

- Тушунганда ғулийлар митингга чиқар эди. Кўрмайсиз ҳам!

- Йўқ, кўрмайман ҳам.

Кўрмаслигимни-ку аллақачон тушуниб етганман, лекин холдор ғулийнинг бу қадар ишонч билан гапиришидан бошқа бир нарсани илғаб қолдим: тушунган одамлар намойишга чиқар экан, буларда мутлақо чиқмайди, буларда умуман ҳеч ким хоҳиш-иродасини намойиш этмаса, холдорнинг ўзи намойиш ё митинг деган нарсани қаёқдан эшитган ё ўқиган? Англаяписизми? У менга шама қияпти, сизда бунақа нарсалар бор, бизда йўқ, деяпти! Унда, демак... демак, у бизнинг дунёмиз борлигини билар экан-да, а?

Аниқ билмадим-у, лекин буларнинг бизга уланадиган қанақадир робиталари борга ўхшайди. Кейин, кутубхонада яна бир қанча жилдларни варақлаб, маълумотларни тўплаб, холдор билан бўлган баҳсларимиз мағзини чақиб кўриб, шу хулосага келдим. Унинг жуда кўп гаплари бизга қарши эди, қарши бўлиб, ғирт душман эмас, айрим масалаларда фикримиз бир жойдан ҳам чиқар эди. Масалан, ер, сув, табиат, обу ҳаво ҳақида. Айниқса табиатни асраш борасида биздан хийла илғор ҳам эканлар. Фикрда эмас, атроф муҳитни тоза сақлаш маъносида, яна ҳам тўғрироғи, уларда бу нарсаларнинг ўзи ҳали анча тоза экан. Ҳа, масалан, мен майнани кўрмадим дедим-а, лекин буларда ҳам чиқибди, лекин ҳали фақат қафасда, ғулийлар унинг қанақа қуш, қушларнинг қайси оиласига мансублигини ўрганишни энди бошлаган экан, мен уларга уни аввалбошданок йўқотишни, агар ҳайвонларни ҳимоя этадиган ташкилотлари монелик кўрсатса, келган жойига қайтариб жўнатишни маслаҳат бердим. Холдор орқали, албатта. Қафасга кўз-қулоқ бўлинг, чиқиб кетса, нақ катта бувингизни кўзингизга кўрсатади, деб қаттиқ

тайинладим. Агар бу шумғиянинг тухумини қуритмаса, оқибати нима бўлишини яхши билганим учун, Гулистон халқига, унинг табиатидаги жонзотларга қилган катта хизматим ҳам шу бўлса керак дейман. Лекин, бари бир, шу майнанинг ҳам Гулистонга қаердан келиб қолгани, тадқиқотларни ўқиб аниқладимки, ғулий олимларга ҳам жумбоқ экан. Келган жойи қаер, унда у қаер қаерда деган мазмунда. Менда аниқ илмий фараз бор, лекин буни уларга айтмадим, зеро, унинг ҳам биз томондан бориб қолгани маълум бўлса, зарарқунандага қўшиб ўзимни ҳам айблашлари, ҳатто мени уни олиб келишда гумон этишлари ҳам ҳеч гап эмас эди. Бу ўринда ғулий олимларнинг майнани чалкаш масалага айлантиришлари жонимга ора кирди.

Ҳа, яна бир оз чалғидим, аслида бу чалғиш эмас, Гулистоннинг ўзи кенг қамровли дунё бўлгани боис, у ҳақдаги гапни бир йўналишда олиб бориш жуда мушкул, ҳар хил масалалар одамнинг эътиборини ҳар томонга тартадики, уларни йўл-йўлакай бир тартибда сўзлаб бериш иложи йўқ. Кейин, тан олишим керак, ўзим ҳам шунча кўп ўқиганим билан, бари бир, унча чуқур фикрлайдиган одам эмасман, ўқиганларимнинг туб-тагига кўпинча етолмайман. Илмий маълумотлардан миям ачиб кетади, олган билимим ҳам алалхусус юзакироқ чиқади, узр, сўзловчи ўзимдан бўлак ҳеч ким йўқлиги боис, бор-боримча, йўқ ҳолимча айтавераман-да.

Холдор ғулийнинг Гулистон, бу ердаги ҳаётнинг ўзига хосликлари борасидаги қиёсларидан, таққослаб гапиришларидан, бемалол айтиш мумкин, улар бизни ҳам билади ёки... ҳар бир нарсанинг инъикоси бордек, борлигимизни эҳтимоллайди. Менинг Гулистонга бориб қолганим эса бу эҳтимолни тасдиқлаган. Энди боғҳовлига газета ҳам келиб бошлагани менинг ҳам тахминим рост эканини кўрсатади. Дастлабки кунлари Гулистоннинг кундалик ҳаётини ўрганиш учун газетага жуда муштоқ эдим, лекин биронта ҳам келмади. Шунча китобу кассеталарни тахлаб қўйган ғулийларнинг менга газета беришга ақллари етмаяпти, деган ҳам ўйга борган эдим. Сабабини кейин ўзим англаб олдим – булар мен учун алоҳида нашр

чиқарганлар. Чунки бу газета чилт янги, бўёғининг ҳиди кетмаган, ғулийларга хос шиорлар йўқ, бори ҳам меъёрида, яна кунда-кунора қандайдир мамлакатнинг элчихонаси очилгани, шу кунидек унинг фавқулодда ва мухтор вакили тегишли мўътабар даргоҳда қабул этилиб, ишонч ёрлиқларини топширгани ва, энг, қизиғи, ҳамма элчининг биринчи марта кўриб тургани Фулистонга чексиз ҳайрати чоп этилар эди. Фулистон матбуотига хос услуб: элчининг кимлиги, аниқ мамлакати ҳақида маълумотлар жуда тежамли, шу ихчам ҳолида яна қуюқ туманли, у қаердадир туғилганми ё туғилмоқчи бўлганми, ўша юртнинг ўзи борми ёки бор-йўқлиги энди аниқланаяптими, буни билиш учун ҳам кўп бош қотириш зарур бўлар, охири, хай, шу экан-да, ё бор, ё йўқ экан, деб доно хулосага келар эдингиз. Элчининг гапида ҳам ўз мамлакати ҳақида ҳеч гап йўқ, лекин Фулистонга қойиллиги, ундан албатта ўрناق олиши ҳақида бир дунё ҳиссиётлар айтилади ва кейин битта мамлакат эмас, қайсининг элчихонаси очилиб, элчиси чиқиш қилган бўлса, ҳаммаси Фулистондан ҳайратда ва албатта ўз мамлакатига ундан ўрناق олишни маслаҳат беради. Нимадан ўрناق олиши керак, буни ҳам тахминлаб англадим, зеро, бу ерда, бошқа манбалардан ё шиорлардан фарқли ўлароқ, занжирга шама-ишора ҳам йўқ, лекин ақлли одам гап нима тўғрисида бораётганини сезиб олади. Элчиларнинг занжир таққан ё тақмаганликлари, уларнинг бунга муносабати тўғрисида ҳам лом-мим дейилмайдими, демак, улар Фулистоннинг занжиридан, ғулийларнинг ғулийлигидан ҳайратда. Ҳайрат билдирадиган бошқа нарсани мен, масалан, кўрмадим.

Сиз шунча элчию элчихоналар борлигини ўқиб, ёлғизлик ҳамда занжирсизлик асоратида қийналган бу одам нима учун бирон элчихонага кириб олиб, сиёсий бошпана сўрамади ёки мухтор вакилга бошига тушган кўргуликларни айтиб, мени олиб кетинг, демади деган хаёлларга борсангиз, янглишасиз. Энг аввало, сиёсий қочқин эмас, тўғри йўлда адашган ё адаштирилган, ишқилиб, ҳайдовчиман, кейин, мазкур элчихоналарнинг газета қоғози саҳифасидан бошқа жойда борлигига ишонмадим, демак, унда

элчи ё мухтор вакиллар билан учрашишнинг иложи ҳам жуда-жуда шубҳали. Уларнинг Фулистон борасидаги хайратлари ҳам, газетанинг ўзи сингари, бутун-бутун мамлакатларни оғзини очиб қўйган Фулистонга сен қойил эмасмисан деган маънода, фақат менга мўлжалланганини ҳам билиб турибман. Сўғин, янги газетани ўқиб улгурсангиз ҳам хўбу хўб, хотирангиз бирон хабарни тутиб қолар, лекин солиштираман, мулоҳаза юритаман деб қайта ўқий олмайсиз, газета бир зумда янгиланади. Ҳа, шундоқ, газетани ўқиб бўлиб, тахлаб қўйишингиз билан, у бошқа рўзнома бўлиб қолади, худди ноутбукни ёпиб, қайта очгандек. «Фулистон жаранги» деган сарлавҳаси, йилу ой санаси туради, лекин куни ўзгаради, ичи батамом бошқа бўлиб қолади. Аввалига мен ҳам роса ажабландим, ҳатто ишонмадим ҳам.

Электрон бўёк

Бир куни соқол олаётиб иягимни тилиб олган эдим, «Фулистон жаранги»нинг бир чеккасидан тирноқдай йиртиб олиб, қонаган жойга ёпиштирдим, худди биздаги газеталарнинг қоғозига ўхшаб, бирпасда котирди; бу ҳам шунақа - нархи паст, сарғишроқ, салгина дағал қоғоз. Эртаси куни қарасам, бугунги янги «Фулистон жаранги», лекин ўша йиртиб олган жойим ўша-ўша, яъни қоғози ўзгармаган-у, лекин босилган хабарлари мутлоқ янги. Қоғозини ўз билганимча ҳўб текширдим, офтоб нурига, чироқ ёруғига тутиб роса қарадим, тишлаб, тирнаб кўрдим, ғижимладим, яна дазмол босиб текисладим, лекин ҳеч нарса топа олмадим, оддий, оддийдан ҳам оддий газета қоғози. Фақат ўша қоғоз-у, саҳифалари худди телевизор экрани ё компьютер мониторига ўхшаб, зумда ўзгаради, ҳатто олдинги расмлари ўрнига тамомила бошқа суратлар пайдо бўлади. Кечаги сониде сокин бир кўл ўртасидаги қайиқда балиқчи ғулий сувга қармоқ солиб ўтирган бўлса, бугунги сонда қорли чўққидан чанғида учиб тушаётган ғулияни кўрасиз, занжири икки томонида худди қанотга ўхшаб ёйилган.

Ўйлаб-ўйлаб, охири ўзимча тахмин қилдим: йўқ, газета қоғозини компьютер монитори сингари дастурлаштириш, яъни қоғознинг ўзини компьютерга айлантириш ҳали буларнинг кўлларида келмайди, лекин электрон бўёқ кашф этиб улгурганлар. Ҳамма лойиҳа, дастуру чиплар газета саҳифаларида эмас, бўёғида! қойилмисиз? Шунга ақлим етгандан кейин ўзим ҳам «э-э, баракалла!» деб юбордим. Газетани ўқийсиз, тахлаб бир чеккага олиб кўясиз, яна очиб қарасангиз, сарлавҳаю санаси ўша бўлгани билан бошқа, янги, балки эртанги газета! Ҳа, улар эртанги, бир ҳафта кейинги, лозим топилса, бир ойдан сўнгги газетани бугун чиқараверадилар. Жуда қулай. Бир марта олсангиз бўлди, қоғозини авайлаб тутсангиз, бир йил ҳам янги-янгисини ўқийверасиз. Битта тугмани босиш билан юз минг, миллион тиражда таркаган газета зумда ўзгаради, кўчага чиқиб, матбуот кўшикида навбатда турмай, ўша эски қоғозингизда янги янгиликларни ўқийверасиз.

Тасаввур қиялпсизми? Йўқ, унча тасаввур қилолмаяпсиз. Ҳиди чиқиб турадиган ўша газета бўёғини энг сўнгги технологияда дастурланганини тушуниб тургандирсиз, лекин бу билан минг-минг тонна қоғоз, бинобарин, миллионлаб гектар ўрмонзорларнинг асраб қолинаётганини ўйламаяпсиз. Мана, улар қаерда табиатни тоза сақлаш борасида илгарилаб кетган! Иқтисодий тежамни ҳисоблаб кўрдингизми? Ишчи кучи, транспорт харажатлари, атроф-муҳитни тоза сақлаш, кислородни камайтирмаслик. Ахир, ўрмонлар ернинг ўпкаси-ку, улар карбонат ангидридни ютиб, бизнинг тоза нафас олишимизга кислород етказиб беради.

Яна қаранг, мен нималарига қойил бўлдим. Газетада бирон қитмирок гап ё назоратсиз хабар ўтиб кетса, жуда онда-сонда шунақаси ҳам учрар экан, уни кўшклардан йиғиштириб олиш, одамларнинг уйидагини териб чиқишга сира ҳожат йўқ, бу ҳам битта тугмани босиш билан ҳал. Газетани шу ҳолича сақлайман деб, темир сандикқа солиб, устидан саккизта кулф урсангиз ҳам бефойда, ўн кулоч чуқур кудукқа ташлаб, устидан тупроқ тортиб тепкиласангиз ҳам ўша тубда турган ерида ичи янгиланиб қолаверади. Бир куни шундай бўлди: «Фулистон жаранги»да «Меҳмон ҳам ҳар хил бўлади» деган мақолани «Яқинда Фулистонимизга бир меҳмон келган эди, уни боғҳовлига жойлаштирдик», деган мақолани ўқиб бошлаб, «Ий-э, мени ёзишибдими?» деб таажжубга тушиб улгурмасимдан бирдан ўзгариб кетса! Қараб турибман, кўзимнинг олдидаги ҳарфлар жимир-жимир бўлди-да, саҳифанинг ўша жойи тиниқлашиб, янги бир мақола қалқиб чикди. Худди мен бу ерга келмагандек. «Фулистоннинг мусаффо қорлари» деган мақола! Бу йил Кишан тоғининг Метин, Юксак, Фул биринчи, Фул тўртинчи чўққиларида қор жуда мўл, ҳатто саратонда ҳам кўчки хавфи бор, аммо бу қорлар жуда оппоқ, мусаффо-покиза бўлиб, Фулистоннинг сув таъминоти, миробчилигида муаммо кутилмас экан.

Матбуот кўшкларида, кутубхона, қироат заллари, одамларнинг қўлида, уйида, столларнинг устида, тортмаларидаги милён-милён нусха газета бир

зумда ўзгаради. кўлингизда ушлаб турган газетангиз ўқиётган пайтингиз янгиланади-я! Ҳатто дўкондан олиб ичгу ўраганингиз ҳам, борингки, йиртиб отиб юборган бўлсангиз, ўша йиртиқ парчадаги ёзувларининг ўша жойи янгиланади. Бу энди ҳар эҳтимоли учун, кейин биронта гулий газетада шундай босилган эди деб, муддати ўтган, нотўғри хабарни кўтариб юрмаслиги учун. Гулийлар ерда ётган, ташландиқ қоғозни ҳам олиб, албатта ўқиб кўрар эканлар-да, бирон кўрсатма ахтариб. Лекин буни йўл-йўлакай айтяпман, ўзгариш асосан икки тарзда, биттаси газетани ўқиб бўлиб, тахлашингиз билан, яъни шу тахлаш билан эскисини ёпасиз, иккинчиси ўқиётган пайтингизнинг ўзида хато мақола ё хабарларни ошиғич тузатиш зарурияти юзасидан. Бу газетхонга ҳам жуда ўнғай, ишончсиз манбани ўқиб, ҳар хил хаёлга бориб улгурмасидан бу борадаги ҳукумат таҳрири ёки нуқтаи назари бетўхтов етказилади.

Албатта, биламан, жуда бир зумда эмас, ўша янги хабар аввал ёзилади, текширувдан ўтади, компьютерга киритилади, кейин тарқатилади. Лекин шунча босма нашрни марказлаштириб, бир сонияда битта тугмани босиш билан янгилашни айтинг. Биз ҳам олдинга кетганмиз, лекин. Фақат шу, «Интернет»ни телефонсиз ишлата олмаймиз. Телефон узилиб қолса, «Интернет»имиз ҳам ўлади.

Бир кашфиёт навбатдаги ихтирога йўл очади. Электрон бўёқ кашф этилиши Гулистон матбаасига ҳам революцион таъсир ўтказган. Биласиз, хабарлар оқими сараланиб, танланади, китобларда дамланиб, қомусларда тинийди, кейин шу ўзанда тинмай оқиб ётаверади. Ҳа, айнан оқади, оққан оқим эса ўзгармай қолмайди. Биздаги қомуслар, айтиш мумкинки, қотиб турадиган нашрлар. Маълумотларнинг ҳаммаси чиғириқдан ўтиб, керакли мутахассисларнинг оқ фотиҳасидан сўнг, қомусда маҳкамланади ва энг ишончли охириги манбага айланади. Гулистон нашрлари, худди манбааси сингари, бундай қотиб қолган эмас. Улар қатъий ва мунтазам тарзда ўзгариб боради. Тез-тез таҳрирга учрайди, янгиланади, тўлдирилади, тузатилади ва

албатта, олдинги ўзгаришга учраган нашрни кейин қайтиб кўрмайсиз, уни эслашингиз ҳам шарт эмас, чунки ишончли манба сифатида энг сўнгги нашр тан олинади ва, бунда ҳам, табиийки, ҳаётдан орқада қолмаслигингиз, яъни охирги ҳақиқат шу экан деб, ёпишиб олмаслигингиз керак. Мана, масалан, «Ғулистоннинг халқаро мавқеи: ҳайрат ва намунавийлик» қомусининг 10-жилдини ўқиган бўлсангиз, эртаси куни бориб яна айнан шуни ўқийман деб овора бўлманг, шу қомус, шу жилд жойида туради, лекин ичи бошқа, қайта ёзилган, бошқаттан нашр қилинган. Нашрлар ҳам Ғулистоннинг ривожига мувофиқ, бу билмаган одамга сиртда мураккаб кўрингани билан, аслда жуда оддий жараён: улар ҳам Ғулистоннинг изланишларини акс эттириши лозим, изланиш эса ўзгаришсиз бўлмайди, бу жамиятда эса ўзгаришлар тўхтамайди.

Фулистон тарихи ҳақида нақллар

Фақат кундалик ҳаёт, ҳозирги воқелик шундайгина эмас, балки Фулистоннинг тарихи ҳам ривожланишда: биз тарихни ўтмиш деб қараймиз, унда кечган воқеа-ҳодисаларни ўрганамиз, из қолдирмаганларининг изини излаймиз, қадимни билиш учун тупрокка айланган пахса деворларнинг тубидан осори атиқаларни кавлаб оламиз, яъни археологик қазилмалар ўтказамиз. Кўп-кўп асрлар илгари ўтиб кетган тарихдан фақат сопол косанинг синиқлари қолган, агар ҳам ёзуви бўлмаса, ҳеч нарсадан гувоҳлик бермайди, уни албатта катта пулга лабораторияларда ультрабинафша, инфрапушти нурлар билан текширтириб, даврини аниқлашга тўғри келади. Бурни учиб, қулоғи синган бир қарич ҳайкалча чиқиб қолса-ку, эҳ-ҳе, қанча ёқимли ғалва! Маърузалар, конференциялар, банкетлар. Ўша жойни кавлатишга қанақадир тендер-консорциум деган даҳмазалар... Фулистонда эса оппа-осон, минг йил олдин асли ўзи нима бўлган деб бош қотиришнинг сира ҳожати йўқ, ўша оқсоч тарих бугун яратилади-қўяди, вассалом! Тарихда нима бўлган бўлса бўлгандир, унинг ҳозирини кўриш керак. Шунча маблағ сарфлаб, вақт кеткизиб ўқиб-ўрганишдан кўра янгидан ёзиб қўйилади - тамом! Кавлаб нима керак, сопол косада ёвғон ичди, нимаю олтин косада шароб симирди, нима, ўтиб кетган гаплар, бугунга қандай қизиғи бор? Хўп, борингки, ўша олтин косада шароб ичган ғулий ҳозирги бирон ғулийнинг бобо-бобо-бобо-бобокалонидир, лекин ўтмишдан чиқиб келиб, ўша шаробидан бизга ҳам қуйиб беряптими? Қайтангга тарих ҳам тозаланади, энг ибтидоий инсонлигимизда гўшти пиширмай еган эканмиз деб, уялиб юрмайсиз, унинг ўрнига илк ибтидоий босқичдаёқ одамсимон маймун гўшти чўп сихга тортиб, оловга тутиб кабоб қилишни ўрганиб олган эди, деб тузатиш киритилади, бўлди! Пўстакка ўраниб юриши ўз-ўзидан келиб чиқади, ҳайвоннинг гўшtidан кабоб қилишни билган маймун унинг шилиб олинган терисини қуриптиб, авратини бекитиб юришга ақли етар, ахир.

Шунинг учун ҳам Фулистоннинг тарихи муқим бир воқеалар силсиласидан иборат эмас. қомуснинг бир жилдида унинг шимолида бир мамлакат жанубидаги мамлакатга ҳужум қилган бўлса, ундан олдинги жилдда ёки шу жилднинг бугунги нашрида жанубдаги мамлакат шимолдаги мамлакатга ҳужум қилган, лекин аҳамияти йўқ, чунки Фулистон иккаласига кафил турган, уришсаларинг уришаверинглар, мен уришмайман, деган ва шу билан тинчлик гаранти сифатида намуна кўрсатган. Ана, мантиқни кўряписизми, Фулистон аралашмагандан кейин кимнинг ким билан уришганининг бугунги ғулий тарихшуносга нима қизиғи бор? Бордир, лекин озгина. Фулистоннинг бугунги равнақини кадрлаш учун. Жанубдаги давлат шимолдаги давлат билан уришган бўлса, бу тўқнашув қаерда кечган, ўртада Фулистон-ку, у пайтлари учқичлар бўлмаган, жанглар ҳавода кечган десангиз. Бу ҳам жиддий савол. Фулистон бунда ҳам зўр йўл танлаган - унинг бир чеккасида бепоён Бодия саҳролари бор экан, икки томонга ўша ерларда муҳораба ўтказишга рухсат берган. Ана, биёбон, бир-бирининг гўштинини хоҳлаганча е, мен розиман, э-э, ўлиб, қирилиб кетмайсанларми, деган. Уруш тугагандан сўнг эса катта фойда кўрган, ҳар икки томоннинг ҳам талафотга учраган нарсалари саҳрода қоладими, саҳро кимники – Фулистонники! Урушни вайронагарчилик деймиз-у, лекин саҳрода вайрон бўладиган ҳеч нарса йўқ, қайтангга урушдан кейин ҳар икки томондан эскирган, бузилган, синган, ўққа учраган ниҳоятда кўп ашё қолади, уларни тузатиб, қайта ишга солиш мумкин. Темири эритилиб, қайта қуйилади. Ана сизга текин даромад. Мен бир жилдда ўқиб улгурдим, эртаси куни варақласам ўчиб кетибди: икки томонидаги қўшниларни бир-бирига кўпинча Фулистоннинг ўзи гиж-гижлаб кўяр экан, азбаройи манфаат учун. Дипломатиядан аниқ фойда ундиришни қаранг.

Шу маънода Фулистон тарихи жуда бой, тарихшунослигининг тадқиқотлари ҳам бепоён, ўзгаришлари жуда кўп. Бу шу қадар одатий аҳволга айланганки, бирон-бир олим эътироз билдирмайди, ҳар қандай

янгиланиш худди шундай табиий қабул қилинади. «Тарихни ғулий ўз қўллари билан яратади», деган нақл ҳам шундан.

Ғулистон тарихида бевосита ўзи қатнашган урушлар жуда қадим ўтмишда бўлган, қачон унинг бунақа бемаъни ишга аралашганини аниқлаш ҳам мушкул албатта. Урушлар ҳам урушдан кўра тарбия учун ўйлаб топилган тўқима тўқнашувларга ўхшайди. Уларда ҳамиша ғулийлар устун келган, кимлиги номаълум душман томон узил-кесил ва батамом таслим бўлиш пактига ялиниб қўл қўйган. Бостириб киргани келган жойига итқитиб ташланган, бостириб борилгани ўз ҳудудида яксон этилган. Ғанимнинг лашкари лак-лак қирилиб кетган, лашкарга қўшилиб қурол-аслаҳаси ҳам кунфаякун бўлган ёки ўлжа олинган; Ғулистон тарафдан биронта ғулий ўлмаган, аксинча, ўнлаб ғулий қаҳрамонларнинг оти чиқиб, донг қозонган.

Хатто шундай ривоятлар бор, қадим-қадим замонда, унда ҳали одамлар ўқ-ёй ва қилич билан уришган экан, Ғулистонга бостириб кирмоқчи бўлган ғаним унинг чегарасига қўнибди-да, куч синашиш учун ўзи томондан бир паҳлавонни олдинга чиқариб, бу томондан ҳам бир талабгорни ўртага ташлашни сўрабди. Ғаним паҳлавон бўйи булутларга етадиган, ҳаммаёғи зирҳли бир забардаст дев экан, унга дов тортиб чиққан ғулийнинг қўлида хивичдай қилич, елпиштовок қалқон, мунғайибгина турган эмиш. Ғулиёт энди мунимизнинг куни битди, барчамиз душманга ем бўламиз деб турганда, ғаним паҳлавон урушга киришдан олдин, ғулий талабгордан «Нимага занжир таққансан?», деб сўрабди, ғулий унга «Билмайсанми, бутун кучимиз занжирда-ку», депти, шунда ҳалиги: «Ий-э, ҳали ҳамма аскарларинг шунақа занжирга ўралганми?», деб сўраса, ғулий: «Ҳа, бўлмаса-чи!», деган экан, паҳлавон полвоннинг ҳурраси учиб, захраси зоғора бўлиб, «Бунақа занжирга кишанбанд лашкардан ўзи асрасин, тартибни енгиб бўлмайди», деб, устидаги зирҳини ечиб ташлаб, қиличу қалқонини отиб юбориб, ўзи орқага қочган экан.

Шунақа тарихий ривоятлар жуда кўп, ҳаммасида ҳам занжир устун келган, ғулийларни доим ҳимоя қилган. Бу ривоятларни бир марта ўқиб улгурасиз, кейинги ўқишда шу ривоят бошқачароқ тус олади ё тамоман ўзгариб, янги бўлиб қолади.

Болаликдан китобга ружу қўйган одам, боғҳовлида катта кутубхона, айниқса хилма-хил қомусларнинг мавжудлиги кўнглимдагидек иш, кўп кунлар ўқишдан эрмакка бош кўтармадим. Хизматчи қиз дамлаб кирадиган чойнак-чойнак чойларни ичиб ташладим. Унинг кундузлари ўзини бегона тутиши кўнглимга фориом келган, севгидан ҳам чарчаганман шекилли, занжири шиқирласа, кумуш жарангдан илгариги завқим йўқ, асабим ўйнайди, уни кўрмасам ё у менга қарамаса, анча яхши, қомуснинг устида чарчоғимни ёзаман.

«Ғулистоннинг эски ва янги тарихи» деган 23 жилдли қомусни, «Ғулистон тарихи: афсона ва ҳақиқатлар», «Ғулистон тарихига концептуал ёндашув», «Ғулистон тарихига фалсафий қараш», «Ғулистон: занжир фалсафаси генезиси» каби ёстикдек-ёстикдек тадқиқотларни ҳижжаладим. Ўқиш баробарида аста-секин бу мамлакатда умуман ҳеч қандай уруш бўлмаган, инчунин, у бирон-бир давлат устидан «тўла ва батамом» тугул, умуман ҳеч қандай ғалаба қозонмаган, бинобарин, унинг ҳеч қанақа душмани бўлмаган, йўқ, бўлмайди ҳам деган фикрга келдим. Шу фикрим ўсиб, унинг умуман тарихи ҳам йўқ шекилли, деган хулосага ҳам соғ-салом бориб қолдим. Шунча туманли, атай чалкаштирилган нарсаларни ўқиб жинни бўлмай, яна бир хулосага келиш ҳақиқатан ҳам катта гап, ахир. Лекин ҳар қандай мамлакат ё халқнинг яхшими-ёмонми, бари бир, нимадир ўтмиши бўлиши керак-ку! Унда, ё Ғулистоннинг иккита: бири – ҳақиқий, аммо яширилган, айтилмайдиган, иккинчиси – ясама, сохта, бугун уқтирилаётган тарихи бор чиқади. Лекин ҳар иккаласининг ҳам нимадан иборат эканини билиш мушкул, ҳақиқий тарих бекитилиб-бекитилиб, худди такрор-такрор кўмилавериб, ўрни ҳам тўлиб-текисланиб кетган қудукдек, буткул йўқолган,

ясама-сохта тарих эса азбаройи ўзгартирилаверганидан тарих дегулиги ҳам қолмаган. Ўқиш баробарида менда яна бир учинчи қараш ҳам туғилди. Бу ҳақиқийсига ҳам, сохтасига ҳам тескари, яъни келажакдаги тарих. Ҳозир тушунтираман: мана, дейлик, бизнинг тарихимиз биринчи, ўнинчи, йигирманчи йил, мелоддан олдин, деб санаси пастга, кейин, биринчи, ўнинчи, йигирманчи аср деб, пастдан юқорига кўтарилиб келаётир. Гулистонда эса бизникига тескари: тепадан пастга тушиб боради. Янада аниқроқ тушунтирсам: биз йилма-йил келажакка кўтарилиб бораёмиз, улар эса келажакдан пастга, яъни ўтмишга тушиб кетаётир. Гулистон тарихчилари ёки уларнинг йўлбошчилари мамлакатлари ўтмишини хоҳлаганча ўзларига мослаштиришларига сабаб шуки, бу ўтмиш келажакда кечгани ё кечиши керак бўлгани учун бирон-бир мамлакат эътироз қилолмайди, эътирозининг ўзи мумкин эмас, чунки Гулистоннинг тарихи бирон-бир давлат ё халқнинг тарихига тўқнаш ё зид чиқмайди, бинобарин, бу ёқдаги бирон мамлакатнинг ё халқ, келажакда ундай ё бундай бўлган эди, деб айтиши ҳам ақлга тўғри келмайди.

Уларнинг бу кетишларида олдинда нималарга тўқнаш келишларини тарихчилар бутун жаҳон тарихига асосланиб айтиб беришлари мумкин. Лекин, фаҳмимча, бунга имкон йўқ. Бу дунёдан ягона вакил мен, тарихдан билимим эса университетда «беш» олганим билан, номига, шу кетишда уларнинг ибтидоий тузумга тушиб кетишларини айтишим ҳам мумкин-у, бир одам, устига-устак, доҳий ҳам эмас, якка шахс ҳолида бутун бошли бир мамлакат, халқнинг тафаккур тарзини ўзгартиришга қурби етмайди деб, истиҳола қилдим. Шу билан уларнинг тескари тарихи ўзгармай қолаверди, яъни ҳозирги, ўзлари истаганча ўзгартирадиган аҳволда.

Кейин... буларда тарихни яратишнинг ибратли бир усули бор. Бу ёқда, яъни ўзимиз томонда айрим ёзувчиларнинг хаёлий китобларида матбуотни, тарихни ўзгартириш усулларини ўқиганман, лекин буларники анчагина раванқли ва самарадор экан. Мен ўқиган китобларда ўтмишда бўлган тарих

матбуотда ўзгартирилади, бунинг учун махсус ахборот маҳкамалари иш олиб боради. Ғулийлар жуда оддий, лекин тўғанок бўлмайдиган усул кашф этганлар. Улар тарихга мурожаат этиб ўтирмайдилар, чунки, юқорида айтганимиздек, тарихнинг ҳақиқийси йўқотилган, сохтаси эса бетайин, шунинг учун қайси давр бўлмасин, керакли воқеоти тўкилиб, бу ҳақда рисолами, китобми ёзилади ё бир тадқиқот рўзномада ёритилади, кейинги рисола, китоб ё рўзномада бунга асосий манба сифатида қаралади, кўчирма келтирилади, шу тариқа «илк ишончли манбага мурожаатлар»дан кейин ҳалиги бўлмаган воқеот бўлдига чиқиб кетаверади ва давлат назоратида маъқуллангач, қомусга кўчади ҳамда бу ерда энди мўътабар мартабанинг таҳрири билангина ўзгаради. Зеро китобда чоп этилган, рўзномада ёзилган, ҳатто радиоэфирдан ҳавога учиб кетадиган қалом ҳам бениҳоя ҳурматда, ўқиган-эшитганни қўрқувга солади, шунинг учун ҳам ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Қамина ҳам, ҳозир зикр этганимдек, бир томони қизиқиш, яна бир томони бошқа қилар ишим йўқлигидан, матбуотга, қомус ва тадқиқотларга кўз нуриمنى бердим. Ғулистон борасидаги таассуротларим ҳам, кўрганларим катта йўл, шаҳар ва боғҳовлию унинг атроф-жавониби билан чеклангани боис, кўпроқ шу ўқиганим манбаларга асосланади. Аммо бунда ҳам ўша андиша: бу манбаларнинг қайсиси рост, рости ҳам қандай уйдирмага таянган, аниқлаб билишнинг сира иложи йўқ, чунки манба манбага уланади, бири бирини тўлдиради, яна инкор қилади, яна фикр бир жойдан чиққан бўлади ва ҳаммаси беистисно назоратдан ўтади, ҳуллас, рост билан ҳақиқатни асл воқеотга таққослаш иложи йўқ, шубҳа мумкин эмас, ғулий олимлар учун эса чоп этилган манба мўътабар, яъни энг охиргиси, эскиси бари бир ўчиб кетади, ўзингиз билан ўзингиз баҳсу муноазара юритишнинг кераги ҳам, фойдаси ҳам йўқ. Яна «э-э, бор-э», деб қўл силтайсиз, «Қана, Ғулистоннинг ўзи бор-ку, унинг ўзгараётган, ривож топаётган бугунида яшайпман, шунинг ўзи етади менга», деган ҳулосага келасиз.

Энди англаган бўлсангиз, бунинг ҳаммасига ҳу боя айтганим босма бўёқ сабабчи, истаган китоб ё газетани хоҳлаган пайтда ёзиб-чиқариб, яна кўнгил тусаган вақтда ўчириб-янгилаш ҳам мумкин. Қаранг, илмий изланишларни янгिलाшга қандай имкониятлар яратилган! Яна ҳар қандай, ҳар тарафга тармоқлаб кетган изланишларни битта ягона хулосага олиб келади. Олдинги манбада бундай ёзилган эди, ёки илгари фалон фикр ундок айтилган эди, энди эса мундоқ бўляпти деган норозиликлар йўқ, чунки олдинги-полдингиларнинг ҳаммаси ўчирилиб, сараланиб, текширилиб, назоратдан ҳам ўтган охирги тўғри натижа қолади. Қойил бўласиз. Бизда эса ҳали ҳам қанча изланиш бўлса, шунча илмий фаразлар бор, академия деган ташкилотларимиз ҳам мўътабар-у, лекин ўз олимларимизнинг бошини бир ёқадан чиқара олмай ҳалак.

Мен ҳам ўқиганим охирги манбалардаги хулосага келаман-у, лекин ҳеч кўнглим жойига тушмайди. Ўтмиши бунақа, тарихининг бўлган-бўлмаганини аниқлаш қийин, мозий ҳақида ёзилган китобу қомусларнинг ҳам турими йўқ, ҳаммаси дудмол, шундоқ экан, Гулистоннинг ўзи борми, йўқми, бор десам, нимага бунча мажҳул, йўқ десам, унда ўзим қаерда юрибман, шу ердан-у, аммо шу ерда эмасман шекилли қабилидаги ғалати саволлар ўйлантиради. Гулистонда янглиш пайдо бўлдимми ё мени булар бир ҳийла билан адаштириб олиб келдими, билолмаяпман; агар ўзим келиб қолган бўлсам, масала анча равшан, яна шундай тасодиф ила қайтишга умид йўқ эмас, буларнинг ҳам тинч-тартибли ҳаётига ғулу солмаганим яхши, чунки бутун бошли бир халқни кишандан чиқаришга албатта битта ўзимнинг чоғим етмайди, ғулийлар бунга муҳтож ҳам эмас, лекин ўзлари мени Тошкент-Жиззах йўлида тузоққа тушириб, энди мени ғулийга айлантериш борасида руҳий тажриба ўтказаётган бўлсалар, унда аҳволим жуда-жуда чатоқ. Булар ҳозирча фақат матбуот, китобу газеталар орқали босим ўтказмоқчилар, мен эса ўзимни ҳеч нарса бўлмагандек тутяпман.

Аросат

Жуда довюраклигимдан, қайсар эрксеварлигимдан эмас, мақтанишнинг нима кераги бор, бу ерда хизматчи ғулиядан бошқа ҳеч ким мен билан гаплашмайди, бу ҳам қоронғида, қоронғидаги суҳбат фақат ишқ-муҳаббат мавзуида, э-э, қойил! – дейдиган одамнинг ўзи йўқ, шунчаки кўника олмаганимдан. Бўлмаса, бу ерда занжирини тақиб юриб, чегарадан ўтишим билан ечиб отиб юборишим ҳам мумкин эди, лекин ўрганолмаяпман, қиз ҳадеб хайрон бўлаверганига бир кишанда юриб кўрай-чи, қанақа экан, деб чоғланаман ҳам, лекин, нафсиламрини айтганда, ҳали ғулийлар ҳам, холдор мисолида, шунчаки кутишда, мажбурлашга иккиланяптилар шекилли.

Ҳозир афсус қиламан, тақиб кўрсам нима бўлар эди? Шу билан ғулийга айланмас эдим-ку, тўғрими? Ҳам занжирбанд одамнинг ўзини қандай қис этишини ўз танамда синаб кўрган бўлар, ҳозир буни бир мутахассис сифатида илмий изоҳлар эдим. Мана, энди у ёқда занжирбандларнинг орасида қандай бўғилган бўлсам, бу ёқда, эркин одамлар орасида уларга занжирбандликнинг аслида қандай эканини тушунтиролмай хунобман. Эркин одамга бу туйғу бегона, мен эса тайёр тажриба турганда ўзимни четга тортибман. Агар ҳам занжирбанд қиз билан ўртамизда бир нарсалар бўлиб ўтганини айтмаса.

Бу ғулия ҳам жуда оқилага ўхшайди-ю, лекин суҳбати ғалати. Кундузи одатдагидек, жуда қуруқ, “салом, яхши ётиб турдингизми, чой дамлаб берайми, қорнингиз очмадими, нима ейсиз”дан нари ўтмайди – боғҳовлида ҳордиқ чиқараётган меҳмон билан унга хизмат кўрсатаётган ходима ўртасидаги расмий бир муомала, кечаси оғзимиз бўшамайди, бўшаганда ҳам энтикиб нафас ростлашимиз керак. Аввалига эркин одам билан “юриши”дан қизнинг эси тесқари бўлиб юрар эди, энди эса биздан дунёга келадиган фарзанднинг кимга ўхшашини гапиравериб, одамнинг юрагини сиқади. Бола ўзига ўхшаса, албатта, занжирбанд ғулий, менга ўхшаса... нима бўлишига ақли етмайди. Кейин, олмани ният билан жуда кўп ейди. Ҳали туғилмаган

ғўдакни занжирга солиб кўради, келажаги равшан – ўзи тарбиялаб, бир бахтли ғулий қилиб ўстирмоқчи, мен эса ҳали ўзини кўрмаган болакайнинг эртасини кишанда кўриб, ичим эзилади. Бу ҳам бир қисмат экан, қочиб бўлмайди. Ҳалиги катта дўконда менга кўзини тикиб ўтирган болакай кўз олдимга келаверади. қизни ҳар гал бағримга олганимда, болакай менга: «Нима, эсингизни еб қўйдингизми? Оқибатини ўйласангиз-чи!», деб виждонимни тирнайверади. Шунда қизнинг занжирини ўзининг бўйнига ўраб бўғиб ҳам қўйгим келади-ю, лекин, на илож, ҳали қаримаганман, кечалари ундан бошқа овунчоғим йўқ. Бунга ҳам ҳайронман, ғулий қиз бўлса ҳам эҳтиётини қилиб юрмайдими мен билан, тавба, шу ташвишим кам эди деб, бошим ғалвада.

Шунча паҳлавон ғулий йигитлар туриб, қизнинг мени топиб олгани ҳам сал кўнглимга ботади. Боғҳовлида фақат икковимиз эмас, боғбон-у фаррошлар, монтерлар, ошпазлар ҳам бор. Бир ҳайдовчи йигит уймошинда овқатга масаллиқ ташийди, бинойидай. Ошпаз йигитни кўрдим, ошхонадан пўчоқ олиб чиқиб қолган экан, келишган, бамаъни йигит. Симёғочга чиқиб, нималарнидир чуқулаётган яна бир навжавон ҳам, ҳар қалай, мендан тикроқ, тузуккина, бошқаларнинг ҳурмат билан қараганидан, касби ҳам ёмон эмас, даромади жойида. Энг асосийси, ҳаммасининг занжири бор, хизматчи қиз эса сулув бир маҳлиқо, истаганини бахтли қилиб, ўзи ҳам шу бахтни татиб яшаши мумкин эди. Лекин танлагани мен, нимамага учган, ҳайронман. Мени севиш вазифаси юклатилган унга десам, жуда чиройли, ниҳоятда гўзал, шоир бобомиз айтганларидек, занжирсиз бўлса, «сув яқосинда паритек ўлтурур, ғояти нозиклигиндин сув била ютса бўлур», шундай назокат соҳибасининг махсус хизматда бўлиши ҳеч ақлга тўғри келмайди. Яна у айниқса кейинги қоронғиларда тинмай фарзанд ҳақида бидирлаб, ширин суҳбатга хавотир қориштираверади. Махсус хизмат ҳам бундай яқин инсоний алоқаларга рухсат бериб қўядиган анойи эмасдир. Агар, худонинг ўзи асрасин мени, унинг орзуси амалга ошиб қолса, кичикроқлари бир-иккита юлдуздан айрилиб, каттароқлари ҳайфсан билан тақдирланиши турган гап.

Бунга шубҳа қилмайман, мен билан катта гуруҳ шуғулланяпти, ҳатто муайян тадқиқот институтлари ҳам бош қўшган бўлса, ҳеч ажаб эмас ва бу табиий ҳам. Озод инсонни ғулийга айлантириш, бир инсонни янгидан яратишдек оламшумул гап булар учун. Бўлмаса, шунчаки адашиб келиб қолган бир одамга бунча азизлаш нимага? Тўғри-да, олий маълумотли, университет билимларидан ташқари ҳам кўп нарсаларни ўқиган, озодлик туйғуси қон-қонига сингиб кетган қайсар бир одамни ғулийга айлантиришнинг уддасидан чиқа олсалар, унда... бу ишни кенг миқёсга қўйишлари ҳам мумкин. Тошкент билан Жиззах орасида бир кунда қанча машина қатнайди? Бунинг оқибатини, яъни мен билан ўтказилаётган тажриба нималарга олиб келишини тасаввур қиляпсизми? Шунинг учун ҳам қаттиқ туришим керак. Ёзувчи дўстимнинг рўмонида ёзилган озодлик ҳаракатидан урвоқ ҳам йўқ бу ерда, биронтани ортимдан эргаштиришга интиланганим ҳам йўқ, асосий ташвишим - ўзимни соғ, озодлик имонимни басаломат сақлаш эди, фақат шу ғулияга ўралашиб қолдим. Булар мени ғулийга айлантиришига эришса, кейин мен юрган йўлда яна қанча одам адашишини ўйлаб, юракларим музлаб кетади. Тағин уларга мени, мана, собиқ бахтсиз озод, ҳозир эса бахтли ғулий деб намуна қилиб кўрсатсалар! Худо кўрсатмасин.

Ғулийларнинг дохийси

Бир куни холдор ғулийдан сўрадим, чунки унинг ўзини оддий саволларни ҳам тушунмайдиган қилиб кўрсатишидан чарчаган эдим.

- Энг, энг каттангиз ким?

У мен шу пайтгача деворда қанча кўрган бўлсам, шунча эътибор қилмаган расмга ишора қилди. Аммо расм мени тушунмас, табиийки, менга ҳам ҳеч нарсани тушунтирмас, нукул буюриб турган эди, холос. Ҳа, кўзига қарашингиз билан унинг индамай буйруқ бераётганини чин юракдан ҳис қиласиз. Ким билади, балки унинг устидан ҳам катталар бордир, улар ҳам ҳеч нарсани тушунмас, эҳтимол, Ғулистон мантиғининг чексизлиги ҳам шундадир.

Ана шу мантиқ тамойилидан бориб, сизни ҳам чалғитишимга сал қолди. Демокчи эдимки, тушуниш мумкин, ҳар ҳолда, кўп ўқиганим учун кўп нарсага фаҳмим етди. Улар ҳам керагича тушунса керак, лекин билдирмайди, агар тамом оми бўлганларида бу қишлоғу шаҳарлар, заводу фабрикалар, обидаю иморатлар, боғ-роғу кўчалар қандай юзага келган, кимнинг меҳнати билан, ҳатто бу шиорларни кимлар ёзган деган савол ҳам туғилади. Онгсиз мавжудот буларни бино қилолмайди-ку. Лекин... лекин ҳамма тушунишларнинг сарҳади занжиргача! Ундан у ёғига ўтиш мумкин эмас. Ҳар қанча тушунсангиз ҳам, бари бир, бориб девордаги расмга тақаласиз, у эса ҳеч нарса тушунтирмайди, фақат буюради. У билан ҳам кўп суҳбатлар қурдим. Жуда кўп нарсаларни сўрадим, ўзим иккига бўлиниб, бир томоним у бўлиб, бир томоним ўзим, чин дилдан, ҳеч нарсани яширмай, очикча гаплашиб олишга уриндим. Кундузлари ёруғда, кечалари электр чироғида кўзим билан тешиб юборгудек роса қадалдим, ой нури тушиб турганда ҳам нигоҳимни узмай, гоҳ интизор, гоҳ ғазаб билан тикилдим, йўқ, ўша-ўша буюриб турган кўзлардан бошқа ҳеч бир нарсани топа олмадим. Тан олиш керак, қараш қаттиқ, иродаси жуда мустаҳкам ғулий экан. Одамга тўғри

қарайди, ой шўъласида йилтираб турган қорачиқларининг тубида ҳам тарикча иккиланишни сезмадим. Кейин, унинг нигоҳлари «Хўш, мен бўлмасам аҳволинг нима кечар эди? Бахтингга – борман!», деб тўғрисиини айтиб ҳам турар экан. Айниқса, кечалари ёлғиз қолиб қараган пайтларим усиз ҳеч нарса эмаслигимни туйиб, юракларим музлаб кетар эди. Расмига қараган ҳар бир ғулийга шундай таъкид билан қараб турадиган бўлса, ҳа, унда бор ғулиётнинг туйғулари унинг измида, унинг буюриши билан ўзи қиладиган ишни битта деб билади, бинобарин, Ғулистондаги катъий тартиб ҳақиқатан ҳам ишончли қўлларда ва бу ишонч яна айланиб келиб, ҳар бир ғулийга сингиб кетган. Мен бунга бир куни боғҳовлидаги олмазорда кезаётиб яна бир қарра амин бўлдим.

Яна аросат ёки яна муҳаббат сахнаси

Шу куни олмзорда олма терияпти экан. Хосил сайли, хотин-қиз ғулиялар бирови нарвонга чиқиб, бирови шохга миниб, қолганлари ердан чўзилиб, зинг-зинг занжир ҳамоҳанг, ширт-ширт олма узаяпти, иккита ғулий йигит олмани қутиларга солиб, бир жойга ташиб тахляпти. Меҳнат симфонияси деймиз-ку, шунақа, қизлар хиргойи қилган, аёллар гап ташлаганда ҳалиги икки йигит тиржаяди, буларга ер остидан қарайди, хингир-хингирга хотин-қизларнинг занжири шўхчан садо билан, буларники гўё тортингандек секин зингиллаб жўр бўлади. Мендан бошқа ҳаммаси шундай, ўзи гапиради, занжири эса жингирлайди. Ғулийлардан товуш чиқиб туради, фақат каминадан садо йўқ, улар ҳам менга қарамайди, гапирмайди, умуман эътибор қилмайди. Худди ўзим ҳам бу ерда йўқман, бир шу олмзорга чизилган портретман ё улар олма тераётганларнинг жонли сурати. Аёллар уялмай кўзини маъноли қисади, йигитлар ёлғондан шолғомдек қизаради. Бегона одам қараб турибди, яна меҳмон деган андиша ўлган. Гўё кўзи, қулоғи йўқ жонсиз бир буюмман, бамисали шохлари кесилган тикка тўнка. Кўз олдимда бир қичиқ кино қўйилаётгандек. Одам бор демайди-я. Шу қадар беҳурматлик.

Ёшроқ бир жувон ғулия бор экан, парпаша қўйлакли, диркиллаб, қўйлагини ёриб чиқай деётган қуймичларини кишани зўрға ушлаган, ҳалиги кути ташиётганнинг биттасига ишва қилаверди, охири йигит чидамай, унга олма отди, бу олмани илиб олиб, чўнтагига солиб қўйди-да, нозли кулди. Йигит, ҳаяжонидан эшканлаб кетди шекилли, яна олма отди, жувон илолмай қолган эди, олма тарсиллаб қуймичига тегди. Аразлаб, пўписа қилса керак деган эдим, йўқ, яна йигитга кўзини қисди-да, секин қийқириб, ҳосилидан ерга чодирдек солинган олманинг тагига югургилади. Турган гап, ўпкасини қўлтиқлаб, занжирини шиқирлатиб йигит ҳам ўша ёққа чопди. Олма иккаласини ҳам бағрига яширди, нима бўлаётгани тушунарли, ишқилиб, у ёқдан калта-култа ширқ-ширқдан бошқа товуш чиқмай қолди.

Фақат бу ёқдаги аёллар бир-бирлари билан такрор-такрор маъноли кўз уриштирдилар, энди кути ташиш бир ўзига қолган бу йигит ҳам жуда очикча ишшайди. Барисининг занжири кинояли жўровоз жиринглаб берди. Ҳе, ичларинг ёниб кетяпти-ю, яна ўзларингни покдомон кўрсатмоқчи бўласизлар, дедим ичимда. Ҳамма жойда ҳам ошиқ-маъшукларнинг иши қийин деб, олма тагига кириб кетганларга меҳрим ҳам товланди. Нима бунча қолиб кетди булар, ишни ким қилади деб, бориб қарамоқчи ҳам бўлдим. Олманинг шохларини йириб, бундоқ кўрадиган бўлсам... қандай аҳволда кўришимни сиз ҳам тасаввур қиласиз, албатта. Аввал жувон йилт этиб қарагандек бўлади, кейин йигитнинг боши мен томонга бурилиб, нигоҳи ёнимдан ўтиб кетади. Лекин... лекин ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳа, худди мен йўқдек! Тарикча уялмайди. Куппа-кундуз куни, ҳеч кимдан бекитмай, бемалол... ҳе, юзсизлар, қарамаганим бўлсин-э, ҳар қандай севги-муҳаббат ҳам сал бекитиқча бўлса жўяли-да деб, бурилиб чиқаётган эдим, дарвоза томондан бир тракторнинг тариллаб келаётгани эшитилиб қолди. У ёқдан трактор кўринди, бу ёқдан, олма тагидан ҳеч нарса бўлмагандек, ёқасини тўғрилаб, этагини текислаб жувон отилиб чиқди. Сочининг турмагини силлиқлаб, тўғноғичини тишлаган кўйи шундай ширин ишва билан қарадики! Во-о, ахлоқни кўринг. Бу гал энди тракторда ўтирган йигитга. Гўё олма тагида уни соғинч хаёл суриб уйқуга кетгану ҳозир трактори товушини эшитиб, қувончдан сачраб уйғониб кетгандек. Шунақа самимийки, ҳозиргина пана жойда бошқа йигит билан дилгуфторлик қилганига сира-сира ишонмайсиз. Кўриб туриб мен ҳам сал олдин олма тагида бўлган ишлар шунчаки кўзимга кўринган шекилли деб, булар қалин дўстга ўхшайди-ку, оғайнисининг хотини билан олма тагида ундан-бундан гаплашиб қолди чоғи деб шубҳаланиб қолдим. Ҳалиги дон олишиш, хў-ўш, мумкин эмасдек туюлди. Жувон у йигитдан илиб олган олмани чўнтагидан чиқарди-да, худди атай асраб қўйгандек, трактордаги йигитга отди, у ҳам олмани илиб олиб, жувонга мамнун термулганча, лабилунжини йиғиштиролмай, худди қаҳратон қишда бозордан тансиқ нарсани топгандек, карсиллатиб ейишга тушди. Ҳайро-он бўлдим, жувон иккаласини

хам севади, лекин қайси бирини танлашга қийналяпти, униси яхши деса, буниси, буниси яхши деса, униси кўзига оловдек кўриняпти, деб ўйладим. Лекин кейин бошқалар булардан кўз узмаган ҳолда яна бир-бирларига имо килиб, яна ўша олма тагига маъноли тикилдилар, ваҳ-ваҳ деб, бош чайқадилар, занжирларини шўх-шўх жиринглатдилар, шундан жувон билан бу тракторчи йигитнинг ҳеч қандай ошиқ-маъшук эмас, ҳалол жуфт эканини дарров билиб, фикрларим ўзгариб кетди. Тавба, шунчаси кўриб-билиб турган нарсани эр жонивор билмаса, гувоҳлар айтмаса ҳам, хотинининг хиёнатини ўзи сезиши керак-ку, шунча ҳафтафаҳмми, яна ўша хотинбоз узиб ёстикдошига берган хиёнат мевасини ўзимга аталган деб ўйлаб, ҳузур билан, сўлагини оқизиб еса! Тагин трактор устида ғўдайиб ўтиришини қаранг. Кўзи очик кўрми дейсан. «Ҳе, холдор, - дедим ичимда, - Мақтанма, ғулийсоз, хунаринг оз. Фуқаронгни занжирбанд қиласан, лекин унинг туйғуларига кишан солмайсан. Мана, кўряпсанми, мақтаган муаззам тартибинг остида нималар бўляпти? Бир қошингда хосият белгиси бўлса ҳам, ақлинг ҳамма нарсага етавермас экан.»

Шунда мазкур манзарани ҳар томондан ўйлаб кўрдим: а) биринчи олма отган йигит жувонни севади, жувон билан энди мурод-мақсадига етаман деганда, эри трактор миниб келиб қолди, жувон ноилож, севгисини тарк этиб, эрига пешвоз чикди ва икки ўртада азобда қолди; б) хотини ўзига отган олмани карсиллатиб еган тракторчи ҳам жуфти ҳалолини севади, лекин хотинининг у йигитни севсамми ё севмасамми деб иккиланиб юрганини сезади ва олма томоғига тикилиб, кекирдагини юлиб кетай деб турса-да, жилмайиб еган бўлади, азбаройи хотинига ёрдам бериш, яъни ўзининг устунлигини кўрсатиш учун; бу мард йигитнинг азоби; в) жувон икки йигитни ҳам ё севади, ё севмайди, севса, демак, иккаласига ҳам самимий, муҳаббати тоза, фақат иккита, севмаса, унда жувон жуда бахтсиз, эрга теккан, яна ўйнаши бўлса-да, ҳаётидан рози эмас, у ҳамон муҳаббатга ташна; г) биринчи бўлиб олма отган йигит эса ҳали муҳаббат нималигини билмайди, жувонга юракдан интилади-ю, лекин нима учун уни кўргиси келаверишини

ўзи ҳам тушунмай, қизариб-бўзариб юради... Хуллас, учаласининг аҳволи ҳам яхши эмас, бунга эса уларнинг оёқ-қўллари, бўйинларини чулғаган занжир сабабчи, ўртадаги муҳаббатга ўхшаган нарсa ҳам аслида занжирга қарши тилсиз исён, зеро хиёнат ҳам исёндур, лекин бунинг исён эканини ҳали ўзлари англаш даражасига кўтарилмаган, чунки улар занжирбанд ва ҳоказо... Хуллас, сиртдан аниқ зино, икковининг олма остида қолиб кетишлари ҳам буни тасдиқлайди, лекин севги-муҳаббат борасида чалкашлик, кейин беҳебар угмроҳлик ҳам бор.

Ана шунақа чуқурроқ ўйлар гирдобига тушиб, ниҳоятда теран мулоҳазаларга боряпман деб турсам, хизматчи ғулия чиқиб қолиб, хаёлларимни ҳам, ғулийларни ҳам тўзитиб юборди. Ҳиринг-ҳиринг, писқин отишлар таппа босилиб, бор ғулий гув-в ишга ёпишди, тракторчи йигит еб турган олмасини ярим ғажилган ҳолида шартта кўйлаги чўнтагига яширди, муҳаббат гўшасидан у йигит ҳам учиб чиқиб, қутиларга тармашди. Бир зумда меҳнат симфонияси тикланди. Жувон ҳам хизматчи ғулияга хавотир билан қараб қўйиб, олма теришга зўр берди. Хизматчи ғулия эса ҳеч кимга ҳеч нарсa дегани йўқ, дўқ ҳам урмади, буйруқ ҳам бермади. Шунчаки, кўлини пешбандига артиб, жилмайиб тураверди. Индамай тўхтаб қолганидан англадим – мени чойга манзират қияпти. Лекин буларнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди.

Кўнглимга ана шунда шубҳа оралади. Ўзи сал гумоним бор эди, олдинроқ айтдим ҳам шекилли, лекин бу ерда анча ойдинлашди. Ҳа, бу киз оқсоч кўриниб, менга чой дамлаб, овқат ташиб юргани билан оддий хизматчи эмас, ё мана шу ерда олма тераётганларнинг устидан ҳам катта ё... ишқилиб, кўриниши билан буларнинг мазаси қочди-да.

Мундай сиртдан қараб, бир нарсани пайқамасиз, андоми ўзига ярашиғли, хушҳол-содда бир муниса, яна синиққина жилмайиб юради. Лекин унинг шу жилмайишини кўргани заҳоти ҳалиги жувоннинг бети солиқиб, худди юзидан артиб ташлагандек, бор чиройи қум ўчиб кетди.

Бошқаларининг аҳволини айтдим. Ана шу нозикниҳол ғулиянинг қудрати, менингча, буларнинг занжирини ечиб ташлашга ҳам етадиганга ўхшайди-ёв.

Энди ўзимни жиддий тутишга интилдим. Шу пайтгача ҳазиллашиб юрганга ўхшайман. Қиз билан ўртамиздаги муносабат муҳаббат ё шунчаки кўнгил майли эмас, чуқурроқ, бўйимда у-бу деганлари ҳам одамни гумонларга тортиб кетади. Қоронғи кечалари қучоғимда ҳаяжондан ўзини унутиб юборади, боши айланиб, тили ҳам ширин галдираклаб қолади, сим-сиёҳда ҳам гул-гул қизарганини сезаман, шунақа пайтлари менинг ҳам меҳрим товланади, хўп, хуллас, муҳаббатга шубҳа йўқ, лекин занжирини силашим билан кўнглимга ғашлик оралайверади. Доим ўзи билан бўлгандан кейин силамай ҳам илож йўқ, бари бир, кўлинг тегади. Аммо менга ҳали занжир тақсангиз дегани ё шама ҳам қилгани йўқ, гаплари бари ишқ олди-бердиси. Чироқ уч-тўрт кун ўчмай қолиб, кейин ниҳоят кўришсак, соғинчини шу қадар ҳасрат билан айтадики, кўп нарсани унутиб, шу менга талпинаётган бокира қалб ҳаққи, кел-э, занжир тақсамми ҳам, деб юбораман. Балки нияти ҳам шудир, ғулия қизга кўнглимни илитиш билан занжирга меҳр уйғотмоқчи, Ғулистониға хусни рағбатимни оширмоқчи бўлаётгандир, дейман. Лекин ҳали мурғак болакайнинг менга битта қараганини келажагига ёзиб қўйган маҳкама бўлажак ўтмишда занжирсиз юрганимни шундай қўйиб қўймас деган ўйга ҳам бораман. Билмадим, билолмаяпман, ҳар қалай, ғулия қиз билан ўртамизда ишқдан бошқа ҳам нимадир нарсалар борга ўхшайди. Ҳаммасидан ҳам унга боғланиб қолаётганим чатоқ бўляпти.

У эмас, бу эмас, кўп ўйлайверганимдан боғҳовлидаги меҳмонлигим ҳам аста-секин заҳар-заққумга айлана бошлади. Шубҳа кўнглимни исканадек ўяди, яна ўша ўйган жойини бурғилайди, қизни эркалатишимга ҳам ишончсизлик аралашиб, унинг суйишлари ҳам малол кела бошлади. Нукул нимага мени севдинг, деб ширин азоблагим келади, ҳолбуки шу саволга ўзимда ҳам маънили бир жавоб йўқ. Тўғри-да, муҳаббат сабабини сўраб ўтирадими? Муҳаббат ҳақида кўп гапираман-у, лекин ўйлаб кўрса, бу ҳам

йигитчиликда бир дон олишиш ўзи. Эшитиб қолса хафа бўлади деб, севги-
муҳаббат деб айтяпман-да.

Табиат барибир юракка яқин-да

Бир куни кечаси боғҳовлига чиқиб, хиёбонда сайр қилдим. Ичкарида чироқ ўчган эди, зинапояда маҳлиқо кутаётганини билсам-да, қайтмадим.

Тўлин ой. Осмон кумуш. Дарахтлар ёпинган чодирлар хира йилтирайди. Сокин оқшом. Шунақа дамларда яқининг билан ўтириб, ой, осмонга, сут ойдинда чўмилиб, жунжикибгина турган дарахтларга қараб, кўнглингдаги сирларни сирлашгинг келади. Шабада эркаланиб, почаларингдан сирғалиб киради, ҳамма ёғингни беибо силайди, пайпаслаб кўради, кейин яна секин ёқангдан чиқиб кетади. Баданинг, ҳар бир хужайранг салқинга роҳат қилиб интилади. Ҳузур! Осмон – ҳузур, ой – ҳузур, дарахтларнинг сенга соме туриши – ҳузур, ўзинг ҳам нукул ҳузурга чулғангансан.

Нимагадир шу пайти кўчадан келган «нўл тўққиз»нинг товушига ҳаҳ-ҳаҳ деб ёпиқ дарвозага пилдираб чопадиган Паҳмоқ -Аҳмоқ кучугим кўз олдимга келиб, кўнглим ғалати бўлиб кетди.

Бундай чамалаб кўрсам, энди кўркмай қўйибман. Кўрқув ҳам ғалати нарсаси, биринчисиди. Ҳали у кичкина пайти кўрқасиз, шунда ҳам дастлабки ҳамласиди, у каттариб, яъни жуда катта кўрқувга айланиб, чек-чегарасини кўрмасангиз, кўркмай қўясиз. Чунки инон-ихтиёрингизни унга топширасиз, унинг ичида, бағрида бўлганингиздан кейин сизни унинг ўзи ҳимоя қилади. Кўрқув кўрқинчли эса-да, яқин қадрдонингизга айланади, кўркмай қўйганингизда эса яна уни ўзингиз ахтара бошлайсиз. Кўрқув шундай таҳдид солиб турибди-ку, нимага кўрқмаяпман деб. Англаяпсизми? Шу маънода кўрқув ниҳоятда керак ҳам. Одамнинг ҳушёр тортиб юриши учун. Менинг эса Ғулистонга келиб қолганимдан кўркмай қўйганим учун ҳушёрлигим ҳам пасайиб қолганга ўхшайди. Адашиб бошқа, занжирбандларнинг юртига келиб қолганим, қайтиш умиди ҳам пучлигини билиб турган ҳолимда бу вазиятдан чиқишга унча интилмаяпман, худди вазиятнинг ўзи мени сувда

оқизгандек, илгариги ҳолатимга, яъни Тошкент - Жиззах йўлида кетаётган пайтимга чиқариб қўядигандек. Шуни кутиб ҳам, нима, қизни шу аҳволга солиб, яна номардлик қилиб ташлаб кетаманми деган виждон ғимирлашлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам кўнглимнинг туб-тубида унча кетгим ҳам йўқ.

Аммо шу кеча кўнглим сал ёришиб, ғулийлар кўзимга бошқача кўрина бошлади. Ўйлаб кўрдим, шу пайтгача уларга ичимда бир ғанимлик бор экан. Менга қарамаётганлари алаmidан. Ахир, улардп ҳпи айб йўғ-у. Улар менинг юртимга бориб қолгани йўқ, мен келдим буларникига. Ҳатто адаштирган бўлсалар ҳам, ўз оёғим билан, яъни машинада ўзим келдим. Улар ғулий, мен ғулий эмасман. Шундоқ экан, кўзларига қандай кўринишимни уларнинг ўзи билади. Балки бошқа тоифадаги бир жонзот сифатида, эҳтимолки, ашаддий аксилғулий, ҳар қалай, бегона бир жонзот бўлиб...

Энди ўзимга бир ғулий бўлиб қарашга уринган эдим, улар ҳам кўнглимга анча яқинлашиб қолди. Ҳали олмазордаги ғулийлар ҳам ҳамдардлик уйғотди. Уларни занжири билан бирга тушунишга ҳаракат қилдим. Шу пайтгача ғулийларни кишанда эзилиб, дардини ичига ютиб юрган деб, яқин олиб, яъни беихтиёр ўзимга ҳамдардлик кутиб юрган эканман. Энди англасам, улар занжир асоратидан мутлақо азоб чекмас, фақат азоб эмас, ўнғайсизлик ҳам сезмас, кишанбанд бўлсалар-да, ҳаётнинг ҳамма неъматидан, ҳатто айёрлигу хиёнатлардан ҳам бебаҳра қолмасликларини теран ҳис этдим. Кишандаги ҳаёт ўзлари учун шу қадар ўрганиш, шу қадар ўнғай, яхши эдики, энди занжирсиз ҳам бемалол юрган одамни, яъни мени кўриб, хотиржамликларини бузмаслик учун, кўрмасликка олишларининг табиийлигини ҳам англадим. Шунда ҳаммаси менга яқин бўлиб қолди. Олмазордаги ғулийлар, айниқса, ҳалиги уч ошиқ-маъшук, майли энди, ғулий бўлгандан кейин, униси бунисига хиёнат қилди, ё буниси унисини алдади, менга фарқи йўқ, учаласи ҳам занжирда-ку.

Қизга ҳам муҳаббатим ортди. Унга, холдор ғулий айтганидек, булардан ҳам катта бўлгандан кейин, албатта, кўпроқ тушунмаслик вазифаси

юклатилган. У ҳам олма тераётганларни назоратда тутиши, ҳам ўзини назорат қилиб турганларнинг олдида ҳушёрлигини йўқотмаслиги керак. Ҳам, яна мен билан ишқ-муҳаббат савдоси. Бечорага нақадар мушкул. Мен эса шу пайтгача қизни қачон ҳаёлимга келтирсам, уни занжирдан қандай халос этишни ўйлаб юрган эканман. Занжирдан қутулиш эса унинг парвойига ҳам келгани йўқ. Аксинча, балки зимдан мени занжирбанд кўришни орзу қилар. Мен бунга ҳаётда кўнмасам-да, унинг ҳам тариқча айби йўқ. Унинг қанчалар махсус хизматда бўлмасин, бари бир ғулий қизлигини, ғулийчасига орзу қилишга юз фоиз ҳаққи борлигини тушунаман.

Бир ёлғон ўнлаб ёлғонларни болалатади

Ана шу жихатларини ҳисобга олсак, ёзувчи дўстим ўз рўмонида мен айтиб берган тайёр саргузаштларни эвини келтириб ёза олмаган, ўзидан тўқийверган, оддий айтганда, ғулиётнинг яқинига ҳам боролмаган, руҳиятини тушунмаган. Ахир, уларда ғулий бўлишларига қарамай, бари бир, қалб ҳам бор-ку. Ёзувчи дўстимнинг рўмонидаги ғулийлар ҳеч қанақа ғулий эмас, унинг ўзи ўйлаб топган, шунчаки одамларга занжир тақиб қўя қолган, мана, мендан сўранг, бунақалари ҳаёлда ҳам, ҳаётда ҳам йўқ, бўлмайти ҳам. Рўмон экан деб, тагини суриштирмай ёзаверадими!..

Энг биринчи уйдирма, олдинроқ ҳам айтдим, ғулийларнинг занжирга қарши курашиши. Мен бу ёқдан бориб қолиб, дарров атрофимга фикрли, ҳушёр ғулийларни тўплаб, яширин ташкилотлар тузиб, занжирга қарши ташвиқотни бошлар эканман-да, менга эргашганлари сони ҳам кун-кундан кўпайган эмиш. Бу ёлғон, ўзим ҳам қаламқаш бўлганим учун, бунақа ўтирикларнинг қандай тўқилишини яхши биламан. Энг аввало, мени қаҳрамон кўрсатишнинг сира кераги йўқ эди, бунга зор ҳам эмасман, ўқувчини алдашни гуноҳ санайман, кейин, бунақа ташвиқотни эшитадиган ғулийнинг ўзи йўқ Ғулистонда, уларнинг ҳамма қувончу ташвишлари занжир билан, бинобарин улар айна шу кишанбандлигидан бахтиёр, занжирларини севади, унга сиғинади. Ўзим телевизорларида кўрдим, кўрсатувлари, давра суҳбатларида занжирлари ҳақида фахр ва ғурур билан гапиришларини диққат билан кузатдим, кассетага ёзиб олиб, секинлатиб ҳам кўйдим. Йирик планда олинган кадрларда кўзларидаги ифодани, гапираётганларида лаб ҳаракатларини ўргандим, ҳаяжонланганларида нафас олишларига қараб, юрак уришларини санадим, жумла бўлаклари орасидаги тўхтамларини ҳисобладим ва албатта айтимларига ҳамоҳанг занжир оҳангларини шоён эътибор билан таҳлил этдим – ҳаммаси табиий ва самимий, ҳеч қандай сохталик, ёлғон йўқ эди. Биласиз, одам ўргатилган, ёдлаб олган гапини равон, тил қоидаларига амал қилган ҳолда жуда силлиқ гапиради, тутилса

хам дарров эслаб, ўзини ўнглаб олади. Қанча чиройли бадий этиб сайрамасин, эшитган одам ҳам унинг қоғозга карамаса-да, мажбуран гапираётганини хис этади, яна ўша гапми, биламиз-ку, деб энсаси қотади. Мен бунини телевидениеда ишлаганда жуда кўп кўрганман. Шундай одамлар борки, ҳатто ўргатмасангиз, ёдлатмасангиз ҳам ўзлари сиз кутган керакли гапни тўтидай такрорлаб беради. Улар айнан қандай гап кераклигини билади, шуни айтавериб пишиб кетган. Чунки шунақа гапларни айтиш билан кимгадир ёқиб, амаллари кўтарилган ё бошқа яхшироқ ишга ўтганлар, баъзан эса ҳаёлларига келмаган осмон қадар баланд мартабага чиқиб кетганлар. Яна катта бир қисми эгаллаб турган амалидан айрилмаслик учун ҳам бошқаларнинг, юқорироқ амалдагиларнинг гапини ёдаки айтаверади. Мен ҳатто бир куни юрак ютиб катта бир одамдан: «Нимага бунақа дейсиз, бу сизнинг гапингиз эмас. Ўзингиз ҳам ишонмайсиз-ку?», деб сўрадим ҳам, у аввал атрофга аланглаб, кейин юқорида илинган расмга қараб қўйиб, шунга ҳам қаноат қилмай, қўлини кўксига қўйиб, шарафлагандек бўлди-да (мени эмас, албатта), «Кўряпсиз-ку, керак, керак, керак», деб уч марта такрорлади, кейин «Эҳ, шунақа гапларни гапириб нима керак сизга? Билмайсиз-да», деб қўшиб ҳам қўйди. Йўқ, мен билиб турган эдим, лекин балки ҳали билмаганим ҳам бордир деб девордаги расмга қарадим, унда ҳам яна биладиган ҳеч нарса йўқ, фақат «Мен ҳаммасини биламан», дегандек майин жилмайиб қараётган эди, холос. Ҳа, ўша таниш соқолчаси билан албатта. Бунақа ҳолатларни жуда кўп кўрганман, ўрганиб кетганман, нима дейишни билмай шошиб қолганларга тайёр гапни ўзим ҳам ўргатиб тураман, шунинг учун рост гап билан сохта нутқнинг фарқига жуда яхши бораман.

Лекин ғулийлар интервью берганда бундай эмас. Улар ўта самимий, занжирга чин юракдан сиғинадилар. Ишонадилар, ҳамма бало-қазодан асрайди дейдилар, аммо асрайди ҳам у. Биз бир нарсани тилаганда ўзимизга дам солиб қўйсак, улар занжирларини сидкидилдан силайдилар, бир қўллари ё икки қўлларидаги кишанни кўзларига суртадилар.

Ёзувчи дўстимнинг рўмонида ёзилганларни энди менинг кўрганларимга солиштираверинг. Уни яна бир ўқинг, канчалар ҳақ эканимни биласиз. Дўстим, бировнинг эмас, ўзимнинг дўстим бўлса ҳам, китобхондан обрў олиш умидида кўпиртириб юборган. Ғулийлар занжирга қарши кураш бошлар эмиш-а! Эви билан-да. Эви била-ан!

Асли ўзи дўстимнинг шу рўмонини ёзаётганидан хабарим бор эди, бир кўз ташлаб берай деб, сўрадим ҳам, лекин ўқитмади, хаёлига халал берар, ижодий ниятларига путур етказар эмишман. Мана! Кўрдик ижодий ниятлари меваларини! Ахир, ижод ёлғон дегани эмас-ку. Занжирга қарши курашган ғулийлар ҳақидаги рўмонни Ғулистонда бостирганда ҳам бошқа гап, балки баҳс уйғотиб, ғулийларни ўйлантирар эди, лекин бу ташвиқотнинг бизга нима кераги бор? Биз, ахир, шусиз ҳам эркинликни севамиз, озодликка жонимиз фидо, куй-қўшиқларимиз озодликка бағишланган, шиорларимиз эрк, хурлик ҳақида. Бир кун ҳам эркинликни ўйламай яшамаймиз. Ўзимиз озод бўлсак, озодликни шусиз ҳам севсак, шундоқ экан, яна унга тарғиб қилиш чикора?

Ундан кўра ёзувчи дўстим ғулиётнинг бу қадар яқдилликка қандай эришгани ва уни қандай сақлаб туришини ёзганда, балки фалсафий-этнографик нуқтаи назардан анча қизиқарли асар чиқар эди. У шунга эрингани учун энди шу диққатвозликни зиммамга олишга ўзим мажбурман. Зерикарли юмуш, лекин ниҳоятда керак, ахир, одам доим бир хил турмайди-ку. Озод, эркин яшашнинг ҳам қадрига етиб юриш учун ғулиётнинг аҳволини билиб қўйиш керак.

Занжирнинг тарихда келиб чиқиши ва қоидалари

Хўш, энг аввало, ҳеч бир нарса лоп этиб осмондан тушмаганидек, ғулийлар ҳозир тақиб юрадиган занжир шу шаклида ўзича пайдо бўлиб қолмаган. «Буюк неъмат генеалогияси ва занжирий қарашлар тарихи» деган зарҳал муқовали ўн жилдли тадқиқотни варақлаб, занжирнинг келиб чиқиши, шу шаклда урфга кириши борасида ғоятда қизиқарли маълумотларни ўқидим. Ақлим етганича айтаман. Энг аввало, илк босқичда, биз буни ибтидоий давр деймиз, ғулийлар иштон кийишни ўрганишдан ҳам олдинроқ занжирга чулғанишни бошлаган экан. Бунда, табиийки, у пайтлари металлургия йўқ, темир қуйишга ҳали минглаб қовун пишиғи бор, улар чирмовуқ ўтнинг пишган-пишиқ бандларига аввал осилиб яшаб, кейин ўзларига осиб юришни ўрганган. Албатта, чирмовуқ банди кўп турмайди, қуриб, мўртланади; қайсидир илк ғулий даҳонинг калласига келиб қолган буюк ихтиро билан самбиттол новдаларини бир-бирига ҳалқа қилиб ўтказиб, занжирга ўхшаган тушов тайёрлаш йўлга қўйилади. Кейин, аввал тошдан, кейин тунч-бронзадан сал-пал кесадиган пичоқсимон асбоб кашф этилгандан сўнг, заранг ёғочдан ўйиб занжир яшаш урф бўлиб, бу ҳам бир қанча асрлар чидаб берган экан. Ёғоч занжир нечоғли ўнғай бўлиб, ҳаво ёққан пайтлари хўлланиб, юмшамасин, бари бир енгиллиги учун тартиб масъулиятини унча юклмас, мамонт – ҳу ўша, бадҳайбат бароқ ёввойи фил, тиши ҳам ҳам қийшайиб кетган - овлаган пайтлари синиб қолиб ҳам панд берар экан. Яна у занжирий қарашлар ўртасида қатор ижобий тафовутлар пайдо қилиб, ғулиёт жамиятига нифоқ солишга ҳам олиб келар экан. Яъни, у пайтлари техника яхши ривожланмагани, ўлчов-ҳисоблаш ускуналари такомиллашмагани сабабли занжирнинг ҳалқалари сони ва шакли борасида ҳам анча ихтилофлар келиб чиққан. Бир хил нажжор усталар чўзинчоқ ҳалқаларни қулай топсалар, бошқа бировлари осонгина тўртбурчак шаклини, яна айримлари ҳалқанинг тўғри тўгарак кўринишини маъкул кўрганлар. Кейинги шу икки усул кенг тарқалиб, уларга тарафдор мухлислар кўпайган ва, табиийки, назарий асослари ҳам ишлаб чиқилган. Чунончи, доира ҳалқачилар

бутун олам асосида айлана ётиши, ер курраси ҳам думалоқ эканига таянса, кейинги тоифа тўртбурчак, квадрат ҳалқада мустаҳкамлик рамзини кўриб, ғулий ўзи қўли билан бино қиладиган жуда кўп нарсалар, жумладан уйларнинг ҳам тарҳи, деворлари тўртбурчакка асослангани билан исботлашга уринган. Занжир ҳалқаларини учбурчак, бешбурчак, олти-етти-саккизбурчакли қилиб ясаганлар ҳам бўлган, лекин бунақалари тарқалмаган. Аммо бурчак сонлари борасида жуда кўп тортишувлар кечганда, кейин бир доно ғулий чиқиб, ҳамма бурчаклар, муайян сонлиги ҳам, чексизлиги ҳам доирада мавжудлигини кашф этиб, бу баҳслар барҳам топган. Ундан беш аср кейин туғилган бир шогирди эса ер курраси ва қуёш орбиталарини ҳисоблаб, ҳалқанинг эллипс шаклини кашф қилган, баъзи эскичи ғулийлар эътироз билдирганда, у соддагина, лекин доҳиёна мисол билан устун келган. Яъни у оддий тухумни, мана, ишонмасанг, кўр-э, деб туяқуш тухумини кўз-кўз қилган. Тухум думалоқ ҳолида бир томонга сал чўзилиб, ер орбитаси айланасини такрорлаган ҳам экан-да. Шу билан бошқа ҳамма назария ва шакл тарафдорлари бир фикрда тўхтаб, занжир ҳалқалари шакли ким неча йилдан бери шу андазада келаётган экан.

Шу ўринда уларда қадимий даврлардаёқ ҳандаса илми анча олдинга кетганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳали алжабр кашф этилмасдан олдинроқ ҳам улар доира ва бурчакларни ҳисоблаш даражасига етганлар.

Кейин, анча асрлар ўтиб, ғулиёт мис олишни ўрганган, шу баҳонаи сабаб, мис занжир ҳам жуда кенг тарқалади, лекин у кўп турмаган, биринчидан, енгиллиги, шу туфайли масъулиятни сусайтиради деган қараш боис унга қаршилар кўпайган, иккинчидан, ҳалқалар бир-бирига ишқаланиб, тез ейилиб қолган, бир занжир вояга етган эркакка бир умрга етмаган. Лекин ғулийлар занжир генеалогиясида, бинобарин, дунёқарашлари шаклланишида миснинг ҳам жуда муҳим ўрин тутганини эҳтиром билан таъкидлайдилар.

Кейин бронза – тунч эритиш такомил топиб, тартиб масъулиятини янада салмоқли қиладиган тунч занжирлар қуйила бошлаган. Тунч узок

турган, ғулиёт занжирия фалсафасининг тараққиётида ҳам муҳим босқичга айланган. Ҳу ҳали менга холдор ғулий айтган еру куёш, бутун оламнинг доиравий ҳаракатига асосланган муаззам тартиб борасидаги занжирий карашлар ҳам шу даврда қатъий йўналишга тушган, бу ғулиётнинг онгли қабилага айланишига сабаб бўлиб, занжир тақадиган тарқоқ қабилалар бирлашган, битта умумий «ғулий» деган атама остида марказлашиб, «Ғулистон» деган мамлакатнинг тамал тоши қўйилган. Кўряпсизки, занжир улар учун биз тушунадиган кишан ё шунчаки безак учун тақиладиган нарса ёхуд тартибнинг рамз юки эмас, балки ғулийни ҳақиқатан ғулий даражасига олиб чиққан, унга ватан берган, геосиёсий нуқтаи назардан ҳам муқаддас бир... билмадик, ҳар қалай, нарса деб айтишга тил бормаиди.

Ёзувчи дўстимнинг масалага чуқур кирмаганига энди ишонаётган бўлсангиз керак, албатта.

Тарих ҳақидаги суҳбатимизни давом эттирадиган бўлсак, мен ҳалиги комусни ўқиб, ўқиганларим ҳали ўчиб кетмай, шунга амин бўлиб улгурдимки, ғулиёт тунчни қанча эъзозламасин, ҳайкаллари ҳалигача тунчдан қуймасин, бари бир, у салбий оқибатларга ҳам олиб келган. Ўша, келинг, шуни тунч даври дейлик, ундан олдин мис даври, ундан ҳам илгари чирмовуқ даври, ундан ҳам бурун эса ҳеч қандай давр йўқ, бўлган бўлса ҳам, занжир тақилмаган даврлар тарихдан ўчириб ташланган; фақат бир илтимос, биздаги мезозой, кайнозой ё тош, бўр даврлари билан адаштирманг, уларда даврлар занжирнинг ўша вақтларда нимадан ясалганига қараб аталган. Ҳўш, мана шу тунч даври этнографияси ва тиббиётига оид тадқиқотларини ўқиётиб, жуда ғалати фактларга дуч келдим: айтиш мумкин, шу тараққиёт босқичида ғулийлар орасида букрилар жуда кўпайиб, соғларидан ҳам кўпининг бўйин умуртқаси нобоп шикаст ёб юрган, яна ҳайвонларни овлаш ниҳоятда қийинлашганидан очарчиликлар келиб чиқиб, уларнинг гавдаси ҳам нимжонлашиб қолган экан. Тадқиқотда бунга сабаб қилиб, у пайти ғулийнинг онги мураккаб социал масалаларни унча тушунмаганида деб

кўрсатилади, лекин мен, уларнинг коса тагидаги нимкосаларини тез биладиган одам, дарров англадимки, масала мутлақо бошқа томонда. Тунч оғир бўлган! Ҳа, тунч занжир залвори билан ғулийни пастга тортиб, бўйнини эзиб юборган ва табиийки, юриши, югуришига халал бериб, ови бароридан келишига ҳам қўймаган. Бир жихатдан, тунчнинг ўзига, кейин албатта, муаззам тартибот рамзига сажда даражасига етган ҳурмат туфайли, бу ҳақда лом-мим дейилмайди, ўша пайтларда занжирдан норозилик бор экан деган хулоса келиб чиқиб, бу ўз навбатида яна бошқа хулосаларни урчитмасин деган маънода.

Сабр қиласиз энди, озгина қолди, кончилик касби ўсиб, темир кашф этилиши баробарида шу металлдан занжир яшаш ҳам йўлга қўйилиб, катта тараққиёт босқичига ўтилган ва, хулласи калом, тунч занжир темир занжирга алмашиб, ҳалқалари эллипс шаклини олиб, бу ҳолати ҳозирги кунгача қарийб ўзгармай келган.

Ўзларича ўзгартиришга уринганлар бўлган. Ғулийлар ҳам бизга ўхшаб тинч ўтирадиган эмас, ораларидан ҳар хил ислохотчилар чиқиб туради. Занжирнинг бурчаги, ҳалқалари ўлчами ва сони, ғулийнинг тана аъзоларининг қанча жойини кишанлаши борасида турли илмий ва амалий қарашлар ўртасида баҳсу мунозаралар доим бўлган, лекин уларга батафсил тўхталишнинг сизга ҳеч ҳам қизиғи йўқ деб ҳисоблайман. Фақат ибрат сифатида биттасини айтишим мумкин, бу ҳам бўлса, яна занжирнинг нимадан ясалиши борасида. Гап шундаки, саноат ривож топиб, турли хил металллар, жумладан ранглисини ҳам эритиб, турфа асбобу тақинчоқлар яшашга ўтилгандан кейин, бу анча кейинги даврлар, ўзига тўқ ғулийлар орасида занжирни тилладан қуйиб, ялтиллашиб тақиб юриш ҳам русум бўлган, тилла тунчдан ҳам оғир ботмон бўлиб, қаддини дол қилса-да, бойлигини букур бўйнига осиб юрадиганлар чиққан ва бу ўз навбатида Ғулистоннинг ғулиёт жамиятида ижтимоий табақаланиш ҳамда моддий тенгсизликни келтириб чиқарган. Бу борада ҳам аниқ ёзилмаган-у, лекин

мен бошқа манбаларни, бу манбаларга асос бўлган улардан олдинги манбаларни ўқиб, кейин ўша даврдаги олтин хазина топиб камбағалдан бойлар қаторига ўсиб ўтганлар ҳақида ғулий оғзаки эртаклари ва ёзма ижодини ўрганиб, шундай хулосага келдим. Тадқиқотларда ҳам ҳар қанча хаспўплашмасин, бари бир, олтиннинг оғирлигини батамом яшира олмаганлар.

Лекин нима бўлганда ҳам, бу хилдаги баҳсу мунозаралар беиз кетмаган, натижада занжир борасида қатъий тамойиллар, ўлчамлар, қарашлар, мулоҳазаларгача ҳаммасини бирдек андазада белгилаб қўйиш бошланади. Ақида даражасига чиққан бу қоидаларни ҳеч ким ўзгартириб, ислоҳ кирита олмайди. Ғулий қаерда яшамасин, қайси амалда ўтирмасин, бой ёки камбағал, териси қайси тусда бўлмасин, унинг занжири бир хил таркибли темирдан, ҳалқалари бир ўлчамда, бир оғирликда, фақат икки хил – мардона ва заифона. Тозалаб, ялтиллашиб юришига изн бор, лекин тилла ё кумушдан ясаб ё ясашиб, намоёнишга тақиши мамну. Истисно фақат ёш учун, беш-етти, ўн, ўн саккиз, кейин нимагадир йигирма саккиз ёшлар учун, албатта, ўғил ёки қиз жинсига қараб, тафовутли андазаларда кишанланади. Йигирма саккиз ёшдан кейин ғулий ҳаддан ортиқ семириб кетса, бўйнидаги бўйинча билан, белидаги тасма кенгайтирилиши, агар ниҳоятда ориқлаб, шалвираб қолса ҳам сал-пал имтиёз берилиб, торайтилиши мумкин. Ва албатта, иккала ҳолатда ҳам бизнинг ВТЭЖка ўхшаган махсус комиссия кўригидан ўтгандан сўнг. Ҳа-я, шу ўринда яна бир-икки қизиқроқ нарсаларни айтсам бўлади. Шунақа тиббий назорат кўрикларида инвалидларнинг иши биздагига ўхшаб ҳар йили бир марта эмас, олти ойда кўрилар экан. Китобларда бунинг сабаблари ёзилмагани учун холдор ғулийдан «Нимага? - деб сўрадим. – Ахир, масалан, оёқсиз инвалиднинг оёғи олти ойда ўсиб қолмайди-ку?». «Бари бир, - деди холдор ғулий. – ҳар олти ойда унинг оёғи йўқлиги расман тасдиқланиши шарт. У оёғим йўқ деб оёқнинг ўрнига белига боғлаб юрадиган занжирини ташламаган бўлиши керак». Кўряпсизми, уларда тартиб қанақа.

Занжирга оид ҳамма нарса, худди ичғу билан қуйғу каби тўлиқ давлат стандартлари ва назорати остида. Бунда нотенглик, ҳаддан ошишга йўл қўйилмаганидек, ортиқча камтарликнинг ҳам олди олинган. «Мен бир кичкина ғулийман, занжирнинг мундайроғи ҳам бўлаверади» деган тортинишларга асло изн берилмайди.

Худди шунингдек, занжирни жиринглатиш ё шиқирлатишнинг қатъий тартиб-тамойиллари, таъбир жоиз бўлса, адабий занглари ҳам ишлаб чиқилган. Ғулийнинг ўз билгича ёки шеvasи оҳангларида жиринглатишига тамомила ҳаққи йўқ, ҳатто пойтахтда яшайдиганлар ҳам ўз лаҳжасида зинг этса, қатъий жазога мустаҳиқдир. Занжири олиб қўйилмаса-да, махсус сирач суртилади, минг силкитмасин, пўк товуш беради-да, эгасини жуда обрўсизлантиради. Кексалар ёшларини “Занжиринг доим жингирлаб турсин!”, деб дуо қилишлари ҳам шунга-да. Айни боисдан ҳам улар занжирнинг нимадан ясалишидан тартиб, ундан қандай садо чиқаришигача белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларига, жиринглатиш нотаси йўлларигача ниҳоятда ҳушёр ёндашадилар ва бу борада давлатнинг миллий яқдиллик борасидаги сиёсатига қатъий амал қиладилар, яъни ҳар кимнинг масъулиятсизлик билан ўзича енгил жиринглатиб, марказий куйларда парокандалик келтириб чиқишига сира-сира йўл қўйилмайди.

Яна шуниси ҳам борки, бевосита бутун борлиғини бағишламаган ғулий занжирни тилида жўяли гапиртира олмайди. Буни ўзим ҳам синаб кўрдим. Керак бўлар деб қизиқиб, хизматчи қиздан сўраган эдим, у ҳам йўқ демай, кейин чироқ ўчган кечалари тонггача бирга қиладиган бошқа юмуш ҳам топиш керак-ку, ўргатишга киришди. Бўлиб-бўлиб, сон-саноксиз дарслар ўтган бўлсак-да, бир-иккита садони ёдлашдан нари ёққа силжимадим. Сабаби - занжир куйларини бутун вужуд, яъни тана билан ижро этиш, бу учун эса у бутун қоидалари билан тақилган бўлиши шарт. Йўқ эса, уни қўлингизга олиб, шу силкитинг, ғулий сингари жиринглата олмайсиз.

Ғулийлар эса, бошроқда ҳам айтдим-ку, занжир билан гаплашадилар, ха, улар жиринглатиш орқали бемалол гурунг курадилар. Ўзларига жуда кулай, керакли. Биз, масалан, ош еяётган пайти, оғзимиз ош билан банд бўлгани учун, «им-м», «хум-м»дан нарига ўтолмаймиз, кейин шу пайти гапириш фаросатга ҳам тасанно эмас, лекин ғулийларга бу табиий ҳол, занжирлари бўш бўлса бас, бутун бошли маърузани ҳам ўқиб ташлайверадилар. Қизиғи шундаки, уни эшитиб турганлар ҳам битта ҳам садони қолдирмай тушунади. Яна шуниси қизиқ-ки, ғулий бизга ўхшаб саломлашиш ва узоқ сўрашишга оғиз оғритиб ўтирмайди. Занжирини бир шиқирлатади – «ассалому алайкум!», буниси ҳам шиқирлатади – «ва-алайкум ассалом», униси ширқ эткизади – «яхшимисиз?», буниси зинг беради – «занжирга шукр»; қолган сўрашишлар ҳам шу тариқа кетаверади. Бир-бирини танимай кўчадан кетаётган ғулийлар ҳам жуда сертавозе, улар тамомила бегона ҳолда ҳам саломлашадилар, бунда қўл олишиш ва ҳатто қараш ҳам шарт эмас. Мана, мисол учун сиз автобусда китоб ўқиб кетяпсиз, бир мўйсафид ғулий чиқди, соқол қўймаган бўлса-да. кексалиги кўриниб турибди; китобдан кўз узмай, занжирингизни ширқ эттирасиз, тамом, ғулий бобойнинг ҳурмати жойига қўйилади. Бобойга қараб, қўлингизни кўксингизга қўйиб, яна баралла овоз билан қичқиришингиз ҳам шарт эмас. Ўрнингизда туриб, жой бўшатмасангиз ҳам айб саналмайди, китобдан бош кўтармагандан кейин, кўрмагансиз, кўрмаганга жой беришни талаб қилиш ҳам ўринсиз.

Тушундингиз-а, ғулийларнинг занжир билан тиллашиши кандайлигини? Ҳамкасб дўстимдан кўнглим қолган жойи ҳам шундаки, у ғулиётнинг ана шундай нозик жиҳатларини қаламга олмаган. Ёзувчилик шунақа деб, ёзиб кетаверган Айтдим-ку, қаҳрамонларидан ғулий деган атамани олиб ташласа, ўзимизнинг одамлардан фарқи йўқ. Занжири тинмай жиринглайди дейди, лекин нима деб жиринглаши тўғрисида инқ этмайди. Кўришгандаги жиринглатишни зарда қилди деб уқтирадики, бу энди ғирт жоҳиллик, ғулийларга бориб турган тухмат. Ғулий ҳеч қачон занжир билан

зарда қилмайди, зардасини унга билдирмайди ҳам. Чунки, яна айтаман, айтишдан оғзим чарчамайди, - занжир унга муқаддас. У билан фақат хуш хабарларни етказиш, хуш гапларни гаплашиш мумкин, кўнгилсизликка аралаштирилмайди. Мана, бир мисол: бир ғулий жуда хомуш кетаётган бўлса, уни кўрган бошқа ғулий ёнидаги ғулийга: “Жуда машқи пастга ўхшайди-ку, бошига нима кулфат тушган бўлса?”, дейди, униси “Қаёқдан билдингиз?” деб сўрайди, бу: “Жа занжири жим-да, садо йўқ”, деб жавоб беради. Ана шу жавоби тўғри: ғулий ғулини ёмон хабардан узоқ тутди. Кўряпсизми, ёзувчи дўстим ким-нима балоларни ёзиб ташлайверган, ёзиб ташлайверган, ёзганларининг нотўғрилигини кўрсатиш учун ҳам энди бир-иккита қарши рўмон ёзиш керак.

Ғулистонда жазо

Ғулистон, у ердаги ҳаёт, ғулийлар шундай ёзишга арзийди ҳам. Энг аввало, албатта, уларнинг занжир тақиб юриши. Бутун ҳаётӣ таълимотлари занжирга қурилган, илм-фан, маданият, тарих, тамаддун, яна нима, ҳуллас, ҳамма-ҳаммаси кишанбандликка асосланган, қарашлар, нуқтаи назарлар, мулоҳазалар, мубоҳасалар – бариси занжир билан, занжир туфайли, занжирланган. Фалсафӣ тизим занжир устига қурилган ва ниҳоятда аниқ-равшан. Занжир, такрор айтаман, муаззам тартиб, яъни оламнинг боғланишлари силсиласи. Ҳамма нарса ҳалқа-ҳалқа бўлиб, муайян тартибда унга тизилган. Энг олий мавжудот, занжир тақиб юришга муносиб зот, албатта, ғулий. Ҳақиқӣ ғулийдан бошқа ҳеч бир махлуқот занжир тақишга, у билан кишанбанд бўлишга муносиб эмас. Шунинг учун, бошда ҳам айтдим шекилли, ҳайвонлар, нечоғли қопоғон ё йиртқич бўлмасин, уйда асралса ҳам, фақат ихота этилади, яъни катакда сақланади. Чунки у ҳайвон, занжирдек азиз нарсага раво кўрилмайди. Холдор ғулий биринчи айтганда унча тушунмаган эдим, энди нимағалигини англадим, буларда энг ашаддӣ жиноятчи ҳам бир умрлик қамоққа ё ўлимга ҳукм этилмайди, балки энг олий жазо сифатида занжири ечиб олинади, тамом! Додини айтаверсин, ҳеч ким эшитмайди, ҳеч ким қараб ҳам қўймайди, ҳатто нафрат ҳам насиб этмайди унга, занжирсизликдан эзилиб, хорланиб, мосуво, ўлиб кетаверади. Қамоқ, ҳибсхона, миршаб, мирғазаб – биронтаси керак эмас, тиши ўткир омбурнинг ўзи бас, беллик, бўйиндаги бўйинча билан оёқдаги тасма ҳалқа қирс эткизиб кесиб ташланади, вассалом, шу билан у ғулиёт жамиятидан ташқарида, тамом, ана, яна жиноятни кўнгли тусаса, қилаверсин, ҳатто унинг жинояти ҳам энди эътиборга тушмайди. Масалан, ўғирлик қилса, ҳеч ким унинг кўлидан ушламайди, тўхтатмайди, умуман биров: «Ҳой, нима қиляпсан, ноинсоф, уялмайсанми?», демайди ҳам, ўзи занжир уриб қўйибди, яна ўғирлик ҳам қилса, жазоси ўзи билан, деб қаралади. Занжири - ғули йўқми, ғулий эмас, демак, тирик ўлик, энди у бор бўлса ҳам йўқ, ўлгандан ҳам

баттар! Кўряпсизми, супермаркетда пойафзални қўлимда ушлаб кўрай-чи деб, қанақа даҳшатга учраганимни. Яхши ҳам ўша пайти ўзим билмаганман.

Болалигимдаги дунё

Шундоқ экан, булар мени қандай сиғдирдилар, боғҳовлида меҳмон килиб асраптилар, яна сулув ғулия менга шайдо, умуман ақлим етмаяпти. Бир ўйлайман, йўқман деб, яъни Ғулистонга келмаганман, бу воқеотларнинг ҳаммаси ҳаёлимда кечяпти, туш кўряпман, бир уринсам, сачраб уйғониб Тошкент – Жиззах йўлида кетаётган бўламан дейман. Ростдан ҳам ўлдиммикан деган ваҳм босади. Қаттиқ ҳалокатга учраб, тил тортмай ўлган бўлсам-а, жуда тез жон берганим учун сезмай ҳам қолганман, энди бу дунёда юрибман, бу дунёси Ғулистон экан-да, дейман. Лекин чимчиласам биқиним оғрийди, қитиқласам, ўзимнинг қўлимга ҳам қитиғим келади, ўликнинг бадани оғриқ нимагини билмайди, унинг қитиғи ҳам келмайди. Бу ҳам ҳаёлимда дейлик, майли, туш бўлсин, тушимда ўзимни қитиқлаб, қитиғим келганини туш ҳам кўряпман, дейлик. Лекин унда нимага шу тушимда ухлаб, унинг ичида ҳам тушлар кўраман, тушларимда ўз юртимда юрган бўламан, ўйғонаман, ухлайман, яна туш кўраман. Майли буларнинг ҳам ҳаммаси бири бирига кирган ичма-ич туш ҳам дейлик, лекин нимага ғулийларни кўраман, қамоққа тушмаганман, зиндонга солинганим йўқ, сургун бўлмаганман, нима учун тушимда занжирли одамлар юрибди? Жуда ғалати, жуда-жуда.

Нимага бунақа бўляпман деб, таржимаи ҳолимни титкилаб чиқаман. Шаҳарда тураман, шаҳарда бунақа нарсалар йўқ. Ўзим кўрмаганман-у, лекин болалигимда жуда кўп эшитганман, сўраса, жуда кексалар ҳозир ҳам айтиб беради: илгари жину ажиналар кўп бўлган. Бизнинг Ғазирада итбурун - наъматакни ҳеч ким «итбурун» ё «наъматак» демайди, унинг оти «боғгул», одамлар боғгул дейди, наъматак десангиз, нима у, деб ҳайрон ҳам бўладилар. Лекин ундан ҳам кенг тарқалган оти «ажинапитта», яъни «ажинабута». Чунки илгарилари ҳамма жойда бор эди, барининг тагида камида биттадан, бўлмаса, уч-тўрттадан ажина ўтирган. Кечалари, айникса, кун тиғига келган ёзнинг саратонида болаларни қўймас эди. Вай-вуй, дод-вой, ғингшиш, тап-туп дўмбира чалишлар. Қуюн бўлиб ўйинга тушганда «Ош-пичоқ, қалампир!»

демасангиз, айлангириб олиб кетиб ҳам қолар эди. Бизда гапи гапига тўғри келмаётган одамни «Нима, хаёли қочибдимми?» ё «Эсини еб қўйибдимми?» деб айтиш ўрнига: «Ажинапиттанинг тагидан ўтиб келяптими, нима бало?», дейдилар. Ажинабута ажина билан шу қадар боғланиб кетган.

«Э-э, бурунлари бу қирилгурлар жуда кўп бўлар эди», дер эдилар онам. Қаерда ажинабута бўлса, чет-чакалак, овлоқ жойларда, пахтазорлардаги эгасиз шийпонларда, ҳатто қишлоқларнинг ичидаги одам турмайдиган чолдеворларда ҳам бу касофат бисёр учраб турган. Кечқурунлари чорбоғларнинг чеккаларига келиб олиб, чақалоққа ўхшаб зор-зор ингиллаб, ўзига чақирган. Аблах, гўдакларга жуда ўч бўлган, лекин катталарни ҳам учингириб турган. Аниқ эсимда, жуда кичкина эдим, онам, опамлар кундузи пахта териб, кечаси уйга мажбурият қилиб берилган кўсакни чувишар эди. У пайтлари бригада шийпони далада ҳам, қишлоқнинг ўртасида ҳам бўлар, бунисида терилган пахта, чувилмаган кўсак сақланар, бригаданинг от-араваси ҳам шу ерда турар эди. Опамларнинг кўсак чувиганда тонг оттириш учун айтиб берганларидан биламанки, ана шу шийпонларга ажина ин қуриб, давлатнинг пахтасига қараб ўтирар экан. Кейин, у пайтлари, яна эсингизда бўлса, ҳаммаёқ пахтазор, ҳамма пахтанинг ичига кўмилиб пахта тергани билан, ўзи ниҳоятда танқис, дўконларда йўқ, кўрпаликка топилмас матоҳ, опамлар теримдан кейин бир ҳовучгинасини фартукнинг ичида юмалоқлаб олиб келиб, чигитини чиқариб, гулпахта қилиб олар эдилар. Ҳар куни бир ҳовучдан келса, уч ойми, кўпроқ терим пайтида бир кўрпага етарли йиғилиб қоларди. Албатта, бекитиқча, ҳеч кимга билдирмай, агар биров хабар топса, бир ҳовуч пахта деб қамалиб кетиш нақд эди. Мен бир куни: «Ҳовучлаб олиб келиб юрасизларми, шийпондан бир этак олиб келса бўлади-ку, ҳозир ҳеч ким йўқ», деб сўраганман. Ҳатто ботирлик қилиб, ўзим ҳам бораман деганман. Шунда катта опам кўрсатгич бармоғини лабига босиб: «Бу гапни бир айтдинг, бошқа айтма-я, эшитиб қолади. Шийпоннинг ажинаси бор, давлатнинг пахтасига қараб ўтиради», деган. Мен шунда серзарда бригадир Фаникул ака ва ҳар якшанба бозор дарвозасининг олдида столини қўйиб олиб,

карздорларни ёнига чақириб тутиб оладиган Истам налогчига ўхшаб ажинани ҳам шийпонга давлат қўйган, у ҳам давлатники деб роса қўрқар эдим. Биз болалар «лўккавой» уйлик мошинлардан бундан баттар ҳам қўрқардиг-у, лекин бунинг ажинага алоқаси йўқ, унинг давлатники экани кўриниб турар эди, қишлоқдан кимларни олиб кетиб қолганидан ҳам билардик. Ажина ҳеч кимни олиб кетмаган-у, аммо кўп зарар берган, ким кирқ кун алаҳлаб ётиб, кейин Солиҳ кори ўқигандан сўнг сал-пал ўзига келган, кимнинг оғзи қийшайиб қолган, лекин буни ҳеч ким ўқиб тузата олмаган, дўхтирлар ҳам шифосини топмаган. Бизга ҳаммадан ҳам кўра шу ваҳима эди.

Ажина ҳамма жойда бўлган, ҳатто ювуқсиз болаларнинг ҳам бетини ялаб кетган. Касофат жуда чатоқ эди. Бир хил пайтлари унча зарари ҳам тегмаган, хонакироқ бўлганми, ё у ҳам тегинмаганга тегинмайман деганми, ишқилиб, одамларга тинч аралашиб юрган.

Онам айтадилар, бир куни намозшом қоронғусида оғил томонга қарасалар, ёруғ чиқиб турган эмиш. Сигирни боягина соққанлар, у ерда чироқ-пироқ бўлиши мумкин эмас. У пайтлари қишлоққа ҳали электр бормаган, уйлардаги лампачироқ ҳам ҳисобда. Шу вақти хаёлимга бир фикр келиб қолди: шу ажиналарнинг камайишига электр ҳам сабабчи эмасмикан, ҳаммаёққа лампочка осилиб, бечоралар ҳуркиб қочиб кетмадимикин дейман. Майли, бу бошқа масала, хуллас, онам қарасалар, оғилдан нур таралиб турган эмиш. Нима гап экан деб бориб қарабдилар. Кўрсалар, Амир акам, бир қўлида чироқ тутган, бир қўли билан сигирнинг сағринини силаб юрибди. «Нима қилганинг бу? Ўзи керосин қаҳат, ҳеч ўйлайсанми? Оқшомда сигирнинг бошида бало борми сенга? Бир касофатни бошлама тагин», десалар, акам индамай, яна сигирни силайверибди. Онам: «Амир, дейман, сенга айтяпман, Амир! Амир!» дебдилар. Шу вақти «Ҳа, бийи, нима дейсиз-э» дебди акам, у чироқ ушлаб тургани эмас, бу ёқдан, уйдан чопиб чиқиб. Онам «Ий-э, сен бу ёқда эдингми», деб кейин яна оғилга қарасалар, чироқ

ушлаб турган акам йўқ, оғил қоронғу. Онам дарров унинг кимлигини англабдилар. Бу сигирнинг ҳам ажинага боғлиқ нимадир томони бўлиши керак, саратонда ёввойи жийданинг соясида ётганми ё ажинабутанинг ичида бузоқлаган сигирнинг боласими, хуллас, бир туташлиги бор, лекин, ишқилиб, безарар бўлган.

Ана шуни ўзингизча бир таҳлил қилиб кўринг-да: онамнинг кўзларига Амир акам бўлиб кўринган дейлик, чунки, бир исмли нусха яна акам бўлмаган-ку, лекин чироқ қаёқдан, унинг нури-чи? Чироқ нур сочиб, нури оғилни ёритиб, ҳатто шуъласи ташқаридан ҳам кўринган. Чироқни кўрмаган бўлсалар, боягина сигирни соғиб, ўтини бериб келганлар, яна бориб хабар олишлари керак эмас эди. Кўзга кўринган нарсанинг аслида ўзи йўқ, демак, ундан нур чиқиши ҳам сира-сира мумкин эмас. Майли, онам ҳам, акам ҳам катта одам, жин-ажинани кўп эшитган, балки олдин кўргандирлар ҳам, йўқ эса бунча хотиржам бўлиб, безарар қолмас эдилар, шунинг учун уларнинг кўз ўнгида худди бордек кўринган ҳам дейлик. Молнинг ҳам кўриқчиси бўлади, кечалари унинг олдига борганда калима қайтариш керак ҳам дейдилар-ку, балки онам раҳматли ўша пайти бир хаёл билан бориб қолиб, шуни ўйлаганлари, яъни ажинани билганлари учун ҳам кўзларига кўрингандир. Отнинг ҳам деви бўлади, агар кетини ерга бериб ўтирган бўлса, демак, деви келган, бола одамнинг унинг олдига бориши яхши эмас. Эчкининг ҳам ажинага боғлиқ нимадир томонлари бор.

Мен сизга ҳали ҳеч нарсани билмайдиган ёш бола билан бўлган бир мисолни айтаман. Биздан бир синф пастда Орзиқул деган бола ўқир эди. Тўладан келган, суяклари йўғон, чиллакни зўр урар, кесакпарронда бетига кесак тегиб кетса, оғриқдан кўзига ёш келса ҳам инқ этмас, лекин оғзи қийшиқ, «ва-ва» деб яхши гапиролмас, дудук эди. Шуни онаси кичкиналигида Тош аканинг шийпони ёнидан кўтариб ўтиб кетаётганида ўша ерда бир она-бола оқ эшак турганини кўрган. Бола нарса, тагин минаман деб хархаша қилиб юрмасин, деб юзини ҳам бекитган. Шунга қараганда, Орзиқул

хали қўлда бўлган. «Вой-эй, шуни кўрганим яхши бўлмади-да», деган она шўрлик боласини маҳкам бағрига босиб. Лекин отасиникига, яъни Орзикулнинг она томондан бобосиникига бориб, ёруғда караса, боланинг оғзи қийшайиб қолган! Шу билан дўхтирга чоп, Момохол қушночга ўқит, мўлтониларга жоду олдир, нечта дуохону парихонга югур, фойдаси йўқ, Орзикулнинг, билмадим, унча эсимда йўқ, саккизинчи синфда Бухорога кўчиб кетишди, шу вақтларда ҳам оғзининг қийшиқлиги хали бор эди.

Ана, буни ҳам ўйлаб кўринг. Хўп, дейлик, катта одам кинода кўргани ё ўқигани, ё эшитганини хаёлида жонлантириб, анави, нима эди илмий номи, йўқни бор кўрсатадиган, ҳа, галлюцинацияга дуч келиши мумкиндир. Лекин Орзикул ёш бола, юрганми, юрмаганми, ишқилиб, ҳали онасининг қўлида бўлган. Онгсиз гўдак, турган гап, китоб ўқишни билмайди, кино кўрмаган, у пайтлари ҳали қишлоқда телевизор йўқ, кино келса ҳам ўша шийпоннинг тарам-ёриқ ёриқ, лекин оқланган пахса деворига қўйиб берилади, уни онаси ўзи билан олиб чиққанда ҳам, қўлда ухлаб қолган ё қараган бўлса ҳам нима кўрганини тушунмаган, экрани девор ёриқларида яна бир нечта «фронт»га бўлиниб кўринадиган кинолар ҳам урушга бағишланган ё ҳиндларники, куруқ тупроққа ўтириб томоша қилинар эди. Она-бола эшакни кўрганда онаси: «Вай-й! Боламнинг кўзи тушмаса эди», деб Орзикулнинг юзини бекитиб олган, бағрига яширган, бўлгани шу. Орзикул куррали эшакни кўрган бўлса ҳам, ажина эканига фаҳми етмаган, ҳали гўдак, бу ёшда фаҳмнинг ўзи йўқ. Хулласи калом, онасининг кўнглига ваҳм тушган, сал юргандан кейин унинг юзини очиб қараган, лекин оғзи қийшайгани қоронғида билинмаган, кўринган бўлса ҳам она шўрлик ишонгиси келмай, кўрққанимга шундай кўриняпти деб қўя қолган. Хў, отасиникига боргандан кейин, чироқнинг ёруғида бошқалар ҳам кўргандан кейин боласининг ростдан ҳам оғзи қийшайиб қолганига амин бўлган.

Бу ерда одамни ўйлантирадиган анча нарса бор. Келинг, Орзикулнинг ҳам кўзига кўринган, шунга оғзи қийшайган ҳам дейлик. Оғиз қийшайишини

биласиз-а? Фақат оғизнинг ўзи эмас, бет ҳам тиришиб, бир кўзни ҳам пастга тортиб, шилпиклантириб ҳам кўяди. Жуда хунук. Тўйларда болалар қозоннинг тепасига ош сўраб борганимизда, Орзикул билан битта товоққа тўғри келиб қолсам, у тоза бўлса ҳам, жуда ирганардим. Оти ҳам «Оғзи қийшиқ Орзи», лекин албатта, ўзига эшиттирмай. Нимага энди фақат Орзикулнинг оғзи қийшайган? Она-бола эшак онаси иккаласига бирдай кўринган, шунда ҳам онаси аниқроқ кўрган, кейин ҳам қанақа эшак, туси қандай, нима қилиб турганини ҳаммага гапириб юрган. Лекин унинг оғзи қийшаймаган, холбуки ажинани кўрган қатта одамлар шундай дардга учраганини кўп эшитганмиз. Бунга ҳам майли, ажина ўзи асли йўқ, гоҳ эшак, гоҳ маъраб турган эчки, сийпалаб кўрсангиз елини бўлмайди, гоҳ сарик сочли қиз, яна ҳар бало бўлиб, ҳар кимга ҳар хил кўринади, ўзи эса ҳаво, фақат ҳаёлда, ҳаёл одамнинг кўз олдида бир нарсa бўлиб гавдаланади, она-бола иккови шундай рўёга дуч келган дейлик. Лекин... лекин Орзикулнинг оғзи ҳаёлда эмас, аниқ ҳаётда қийшайган эди-ку, унда ким қийшайтирган? Буни асаб касаллиги, одам қаттиқ кўрққанда юздаги асаб мушаклари тортишиб, оғизни бир ёққа, кўзни эса пастга тортиб кўяди, дейди тиббиётчи шифокорлар. Лекин Орзикул гўдак, кўркмаган, кўркишга ақли ҳам етмаган, шундоқ экан, қанақа асаб ҳақида гапириш мумкин? Хўп, асаб касаллиги десак, кейин нимага шунча дори дармону ўқитиш сабини тузатиб, оғзи жойига келмаган? Айтяпман-ку, саккизинчи синфларда ҳам шу нуқси бор, бечорага энди ҳеч ким хотин бўлиб тегмайди-да, деб юрар эдик. Ҳатто Самарқандга олиб бориб, зўр-зўр дўхтирларга кўрсатишса ҳам қор қилмади. Ана энди чуқурроқ ўйланг-да, хулоса қилаверинг.

Яна бир тахмин мулоҳаза. Хўп, Орзикул ҳеч нарсани билмайдиган гўдак, лекин онасининг ажинани кўрганда юрагига тушган ваҳми, она-боланинг кўнгли бир-бирига боғлиқ, она руҳиятидаги ўзгариш бола руҳиятига ҳам ўтиб, ягона қалблар эмасми, оғзи шундан қийшайган ҳам дейлик. Яъни она-бола оқ эшак аслида бўлмаган, она билан боланинг кўзига бор кўринган, она юрагидаги хавотир, кўркув болага кўчиб, унинг асабини

ишдан чиқарган. Лекин энди сизга бошқа бир воқеани айтиб бераман. Эски вақтлар, у пайтлари қишлоқ дўконларига ун келмаган, унни колхоз меҳнат ҳақиға берган ё одамлар ўз буғдойини тегирмонда торттириб олган. қишлоғимизнинг иккита тегирмони бўларди. Биттаси қишлоқнинг ичида, бозоржойнинг биқинида, Тегирмонариқнинг устида, биттаси хийла олис, овлоқ бир ерда, жуда катта эски мазористоннинг таги, Қипчоқариқнинг бошида. Мазор билан ўртада бир арава йўли. Мазор жуда эски, янтоғу баланд-баланд ўт босган ваҳима, кундузлари ҳам ўтгани одам кўрқади, худди ўликлар янтоқ, қамиш оралаб чиқиб: «Тинч ётгани қўясанми, йўқми?», деб ёқангдан оладигандек. Яна тепароғидаги кекса чинорлари, қайрағочлари устида бирам семиз қарғалар қағ-қуғ қилиб эшитганнинг этини сескантириб юборарди. Шунинг учун тегирмонга ҳам одамлар зарил бўлмаса бормас, борганларида ҳам ёлғиз юрмас эдилар. Отамнинг оталари ёшликларида бир сариқ сочли ажинани тутиб олган эканлар. Худди шу тегирмонда, йигит одам, ҳеч нарсадан кўрқиш йўқ, ўзининг нафаси ўткир, ун тортишга ётиб қолиб, пинакка кетган эканлар, бир вақти жимликдан уйғониб кетибдилар. Қарасалар, тегирмон тақа-тақ тўхтаган, гулдирамайди, атроф тим-тирс, фақат сув парракка урилиб, шалдирайди, холос. Отамнинг оталари, бобом, мен кўрмаганман у кишини, нима бўлди ўзи, деб қарасалар, парракнинг устида бир қиз сочини тараб ўтирган эмиш. Соч сап-сариқ, товонигача узун тушган. Ўзингни егурнинг яна чиройлилигини айтмайсизми! Бобом, юракни қаранг, шартта шу сочдан тутиб, бураган эканлар, қиз ялинибди, «Мени қўйиб юборсанг, етти пуштингга тегмайман, деб қасам ичаман», дебди. Ажина экан-да у, бобом билганлар-да. Ажина қасам ичибди, ялиниб ёлворибди, охири, бобом қўйиб юборибдилар. Шундан кейин ажина ҳар қанча кўп бўлмасин, бизга умуман тегинмаган. Қиз битта ўзининг эмас, шу атрофдаги бор ажина қавмининг номидан қасам ичган-да. Мен ҳам шунга улардан кўрқмай, ўша мазористоннинг ичида бемалол ўтини ўриб, молимизни боқиб юрганман. Хўш, ҳа, ўша эски пайтлари ўзимнинг отам раҳматли ҳам шу тегирмонда ун тортиш учун, кундузи қўллари тегмаган, кечаси тегирмонда

ётишга тегирмончида юрак йўқ, бир ўзлари қолиб, ҳампани буғдойга тўлдириб, пинакка кетган эканлар, дупур-дупур уйғотиб юборибди. Чиқиб қарасалар, еттиуруғлик кўпкаритозлар, Пойарикдаги бир тўйдан кечалаб қайтишяпти экан. Тағларида зўр-зўр улоқчи отлар, Еттиуруғ ҳам бир кадам, тегирмондан кейин уч-тўрт юз одим Қамбар ота, ундан кейин Булунғурдан тиккасига ярим чақиримча йўл. Бирда-ярим ётмаган уйнинг чироғи шу ердан ҳам липиллаб кўринади. Лекин отам кўпкаритозларга: «Энди ярим оқшом, Қамбар отани босиб ўтманглар, шу ерда тонг оттириб, эрталаб йўлга чиқасизлар», дептилар. Бунга, турган гап, кўпкаритозлар илло кўнмай: «Э-э, эшонбобо, етиб келган жойимизда-я! Тагимизда шундай от, кўлимизда қамчи... Болалар ҳам хавотир олиб ўтиргандир», деб туриб олибди. Шунда отам ноилож: «Майли, айтдим, айтдим-кўйдим-да», дебдилар. Кўпкаритозлар қишлоққа қараб йўл тортган. Лекин ҳаял ўтмай, яна дупур-дупур, тасир-тусур. Отам чиқиб қарасалар, ҳалигилар яна тегирмонхона дарвозаси олдида. Отларнинг кўзи олайган, кўпкаритозларнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзган. «Ҳа?». «Э-э, Қамбар отага яқинлашганимизни биламиз, бирдан қора ваҳима босса! Тезроқ ўтиб кетмасак, бир бало борга ўхшайди, деб шу отга қамчи урамиз, қани бу сабиллар юрса! Таққа тўхтаган, қамчиласанг, ўзини орқага отади, олдинга юрмайди». «Ҳа, бўпти, ҳали ҳам худога айтганларинг бор экан, қани, тушинглар», деб ичкарига чорлабдилар отам. Кўпкаритозлар шу кеча тегирмонда ётиб, эрталаб ўша йўлдан кетибдилар. Тинчлик, ҳеч гап йўқ, ҳамма соғ-омон. Рост, Қамбар ота, Қамбар ота деганлари билан, кадамжо бўлса-да, безарар эди. У ерда бирон бир жонзот йўқ, айиқ ё бўрига ўхшаган. Икки тарафи пахта, ўртадаги бир парча чакалакда ғуж ўсган қайрағоч, бори шу. Майли, кўпкаритозлар одам, қўрққанлар, отамнинг босиб ўтманглар деган гапларидан кейин ўз-ўзидан юракларига ваҳима тушиб, Қамбар отага борганларида кучайиб кетган, дейлик. Аммо отлар-чи? От жонивор шундан шунча йўлга келиб, қишлоққа бир қадам қолганда нимадан сесканган? Ҳайвон одамнинг кўзига кўринмаган нимани кўрган? Демак,

нимадир бўлган, ҳайвон шундан ҳурккан, пишқириб кишнаб, кўзлари ҳам олайиб кетган.

Мен энди сизга яна бир мураккаб воқеотни айтиб бераман, бунга ўзим гувоҳ, чунки ўз кўзим билан кўрганман. Университетга кираман. Адабиётдан иншони «уч»га, оғзақисини «беш»га топширдим, ҳали шу «беш» сабаб ўқишга киришимни билмайман-у, ниҳоятда хурсандман, уйдагилардан суюнчи олай деб, тўлиб-тошиб қишлоққа келдим. Албатта, кечкурун ош. Отам билан ўтирган эдик, ичкаридан акам ҳам чиқиб келди. Ошда доим уйдагиларнинг ҳаммаси дастурхон устида, жамоат бўлардик, бу гал фақат акам келиб қўшилди. Нимагадир кўзлари қизил, сал бежо ҳам, аланг-жалаңг килади, ранглари чуйкаб кетган. Мен ҳамишагидек маст деб ўйладим. Отамга қараган эдим, акамни ичган пайтлари роса уришадиган одам, индамай эзилиброқ қараб қўйдилар. Ошни ўртага олдик. Мен яна акамга қарадим, кўзи бир жойда турмай, аланглайверганига ҳайрон эдим. Отам: «Қани, ошга қаранглар», дедилар. Энди ошга қўл узатган эдим, акам бирдан бақириб юборса! Ҳуррам учиб кетди, отам эса пинакларини бузмай, менга «Ол, ол, ўғлим», дедилар. Яна ҳайронман. Акам додлаб қўлини ерга силтайди, отам эса мени ошга ундайдилар. Нима экан десам, акам ошга узалган пайти қўлига шап этиб қора илон ўралибди. «Мана, ота, кўрмаяпсизми, ахир? Олиб ташланг, олиб ташланг», деб силтайди. Отам эса менга: «Ол, ўғлим, ошни роса соғингансан», дейдилар. Кейин билсам, акам вос-вос - «белая горячка» бўлиб қолган экан. Шундан бир-неча кун олдин, қисмат қисганини қаранг-да, Қамбар отада ичиб келиб, машинани кўчага қўйиб, ўзи ухлаб ётса, бирдан шовқин сурон турибди. Уйғониб, нима гап экан деб, айвонга чиқиб қараса, ёнида турадиган ҳамсояси Эгамназар акани бу ёнбошдаги ҳамсояси Пирмат милтиқ билан пақиллатиб отиб ташлабди. Одам тўпланган, тумонат, Пирматнинг ўзи ҳам шу ерда, ким отди, ким кўрди, деган бақир-чақир тортишувга у ҳам аралаш, «Мен эшитмай қолдим, лекин отди, ким отганини билмайман», дер эмиш, шунда бирови «Ана, фалончи қараб турибди, отганни шу кўрган, ушланглар, сўраймиз», деган экан, ҳамма акамга қараб югурибди.

Акам кайфи учиб кетиб, “Э-э-э” деб, ўзини айвонни офтобдан тўсиб тортилган қанор панасига олибди. Эски қанор, у ер-бу ери йиртиқ ҳам экан, шу қаричча ҳам чиқмайдиган битта йиртиғидан Ҳайит ака ўтиб келса бўладими! Акам энди кўрқиб кетиб, уйга қочиб кириб, эшикни бекитиб олибди. Шунда дераза дарчаси - форточкасидан акамнинг девдай семиз ошнаси, ҳамишаги жўра Раҳмат ака ошиб кирибди. «Кўрдингми, энди нимага яшинасан? Ҳе ўл-э, чиқиб Эгамни ким отганини айт-да», дер эмиш. Акам Раҳмат жўрасининг шундай катта гавдаси билан дераза туйнугига қандай сиққанини ўйлаб ҳам кўрмабди. Шу вақти яна ташқаридагилар баттар шовкин кўтариб, «Бўлди, буни олиб кетамиз, эй, юр биз билан, бир яйрайсан», деб чақирибди. Эгамназар аканинг отилгани эсдан чиққан. Акам чиқишга баттар кўрқибди. Улар дўмбира чалиб, ўйинга тушиб, юр, деб роса кизиқтиришса ҳам, бормабди. Шу кўрққани асраб қолган, бўлмаса, уларнинг айтганига кириб, супадан пастга тушса, эргашса, дала-даштга улоқиб кетиб, ким қаерларда йиқилиб ўлиши ҳеч гап эмас экан. Лекин улар ҳам қўймаган. Акам қаерга борса, улар ҳам шу ерда, ҳатто арава ҳам тайёр, устига қип-қизил гилам тўшалган. Ўйинчи-яллачилари бўлганми, йўқми, акам муқом қилганини гапирмайди, агар ҳам мусулмон ажиналар бўлса, ғар қизлари йўқ ҳамдир, лекин ўйин-кулги бисёр, базм бакабанг. Фақат шу бор гапнинг тагида ҳалиги - эргаштириб кетмаса деган хавотир. Хуллас, улар ҳам тинч қўймаган, алдаганларига акам ҳам эргашмаган.

Мен борганда акам шу аҳволда, қўлига қора илон ўралиши ҳам ўшаларнинг иши экан.

Жуда хафа бўлиб яна Самарқандга қайтдим. Ҳали иккита имтиҳон бор, ўнинчи билан ўн биринчи синфлар баравар битирган, бир ўринга ўн тўққиз талабгор; бир ҳаёлим имтиҳонларда, бир ҳаёлим акамни ўйлаб, сиқиламан. Тарихни топширдим, домла «тўрт» деб ёзиб, устидан бўяб «уч» қилди, мактабда чет тили ўтмаганимиз учун унга ҳам «уч» баҳони шундай қўйиб беришди, ҳали мандатгача муддат бор эди, барибир киролмасам керак деб,

юрагим шувиллаб қишлоққа келсам, акам тузалиб кетибди. Ҳа, нима бўлганини гапиргиси келмайди-ю, ишқилиб, хайриятчилик. Яна уйдагилар ҳаммамиз бирга ўтириб ош едик. Акамга зимдан разм соламан, кўзлари жойида, ранглари ҳам тоза, чехралари анча очилган, қўлини силкиб менга ҳазил ҳам қилиб қўйди.

Энди қаранг, кейин билдим қандай касал бўлганини. Ичар эди. Шу, ўн уч-ўн-тўрт яшар пайтларидан ҳалиги туйнукдан кирган ҳайдовчи Раҳмат ошнаси, яна бир-иккита шумтака билан колхознинг омбори тоmidан тешик топиб тушиб, мусалласидан отиб юришар экан. Шундан ўрганиб қолган. Мактабда ўқиб юрган пайтларим бозоржойда учиб ётганида кўтаролмай, неча марта йиғлаб-йиғлаб ўзим судраб келганман. Отам уришдилар, сўкдилар, оқ қилдилар, кўк қилдилар, таъсири бўлмади. Биринчи тоифали ҳайдовчи, «ЗиЛ»ни ухлаб ҳам ҳайдаб юради. Худонинг асраганини. Бирон марта ҳам авария қилмаган. Бир куни Наврўзтепада машинага пахта юклагунча, ким билади, нечта шишани бўшатган бўлсалар. Жуда илгарилари, эсингиздами, тиркама йўқ, пахтани қанорлаб, икки киши икки томонидан кучоққа олиб, «ҳа-ху»лаб узатар, у ёкдагилар тортиб чиқарар, бу анча вақтни олар эди. Ана шу бир машина пахта ортилгунча ичилган-да. Мен уйда ўтирган эдим, кўчада машина тинмай гув-гув қилади, нима бўлди деб чиқиб борсам, акамнинг «ЗиЛ»и, устига жуда баланд қанор босилиб, арқон тортилган, сув ўйнаб, боя йўлнинг у ёғидан бу ёғига жилдиратиб очган эдим, бир қаричча ҳам чуқур эмас, шундай катта нарсанинг орқа ғилдираги шу ердан чиқолмай, ғижиллаб айланиб ётибди. Акам тинмай газни босади, машинанинг кетидан паға-паға тутун билан гур-гур-р учкун учади, ўзи силкинади, лекин жойидан жилмайди. Учкун пахтага тегиб, ёниб кетмаса деб кўрқдим. Шу бақираман, акам эшитмайди. Кейин кабинанинг зинасига чиқсам, бошини рулга қўйиб, ухлаб ётибди. Лекин газ босишни қўймайди. Тушиб отамга югурдим. Отам келиб, кабинани очдилар-да, бир силтов билан акамни суғуриб олдилар. Айтмаган сўкишлари қолмай, уйга ётқизиб чиқдилар. Кейин ўзлари машина атрофида айланиб, «Ҳа, бу палакати

кандай ўчиради энди?», дейдилар. Охири моторнинг ўзи ўчиб қолди шекилли, ишқилиб, пахтага зарар етмади, акам бир ухлаб туриб, яна пахта пунктига ҳайдаб кетаверди.

Охирги ичиш ҳам шундай бўлган, ўн уч кун узмай, акам шу муддатни аниқ қилиб айтади, овқат-повқатсиз пайдарпай отилган. Энг кейингиси Қамбар отадек муқаддас жойда. «Зил»ни яна ўзи ҳайдаб келган, уйга кириб таппа ташлаган. Уйғонса, ҳалиги даранг-дурунғ, шу фалокат. Албатта, Эгамназар акани ҳеч ким отмаган, шу пайти у баҳорикорга кетган, Пирматнинг эса милтиғи ҳам йўқ, иккови ҳамсоя, ҳам жуда қалин, ораларидан қил ўтмайди; акамнинг кўзига шу томоша кўринган-да.

Ана энди дўхтирма-дўхтир чопишни айтинг. Бу орада, албатта, эскича даволар ҳам қолмаган. Албатта, отамга айтмай. Момохол қушноч, оти чиққан азайимхону мулло, қоқимчи, бахши, биронта орқалиги қолмаган, Рўзи мўлтонининг кампири жоду ҳам олган, ҳатто Олакўзойимга ҳам дам солдиришган. Акам қаерга борса, ҳалигилар ҳам эргаш. Нима қиласан буларга қатнаб, фойдаси йўқ, ундан кўра, юр биз билан, ундоқ яйраймиз, бундоқ маза қиласан. Ғазиранинг бозоридагича одам, чуввос ялла, лекин акамдан бошқа ҳеч ким кўрмайди, эшитганлар «Э-э, худо асрасин-э», деб ҳайиқиб кўяди-ю, бошқа нима дейишни ҳам билмайди. Ҳеч ким бунақасига учрамаган-да. Охири, сира бўлмагач, Олимхон эшонбобога олиб бориб ўқитмоқчи бўлганлар. Акам эшакда, энди овқатдан ҳам тортилиб, анча мазаси ҳам қочиб қолган-да, янгам олдинда, эшакни етаклаб бораётса, шу ярим чақирим ҳам юрмай, Бурумга етганларида, йўлнинг икки томонида каллакланавериб, тўнканинг ўзи новдалагандек қари тутлар, эшак шу ерда таққа тўхтаб, юрмай кўйибди. Янгам ипидан тортади, эшак қайсар оёғини тирайди, калласини худди бир нарсадан олиб қочаётгандек у ёққа-бу ёққа ташлаб, саланглатади. Янгам акамнинг аҳволидан ўзи кўнгли чўккан, яна эшакнинг қайсарлигига хуноби ошиб, «Сабил қолгур, энди бунинг қилиғи етмай турувди», деб йиғлаб юборгудек бўлсалар, акам ҳиринг-ҳиринг кулиб:

«Тортма, фойдаси йўқ. Ана, тутга қара, устини тўлдириб ўтириб олган. Кесакка тутяпти-ку. Қайтинглар, Олимхон эшонбоволарингнинг кучи етмайди, деяпти», дебдилар. Ўша куни Олимхон эшонбобонинг олдига боришганми, йўқми ё бошқа куними, шу киши акамни кўриб, ҳақиқатан ҳам, «Менга келиб вақтларинг бекор кетибди, кучим етмайди. Энди бошқа ҳеч кимга бориб юрманглар, бунга фақат эшонбобо отангизнинг нафаси қор қилади», деган экан. Шундан кейин отам акамни уйнинг бурчагига буклама каравот билан қамаб, ўзлари шу каравотда ўтириб олиб, ўқишни бошлабдилар. Шу ўқишда узмай етти кун ўқибдилар. Отам ўқир эмишлар, халигилар ҳам уйда, қайси ерда, қайси тоқчада тизилиб ўтириб кутармиш, эшонбобо ўқишдан тўхтаса ё бирон ишқал чиқса, ўғилларини олиб кетамиз деб. Акам уларни кўриб турган, бурчакдан чиқмаган, отамга қўшилиб ўзи ҳам калима қайтараверган. Охири, еттинчи куни ўртада олди-берди савдо бўлган, ҳамма шартлар кўрилган шартнома тузилган: «Энди ичмайсанми?» - «Йўқ, ичмайман» - «Яна ичадиган бўлсанг, чақириб ўтирмаймиз, шундай олиб кетамиз» - «Йўқ, тамом. Ичсам ҳар нарса бўлай» - «Тавба қил» - «Тавба қилдим» - «Қасам ич» - «Қасам ичдим» - «Оғзимга олмайман, пиёласини ҳам ушламайман, де» - «Пиво-чи? Ҳамма шопир ичади-ку. Ёзда Пушкинга зўри келади-да» - «Йўқ, у ҳам мумкин эмас. Унинг ҳам спирти бор» - «Майли, лекин, илтимос, чексам, ҳеч бўлмаса, носга рухсат беринглар, лекин ароқ, майли, пиво ҳам ичмасликка қасам ичаман». Акам ялинибди. Улар бири-бирига қараб олиб: «Майли, рухсат. Лекин ичадиган бўлсанг, кейин чатоқ», депти. Сўнгра: «Бўпти бўлмаса, биз кетдик, лекин сен ўзингга қара, қасамни бузсанг, биз яна шу ерда», деб дову дастгоҳини кўтариб жўнаб юборишибди. Шу билан акам худди уйқудан уйғонгандек тузалиб кетган. Салда рўзғор яхшиланган, қишлоқда ҳайдовчи одамнинг топиши балодай, пул ичкиликка кетмагандан кейин, эшикда уч-тўрт мол, қўй, товуқ-повуқ дегандай. Ўзи ҳам тинмай ичоғриқдан азоб чекар эди, қутулиб кетди. Бир-икки йилда гараж мудири. Илгари отиб юрган одам, энди ичадиган ҳайдовчиларнинг рангини чиқармайди. Лекин қойили шуки, ўзи ўша кундан бир грамм ҳам ичмай

кетган, тўй-пўйда даврада ароқ солинган пиёлани ноилождан ё беихтиёр узатиб юборишга тўғри келса ҳам, бир-икки кун мазаси қочадиган бўлиб юрди, лекин кейин бу ҳам қолиб кетди. Ҳозир акам катта эшон, хожи, ўша вақти шунақа бўлган эди а, деб сўрасангиз, олайиб қараб қўядилар, гап ёкмайди-да.

Ана шу воқеотда ҳам одамни ўйлантирадиган кўп гаплар бор. Акамнинг шундай бўлиб қолиб, отам ўқиб даволаганларини айтсам, бировлар унча ишонмайди, бировлар шунақа ҳам бўлар экан-да а, деб анграйиб эшитади, яна бошқалар эса мени роса келиштириб тўқийди-да, деган шубҳага боради. Тўғри, тўғри, ўзи кўрмаган одамнинг ишониши қийин, мен кўрганман, шунда ҳам баъзи жиҳатларини ўйлаб қоламан. Билимдон одамлар буни дуонинг, тиловатнинг кучи билан изоҳлайдилар, отангизнинг ҳақиқатан ҳам нафаси ўткир бўлган, акангизни ўқиб тузатган, аммо... илгари канча уришиб-сўкиб ҳам ароқни ташлата олмаган бўлсалар, кейин охирги чора сифатида ўзлари таъсир ўтказиб, кейин, тавбасига таянтирган бўлишлари ҳам мумкин лекин, деб ҳам тахмин қиладилар. Бу фикрга қўшилмайман, тўғри, отамнинг нафаслари кучли, биз билмаган кўп нарсаларни билар эдилар. Сиёсати қаттиқ шўро замонида ҳам беш вақт намозни канда қилмаганлар, мелиса келиб гаплашган, солиқчи-полиқчилар жарима соламиз деган бўлсалар ҳам, никоҳлаб қўйишни, мусибатда жанозаларни ўқишни тўхтатмаганлар. Ҳар ҳафта жума намозига Самарқандга катнаш эдилар. Қишлоқ, чекка жой деб овора бўлмаганларми ё бир-иккита эшоннинг намозидан шўрога путур етиб қолмайди деган эслироқ раҳбарлар бўлганми, ишқилиб, ҳеч ким бу зарурат ишлардан қайтаролмаган. Аксинча, кўп жойдан эшонбобо, эшонбобо деб келиб турар, каттаконларнинг ҳам ота-потаси ўлиб-нетиб қолса, сўраттириб олиб кетар эдилар. Лекин отам ҳеч кимни ўқимас эдилар. Бола пайтимизда касал бўлиб қолсак, дам солиб қўярдилар, лекин қанча одамлар илтимос қилиб келган, қайтарганлар. «Дуо юк ташлайди, болаларим кўп, шуларни деб ўқимайман», дер эдилар. Акамни ҳам бошда ўзлари шу учун ўқимаган бўлсалар керак. Кейин, бошқа илож

колмагандан сўнг, мажбур бўлганлар. қандай тузатганларини ўзларидан неча марта сўраб кўрган бўлсам, ҳаммасида эшитмаганга олганлар. «Э-э, болам, - деганлар бир куни, - агар хоҳласам, шундай қиламанки, Пўлатхоннинг хотини ҳозир ўзини билмай, олдимга учиб келади, учиб! Лекин қилмайман шуни, гуноҳ бўлади». Мен Пўлатхон домланинг шундай гавдали кампири Лўбат холанинг кўзларини ола-кула қилиб, вағиллаб учиб келаётганини тасаввур қилиб, отамнинг кучларидан кўрқиб кетганман. Иссиқ-совуқ қиладиганларни жуда ёмон кўрардилар, «Булар худодан қайтган. Бўлмаса, «Канзул хусайн»ни мен ҳам ўқиганман, лекин уни ишлатиш гуноҳи азим», дер эдилар. «Канзул хусайн» қанақа китоб, ё нотўғри эшитганманми, ҳозир ҳам билмайман. Отамга у пайтлари менга ҳам эскичани ўргатинг, деганимда, «Бу ҳукумат ҳарф учун шунча одамни қамаб юборди, етади шу. Сизлар бу замонни ўқинглар», деб ҳарф ҳам ўргатмаганлар. Мен университетда форс тили ўтганда араб имлосини балодай ўрганиб, эскичани билишда қишлоқда анча обрў олдим-у, лекин билимим «ҳавопеймо» билан «донишжў»да қолиб кетди. Отам билган нарсаларнинг дарагини ҳам билмадим. Лекин акамни даволаганларига ҳали ҳам тонг қотаман. Восвос, айниқса алкоголь туфайли пайдо бўлган восвосни даволаб, ичкилик зотини тамом оғзига ололмайдиган қилиш ҳазилакам гап эмас, яна етти кунда.

Отам раҳматли акамни жуда кўп нарсаларнинг ичидан соғ-омон олиб чиқиб қўйганга ўхшайдилар. Қаранг, анавилар битта эмас, иккита эмас, жуда кўп, тумонат бўлган. Бу сизга ажинабутанинг тагида ўтириб, ўзи кўринмай, болаларни кўрқитадиган шунчаки қитмир ажина ҳам эмас. Бир нарсани тушунганки ўшалар, акамга ён бериб, тузалишига қараб турган. Демак, ўзларининг мактаблари ё малакали курсларида ўқиб, махсус билимларни эгаллаган бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам бошқа эшонлар акамни ўқишдан ўзини олиб қочган дейман. Эшонбобо ўз боласини ўқиса, ҳалигилар ҳам тушунади деб ўйлаганлар.

Шу ерда бир нарсага ақлим етмайди. Яхши, уларнинг ўзи бўлганми ё акамнинг кўзига кўринганми, ишқилиб, олдида тўпланиб, ўйинга тушиб, чақириб, дўқ уриб юргани бор гап, отам ароқни ташлатиш учун акамга шундай таъсир қилиб, кўрқитганлар ҳам дейлик, лекин... лекин Бурумда тилсиз, ақлсиз маҳлуқ - эшак нимани кўрган? Унинг ажина нима эканига фаросати етмайди-ку. Одам бир нарсани ўйласа, шу ўйлагани кўзига кўриниши мумкиндир. Акам «Жониворга тарсиллаб кесак тегаётганини, мана, мен кўриб турибман-ку, нима, сенда кўз йўқми, дейман янгангга», дегани ҳам тушунарли. Лекин эшак нимани ўйлайди? Эшак-ку у! Борингки, эшакда ҳам кўз бор, одам кўрган нарсани у ҳам кўради, тут устида тизилишиб ўтирган ажиналар унга ҳам кўринган десак, унда кесак қаёқдан? Ахир, кесак отилган! Бўлмаса, ҳайвон бошини олиб қочмас эди. Демак, аниқ келиб теккан. Мен ҳаммасининг хаёлот меваси, бутун жину ажиналар аслида йўқ, лекин одамнинг кўзига кўриниши мумкин деган гапга ҳам қўшиламан-у, лекин Бурумда эшакнинг калласини улар отган кесакдан ҳимоялашини ўйлаб, жуда ўйланиб қоламан.

Демак, бор улар. Эшак, тўғрироғи, унга келиб теккан кесак бунинг исботи. Ҳақиқатан улар бўлган, акамни ўртага олишган, шартнома тузишган, ичкилик ичишини тақиқлаб, фақат сигарет билан носвойга рухсат берганлари бор гап деб ҳисоблайман.

Олис болалигимни ўйласам, жину ажиналар билан аралаш яшаганга ўхшайман. Ҳамма ерда бор эди, икки хангоманинг бирида гап улар ҳақида, ўзини кўрмасам ҳам, ёнгинамда юрганларини ҳис қилар эдим. Фақат ажинабуталарнинг ичида эмас, тўқай, чакалак, ёввойи жийдаларнинг сийрак сояси, қайрағочларнинг таги, кавилзорлар, тўп ўсган дарахтларнинг орасида, шамол турганда қуюнда, ишқилиб, одам яшамайдиган ҳамма-ҳамма жойда макони бор. Ёзда кун қизиб, ҳар хил визиллоғу чириллоқларнинг ашуласи авжга миниб, далаларнинг устида жимир-жимир сароб ўйнаган хотинпешинда тикилиб қарасангиз ҳаммаёқдан чиқиб келаётгандек туюлар

эди. Шуларнинг бошқа тоифаси акамга учраган, дейман. Учрамаган, ичавериб, акамнинг ўзи чақириб олган ё уларнинг ўзи шу ичадиганларга келадигани. Ҳар хили бўлган-ку. Эчки, тўнғиз, тулки. Отнинг деви қачон келишини айтдим. Яна бир Райимқул деган тракторчи кечаси баҳорикордан отда қайтаётса, Шайит бобонинг олдида, шундай йўл бўйида бир эчки маъраб турган экан, «Яхши бўлди-е, эгаси чиқмаса, болалар сутини эрмак қилади», деб отга ўнгариб олибди. Содда одам-да, сутлик эчки ҳам эгасиз бўладими. Йўлда кетаётиб, «Кўрай-чи, елин-пелини тўлами ўзи», деб эчкининг бутини пайпаслаб кўрса, теп-текис, елиннинг жойида ҳеч нарсаси йўқ эмиш. Юрак қоладими, ўтақаси ёрилиб, эчкини ташлаб юборган, шундан келиб қирқ кун алаҳлаб ётиб, роса ўқитгандан сўнг ёстиқдан бошини кўтарган. Кейин ҳам анча вақт ҳаёли қочадиган бўлиб юрди.

Бунақа воқеотларни тез-тез эшитиб турардик. Мактабимиздлаги баъзи болалар ўз кўзи билан ҳам кўрган. Албатта, кўриши билан «Ошпичоқ, калампир!» деб, безарар қолган. Лекин жину ажина нимага ошпичоқ билан калампирдан кўрққан, билмайман. Қалампирмунчоқ дегани ҳам бўларди, иси бурунни аччиққина жийиртиради, шодасини қизлар ҳозирги бижутерийлар ўрнига бўйнига осиб юрарди, кўзикмай деб, кўз ҳам шу инсу жинсдан тегади-да, бошқа нимадан бўлмаса? Лекин гўшт чопиб, тут новдасини кесадиган ошпичоқ нимага ўтади, нимани қайтаради, билмайман. Бирон хосияти бордир-да.

Ёшимиз етиб, университетда ўқиймиз, ҳа, акам вос-восга учраган ўша йили учта «уч» битта «беш» билан мандатдан ўтдим, факультет яқинидаги Гўри Амирнинг атрофи ғиж-биж ижара уйлар, учта каравот зўрға сиғади, ўртада битта ликиллоқ стол, шу каравотлар ҳам курси, баъзан поли ҳам йўқ, қаттиқ сомонсувоқ ер, пойафзал ечиб овора бўлмайсиз, қишда электр иситгичнинг совуқнинг забти билан билан басма-бас кучаниб қизарган спиралига қараб ҳу-ҳулаб ўтирамиз. Шу жой ҳам топганга бор, бўлмаса, буклама каравот билан кўрпани елкалаб, уйма-уй изланганингиз изланган,

ким ижара кўяди деб. Шундоқ яқингинада, Гўри Амирнинг биқинида бир яхши хонадон бор эди, ижарага берадиган хонаси ҳам зўр, баланд, поли қип-қизил бўялган, контрамарка печ, деворлари ганч нақш, унча қиммат ҳам эмас, ойига ўн сўм, олти-етти талаба турса ҳам сиғар эди. Лекин талабалар бу ерда бир ой, нари борса, бир ярим ойдан кўп яшамаган, шунда ҳам билмаганлари. Бошқа факультетдан, зўр уйлигига учиб келиб қолганлар, сал ўтмай кўрпасини елкалаб қочиб қолар эди. Сабаби – ким шу уйда ётса, кечаси девордан соқоли кўксига тушган бир оқ яқтакли бобой чиқиб келиб, устидан босар экан. Ҳа, девордан чиқиб келиб, индамай босаверар эмиш. Мен бир куни бир курсдошимизнинг синфдоши, жуғрофия факультетидан, билмаганми, ё кўрқмаганми, эсимда йўқ, ишқилиб, шу ерга кўчиб келибди, курсдошим кириб кўрайлик, деди, қизиқиб эргашдим. Ҳақиқатан ҳам яхши хона, бойвачча талабалар турса ҳам бўладиган, бизларнинг зах хонамизга сира ўхшамайди, лекин юрагимни ваҳм босди, ҳалиги бола билан сал гаплашган бўлдиг-у, тез чиқа қолдик. Курсдошимнинг ҳам кайфи қочган экан. Синфдошига раҳмимиз келиб, бу ер шунақа беҳосият жой деб айтган эдик, ўзлари олмоқчи деб ўйладими, захарханда кулди, лекин кейин курсдошим айтди, икки ҳафтага ҳам юраги кўтармабди, бошқа жой топгунча ҳам курсдошимнинг ёнига бориб ётиб олибди. Ёлғиз ўзим зерикиб кетдим, депти-ю, лекин у ерда бир ўзи турмаганини, қоронғи кечаларда бобой ҳам пайдо бўлишини биз яхши билар, бунинг учун устидан кулмаган эдик.

Шахсан ўзим уларга дуч келмаганман, кўрмаганман, лекин билмайман эмас, албатта. Мутлақо кўрмаганман десам ҳам бўлмас. Университетни битириб, Тошкентга келганимдан кейин бир ижарада турганман, шу ерда жуда кўп босинқирар эдим. Уйқуга кетишдан олдин, ҳали кўзимни юммай ҳам туриб ҳозир бошланишини билардим. Бир нарсa тинч гувиллаб келади, кутиб ётаман, устимга оёғимдан бошлаб вазмин юк босилиб тушаверади. Ёлғиз ётсам ҳам, «Уйғотинглар мени! Ҳой, эшитмаяпсизларми?» деб бақираман, товушим чиқмайди, силтанаман, лекин ҳеч бир жойим қимирламайди, агар жимжилоғимни қимирлатолсам ҳам уйғонардим, лекин

минг уринмай, шу ҳам қилт этмайди, ўзи ўтиб кетишини кутиб ётавераман. Даврини сурмаса, бари бир тўхтамайди, орада уйғониб қолсам, нафас ростлаб, яна ёстиққа бош қўйишим билан келган жойидан давом этади ё қайтадан бошланади. Худонинг бермиш куни шу аҳвол, безорларим чиқиб кетган. Бош учимга пичок, кейин бурда нон қўйиб ётишим сабаб бўлдим ё бошқа ижарага кўчдимми, ҳозир эсимда йўқ, ҳар ҳолда, бир-икки йилдан кейин қолди. Шунақа пайтлари ўзимни ўқиб қўйишни ҳам одат қилган эдим, балки шу туфайлидир. Лекин ҳозирлари эсласам ҳам юрагим шувиллаб кетади, ҳа, устимдан бир нарса аниқ босар эди, на шакли, на қўланкасини биламан, лекин нимадир жонли, оғир булутга ўхшаган юк эди. Албатта, босинқирайдиган одам кўп, алаҳлайди, гувранади, вақтинча, бирпасда ўтиб кетади, лекин меники доимий, сурункали эди, босиб тушадиган куч ҳам худди кадрдон танишдек, унга ҳатто от қўйиб олсам ҳам бўладигандек эди. Кўп қийнаган мени, лекин зарар еткизмаган.

Ғулистон қолиб, нимага бу ёққа ўтиб кетди, деб ажабланманг. Бу ёққа келиб қолганимни аввал ўзим тушуниб, кейин сизга тушунтиришга уриняпман. Шунга гапни узоқдан олиб келяпман.

Энг аввало, ҳалиги ажиналар тўғрисида. Улар шунча кўп бўлган, ҳамма бурчак-кунжаклар шуларники, болалар тугул, катталар ҳам улардан безор эди. Лекин ҳозир йўқ, унда қаёққа йўқолган ё бекинган? Фақат кўзга кўринган, ўзлари аслида бўлмаган, галлюцинация, хаёлот голографияси десак, унда нима учун асорати аниқ? Кўрганлар учинган, дард топган, етти кун, қирқ кунлаб ўзига келолмай алаҳлаган, даво топмаганлари шу билан ўтиб ҳам кетаверган. Она-бола оқ эшакнинг ўзи бўлмаса, Орзикулнинг онаси нимани кўрган ва, энг асосийси, Орзикулнинг оғзи қийшайган-ку? Қамбар отадан ўтишда, хўп, кўпкаритозлар оёқости қияпмиз деб кўрққан, ўтакалари ёрилган, банда, лекин унда тулпор жонивор нимадан ҳурккан? Ё Қамбар ота отга ҳам муқаддасми? Одам кўрганини от ҳам кўргани билан, лекин унинг кўзига ўзи йўқ нима кўринишини биз билмаймиз-ку, у ҳам ваҳимага

тушганида, бу мумкин, лекин инсоннинг хаёлини бошидан кечирмайди-ку. Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб бордир, лекин акам масаласида ҳеч ким мени фикримдан қайтара олмайди: улар аниқ бўлган, бўлганда ҳам жуда кўп, орамизда, биз билан бирга яшаган, оилалари, давралари, ёру дўстлари билан; халқми, миллатми, ишқилиб, акамга бир тўпи кўринган, холос.

Бунинг ҳаётий асослари бор албатта. Мен уларни мувозий – параллел дунёдан деб биламан. Ҳа, улар бизнинг еримизда биз билан бирга яшайди, ҳатто бирга ривожланади ҳам. Баъзан-баъзан, айниқса кун тиғига келиб, офтоб жазиллатган пайтлари ё сим-сиёҳ қоронғи кечаларда ҳам, икки дунё туташ жойда нимадир ишқал чиқиб, бу дунёга, яъни биз томон дунёга ўтиб юради, бир хил одамларга кўринади, мундайроқларга тегинади. Гоҳида кўплашиб ўтиб келади, кўплиги учун ҳам ҳаммаси бекина олмай, тўпи билан кўринади ҳам. Акам шунақаларига дучор бўлган. Баъзилари бировларнинг ёнида юради ё ётганда кўрпасининг устидан ётиб олади, ҳалиги Самарқанддаги ижара уйдаги соқолли чол ё Тошкентда менинг босинқирашимга ўхшаб.

Уларнинг борлигига яна бир аниқ исбот – ўзимиздаги азайимхон, қоқимчи, бахшию қушночлар. Сўранг шулардан, ким билан гаплашар эканлар. Биронтаси уларни йўқ демайди, чунки йўқ бўлса, буларнинг тирикчилиги нимадан? Неча-неча асрлардан бери алдаб келаётган бўладилар-ку. Ёлғоннинг умри бунча чўзилмаса керак.

Энди уларнинг қаёққа йўқолганига келсак, тахминим шуки, қишлоқда тракторнинг тариллашидан чўчиб, ҳам экология бузилишидан қочиб кетган. Кейин дала шийпонларигача электр ўтказилди, бу ёруғ ҳам уларга ёмон. Ҳақиқатан ҳам болалигимизда овлоқ жойлар бисёр, ҳаммаёқда ажинабута, харобазор, шийпонлар тунлари эгасиз, ўзлаштирилмаган ер кўплигидан илон, юмронқозик, тулки, Булунғурнинг чекка-чекка жойларида қанотларини товлантириб тустовуқ ҳам учраб қолар, умуман кенгчилик, мол боқишга, пичан қилишга ер мўл, ажинага ҳам ободонлик эди. Лекин кечаю кундуз

тариллаб трактор ҳамма ёкни бузиб ташлади. Овлоқ жойлар қолмади, ҳаммаси фермерлар қўлига ўтиб кетди, ажинага макон тугул, молга емишга бир боғ ўт ҳам йўқ, чакалагу тўқайлар тугаган, ажинабуталар кесилиб кетган, борининг ҳар бирига биттадан зираворфуруш хўжайин, мевасини териб олиб келиб, қон босимига даво деб, бозорда пуллайди. Ажинаси бечора қочиб қутулган.

Экологиянинг бузилишига келсак, эртага ўзимиз қандай яшашимизни ҳам ўйламай, бечораларни ҳақиқатан ҳам тамом қиляпмиз. Ажина одам эмас бу ҳавога чидагани, у эркин, мусаффо нафас, тоза сувлар керак унга. Ҳў, айтдим-ку, болалигимизда даладаги тўғри келган ариққа кўкрагимизни бериб ётиб, тўйиб симириб кетаверар эдик, иягимизга лойқа иниб қолса ҳам, сув бари бир тоза, ҳа, ўша пайтлари ажина ҳам кўп бўлар эди-да. Ҳозир энг катта Булунғуримизнинг ўзидан бир хўплагина сув ичиб кўринг-чи, йўқ, рангини кўришингиз билан кўнглингиз айнийди. Ажина бунақа сув бўйида туролмайди, унинг эрки ўз қўлида, тозароқ жойларни излаб ҳайё-хуйт деб қуённи сурган. Ҳайвонларнинг-ку камайиб кетаётганини «Қизил китоб»ларда асраб қолармиз, лекин ажинага ҳатто кўрикхона очса бўладими, йўқми, буни ўйлаб ҳам кўрмаймиз, ахир. Шунақа қилиб, ҳозирги кунда қишлоқларда ажина йўқолиб, балки буткул қирилиб битаётир.

Шаҳарларда, унча билмадим, шу муаммо бўлса керак. Эски маҳаллалар бузилиб, янги кўпқаватли мавзелар қуриляпти, йўллар тушиб, ҳаммаёқ асфальт, темир-бетон, плита, панжара, кечаси ҳам соқчилар кўриқлайди, енгил машина ниҳоятда кўп, бир ёқдан янгилари чиқса, бир ёқда ўттиз-қирк йиллик «ветеран»лари ҳам вағиллаб тутун қайтариб юрибди, бу ерда ҳам ажинага макон йўқ. Агар ҳам тагида одам кўрқадиган бирда-ярим жуда эски шайтонкўприклар бузилмай қолиб, шуларнинг тагида жон сақламаган бўлса, буни ҳам, ҳай, билмадик-да.

Ким эди улар ва мен ким?

Ана, энди асосий тахминларга келдик.

Биринчи тахминим — улар бор, лекин бу ерда, дунёмизда яшашга, кейин одамларга тегинишга маъво қолмагандан кейин, ўша ёқда туриб мени Жиззах — Тошкент йўлида, чўлда чалғитиб, машинамни ўз юртларига юргизиб олиб кетиб қолганлар. Тўғри, ҳайрон бўлишингиз мумкин, чунки болалигингизда ҳам, ҳозир ҳам занжирбанд ажинани кўрмагансиз, мен ҳам эшитмаган эдим, лекин, айтяпман-ку, мувозий дунёдагиларнинг ҳаммаси бир хил эмас, миллатида, ирқида тафовут дегандай, ранг-рўйи, тузилиши, тили, шеваси ҳар хил, худди шунингдек, яшаш тарзи ҳам бир-бирига ўхшамайди, жуда ҳам турфа олам-да бу ҳам. Менга омадим юришиб, ўз тилимизда гапирадиганлари тўғри келиб қолган. Кейин, олдинроқ ҳам айтдим, улар ҳам ривожланган, илгари фақат маҳлуқот шаклида инсу жинс бўлиб кўриниб, арава минган бўлса, энди бизга таассуб қилган ҳолда, техникаси тараққий этиб, учар ликопчаю ҳар хил нурли зўлдирларнинг ичида учиб ҳам юради. Бу маънода биздан ўзиб кетган бўлиши ҳам эҳтимол, исботига Ғулистондаги ичғу, қуйғу, кейин шабада, юлдузларнинг нуридан фойдаланиш борасидаги кашфиётларини айтдим. Ундан зўр ихтиролари ҳам бордир, лекин ўзимнинг фаҳмим етганига эътибор қилдим-да.

Сиз болалигингизда кўрган ажиналар эшқилсиз, мен учраган ғулийлар занжир таққан бўлса, демак, ажабланадиган жойи йўқ, бинобарин, мувозий дунё ҳам, айтдим, кенг бир олам, Ғулистон унинг биттагина мамлакати, балки, ўзлари чандон улуғлагани билан, мундайроқ бир юртдир, холос. Менга сиз умуман кўрмаганларингиз кўринган.

Энди яна бир масала: нима учун Тошкент — Жиззах йўлида айнан мени адаштирдилар, мингта ҳайдовчи безарар ўтиб-қайтиб ётибди-ку? Бунинг ҳам асослари бор, у пайтлари унча ўйламаган эдим, ҳозир тушуняпман. Булар мени болалигимдан кўриб юрган, талаба пайтларим ҳам, кейин ҳам назарда

бўлганман, лекин ўзларининг менга кўринишига бир сабаб чиқмаган, қандайдир туртки топилмаган, дейман. Лекин... ана шу ерга диққат қилинг, акам тинмай ичиб, охиригисида яна қадамжода фалокат босиб, уларнинг ғашига теккан, оқибатда ўзи восвосга учраган, мен Самарқанддан кириш имтиҳонларининг иккитасини топшириб келиб, акамнинг кўзига ўшаларнинг кўринганини ўзим кўрмаганим учун ишонмаганман, улар мени ишонтириш йўлига тушганлар-да, йўлини излаб-излаб, охири, ҳу кейинроқ, чўлда, Тошкентдан Жиззахга қараб бир ўзим чиққанимда пайт пойлаб, адаштирган. Ҳаммаси кўрсатиб қўйиш учун. Ҳа, шундай дейман. Улар учун орадан ўтган йиллар, вақт масаласи аҳамиятли эмас.

Бунинг яна бир жиддий асоси ҳам бор. Мен у пайтлари ружу қўймаган бўлсам ҳам, оз-оздан отиб юрар, ўша кундан бир кун олдин, эртага йўлга чиқаман, тўйиб ухлаб олай деб, икки пиёла урган эдим, эртаси куни оғзимдан хиди келмаса ҳам, бу палакат баданимда бўлган-ку, улар «Ий-э, биз акасини шартнома билан ичкиликдан қайтарсак-да, укаси бизни назарга илмаяптими, бир эсини киритиб қўййлик-чи», деб қасд қилган. Тайёр шароит – бекас чўлда ёлғиз келяпман, чақирсам ҳам эшитадиган одам йўқ, тагин олд билан орқа алмашиб қоладиган ғалати жой, кўзимни шамғалат қилиб шартта Гулистонга ўтказиб олганлар.

Лекин... қизиғи шу ердан бошланади-да, хуллас, лекин бу ерга олиб келгандан кейин, қарашсалар, мен улар ўйлаганчалик шунчаки машина ҳайдаб кетаётган оддий бир фуқаро эмасман, ўқиган, олий маълумотли, яна ўзини соддаликка солиб турган ёзувчи. Яна таржимаи ҳолимни ўрганиб чиқсалар, айтдим-ку, уларнинг бизга боғланиб турадиган робиталари бор деган тахминимни, бир-икки авлод олдин бобом булардан биттасининг сочидан тутиб, етти пуштингга тегмайман, деган қасамини олган, демак, менга тегиниш мамну, икки дунё ўртасида катта гаплар чиқиб кетиб, мувозанат бузилиши хавфи бор, бир йўли топилиб қолар деб, мени

боғҳовлига ихоталаб қўйиб, ўзлари юқори идораларида шу йўлни излаб маслаҳат қилиб ётадилар.

Бу унча тахминим ҳам эмас, аниқ бор гап. Менга билдирилаётган эҳтиром шундан, хизматчи қиз ҳам шу учун ҳурмати ошиб, муҳаббат қўйган. Лекин масалам ҳали охиригача ечилгани йўқ, уларга ғирт бошоғрик бўлиб турибман, энди нима кўргуликлар бошимга тушишини ўзим ҳам билмайман.

Аммо, ўтмишимни титкилаб, ҳатто Ғулистондан кейин бўлган баъзи воқеотларни ўйлаб, вазиятга ойдинлик киритишга ҳаракат қиламан. Бу, иккинчи тахминим ўзимга ҳам хавотирлироқ. Унча ишонмайман, лекин мантиқ шу ёққа тортиб кетади. Гап шундаки, мен кимман, мени Ғулистонга адаштириб улар олиб келдими ёки... Шошманг, ойдинроқ бўлиши учун гапни бошқа ёқдан бошлашимга тўғри келяпти. Эсингизда бўлса, йигирма йилларча олдин осмонимизда учар ликопчалар ёмон кўпайди. Ўзга сайёралардан келган махлуқотлар кимларнидир ўғирлаган, кимдир ўзи қўшилиб кетган, Ёзёвонми ё Қашқадарёданми бир қиз уларнинг орасида анча яшаб ҳам келиб, кейин бир газетамизда чиқиш ҳам қилди. Ўзим ўқиганман. Матбуотда доим шунақа хабарлар, ҳатто махсус журналлар ҳам чиқди. Чотқолми, Чимёнда улар, ҳалиги бошқа сайёраларнинг гуманоидлари келиб-кешиб юрадиган жой ҳам топилиб, ўша ёққа мулоқотчилар, яъни контактёрлар гуруҳи махсус рейдлар уюштириб, қўл олишмаса-да, узоқдан ай-ҳайлашиб ҳам қайтди. Биздан бориб келганлар кейин нима бўлди, ҳалиги улар билан яшаб келган қизнинг тақдири бу ёқда қандай кечди, турмуш қила олдимиз, йўқми, буни ёзишмади-ю, лекин чет элдан, Болгариядан шекилли, ўнтача қизними олиб кетиб қолишган экан, шулар келгандан сўнг туққан деган хабарларни ўқиган эдик. Ҳалигилар учиб юрадиган коинот кемалари илмий тилда НУЖ – номаълум учар жисмлар деб аталар экан, ана шу НУЖлар ҳатто Тошкентимиз осмонида ҳам бемалол кеза бошлади. Кечқурун ҳовлимизга тушиб, ошимизга ҳалфана шерик бўлишига бир баҳя қолди, холос. Улар ё ош нималигини билмади, ё бизнинг овқатларимиз уларга

зўрлик қилади, ишқилиб, нечоғли меҳмондўст бўлмайлик, аниқ бировникига кўнгани йўқ. Мен Тошкентни айтяпман, чеккароқ жойларда ким билади нима бўлганини. Баъзи одамлар томларига тушганидан гувоҳлик бериб газетларда чиқиш қилдилар лекин. Мен бу гапларни ҳазилнамо қилиб айтяпман-у, лекин у пайтлари жуда жиддий эди. Бир кўшним бор эди, Анвар ака деган, худо раҳмат қилсин, жуда яхши жиддий одам, таксичи, шу киши мижоз олиб кетаётганда Юнусободнинг устида, осмонда ўшанақа НУЖ учиб юрганини ўз кўзи билан кўрганини айтувди. «Машинам одамга тўла эди, ҳаммаси: «Ана, ана, учиб юрибди! Қаранг, қаранг!» деб юборди. Қарасам, шундай олд ойнанинг тепасида тўрт-бешта фара ростдан ҳам учяпти. Лип-лип қилади». «Кейин, кейин нима бўлди», дедим. «Кейин ҳеч нарса, - деди Анвар ака, – кетавердим. Ҳозир бизларнинг ҳам план катта, тўхтаб томоша қилишга вақт йўқ». «Ликопчалар, улар нима бўлди?», деб ёпишиб олдим, чунки шу пайтгача НУЖни кўрган одамлар ҳақида ўқиганман, лекин биронтасини ўз кўзим билан кўрмаган эдим-да. Анвар ака ҳафсаламни пир қилди, «Билмадим, қандай келган бўлса, шундай кетгандир-да ўзи», деди. «Э-э, тушиб, яхшилаб қараб олмайсизми, ака», десам, «Яхшилаб қараганда менга нима керак? Бу учун таксопаркда мукофот пули кўшиб бермайди ё планимни камайтирмайди. Лекин одамлар қараётган эди», деди Анвар ака. У кишидан шундан бошқа гап чиқмади.

Ишқилиб, НУЖ ўша пайти ёмон кўпайди-да. Сал чеккага чиқиб, осмонга тикилсангиз, галалашиб кўринадигандек туюлар эди. Кейин, шулар сабаб бўлдимиз, ё ўша пайтда бодроқдай очилган кооператив ошхоналар туфайлими, бирдан халқ табобатчилари ёмғирдан кейинги кўзиқориндек бодраб чиқди, буларнинг ичида энг зўрлари ҳам қанақадир кучлар билан, дорисиз даволайдиганлари эди. Матбуотимиз чўчитиб кўйдимиз, НУЖлар унча келмай қолди, лекин уларнинг ўрнига булар урчиди. Шунақа зўрлари чиқдики, кўлини тегизиб, уқалаб-пуқалаб ҳам ўтирмас эди, қишлоғига бориб, ҳатто автобусдан ҳам тушмайсиз, ўзи чиқиб ҳаммага бир қарайди, алланарсаларни беради ё ўша ўтирган жойингизда кўлингиздаги шакарми,

сувгами, шунга узоқдан дам солади, фисабилло пулини берасиз, бўлди, уйингизга қайтиб, у айтган амалларни бажарсангиз, тамом тузалиб кетаверасиз. Одамлар дўхтирхонага бормай кўйди, даволаниш касал бўлишдек жуда осонлашиб кетди. Аблах, битта-ярим покдомон аёлларни йўлдан урган кўшнилари ҳам топилди лекин. Фарғона томондан бир экстрасенс чиқиб, бориб учрашган мижозига кечаси эшик-деразани очиб кўйиб, оқ рўйжада, оппоқ кийимларни кийиб кутиб ётса, оқ кийимли рух кириб, ўзи даволашини тайинлар экан. Ҳа, бир ликопча оқ шакар ҳам кўйиш керак бўлган. Арвоҳми, руҳми, шунинг оғзи тегишига. Бир жувон ё қизмиди, ишқилиб, ҳамма шартларни бажариб, руҳнинг пойқадамини кутиб ётса, кўшнисини, пойлаб юрар экан, кундузи унинг экстрасенсдан нима топширик билан қайтганини эшитиб олиб, қирчинингда қирилгур, оқ чойшабни ёпинган рух бўлиб кириб келибди-да... виждонини еган ноинсоф, хотингадойи бўлиб ўтсин, ишқилиб.

Ўша пайтлари Ёзувчилар уюшмасида ҳам ҳаёт қайнаган, қарийб ҳар куни қулоқчўзма шеърхонлик, муҳим масалалар бўйича мажлис, тортишув, баҳслар, бунинг устига ҳалигидақа табибу экстрасенс, биотокчилар ҳам шу ерда ин қурган, тинмай одам қарайди. Гуррос-гуррос давоталаблар келади, лекин буларга кўпроқ машҳурлар керак, «Атоқли Фалон Фалончини биласиз-ку, шундай одам жуда азоб чекиб юрган экан, қабулимда тузалиб кетди», деб айтиш учун. Нафаси ўткир, кўли печкадай иссиқларидан тортиб, келажакни башорат қиладиганларигача бор, энг асосийси, ўзлари ўзларига жуда ишонар эди. Мен машҳур эмас-у, лекин отнинг қашқасидек таниқлиман, бир куни олдимга битта аёл келиб, ҳе йўқ, бе йўқ, «Мен Орол денгизини сувга тўлдираман», деб юборса! Шунақа ишонч, шунақа сирли бир куч билан айтдики, ҳаёлимга бошқа ўйни келтира олмадим. «Жуда яхши, шунча олиму ташкилотлар шу ишни қилолмай қийналиб ётибди. Халқимиз ҳам сизга мунтазир», дедим. Бошқа нима ҳам дейман, Оролни қандай тўлдиришни ўзим билмайман, бошқа биладиганларни ҳам билмасам. «Ишонмайсиз, чунки қалбингиз кўрмайпти», деди у. Қаранг, гапининг чуқурлигини, одамнинг

калбини билади! «Ўзларинг тўлдиролмайсизлар, тўлдирганга эса йўл бермайсизлар», деди аёл сал аччиқланиб. Жуда изза бўлдим, рост лекин, неча йилдан бери бақир-чақир қиламиз, кўмита ҳам тузиб, ойлигини ҳам олиб ётибмиз, лекин Оролга сув бермаймиз. Аёлнинг гапига шаппа ёпишдим, «Йўқ, жуда-жуда ишонаман. Фақат айтинг, нима ёрдам берай?» дедим. «Ҳамманинг ўзи ёрдамга муҳтож, сиз менга эмас, мен сизга ёрдам бераман. Мана, шунинг учун келдим олдингизга», деди аёл маъноли қилиб. Бир оз довдирадим ҳам, «Хўп, энди мен нима қилай? Ё ишонганимнинг ўзи етадими?», деб сўрадим. Аёл бу гапларни эшитишга ҳам арзимайсан, дегандек жуда беписанд илжайди-да, «Мени президент билан учраштирасиз, бу сирни фақат у кишига айтаман, вазифам шундай», деди. Бу иш, албатта, кўлимдан келмайди, президент билан уни учраштириш тугул, ўзимга ҳам йўл бўлсин, шуни тушунтирмоқчи эдим, лекин аёл сўқирга йиғлаган эсиз кўзим, дегандек: «Аҳволларинг шу, Оролларинг ҳам сувга тўлмайди», деб мени хайр-хўшга ҳам арзитмай, ўша беписанд илжайганича жўнаб юборди. Гапираётган пайти роса разм солган эдим, кийиниши бинойи, оч кулранг кофта-юбка кийган, сочи замонавий кесилган, оқ шокилалаи рўмолни бошига шундай ташлаган, кўзлари жуда маъноли, одамга тик боқади, ҳали гапирмасдан ҳам имо билан жавоб кутади, қомати нозик, ўттиз беш-қирқларда бўлса ҳам, ҳали туғмаган қизлардек, хуллас, унинг шу ўтиришида бирон нуқсини тополмадим, лекин, бари бир, унда бизда йўқ қандайдир куч бор, қай бир маънода бу дунёнинг одамига ўхшамас эди. Умидсиз қўйиб юборганимга хўб афсус едим, лекин уни бошқа кўрмадим, келмай кетди. Оролни сувга тўлдириб беришига жуда-жуда ишонгим келса ҳам, бари бир, хомхаёл эканини билар эдим-у, лекин унинг менда ҳам бир нарса бор деб ўйлаб, ўзига яқин олиб келгани ҳалигача ўйлантиради.

Уюшмада доим тумонат, долонда кўп одам орасидан ўтаётган эдим, бирови билагимдан тутиб тўхтатди-да, жуда ҳам қалин ошнамдек тикилди. Танимаганимга хижолат ҳам бўлгандек бўлдим. «Жуда толиқиб кетгансиз», деди у нигоҳи билан мени кечириб. Кейин, «Киринг, сизга сеанс беришим

учун атай юборишди», деди. Шунақа шафқат билан гапирдики, худди яланғоч бўлиб қолгандек эдим. Билагимни кўйиб юбормай, ёнбошдаги кичик мажлис хонасига даъват этди. Ўтирдик, менга жуда синчиклаб меҳрибон каради. Минг йилдан бери танишдек. Ўзимни содда кўрсатиб, алдашга кўнглим бўлмади. «Кўйишмайди, шу ерга келган ҳаммаси сеанс берган, лекин менга таъсир қилмайди. Сизни ҳам овора қилмай, ўзим шунақа бетаъсир тўнкаман шекилли», деб тўғриси айтдим. Жуда бамаъни йигит экан, қўлини бошимнинг устига соябон қилиб юргизди, худди шиша қобиғимни силагандек, ҳамма томонимга айлантирди, кейин бошини маъноли чайқади-да, «Ўзингизда ҳам бор экан-ку. Менинг кучим етмаяпти», деди. Нималигини билмасам ҳам, кўзларидан нимадир яхшиликка эканини сездим. «Нима, даволаб бўлмайдими мени энди», деб сўрадим. «Давонгиз ўзингиз билан, - деди йигит. – Сизнинг қувватингиз манбаи - дарахт. Уни шундай қучоқлаб, бошингиз осмонда, оёғингиз ерга чуқур томир отган, шу томирлардан сўрилиб чиқиб келаётган ҳаёт шарбатларини ҳис қиласиз, мен ҳам дарахтман, ердан қувват олиб ўсяпман, соғман, чарчоқларим ҳозир баргларимдан тўкилиб кетади, дейсиз. Лекин бу гапларни ишониб, ишонч билан айтасиз, ташқарида айтсангиз ҳам бўлади, ичингизда ҳам». «Майли-ю, лекин дарахтни қандай қучоқлайман?», дедим. «Ҳа, оддий, қучоғингиздаги қиздек қучоқлайверасиз», деди у, шуни ҳам билмайсизми, дегандек. «Битта-ярим кўриб қолса... нима дейди?», дедим. У йигит соддалигимга маъюс жилмайди. «Сиз одамларнинг олдида қучоқламанг, боққа боринг, овлоққа чиқинг-да, қучоқлайверинг. Оддий нодонларнинг кулгисига қараманг», деди. Мен доим банд эканимни, яна одамлар орасида ишлашимни долонга ишора қилиб кўрсатдим, одамсиз жойларга боришга вақтим йўқлигини айтдим. Бу жуда ҳам шарт эмас, ишда ҳам одамларни ташқарида гаплашайлик деб олиб чиқиб, уюшма олдидаги сояга чорлаган бўлиб, бир қўлим билан дарахтга тиралиб олсам ё бирон шохчасини худди ўйнаётгандек силкитиб турсам ҳам, дарахт менга қувват алмашиб, куч бераверар экан. Синдириб қўлимда олиб

юришим ҳам керак эмас. Жуда осон бўлса ҳам, бари бир, жуда эриш туюлди, қилмадим.

Бир яқин оғайним ҳам экстрасенс бўлиб кетиб, кўп одамларга даво берди. У кундузи ухлаб, кечаси билан ҳам тоат-ибодатда, ҳам касал кўрар, ниҳоятда жиддий муолажачи эди. Унга ишонмаган одам худди шак келтиргандек бўлиб қоларди. Ҳар куни эшигида йигирма-ўттиз одам навбатда. Бир кундуз куни у уюшмага келиб қолди, хонамга кириб, «Келинг, жўра, сизни бир кўриб кўяй», деди. Жуда яқин эдик-да. Унга ҳам ҳалиги гапни, яъни менга таъсир ўтмаслигини айтдим. У ҳам ишонч билан: «Биламан, чунки ўзингиз эшонбоболардан, сизга унча-мунча одамнинг кучи билинмайди», деди. «Сизни ўзингизнинг аجدод руҳларингиз билан учраштириб кўяман. Мундай тикка туринг, кўзингизни юминг. Оқ якак кийган, оппоқ соқоли кўкрагига тушган хушрўй бир мўйсафидни кўрасиз, бу Яссавий бобонгиз», деб тонг қолдирди. Отам раҳматли олтмиш уч ёшларида ҳе йўқ, бе йўқ, бирдан Туркистонга отланиб, ҳаммамизни ҳайрон қолдирган эдилар. «Бориб Аҳмад Яссавий бобомизни зиёрат қилиб келдим-да», деб мени роса ғурурлантирганлар. Дарслигимизда феодал-клерикал шоир деб Аҳмад Яссавий ёзилган, отамга шундай одам бобо бўлса, демак, мен ҳам чакана эмасман, деб ўйлаганман ўшанда. Энди отамнинг зиёратлари билан дўстимнинг айтгани тўғри келганини қаранг. Хуллас, айтганини қилиб, кўзимни юмдим. Шу тикиламан, қани энди у айтган мўйсафид кўрина қолса! Лекин бир нарсa липиллаб, гоҳ соя ташлаб, гоҳ ёриша бошлади, оқ шарпа кўриниш бераётгандек туюлди. Ҳозир, мана, ҳозир Яссавий бобомни кўраман деб, юрагим гумуриб ҳам кетди. Нимага кўриниши бунча чўзилади деб, сабрим тугаб, кўзимнинг бир чеккасини жичча очиб, қирида қарасам, қўлини елпиётганда, юзим ойнага қарагани учун ёруғликни тўсиб-очиб турган экан. «Кўрдингизми?», деди ошнам. Шунча меҳнати кетди, мени ростдан ҳам тўнка экан демасин деб, «Ҳа, жуда аниқ эмас-у, оқ кийимини кўргандек бўлдим лекин», дедим. «Ана шундай-да, секин-секин, бир сеансда яктаги сал хилпирагандек бўлади, кейин кўпроқ, ўн тўрт марта олганингиздан кейин

аниқлашади», деди у қувониб. Хонада бир ходимамиз ҳам ўтирган эди, у кетгандан кейин қизиқ гапни айтиб қолди: «Нима кўрганингизни билмадим-у, лекин қўлини кўкрагингизга олиб бориб, олиб келиб турганда, шунга мос тебрандингиз, мен кўрқиб кетдим», деди, буни ўзим мутлақо сезмаганман лекин.

Экстрасенс ошнам йўқ дейишимга қарамай, бари бир сеанс берадиган бўлди. У ҳар куни кечқурун, уйғонгандан кейин биринчи менга заряд юборар экан, бу учун уйига боришим ҳам шарт эмас, шу муддатда ўз хонамда, олдимга унинг расмини қўйиб, қараб ўтирсам бўлди экан. Расми ёнида йўқ экан, дастхат ёзиб берган китобимдаги расмим айна муддао, деди, уйим таъмирланяпти, китобингизни тополмайман деб, баҳона тўқиган эдим, «Унда роппа-расо тўққизда ўтирасиз-да, фалончи-фалончи деб мени кўз олдингизга келтирасиз, мен у ёқдан, уйимда ўтириб сизга заряд юбораман», деди. Кейин яна қулай томонини айтди, сафарда юрсам ҳам, машинада бўламанми, учқичдами, фарқи йўқ, уни кўзим олдига келтирсам ё ўйласам бўлди, сеансини олаверар эканман. У кетиши билан, мингта ишим бор, сеанси эсимдан чиқиб кетди. Юбориб турганлари ҳам ҳавога учгандир.

Унинг хотини ҳам зўр табиб, иккаласи ҳамкорликда даволар эди. У касални ёши, туғилган йили, қаерда туришини ёзиб оларди-да, ўзини кўриши ҳам керак эмас, маълумотларни келинга етказди, келин эса касал аъзоларнинг ёзуви тўғрисида рангли чорбурчак қўйиб, унга беради. Масалан, жигари қаршисига қора чорбурчак қўйса, демак, аҳволи чатоқ, қизил бўлса, даволатиш керак, оқ бўлса, ҳеч нарса йўқ, яъни жигар тоза. Ўшанақа жадвалини ўзимга ҳам кўрсатган: одам ўзини соппа-соғман дейиши ёлғон, бирон аъзоси носоғ бўлмаган одамнинг ўзи бўлмас экан.

Шундай кучли экстрасенс табиб ҳам менда бир нарса борлигини айтди-да лекин. Битта у билганда ҳам майли эди. Оролни сувга тўлдирадиган хотин ҳам олдимга бежизга келмаган, ундан кейинги экстрасенс йигит махсус юборилганман, деб аниқ шама қилди. Кимлар юборганини сўрашга юрагим

дов бермади, аммо ўзимнинг танланганлардан эканимга ҳам унча шубҳам йўқ, Гулистонга келганимга ҳам сабаблардан бири шуми, дейман.

Буни яна бир воқеа билан қувватласа бўлади. Бир ёзда Самарқанддан келаётган эдим. Шу «нўл тўққиз», рулда бир ўзим, туш пайти, кун тигига келган, машинанинг ичи қайнаган, ташқари ҳам ёнади. Юқори нуқтадан ўтганимда, Қоровулбозордан чиққанми, йўл бўйида иккита қиз, биттасининг кўйлаги ҳаворанг, унисиники сарик, шу иссиқда устида яшил нимча ҳам, кимсасиз жой, офтобда қоврилиб турган экан. Қўл кўтарди шу сарик кўйлаклиси, тўхтадим. Чиқиб орқа ўриндикдан жой олишди. Сарик кўйлақлининг нимчаси тугмалари ечиқ, ўзи ҳам сарикқина, дурраси тагидан бир тутам олтиндек сочи ҳам чиқиб турибди, юз қирралари бежирим, оғзи ҳайрон бўлаётгандек ярим очик, устки лабининг майин тукларига майда мунчоқдек тер кўпчиган, нозикдан келган, кўҳликкина чиройини арзон чит кўйлаги ҳам сарғайиб яшира олмаган эди. У билан ойнада тез-тез кўз уриштирдик. Бирпасда кўнглимга ўтиришди. Ҳаворанг кўйлаклиси «янга»лайверганидан билдим, бу - ёш келинчак. Сал юрганимиздан кейин, Маржонбулоққа тикка кесиб чиқадиган йўлда қайинсингил тушиб қолди. Бу ер ҳам кимсасиз, одам келмайдиган жойларга ўхшар эди. «Нўл тўққиз»да энди иккаламиз, бир кўзим йўлда, бир кўзим орқада, келинчакнинг ҳам нигоҳи менда. Қараганим сари чиройи очилади, кўнглимга минг ажойиб ўйлар келади. Ҳозир тўхтасам-да, юринг, ҳу анави маккайипояларни айланиб келамиз, деб бошласам, йўқ демас, деб ўйлайман. Манави чакалакнинг сояси ҳам ёмон эмас, «нўл тўққиз»ни тўппа-тўғри нариги бутанинг тагига ҳайдаб бориш мумкин, бир соатгина суҳбатлашиб ўтирсак, дейман. Кўнглимда кўп ҳиссиётлар жўш уради, ҳаммаси тоза, худди шу тўғридек, келинчак бари бир покиза қоладигандек туюлаверади. Икковимиз қолгандан бери келинчак янада очилиб, яшнаб кетди. Арзон чит кўйлаги сарик аланга олиб, ёнди; олмадек туртиб чиққан кўкраклари машина сал силкинганда ҳам нимчаси тагидан отилиб чиқиб кетадигандек потирлар, менинг ҳам тилим танглайимга ёпишиб қолган эди. «Мен сизни танийман», деб қолди у

бирдан. Бошимни буриб ҳайрон қарадим. «Сиз артистсиз, ҳа, машҳур артист, ҳозир отингизни эслолмаяпман», деди ишонч билан. «Йўғ-э», дейишдан бошқа гап тополмадим. «Ҳа, камтарлик қилманг, сизни кўрибоқ ўша киши шу, дедим». «Ким ўша киши?» деб сўрадим. «Юзингиз ўша кишиники-да, худди акамга ё отамга ўхшайсиз. Сизга ишонса бўлади», деди у ўзини жуда яқин олиб. Ҳаяжонланиб кетдим, биласизми, ўзимга ҳурматим ниҳоятда ошди. Келинчак бутун инон-ихтиёри билан ишонган эди-да, қаранг, мени қанақа баланд одам деб ўйлаган экан. «Артист эмасман, ёзувчиман, - дедим. – Мени ҳеч кўрмагансиз, шундай туюляпти ё бир одамга ўхшатяпсиз. Лекин ўхшатган одамингиз яхши бўлса, хурсандман», дедим эриб. «Йўқ, - деди келинчак қандайдир ширин бир ўжарлик билан. – Ўхшамайсиз, кўнглим сезди, ўзингиз яхши одамсиз». Атрофда жазиллаган офтоб тагида ҳансираб турган лалми ўриклар ҳам худди устимдан кулаётгандек сал-сал тебранаётган, лекин шу бегона келинчакнинг кўнглимда боягина кечган тизгинсиз ўйларимни билмай, мени яхши одам деб, кўнглини очиб мақтаб гапираётгани юрагимда худди қўшиқдек жаранглаётган эди. У Ғаллаоролга келяпман, деди, лекин етмай, ҳеч ким йўқ жойда тушиб қолди. Кўзимнинг олдида ҳалигача шамол тортқилаган кўйлаги сариқ ловуллаиди. Хаёлан юз марталаб кўришиб, сайрлар қилганман, лекин унга зарра гард юкмаган, доим тоза қолган, ўзимнинг ҳам виждоним тоза, ўйлаган ишларимнинг ҳам айби йўқ эди.

Ким эди у, шундай аломат чиройи билан кимсасиз даштда, офтобнинг тагида нимага қоврилиб юрибди, мени қандай таниди, нимага ўзини бунча яқин олди ва қандай қилиб ўзимни ўзим ҳурматлашимга мажбурлаб, яна кимсасиз жойда тушиб кетди, деб жуда кўп ўйлайман, ўйимга етолмайман.

Гапни қаяққа олиб келаётганимга эътибор қияпсизми? Бекорга айтмаяпман.

О-олдин, журналда ишлаган пайтларим ҳар замонда бир йигит келиб турарди, у ёзувчи бўлмоқчи, одамнинг хаёлига ҳам сиғмайдиган тоғларни

гапириб, роса ҳавасимни келтирарди. Тиёншон тизмаларини фақат жуғрофия китобида ўқиганман, Қурамани эса мутлоқ билмас, чиққан тоғим ўзимизнинг Губдин, у ҳам Қорақасмоқдаги ҳалиги тагидан гуноҳкор ўтса, босиб қоладиган, лекин минг йилдан бери ҳаммани безарар ўтказган супадек харсангтошнинг атрофи, у эса Тиёншонга ҳам, Қурамага ҳам борганини, яна бошқа тоғларда ҳам юрганини айтади, айниқса Ҳимолай, у жуда чиройли талаффуз қиладиган Жамолунгмага сафарга ҳозирланаётганини эшитганда, очиғи, ёруғ ҳасаддан ичим ёришиб кетади. Кўриниши билан ҳам худди кинодан чиқиб келганга ўхшайди, эғнида янгилигида қиммат бўлган, ҳозир сафарларда уникқан, лекин оҳорли кўйлак-шим, чайир қўллари доим покиза, сочи текис олинган, кўзлари гапларига яраша хаёлчан, яна нималари биландир бизга ҳеч ўхшамас, шу ҳолида тағин фақат менга ишонар эди. Гапимизнинг устига биров келиб қолса, ё суҳбатимизга қулоқ солаётганини билса, шартта тўхтаб, менга ўнғайсизланиб қараб қўярди. Ўзи тўғрисида баъзиларнинг «Аҳмоққа икки дунё бир қадам» дейишларини ҳам билар, шундан эҳтиётланар эди. Мен эса ёз кунлари, баъзан эрта баҳорда, ҳушига келса, экспедициялар оралиғида кузда ҳам пайдо бўлиб, менга бир олам таассуротларини айтишдан бошқа ҳеч кимга ҳеч қандай зарари тегмайдиган сайёҳга, ҳа, дунёнинг сайёҳи эди у, нимага одамларнинг ғаши келишини у пайтлари тушунмас эдим. Кейин, кўп нарсаларни ўқигандан сўғин англадим, одамлар ўзларида йўқ нарсаси бор одамларни ёқтирмайди. Ҳеч ким унга ўхшаб, тоғма-тоғ кезган эмас, бу ёқда мингта иш, оила одамнинг оёғидан боғлаб туради, ҳаммасини ташлаб тоққа жўнаб юборишнинг сира иложи йўқ. Нима учун бу ёқдаги ишдан қочиб, тоғма-тоғ сандироқлаш керак? Кейин унинг юриш-туришида, эҳ, сизлар ҳам яшаяпсизлар-да, дегандек чексиз бир сурур бор эди. Албатта, ёқмайди-да.

У қор одамини излаб, бутун умрини шунга бағишлаган, уни «йэти» дейди, ана-мана топишига шубҳаси йўқ, худди ошнасини аразлатиб кўйгандек, кўнглини топишга интилар эди. «Кечалари чодир ичида бир ўзим ётганда келганини сезаман, қадам товушини эшитаман, тоғ титраб,

гурсиллайди, шох-шабба кирсиллаб синади – аниқ, у юради, ха, эрталаб чиқиб қарасам, у ер-бу ерда шағал тошлар жойидан кўчган, ўт топталган, арчанинг бутаси синган, бутун-атрофда унинг шу кеча шу ерда бўлгани, балки ҳозир ҳам бир тошнинг орқасидан менга қараб турганини вужудим билан ҳис қиламан», дейди. «Нимага чодирдан чиқиб қарамайсиз ё кундузи ўзи кўриниш бермайди?», деб сўрайман. «Ҳали ўртамизда ишонч йўқ, у – табиат, мен - одам, у яхшилаб ўрганиши керак мени. Лекин бир куни бари бир учрашамиз», дейди у. «Мени ҳам олиб боринг, бирга ушлаймиз», десам, хафа бўлади, «У тутқич берадиган оддий ҳайвон эмас, қор одами! Фақат ёлғиз дўстлашиш мумкин у билан. Шунча жонзотни кириб юборган инсониятнинг кимлигини жуда яхши билади, шунинг учун фақат танланганни танлаши мумкин», деб қанақадир тушуниксиз изоҳлар беради. Тоғу тошни гурсилласа, балки айиқ-пайиқдир, деб сўрай десам, ўзим айиқ шундай юрадим, йўқми, билмайман, ҳам кўнглини ўйлайман. Тўнғис-пўнғиз ҳам дуч келган нарсани кавлаб, тошларни кўчириб юришини эшитганман, буни айтиш кўриш ҳам ноқулай.

Жуда баланд тоғлар ҳақида билганимча сўрайман. «Эдельвейс деган эртакнамо гул бўлар экан, кўрганмисиз?», дейман. У шафқатли жилмаяди: «Эдельвейс - қор босган чўққилар гултожи. Ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир альпинист уни кўради», дейди. «Бу келишингизда бир дастасини олиб келолмайсизми? Одамларга кўрсатардик», десам, соддалигимга маъюс жилмайиб, индамай қўяди. Лекин нима демоқчилигини биламан.

«Ёзинг, ёзинг», деб даъват қиламан. «Айтяпман-ку, учрашайлик, кейин. Ўзини кўрмай қандай ёзаман?» дейди у. «Шу ахтарганингизни ёзинг-да. Зўр саргузашт чиқади. Билганча қоғозга туширинг, устидан қараб бераман, кейин журналда босамиз», деб уқтираман. У пайтлари журналимиз жуда баобрў, унда тўрт қатор шеъри чиққан ҳаваскор ҳам катта шоирга айланиб кетар, буни у ҳам яхши билар, саргузашт асари босилса, бирпасда обрў топишига ақли етар эди. Доим йэтини топиши кераклигини тинмай таъкидлар, топса,

хатто узоқдан кўриб қолса ҳам, бошқача одамга айланишига ишонар эди. Лекин ёзган бир қаторини ҳам кўрмаганман, ёзишига ишонмас ҳам эдим. Бутун дардини ишониб дoston қилганда одамни тоғларга тортиб кетадиган нимадир жозибали бир савдойилик бор эди. Кейин тамом кўринмай кетди, бирон дому дарагини ҳам эшитмадим.

Шунақа одамлар нима учун менга интилган, ҳозир, Фулистонни ёзаётган пайтим, мана, орадан не вақтлар ўтиб, англагандек бўляпман. Туш кизиғида кўрганим сариқ кўйлакли келинчак хаёлимдан кетмайди. Йёти ошнасини излаб юрадиган қаламкаш ҳам шунчалар яқинки, уни худди ўзим ўйлаб топгандек.

Яна бир воқеа. Бундан ўн йиллар олдин Фарғонага бир борганимда, Бувайдада ҳоким ўртоғимга учрашим керак бўлиб, ишда бор-йўқлиги билиш учун аввал Риштон ҳокимлигига кириб, сим қоқмоқчи бўлдим. Энди зинасидан кўтарилишга чоғланган пайтим бир хотиннинг «Ҳа-а, салом!» дегани қулоғимга келиб, таққа тўхтадим. Қарасам, хотин менга тамомила бегона, лекин ўзим унга таниш, таниш ҳам эмас, анча, балки жуда қадрдонига ўхшадим. Товушида шу яқинликни билдирадиган, ёшига ярашмаса-да, эски кўнгилхушликдан қолган чучмал ўпкалаш бор. Бир зумда хаёлим неча ўн йиллар ўтмишга бориб қайтди, йўқ, илгари ҳам, ҳозир ҳам бу билан дон олишмаганман, унинг қизлик пайтини ҳам билмайман, албатта. Бош ирғаб кўйиб, ўтиб кетмоқчи эдим, хотин: «Ий-э, тўхтанг, намунча, одам танимай қолдингизми? Шунақа экан-да», деди, шундан кейин астойдил тўхтаб, майли, яхшилаб кўриб олиб, адашганини билсин деб, тўғри қарадим. Билагига қора сумкача илган, кўйлаги ялтироқ чизикли баргикарам матодан, елкалари тагидан бир нарса кўйиб кўтарилган, қошлари ингичка терилган, лаби бўялган, кўзи ўзига яраша таманно билан сузилган, танимаган одамнинг ҳақида хулоса чиқариш ноўнғай, лекин менга ёқмади. Шундай баобрў жойда, бирон таниган кўриб қолиб, таънага қолмай деб ичимда хижолат ҳам бўлдим. Ҳокимликнинг шундоқ ёнбоши бозор экан, шу ердан чиққандир деб

ўйладим. «Ҳа, кўзингизни ёғ босдими, қарамайсиз, қаратиб олса, сўрашмайсиз ҳам», деди у яна. Юзма-юз турибмиз, орамиз бир қадамча келмайди, хотин қўлини узатиб, юзимни силаса ҳам бўлади. «Адашдингиз, - дедим атай совуққина. – Мен Тошкентдан, Фалон Фалончиман». Хотиннинг фигони ошди, «Ҳо-о, энди Фалон Фалончи бўлиб олдингизми? Яна Тошкентдан! Вой, Фалон Фалончи-эй» деди. Тонг қотдим. Аниқ, бу хотин билан ўртамизда бир вақтлар бир нарсалар бўлган-у, тамом унутиб юборганман, бу унутмаган, энди эса ўша эски кадрдонликнинг арзимас ҳақи – шунчаки таниб, саломлашиб қўйишни талаб қиляпти, деган ўй келди хаёлимга. Хотин ўша бир вақтлар ўзи билан дилтортарлик қилган ўша одам эмаслигимга мутлоқ шубҳа қилмаётган, ҳатто ҳозир уни кўриб-кўрмасликка, аниқроғи, танимасликка олаётган сотқинлигим учун ғазабга миниб келаётган ҳам эди. «Синглим, мени бировга ўхшатяпсиз», деган гапимга: «Йў-ўқ, худди ўзингизга ўхшатяпман, худди ўзингизсиз», деди.

Қочиб кетаётгандек, «Э-э, бор-э, хўп, ўшаман, лекин сени унутганман, нима десанг, деявер, ҳозир кўзини ёғ босиб, ўзгарган номардман», дегандек зўр билан жўнаб юбордим, хотин шу жойида «Вой, тавба, одам ҳам шунча ўзгарадими?» деганича қолаверди. Иложи қанча, бозорнинг олди деяпман-ку, кўп одам ўтиб-қайтиб ётибди, «Мусулмонлар, манави одам мен билан жуда яқин бўлган, энди эса ўзини билмасликка соляпти», деб, ҳар ҳолда, аёл киши, бақира олмаса!

Лекин иккиландим: ким билади, шу пайтгача ўзимни билганимдан тамом бошқа одамдирман, мен шуман деб, адашиб юргандирман балки. Бу хотинга яқин бўлмаганимни аниқ билганим билан, балки яқинлик қилгандирман.

Қизиқ, ҳозир шу ерда, ҳокимлик олдида хотиндан қочиб кетаётган ўзим бир бошқа, бундан қанча, аниқ билмайман, ишқилиб, анча йиллар олдин унинг кўнглини олган ўзим бир бошқа бўлиб, ўша одам бугун обрўйимни тўкаётгандек, уни ёмон ҳам кўриб қолдим. Ишонасизми, «Номард, кетингни

тозалаб юр-да, йигирма йил олдин қилган бузуклигинга бугун мен жавоб бераманми, ахир», деб аниқ хунобим ҳам ошди.

Ўттиз йиллар, йўқ, ундан ҳам олдинроқ шунақа ҳолатга бир тушган эдим. Қишлоқдан акам келди. Мен билан яхшилаб гаплашиб қўйгани. Айтдим-ку, тамом ичмай кетган, унинг олдида ўзи эшитмаганга олса ҳам, ичкилик ҳақида гапириш ноқулай, шу келган куни, аксига олиб, ҳамишагидай, доимги дўстлар ҳам йиғилиб қолдик, Шоир ака ҳам бор, уни ҳали айтиб бераман, ўтирдик, турган гап, шусиз ҳам бари бир ичар эдиг-у, лекин Шоир ака: «Аканинг келишлари шарафига», деди, каллани қиздириб олдик. Яхши суҳбат бўлди, дўстларим тураман деса ҳам, мен атайлаб чўздим, етиб турган бўлса ҳам, секин имо-ишора билан акамнинг ўзидан пул олиб, яна олиб келдим. Охири улар кетиб, акам икковимиз қолдик, ўзимни кайфликка солиб, ётамиз десам ҳам, акам, бари бир, одамни эзадиган ўша гапини бошлади-да. Ойинг қариди, касали ҳам йўқ эмас, худо кўрсатмасин, келиннинг қўлидан бир чой ичмай ўтиб кетмаса, уканг ҳам хотин оладиган, қолиб кетяпти, яна бир-икки йил ўтса, ким ҳам тегади унга, сенинг юришинг эса бу, бир шиша ароққа ҳам пулинг йўқ, майли, берган пулини қизганмайди, лекин умрим бекор ўтиб кетаётганига афсусда, хуллас, ғиш-ғиш-ш ўша патефон. Уйқуси келиб қолса, ўзи ўчар деган ниятда ҳа-хўп, бўпти, бўпти, деб эшитиб ўтирибман. Бир вақти, «Мана, сиз ҳам ўттиздан ошиб кетдингиз, ҳали сизга ўзи биронтаси тегадими, йўқми, қари деб», деса бўладими! Жиддий масалаларда, халқаро аҳвол ҳақида гаплашганда ҳам мени ҳурмат билан «сиз»лар эди, масалан, «Шу Америка ҳам уришиб юрмай, ол-э, сеники деб, Вьетнамни Советга берса бўлмайдими, нима дейсиз?», деб сўрайди, худди шу муаммони мен бир оғиз жавоб билан ечиб қўядигандек. Гапининг тагида шундоқ катта одам, нимага уйлана олмайсиз, деган маъно бор-да. «Ака, ичган мен, сиз нимага адашасиз?», дедим. Акамнинг паққос жаҳли чиқди, «Ким адашади, менми?», деди. «Мен ҳали ўттизга ҳам борганим йўқ, қирқ тўққизинчи йил, йигирма еттидаман», дедим. «Ким? Сизми? – деди акам яна, ҳеч бир иккиланишга ўрин қолдирмай. – Сиз ўттиз иккидасиз, балки

Ўттиз учдир, билдингизми, менга ўргатасиз!» «Ака, мен Абдуҳамид, Ҳамроқуллар билан бир синфда ўқиганман, Мавлон, Ҳабиба, Норой, Исмоиллар ҳам ҳаммамиз тенгқур, ҳамсоямиз Абдурахимдан, тўғри, бир ёш каттаман, у биздан кейин битирди», дедим кулиб. «Ким билан ўқиган бўлсангиз ўқигандирсиз. У пайтлари метрикани хоҳлагандай ёздириб олишган. Катта бўлса, урушга олиб кетиб қолади деб, ёшини кичкина қилган. Мана, мен ҳам қоғозда йигирма тўққиз, ўзи йигирма олтинчи йилман. Сиз ҳам шу», деди акам қатъий қилиб. Юрагим шувиллаб кетди: бирдан катта бўлиб қолсам, орадаги беш йил қаёққа йўқолади? «Ака, ўйлаб гапиряпсизми, нима, иккита опамдан ҳам каттаманми? Улар мактабга мендан олдин боришган, мен кичкина эдим, уларнинг калишини кийиш учун дарсдан қайтишларини кутиб ўтирардим», дедим, акамни инсофга чақириб. «Тўғри, у вақти калиш ҳам топилмас матаҳ эди. Лекин сиз, бари бир, ҳозиргидан камида беш ёш каттасиз», деб туриб олди. «Унда уруш пайти туғилган бўламанми? Қирқ тўртинчи йил, а?», десам, акам «Отам урушга бормаганлар, меҳнат батальонида бўлганлар. Кейин ҳаммани урушга олиб кетган пайти Чандирга кўчиб кетганмиз», деди, «Мен, нима, Чандирда туғилганманми? Паспортимда, метрикада ҳам «Ғазира» деб ёзиб қўйилган-ку», десам, акам: «Э-э, ёмон бошни қотирдингиз лекин. Ҳозирги ёшингиздан беш ёш каттасиз, мен шуни биламан, тамом. Бўлдимиз энди?», деди, «Йўқ, бўлмади, унда айтинг-чи, орадаги беш йил қаёққа кетган? Мен эслолмаяпман-ку», десам, «Мен қаёқдан билай қаёққа кетганини. Ичавериб эсингиздан чиқиб кетгандир-да», деб узиб олди. Акам билан тортишишнинг энди фойдаси йўқ, аммо ўзимнинг бор кайфим ҳам учиб кетди. Акамнинг адашаётгани ё тезроқ уйлансин деб шу гапни тўқиётганига ишониб турсам ҳам жуда ғалати аҳволга тушдим. Худди ҳаммани алдаб юргандек. Ақлга сиғмаса ҳам, ёшимни беш ёш катта қилиб, жиддий ўйлаб чиқдим, ҳамма йиллар, кўп кунлар қатор-қатор тизилишиб хотирамга келди, ҳеч бир жойида беш йиллик бўшлиқ топилмади. Унда мен синфдошим Ҳабибани эмас, опамнинг синфдоши Шарофат опани яхши кўрар эдимми? Ҳа, шундай бўлади-да,

Шарофат опа ҳамсоямиз, ҳам чиройли эди, Султон акага теккан. Хўп, Ҳабибани иккинчи синфдаёқ оламан-оламан деб юрган бўлсам, демак, унда хали у уч ёшли гўдак... унда беш ёш катта мен қандай қилиб у билан бирга ўқиганман, ёшимни метрикада қисқартирган билан, ўзим сўлақмондай ўсиб кетган бўламан-ку. Ўйлайвериб, роса каллам ачиди, лекин кўнглимда қизик бир туйғу муҳрланиб қолди: шу яшаб юрган ёшимдан каттаман, тенгқурларимдан кўп нарсани кўриб қўйганман деган. Ўзим билиб келаётганимдан қанақадир бошқачаман, ўзимдан ажралиб тураман. Баъзан шундан қийналаман, аммо ёрдам ҳам беради.

Сиз бу нимага бунча чалғиб кетди деб ўйламанг, ҳали ҳаммасини Ғулистонга олиб бориб боғлайман. Кимлигимни ўзим ҳам Ғулистонда жиддий ўйлаб қолдим-да.

Хали ҳам кимлигимни ўйлайман

Бунинг учун яна бир воқеотни айтишим керак. Бу ҳам бошимдан ўтган. Етмишинчи йилларнинг охири, куним ёру дўстлар билан ўтганига хурсанд, бола-чақа, оила ташвиши, э-э, кўнглимда эртанги кунимга нодон ишончдан бошқа ҳеч нарсам ҳам йўқ, лекин уйланаман деган ният аниқ. Шундай кунларнинг бирида тез-тез борадиган Шоир акамиканига яна бош суқдим. Улфатмиз; бағрикенг одам, журналдаги ишимдан бир ҳайдалиб, ишсизнинг уйида туришидан кўрққан бир кампир ижарадан чиқариб юборганда, ўзи ҳам оиласи билан ижарада яшаса-да, уч-тўрт ой бошпана ҳам берган, хуллас, жуда қалин ака-укамиз. Уйидан ҳамишагидек меҳмон узилмайди, бу гал бир хотин киши, нигоҳидан сездим, ниҳоятда ўктам, бир қарашидаёқ мени ечинтиргандек, боримни санаб, хижолатга қўйди. Бўлмаса, кўриниши бойвучча эмас, ортиқча тилла-пилла тақинчоқларига ҳам кўзим тушмади, аниқ нима кийгани эсимда йўғ-у, лекин унча эмас, нимасидир эскироқ, русуми ўтганми, бичими тўпорироқми, ишқилиб, кўп меҳнатдан қасам еганга ўхшаб кетади. Нимагадир, ишқилиб, ўзига ўхшаб кўпни кўрган. Лекин боқишлари эркакчасига жасоратли, тикилиб қараганда одам, бир айби очилгандек, беихтиёр кўзини олиб қочади. Ўтирдик, эллик-эллик олдик, у биздан ҳам шахдамроқ кўтарди. Шоир аканинг ўз уйи йўқ, шундан гап кетса, билдирмай сиқилади, бу гал жуда хурсанд. Сабабини ҳам айтиб берди: ўзига тўрт хонали уй оляпти экан, ўртада турган одам - шу хотин, уйнинг манзилини ҳам берибди, бориб кўриб, ёқса, тамом, пулининг ҳаммасини бирдан ё етмаса, учдан иккисини бериб, бемалол яшайверади, қолганини кейин узади. Шоир ака унинг уйига борибди, ҳатто гарнитурини ҳам гаплашиб, устига беш юзни ҳам қўшиб, мардлик билан бирдан тўлаб юборибди. Энди кўчадиган, фақат даҳмазага юраги бетламай турибди. У аёлни хўб мақтади, «Кўриб турибсиз-ку, қандай мард! Эркаклар ҳам бунақа бўлолмайди», деди, хотин ҳам у кишининг шунчалар шоирлигига тан бериб, бунақаси кам учрашини айтди. «Ўзи шоир деган билан биринчи марта танишяпман. Зўр бўлар экан», деди. Кейин Шоир акам аёлга мени мақтади;

«Бу ҳам зўр инсон-у, лекин уйи йўқ, яқинда уйланиши керак, келинни қаерга тушириш масаласи чатоқ», деди. Хотин менга кўзини қадаб тикилган эди, ичимдан совуқ тер чиқиб кетди, ҳозир: «Э-э, бу укам ярамайди», деб юбормаса деб ўтирибман. Биласизми, бир хил одамлар бўлади, одамни бир карашда ўзига ром қилиб олиб, кейин бемалол ҳукмини ўтказадиган, хотин ҳам шунақа тоифадан. Ҳаммаёғим тиришиб, тилим ҳам ғулдираб қолди. «Шу укамизга йўқ демайсиз», деди Шоир акам. Хотин мендан кўзини узмай: «Пулдан борми, укам?», деб сўради. қанча пул кераклигини билмасам ҳам, бари бир йўқ-ку, «Топилади», деб юбордим. Унга йўқ дейишнинг ҳам иложи йўқ, чунки сўраши жуда мардона эди. Шоир акам тушунтирди; у тўрт хонали уйни тўрт мингга оляпти экан, менга ҳозирча икки хоналиси ҳам етади. Шунда хотин унда икки хоналини анча кутишга тўғри келишини айтиб, мени жуда кўтариб юборди: «Пулнинг бетига ҳам қарамайдиган кўринасиз. Минг сўмни бир ҳафтада сочиб ҳам юборасиз. Шартта уч хоналигини олаверинг. Майли, сизга уч мингга бераман», деди. Шоир акам яна хурсанд бўлиб кетди: «О-о, Ҳуринисохон, ҳимматингизга балли, раҳмат сизга!», деди, мени «Йўқ дема-анг, олинг, олинг!» деб, шу заҳотиёқ табриклади. Битимни ювдик. Савдо бир оғиз гап билан пишди. Бу хотинга ҳеч бир масалада йўқ деб бўлмас, ёнимда бўлганда пулини ўша вақти бериб юборадиган эдим. Ҳамма айтганига хўп-хўп деб турсам ҳам, икки гапнинг бирида «Ўғилболамисиз ўзи, укам, ҳа, шундай бўлсин», дейди, ўйлаб кўришга ҳам жон қолмайди. Ҳали пулни қаердан топишга ҳам ақл юргизмай, оладиган уйимиз учун ўзим ҳам қадах кўтардим. Хотин уйни нафақат олиб беради, балки жуда тез нақд қилади, нақд қилганда ҳам йигирма тўртинчи март куни қулинг ўргилсин ордер қўлга тегади. Унгача, ҳозир турадиган жойим йўқми, албатта, ўша уйга бориб яшаб турсам ҳам бўлаверади, энди меники, арзимаган қоғози кейин расмийлашади, холос. қўлнинг кирини келишсак, тамом. Мана шу гаплашганимиз гап, у хотин бўлса ҳам, ўғил болалик шарти шундай, вассалом. Эртага икки мингини бераман, уй меники! Минги кейин. Камбағаллигимга қайишди. Тасаввур қияпсизми, менинг ҳам устимда қор-

ёмғирдан бир пана бўлармикан, деб, неча тонгларни оқ оқартириб чиққанман, мана, энди бирдан ҳал, яна уч хонали-я! Мен, калламда шу пулни кимдан олиш ўйи гириллаб айланади, эртага эмас, уч кундан кейин дедим, хотин йўқ, сабрим икки кун, деди, индинга соат ўн бирда ишхонамга бориб олишини айтди. Бўлмаса, уйсиз ҳам, худди бурчакдаги шу уйнинг харидори ҳам кўп, бошқага ўтиб кетади. Хотин хонадонни кўп каватли уйнинг бурчагида эканини уч-тўрт марта таъкидлаганига, мен ҳам бурчакдалиги зўр экан, табиат уч томонидан кўриниб туради, деб ўйладим. Шоир пулини индин берсангиз ҳам, эртагаёқ кўчиб олинг, деди. Хотин яна йигирма тўртинчи март куни ордер олишимни эслатди. «Мен ордернинг аниқ числосини айтяпман, сиз эса муддатни чўзаяпсиз», деди. Шоир акам: «Мардлик ҳам шунча бўлади-да», деб менга им қокди. Эй, оғайнилар, ҳалигача билмайман, худо қандай кўнглимга солди, ишқилиб, калламда шубҳа ғимирлади, нимагадир шу “йигирма тўртинчи март” деган санадан ғашланиб қолдим. Шу кунни хаёлимга келтираман – келмайди, ордер ҳавода ҳам кўринмайди. Хотинни кўрган пайтимдан бери камбағаллик хижолати энди ғашликка айланиб, анча ичсак ҳам маст бўлмадим. Лекин калламда “йигирма тўртинчи март” деган сана тинмай айланади.

Худди боримни қиморда бой бергандек, ихтиёрим хотиннинг қўлига ўтган, ҳатто, ишонасизми, кўнглимга келган, тилимга кўчмаган шубҳа учун бошқа гаплар баҳонасида неча марта узр ҳам сўраб олдим. «Узр, Хуринисо опа, мен алдаб кетадиган йигит эмасман, лекин чўнтак масаласи... аммо сиз учун қайтмайман», дедим. Пул топишни шу қадар орзиқиб ўйлаяпманки, худди, мана, ҳозир ё бўлмаса эртага ўзи лоп этиб топилиб қоладигандек, уч минг пул шундай тахлоғлик ҳолида кўз олдимда кўринади, энтиқиб кетаман. Эй худо-ей, учхонали уйим бўлади-я, ўзимники! Хуринисохон опа калитни берган эди, мен ҳам мардлик қилиб олмадим, икки ой кутиш нима, пулини берай, кўчиш қочмайди, дедим. У қўлида калит билан чўзилган кўйи, менга жуда тикилиб қараб қолди лекин, индамай. «Айнан йигирма тўртинчи март

куни қандай қилиб олиб берасиз?» деб сўрай дейман-у, ишни бузиб кўйишдан қўрқаман.

Девонанинг ишини худонинг ўзи ўнглагани, эрталаб ишхонамга биринчи бўлиб раҳматли Шукурнинг ўзи ўз оёғи билан кириб келса! У ҳам шоир, лекин мени устоз дейди, жуда ҳам мард, танти йигит. Туғишган укамдек. Унга кечаги хангомани айтиб берган эдим, роса қувонди-да: «Ака, сиз уй олсангиз, биз қараб ўтирмаймиз. Мен шу ой уйдан олиб келиб бераман», деди. Мен у юртига бориб келгунча вақт ўтишини, менга эса эртага кераклигини айтган эдим, у «Бўлди, ака, ўйланманг. Асосийси - уй бор экан-ку. Мен шу ердаги ҳамюртлардан топаман», деди. Шунақа мард аёл бўлса, бирон йиллардан кейин унга ҳам олиб беришимни сўради. Йўқ, дейманми. Охирати обод бўлсин, беғубор инсон эди лекин.

Хуллас, пул масаласидан кўнгил хотиржам, энди бўладиган уйга бўлажак бекани ҳам хурсанд қилай деб, талабалар ётоқхонасига ўтдим, унинг ҳам кўнглини орзуларга тўлдириб, қайтиб кўчага чиқсам, йўл устида курсдоши Ғани таксига қўл кўтариб турган экан, у ҳам бизга шогирд мақомида, бир тўпламда шеърларини берганман, мени кўриб қувониб кетди. Қашқадарёдан акалари келган, ҳозир «Тошкент» ресторанига бориб ўтиришмоқчи экан, бирга юрасиз, деб ёпишиб олди. «Акамлар сиздек акам борлигини кўриб кўйишсин. Ҳам ювадиган бир гап ҳам бор», деган эди, эриб кетдим. Қорин ҳам оч, бу ёқда уй олаётганимнинг хурсандчилиги, ичсам ҳам ярашади албатта, деб бирга кетдим.

«Тошкент» ресторанида ўтирдик. Калла қизиди. Буни қарангки, Ғани ҳам уй оляпти экан, буники беш хонали, «неварачаларимизни ўйлаб» экан. Бари бир, бўп қолганини айтмайсизми! Ўқишни битирса Тошкентда қолиб шоир бўладиган, ҳозирдан қаерда яшаш масаласи ҳал. Ювиладиган бир гапи шу экан. Уники ҳам Чилонзорда, ҳатто мен билан бир даҳада бўлиб чиқяпти. Уй учун, бошқа уйсизларнинг ҳам уйли бўлишига тилак билдириб, бир нечта қадах кўтардик. Мен ўз уйим манзилини ирим қилиб, ҳа, энди меники

эканига шубхам йўқ, лекин бари бир ғашлик тарқамаган, нима бўлиб, яна худо кўнглимга солдими, «Э-э, Фанибой, зўр бўпти, яхши-да, кўшни туриш», деб унинг уйи нечанчилигини сўрасам, у баттар хурсанд бўлиб, Хуринисо опа менга берган манзилни айтса! Юрагим шув-в этиб кетиб, такрор айттирдим. Ўша уй! Аввалига унинг шогирдингизман деб юриб, мен оладиган уйни олмоқчи бўлганига аччиғим келди, лекин акаларининг олдида нокулай, яна харажат акаларидан бўлса ҳам, мени меҳмон қияпти, ўзи ҳам яхши йигит, жаҳлимга ҳай бердим. «Ҳа-а», деб қўйдим-да, яна ўйладим, «Ахир, у мендан олдин гаплашган-ку! Тўхта, бу ерда бошқа гап борга ўхшайди», дедим ичимда. «Фанижон, сиз шошмай тулинг, мен бир-икки нарсаларни аниқлайман», десам, у кулиб, «Ака, биз шошиб бўлганмиз. Яъни беш мингни бериб, қўлни қўлга ташлаганмиз», деди. «Фанижон, икковимизга ҳам берилган манзил битта бўлиб чиқяпти. Бурчакдаги уйми?», дедим. Фани, битта уй бўлиб чиқса, мен оладиган бўлсам, ўзи албатта ён беришидан чўчиб кетдими, ишқилиб, аччиқ илжайиб: «Ака, калитини олганман», деб изох берди. Олиб бераётган кимлигини сўрасам, Шоир аканикида гаплашган ўша хотин, Хуринисо, ўзи Шоир акани ҳам унга Фани таништирган экан. Уй оляпман деса, Шоир ака менга ҳам керак эди, деб ёпишибди. Ана холос! Фанининг ранги ўзгарди, менга унча ишонмаяпти, аёл кишига тухмат келиб чиқаётганидан ўзим ҳам хижолатда. «Ака, жуда мард опа у, мана, калит, ана уй, манзили шу, бориб бемалол яшайверинг, пулини ҳафта ичида берсангиз бўлди, деди. Унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди бунақа иш», деди Фани менга таъна билан. «Хўп, ордерни берадиган кунини ҳам аниқ айтдим», десам, Фани бошини қаттиқ-қаттиқ силкиб тасдиқлади. «Қайси кун?» – «Йигирма тўртинчи март. Худо хоҳласа, шу куни уйнинг ҳужжати ҳам укангиз қарағайда». «Ана шу санада шубхам бор-да, Фани. Менга ҳам шундай деган. Икковимизга ҳам бир хил гап айтибди. Сўрамабман, балки Шоир акага ҳам шу кунни айтгандир», дедим. Укам қарағайнинг кайфияти бузилди, қадахни тўлдириб яна отди-да, мендан ҳам кўра ўзини ишонтириб: «Ака, беш мингни қуртдай санаб бердик. Беш минг-а! Бу пулга ҳеч кимни

адаштирмайди», деди. «Ғанибой, ҳозир уй берадиган кунни аниқ айтиш вазирнинг ҳам қўлидан келмайди», дедим, Ғани: «Демак, опанинг қўлидан келади», деб туриб олди. «Неча хонали деган?», деб сўрадим, «Беш хонали», деди у. «Бориб кўринг, уч хонали бўлмаса», дедим. Ғани эсанкираб қолди.

Ўтиришимиздан анча файз кетди, Ғанининг акалари икковимиз гапни гапга қўшмай, пичир-кучир қилаверганимизга кўнгли ҳам оғриган, ичкилик ҳам кўп татимади, агар битта уй бўлиб чиқадиган бўлса, Ғани уйланишим кераклигини билади, бу уйни албатта менга беришини қайта-қайта шивирлаб, охири, айрилишдик.

Кўнглим қоп-қора. Ўзимни ер қилдим, тупроқ қилдим, бари бир, аёл кишига орқаворотдан балчиқ чаплаб юришимни, менга шундай зўр яхшилик қиламан деб турган заифага бўҳтон уюштирганимни ҳеч-ҳеч кечира олмаётган эдим. Шоир ака айтган қизчасини кўрмаганман, лекин у ҳам кўзимнинг олдида тирик таъна бўлиб туриб қолди. Ҳа, меники бориб турган, ғирт, яп-яланғоч бўҳтон. Бошқача айтиш мумкин эмас.

Шунақа қийналиб ўтирган пайтим, Оқил ўртоғим келиб қолди. Чойхонадан қайтаётган экан, йўл-йўлакай ҳангомалашгани кирибди. Бу ҳам калин ошнам, шу турган ижарани топиб, ўзи кўчиртириб келган. Ёнимдаги чойхонадан тез-тез устига нон бостирилган косалар чиқиб туриши ҳам шу туфайли. Чой дамладим, Оқил билан суҳбатимиз доим чортанг, дилдан гурунглашамиз, бугун ҳам унга тортган руҳий азобларимни айтиб бердим. «Оқил, дўстим, ниҳоятда қийналдим, умримда бирон аёл ҳақида бунақа ёмон ўйга бормаган эдим. У менга уй олиб бераман деяпти, мен эса раҳматнинг ўрнига тухмат ўйлаб ўтирибман. Кўнглим шунақа номардлик қиляпти», деб дардимни ёйдим, буни қарангки, худо кўнглимга солиб: «Мабодо шунақа бир хотинни билмайсизми, оти Ҳуринисо», дебман. «Э-э, кўриниши қанақа? Сочи кесилган, мунақа кўйлак, тагидан шим киймаганми?» деб Оқил ҳам худди ўшанинг таърифини келтирса! «Ҳа-а, ҳа!» деб, ҳаяжондан сочимнинг тагигача жимирлаб кетди. Ўша! Оқил билан гапимиз бир жойдан чиқяпти.

«Хурка, Хурка у!», деди Оқил, кейин айтиб бўлмайдиган жуда қўпол сўкинди-да, «Хурка билан нима худо уриб топишдингиз? Ғирт, ғирт, ғирт аферистка-ку у», деб уч марта такрорлади, яна хайратдан бошини ҳам роса тебратди. Биздек одамларнинг Хурка билан гаплашганини ақлига сиғдира олмай. «Йўламанг унга, сира йўламанг, йўламанг, йўламанг», деди, у хаяжонланса, каттиқ тайинласа ҳам уч-тўрт марта такрорлаб юборар эди. «Эртага икки минг беришим керак», деган эдим, у атай қаҳ-қаҳ урди, кейин тиззасини шапатилади ҳам. «Э-э, тавба, Эски шаҳарда оти чикқан аферисткани сизлар билмасангиз! қаёқдан ҳам биласиз. Ҳаётда пул берманг. Шоир акага менинг айтганимни айтинг! Уй-ку йўқ, лекин бир тийини ҳам қайтмайди энди. Вай, шайтонни ўтирғизиб қўйиб дарс беради-я у!» Ҳали пулни берганим йўғ-у, лекин ҳеч кимнинг кучи етмайдиган бир қора куч бор-будимни тортиб олаётгандек кўрқиб кетдим. Муқаррар қисматга ўхшаган ваҳима босди кўнглимни. «Ҳали ҳам тоза одам экансиз, кўнглингиз сезган. Бўлмаса, бу гапни келиб-келиб Хурканинг кимлигини биладиган менга айтасизми», деди Оқил. Ўзим бир аҳволдаман, яна у: «Немедленно, немедленно тўхтатинг!» деб ўрисчалаб баттар ўтакамни ёради. Худди гуноҳни ўзим қилгандек, «Пулини бериб қўйишган, Оқил», дедим. Оқил икки кўлини ҳам тиззасига уриб: «Вай-й!» деб юборди. «Ахир, Хуркани исполком эшигидан қўйишмайди ҳам, қанақасига уй олиб беради? Вай-й, нодонлар! Вай-й, пул топиб, ақл топмаганлар! Бунақа хотиндан фақат ҳазар қилиш керак, ҳазар!»

Оқил ҳам бировни ёмон кўрадиган бўлса, гапида ошириб, ерга топтаб, кўмиб, яна устидан сувоқлаб юборади. Лекин, бари бир, эртаси куни Шоир аканикига учдим. Пулни хотин уруғидан қандай топганини, ҳали-вери қайтаролмаслигини ҳам биламан. Акам ҳамишагидек хуш кайфиятда экан, караб ўтириб, гапни бошлай олмай қийналдим. Шунақа одамни алдаш мумкинлиги ҳеч ақлимга сиғмайди. Ҳақиқатан ҳам қалби тоза, ҳеч қачон одам айирмас, улфатлари орасида академиклардан тортиб ўғри-киссавурларгача бор, ҳаммаси ҳам чуқур ҳурмат қилар, ғаламисларнинг ҳам

унга ғаламислик қилишга кўнгли бормас эди. Худди ифлосга ботиб қолгандек, айтмоқчи бўлган гапимдан ўзим ирганиб, жуда қийналдим, ўзи ҳам нақ ярим қути сигаретани чекиб, йўқ, ғажиб ташладим. Охири кеча Ғани билан ўтирганимни, кейин Оқил Хуркани танишини минг тутилиб айтиб бердим. «Шу хотин ҳаммамизни алдаяпти шекилли», дедим. Шоир акамнинг фиғони фалакка чиқиб кетди. Айтдим-ку, қалби тоза, бундай қалбга тажовуз қилиш ёвузлик бўлишини. «Қанақа одамсиз? Нима учун инсонлар ҳақида бундай паст ўйларга борасиз? Инсоф борми сизда, инсоф?», деди. Мен, ноилож, энди ўзимни ҳимоялашим керак, Ғани иккаламиз ҳам оладиган уй битта бўлиб чиқаётганини айтдим. Шоир ака: «Менга ҳам шу манзилни айтган. Ҳа, нима бўпти? Уй олгунча ким хоҳласа шу ерга бориб тураверсин, деяпти-да», деди. Баттар ҳайратга тушдим, энди Шоир акамдан. Хурканинг кимлиги ўзимга аниқ бўлди, лекин инсонга муносабатим учун Шоир аканинг нафратига учрашим ҳам ҳеч гап эмас эди. «Нақадар бадбинсиз-а! – деди у жуда чўнқир, бутун инсониятга етадиган мислсиз ҳасрат билан. – Ахир, у қизини, бизникида, ваннахонада чўмилтирди, деб айтдим-ку! Тўққиз яшар норасидасини! Она-ку у, она ҳақида шунақа ўйларга ҳам борасизми, а?» Шоир ака, ҳали сизга айтдим-ку, хаёлнинг қора кечасини кундуз қилиб расмини чизиб берадиган ёруғ истеъдод, боладек покиза қалб, уни фақат гуноҳи азимдан кўркмаган худобезори алдаши мумкин эди. Шунини кўриб туриб эзилиб кетдим, тамом бўлдим, лекин гапимда туриб олдим: «Немедленно пулингизни қайтариб олинг. Ололсангиз! Мен Ғанига ҳам айтаман», дедим. Шоир акам сакраб туриб кетди, қўлларини силтаб, қаршисидаги ғанимни авра-астари билан фош қилиб ташлади: «Сиз... сиз яхшилиқни билмайдиган... Билмайман, яна сизни нима дейишим мумкин. Онага ишонмай бўладими, ахир? Пастлик қияпсиз», деди. Асабийлашиб, сигаретни тескари тишлаган эканман, лабимни куйдириб олдим, лекин ён бермадим, худди терговчидек совуққонлик билан: «Аввал пулни қайтаринг, пастлигимни кейин гаплашамиз», дедим, лекин ўзим чўқдим, чунки инсонга қарашда мен ҳам озми-кўпми унинг тарбиясини олган, аёл, яна она деган

муқаддас зотнинг одамни шундай алдаб кетиши мумкинлигига, билиб турсам ҳам, ишонгим келмаётган эди. Шоир ака ҳам уйида тўққиз яшар норасидасини чўмилтирганини тинмай такрорлаб, мени бадбинликда айблар эди. «Э-э, чўмилтирса чўмилтирибди, ўзининг ваннаси йўқдир ё бузилган», дедим. Шоир ака менга умуман бунақа ҳафтафаҳм бағритошни энди кўраётгандек ҳайрат билан қаради-да, гап тополмай қўлини силтади. Эй, шунақа шубҳагўйлик билан олинадиган бўлса, шу уйга ҳам ўт тушсин-э, дедим ичимда. Мен ҳам Шоир акага ўхшаб инсонларни шундай покиза ишонч билан севсам нима қилади, а, деб ўртандим. Охири ялиндим: «Ака, майли, ишқилиб, мен адашган бўлиб чиқай. Лекин сиз ҳам бир суриштириб кўринг. Оқилдан бошқалар ҳам уни билар экан», дедим. «Оқил ҳам, сиз ҳам бир, кўнгилларинг қаттиқ», деди Шоир акам, лекин хайрлашаётганда сал паст тушгандек бўлиб: «Кўп олислаб кетманг», деб қўйди. «Ака, шу аниқ санасига ишонмаяпман. Сизга ҳам йигирма тўртинчи мартни айтганми?», десам, Шоир акам мен содданинг устидан синиқ кулди-да, «Ҳа, худди шу кунни айтган. Ахир, ўша куни исполкомда уй ажратиш масаласида йиғилиш бўлса керак-да», деди.

Эртаси куни ишхонамга Ҳуркахон келдилар, унинг кимлигини билиб туриб, яна: «Пул келмай турибди, бир-икки кун сабр қиласиз» деб ёлғонлашим жуда ҳам ноқулай бўлди, кўзига қарай олмадим. У ҳам менга ўхшаганни кўп кўрган шекилли, «Ҳа-а, гапингиздан латта ҳиди келишини ўшанда ҳам сезган эдим», деди, лекин «Бўпти, кўп чўзманг, у ерга бошқа эга чиқиб турибди», деб, яна уйсиз қолиш хавфини кўнглимга солди. Бошқаттан ваъда беришимга сал қолди. Шунчалигини билиб туриб ҳам, ёнимда пулим йўқлигига ўксиндим: бўлса, қўлига тутказганимни ўзим ҳам билмай қолар эдим. Жозибаси ёмон, одамни кўрқитадиган, гаплашганда юрагим орқага тортиб турди, нима деса ҳам майли, ишқилиб, тезроқ кетса деб, жон ҳовучлаб ўтирдим. Кейин дарров Ғанини топишга тушдим. Уни гапимга ишонтириш оғир кечди. Кайфи тарқаб, у кунги валломатлиги йўқ, ҳатто мени уйни ўзи олмоқчи шекилли деб, очиқ айтмаса ҳам, анча тархашлик қилди.

Кейин... кейин мен ўйлаган, олдиндан айтиб берганим воқеалар бошланиб, кўп ғаройиботи очилиб кетди. Шоир акам ҳар куни Ҳурканикида меҳмон, Ҳурка одам билишда ҳаммани ўқитади, Шоир ака унга бир нораства калб, ҳар гал хурсанд келади, «Қаттиқ курашяпмиз», дейди, натижа йўқ, лекин ишончи ўлмайди. «Майли, уйга иккилансангиз, пулингизни оласиз», деб акадан Ҳурка аразлаган. Эскишаҳарнинг ака учун ўртага тушган ҳамшиша кузирларининг ҳам Ҳуркага тиши ўтмади. Умуман, унга бас келадиган чиқмади. Охири яна бир акамиз бор эди, унга айтдик, у КГБнинг ўзида ишлайдиган нақ полковник синфдошини ишга солди. Афсуски, Шоир ака Ҳуркага пул бериб, тилхат-милхат ҳам олмаган, бу ишда ҳужжатсиз ҳеч нарсани қилиб бўлмас экан. Битта йўли – ўзидан инсоф тилаш. Шоир ака шу ниятда, Ҳурканикига танда қўйган, ҳар кўришганимизда: «Ниҳоят бўладиган бўлди. Сиз аралашманг, ишни бузасиз», дейди. Мен ҳам, аралашмаганимда иш бунақа чаппа кетмас эди, деб ўйлаб қоламан. Ростдан ҳам, Ҳурканинг манзили аниқ, уйи бор, уйда доим ўзи, ҳеч кимдан бекинмайди, тўққиз яшар қизини етаклаб юради, сира бир ўғри-каззобга ўхшамайди. Шоир акамнинг айтишича, Ҳурка унинг аҳволини, ишонмаслиги сабабларини ҳам тушуниб, ёрдам беришни ҳам ўз зиммасига олган.

Бу орада пулнинг жигардан бўлишини англаган Ғани ишонч-пишончини йиғиштириб, Ҳуркани терговга торттириб, ишни судга оширди. Ана, аёл деган муқаддас зотнинг устомонликлари очилиб кетмайдими! Шоир акам хайратда, «Ноёб истеъдод, бу ҳам гениал ижод, фақат яхшиликдан адашган», дейди. Мен ҳам чин маънода қойилман. Эллик олтита одам ҳув тушган экан! Ҳуркага алданаман деб, қатор навбатда турганлар! Ҳаммаси камида уч хонали уй оладиган, тўрт хоналигига ҳам, беш хоналигига ҳам пул берганлар талай; олтмиш-етмиш минглик ҳовлиларни ҳужжатдан олдин олиб қўйганлар, казо-казо; ҳукумат бунчани қаердан тўпладинг деб, қисти-бастига олмаса деб, дами ичида, буқиниб кетганларнинг сони номаълум.

Пули бор одам лаққи бўладими, битта «дом» ёки ҳовлига ўнталаб талабгор, ҳаммаси калитини ҳам олган, лекин қандай қилиб бир-бири билан тўқнаш келмаган, кўришмаган, ақл бовар қилмайди. Битта менга келганда, шу йигирма тўртинчи мартни айтадию кўнглимга шубҳа тушиб, миси чиқиши бошланади. Ўзимда ҳам шунақа фавқулодда истеъдод борми экан, деб хавфсираб ҳам юрдим. Шу санани айтганига кўнглим сезиб, уни фош қилишга киришиб кетганим, ишқилиб, бежиз эмас-да. Шунча одам қолиб, келиб-келиб мен биламанми бўлмаса. Уларнинг орасида билимдон олимлар, факультет деканлари бор экан, булар ҳам майли, одамнинг кўзига қараб, фақат чўнтагида пулини эмас, кўнглидагини ҳам санай оладиган дўкон мудирлари ҳам чув тушганига нима дейсиз!

Ҳуркани оддий аёл, фарзандига меқрибон бир она дейишга тилим бормайди. Аёл, яна она инсоннинг шунча одамни, ҳатто ўзлари хоҳлаб, йўл бериб турса ҳам лақиллатиб кетиши мумкин эмас. Уларнинг ичида халқ назоратию ОБХССларга тутқич бермай, балки ўзларини шерик қилган чилтонлар ҳам бор эди, дейишади. Ҳуркани шунга қараб, ҳаммамиз қатори бандаи ожиз дея олмадим ўшанда. У бошқа дунё, ҳалиги айтганим, мувозий оламнинг Иблисиясидан келган урғочи иблиса деб хулоса чиқарганман. Бошқа изоҳи йўқ. Мен билан тўқнашувда яхшилик билан ёмонлик ўртасида кураш кечган: мен – кўп яхши нарсаларни ўқиб, шундан тарбия ҳам топганим, бошқа боғланишлар ҳам қўшилиб, яхшилик вакили, у иблиса эса ёмонлик кучлари томонидан; камина ғолиб чиқди, у маҳв этилди, яъни камалиб кетди.

Лекин шу билан бадар қуримаган экан. Уни ўн-ўн беш йиллардан кейин яна кўрдим. Аввалига танимадим. Кечқурун рулда эдим, тирикчилик, йўл бўйида бир аёл қўл кўтарди. Кийимидан билдим, бозорчи хотин, тийиннинг устида думалаб турадиган хилидан, лекин ноилож, бошқа мижоз йўқ, тўхтадим. Хотин олдинги ўриндиққа таппа чўқди. Борадиган жойини кейин айтди, бир қадам – Чилонзор бозори экан, йўқ демоқчи эдим, лекин

товушининг нимадир бир ҳукми бор экан, ҳаддим сиғмади. Қоронғи, қарашга юрагим дов бермайди, бир нарсаси бор, билолмаяпман, аммо менга тикилиб қараб кетаётганини сезяпман. Нигоҳлари чаккамга ўқдек қадалган. Э-э, худо, рўзғор ташвишидан ҳам чарчадим, ёзувчи ҳолимда бу нима юришим деб эзилиб боряпман. Хотин вағиллаб гапга тушди. Хонимфуруш экан, бир милиционер йигит тирғалибди, унга эмас, ёнида манти сотадиган чалароқ қиз бор экан, шунга. «Э-э, йигит ўлгур, эркакмисан! Сенга қиз керакми, мана, мен турибман, қўй бу бечорани, чиройли бўлса ҳам ўзини худо уриб қўйибди-ку, кўзинг ўйилиб тушгур, дедим», деб саннаб кетган эди, бирдан таниб қолдим – Ҳурка! Худди ўзи! Ўзгармаган. Сочи калта кесилган, қўйлак тагидан шими тирсиллаб чиқиб турибди. «Нима дедингиз? Боплапманми? Майли, менга ёпиш, дедим. Энди қайтадан қиз бўлмайман, лекин ҳали ҳаммасини ярим йўлда қочираман. Тўғрими, укам, ўғил бола гап?» деганда, «Мен... мен билмасам бунақа ишларни», деб ғулдираган эдим, у ҳам шартта таниса! Урди худо. Кўзимни қаёққа яширишни билмайман, у эса менга қадалиб олган. «Жуда танишсиз-да. Ҳа, олдин ҳам учрашганмиз. Таниб турибман», дейди, мен индамаяпман, яна гапирсам, отимгача билиб олади деб. Қаранг-эй, сим-сиёҳ кеча, кўчанинг чироқлари ҳам сийрак, шу қоронғида менга қараб, таниб турибди, шунча йилдан кейин, ўзи эса ўзгармаган, ўша-ўша иблисалиги. «Қўлимдан ҳамма хоним еган», деб қўяди яна. Бозоргача миқ этмай бордим, «нўл тўққиз»ни тўхтатганимдан кейин сўрамасам ҳам: «Шу бир қадам жойга ҳам пул оласизми», деб таъна қилган эди, «Э-э, раҳмат, раҳмат, сизга текин», дедим. Тушган жойида эшикни қўйиб юбормай, эгилиб қаради, «Ҳа, ука, ўзингизни айтмадингиз-а, лекин мен танидим, биламан сиздақаларни. Хонимимдан егансиз», деб ичимдан терлатиб юборди. Кўряпсизми иблисалигини! Анча йилга кесилиб кетганини ўз қулоғим билан эшитганман, ўшанда судига бормоқчи ҳам бўлдим. Лекин кўрққанман, барисини мана шу қилди, бўлмаса, шунча одамнинг ҳаммасига уй олиб берардим-а, деб суддагиларни ишонтириши ҳам ҳеч гап эмас эди. Мана энди, шунча йил ахлоқ тузатиш жойларида ўтириб, ахлоқи тузалмаган,

ўзи ҳам ўша-ўша, худди шунча одамни куйдирмагандек, айтаётган гапини каранг, ҳаммага хонимини едириб қўяди, милиционер йигит ахлоқсиз, эй, менга ёпиш, ваҳ-ха-ха эмиш...

Мен шунақа даҳшатли ёвуз куч тимсоли билан олишиб, шиддатини пасайтириб, ёсуманни хонимфуруш бозорчи хотин даражасига тушириб қўйганим учун ўзимга ҳам тан беришим кераг-у, лекин асосий масала яхшилик кучлари вакили бўлиш шарафига сазоварлигим деб биламан ва ғаллаороллик келинчак ҳам хайрли фазилатларимни қўллаш нияти билан шу кучлардаги қутли бир гўзаллик тимсоли сифатида кўринган дейман. Уни кўп эслайман, хотираларим жуда ёруғ, илҳом бериб туради. қай бир маънода у хизматчи ғулияга ҳам ўхшаб кетади, ким билади, менга жуда яқинлигини ўйласам, бу ердаги чархи гардуннинг ишларини англаш қийин, балки унинг ўша соғинч ҳолида қолиб кетган, энди ўзгача қиёфага кирган ўзидир деган фикрларга ҳам бораман. Мувозий оламдан бизнинг дунёга ўтиб келганларнинг турли қиёфада, жумладан одам қиёфасидагиларининг орамизда яшаб, ҳатто ҳамхона бўлиб туриб ҳам ўзини билдирмаслигини назарда тутсак, бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Сиз билан ҳам шундай бўлиши мумкин. Мен қилиқ-қилгуликлари билан бу дунё одамига ўхшамайдиган жуда кўпларни кўрганман. Сизга ҳам дуч келган, эътибор бермагандирсиз. Уларнинг айримлари яхши бўлса, анчаси тинч яшай олмай, сизу бизга тухмат қилиб, бўҳтон ёғдириб, туриш-турмушимизни заҳарлаб юради. Мана, биттасини биламан, одамларнинг устидан тегишли жойларга ёзиб беради-да, кейин ўша одамга бориб: «Виждоним қийналиб кетяпти», деб хасрат қилади. Кўпинча ўзининг дўсти бўлади-да. «Нимадан қийналяпсан мунча?» деб ҳамдардлик билдиради-ку дўст. «Кеча устингдан ёзиб берганман», дейди у. Албатта, дўст анграяди, жаҳли чиқишини ҳам, аразлашини ҳам билмай анграйиб қолади. «Хўп, - деб зарда қилади охири. – энди нимага йўқ виждонингни менга пеш қиласан?» «Ёзганим ғирт тухмат-да, олдингга келиб бўйнимга оляпман. Кечир! Дўстимсан-ку, ахир!», дейди ёзғувчи яна. Бунга нима дейсиз энди, жину ажинани малака ошириш

курсларида ўқитмайдими! Э-э, у оғиз қийшайтиришлар ўтмишда қолиб кетаётган эски усул.

Албатта, жину ажинанинг яхшиларида ҳам эҳтиёт бўлган маъқул. Чунки берилиб кетиб, бу дунё ишларини унутиш мумкин. Ҳалиги келинчакка ўхшаганлари жуда кам учрайди, у билан учрашишим ҳам давом этса, оқибати яхши бўлмас эди. Ҳатто Шоир акам ҳам оддий одам эмас деган хаёлларга бораман. У бизга ўхшаб пулнинг бетига қарамас, умуман бойликка қизиқмас, ниҳоятда инсонпарвар, биров бировни алдаганини эшитса, жаҳли чиқиш ўрнига, ўша алдаганнинг ўзига раҳми келар, яна шунақа жуда кўп фазилатлари бор эдики, бу ҳаётга сира тўғри келмас, ҳатто Хуркадан ҳам: «Инсониятнинг истеъдоди чексиз» деб, чин маънода ҳайратга чўмиб, еб кетган пулига рози эди.

Ана энди, мен айтиб берган, ўзингиз ҳам биладиган шунақа воқеотларнинг барчасини бир тизгинга тизиб, хулоса чиқаринг: хўш, шундай одам Ғулистонга қандай бориб қолдим, булар адаштириб олиб ўтдиларми ё ўз ихтиёрим билан келиб, буларга юк бўлдимми? Ўзим ҳам бошда буларнинг устомонлигидан кўриб юрдим, лекин анча яшаганимдан сўнг, асир қилинган бўлсам, бу иззат-эътибор нимага, деб анча юмшаб қолдим. Ғулистонгача кечган ҳаётимни чиғириқдан ўтказдим, болалигимдаги ажиналар, инсу жинсларнинг етти пуштимизга тегмаслиги, менга ҳам зарар етказишга ҳадди сиғмаслиги, вакиласи сўз берган-да, кейин уюшмада ишлаган пайтларим ҳар хил башоратчи-экстрасенсларнинг алоҳидалигимни айтганлари, айниқса шоир дўстимнинг аждод руҳларим билан билиб таништирмоқчи бўлгани, охири, мана, Хурка масаласида ўнлаб одамларнинг ҳаёлига ҳам келмаган алдовни фош этганим – ҳамма-ҳаммаси ўзимга ҳурматимни ошириб, ҳалиги айтдим-ку, мувозий дунёлар туташган жойда фавқулодда ўзгариш ясаб, бу ёққа ўтиб келганимга ишондим. Кўп нарса ойдинлашди. Биринчиси, албатта, мени, яъни одамни ғулийга айлантиришга уринишлари. Бу сўлим боғҳовлига жойлаштириб, занжирни онгу кўникмаларимга сингдириб, тез кунда ўз

каторларига олишга уриндилар, лекин мен ҳеч қандай асоратга бўйин берадиган эмас эканман. Энди асирликда тутиб эмас, балки нима қилишга чора тополмай, мўътабар меҳмон мартабасида ушлаб турибдилар. Хизматчи ғулиянинг муҳаббати шундан, у ҳам занжирсиз ҳолимда алоҳида мартабамни калби билан туйган, қаҳрамонга қарагандек қараб, вазифасидан ташқари ҳам, одам билан яқинликка юракдан интилган, ҳис-туйғуси устун келиб, чирок ўчириш завқига берилиб кетган. Қизлар нимаси биландир ажралиб турадиганларни ёқтиради-ку, бу ҳам ғулия бўлса-да, бари бир қиз нарсас, кўнгли бошқача йигитларга мойил, фақат ноқулай томони - оддий лайли-мажнунлик даражасидан нарийёққа ўтиб кетиб қолибмиз. Ғулистонга келиб, ғулийлар орасида яшаб, ҳатто ғулия қизнинг муҳаббатига эришиб ҳам улардан бирига айланмаганим сабаби – ўзимни асраб юришим, гоҳ тилимда, лекин доим дилимда калима қайтариб, ўзимни асраганим, энг асосийси, мустаҳкам қалқоним эшонбобо отам орқали Яссавий сингари боболаримнинг руҳи қўллаганида деб биламан. Чуқур кетган томирларини унутмаган одам кам бўлмаслигига аминман. Энди ғулия қиз билан вақтихушлигинг ҳам имонингнинг бутунлигими, деб ёзғиришингиз мумкин. Лекин масала сиз ўйлагандан чуқурроқ, бу менга ҳам боғлиқ, ҳам боғлиқ эмас, оламшумул муаммолар олдида у билан кечирган ишқ шарорамиз майда масала, сал бир шўхлик-да энди. Ҳали ўзингиз тушуниб оласиз.

Ҳа, узр-да: мен ундоқ, мен бундоқ деб, ўзимга баҳони ошириб юборяпман, лекин ўша пайтлари шу аҳволда эдим: ётларнинг орасида яхши томонларимдан кундуз куни чирок ёқиб суянч излаганман, кейин, тушунинг-да, шундай деб кўнглимни ўзим кўтариб юришдан бошқа чорам ҳам йўқ эди-да. Мақтанчоқлик демассиз, ахир.

Фулистондаги жиддий тадқиқотлар

Ана шу чалкаш, лекин чуқур боғланишлардан сўнг Фулистондаги ҳаётим умидга тўлиб, анча осон кечди. Бу ердан бир куни кетарман, унгача ўқиб-ўрганиб қолай деган ишонч мени яна кутубхонага қамади. Жилдлардан ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўрганишга киришдим. Саҳифалари тез-тез ўзгариб, янгиланиб тургани билан, бари бир, бошқа олам, бошқа мамлакатда, жуда қизиқ. Кўп жиддий кашфиётларга кўзим тушди, кундузи куёш яллиғи, кечаси юлдузларнинг нури билан юрадиган машина кашф этилиш арафасида, ҳозирги ҳолатида у кундузи тез, кечаси секинроқ, булут чикқан кунлари юрмай ҳам қоладиган қилиқ чиқариб, ҳозир шу тафовутни бартараф этиш борасида охирги ишлар кетяпти экан. Хўш, роботлар яшаш соҳасида оламшумул ҳаракатлар бор, ажойиб намуналари яратилган, булар орасида сунъий ит, мушук, от, ҳатто эшак жонивор ҳам эсдан чиқмаган, бу нима зарил экан, билмадим, лекин фаннинг бунақа йўналишини унча тушунмаганим, кейин ўзимизда ҳам бунақа ихтиролардан хабарим борлиги учун унча завқланмадим ҳам. Чақирим-чақирим ўзи юрадиган тўшама йўллар ётқизиляпти экан, устига турсангиз бўлди, истаган манзилингизга етказди, фақат силтанган пайти тутқичини маҳкамроқ ушлайсиз, шу томони ҳали анча ишловталаб, лекин бунақаси ўзимизда бор, сал қисқароқ, кўп йиллар кейин Истанбул аэропортида ўзим, бошқаларини эса телевизорда кўрганман, сизга ҳам унча қизиқ эмас. Ишқилиб, ривожланаётган мамлакат сифатида тарихдаги кашфиётларига ўхшаган инкишофлари ниҳоятда кўп, изланишлари эса ундан ҳам бисёр.

Шу ўринда бир кемтигимни ҳам айтмасам бўлмас. Ўқиб юрган пайтларим сўзамол жавобларимга «беш» қўйиб бераверган ўқитувчиларимдан энди ранжидим. Бурро тил бурро ақл нишонаси бўлавермас экан, ҳалиги «беш»лар бу ерда асқотмади. Баланд баҳо эмас, чуқур билим керак экан! Буларнинг китоблари мутолаасида мазмунининг ичига кира олмай, фикрларим юзалаб кетаверганида ана шу ҳақиқатни аччиқ

англадим. Аттангки, дипломда «аъло» бисёрлиги қомусий билим дегани эмаслигини бошимдан ўтказдим!

Хўш, яна гапимизга қайтсак, мутолаада жуда кўп йиллардан бери баҳсу мунозара чиқариб, қарши томонларни батамом маҳв қилган бир ғалати тадқиқотга дуч келиб, таажжубга тушдим. У уч босқичда экан, биринчиси – турли хил мева-чева таркибида темир моддаси – феррум миқдорини кўпайтириш, иккинчиси – уни инсон танасига сингдириш, учинчиси эса... сизга кулгили туюлади, лекин улар учун жуда жиддий, мафкура даражасига чиққан ақида. Келинг, бир бошдан айтай. Ўзингизда тургандир, Фулистон ҳудудига кирганимдаёқ олмая олмazorлар кўплигига эътиборим тушганини айтган эдим. Бу бекорга эмас экан: таркибида энг кўп темир моддаси бори - олма, шунинг учун унинг турли хил навлари, ҳатто қишда иссиқхонада ҳам тармева берадиганларини ҳам яратиш қишлоқ хўжалигида устивор масала бўлиб, бунинг тепасида ҳалиги ҳамма деворда расми осилиб, бош ҳайкалчаси ёпиштирилган даҳо ғулийбоши туради. Бу – тадқиқотнинг олманинг ўзигагина боғлиқ йўналиши. Уни кенг тарқалган истеъмол маҳсулотлари, жумладан буғдой, гречиха, сули, арпа, тарик билан чатиштириб, кейингиларида ҳам феррум миқдорини ошириш, фаннинг яна бир изланиш сўқмоғи сифатида – хурмо билан шолғом, картошка, қизилчани бир-бирига чанглатиш, чунки темир моддаси хурмода ҳам анча экан-да.

Ўзингиз кўрмагандан кейин, ишонмайсиз, мен ҳам бошда бу ўсимликлар билан олма ёки хурмонинг тамомила бошқа-бошқа оила, бир-бири билан пайванд қилса ҳам, елимлаб ёпиштира ҳам чатишмаслигини холдор ошнамга тушунтирмоқчи ҳам бўлдим, лекин жилдларни ўқисам, масаланинг кўлами кенг, ўнлаб илмий-тадқиқот институтлари, юзлаб ғулий олимлар ишляпти, ҳей-ҳей десам, ўзимни жиннига чиқаришлари ҳеч гап эмас, индамай қўя қолдим. Кейин менинг ўзимизда олган билимларим, айтдим-ку, буларнинг илмига тўғри келмади. Яна, бу ерга кириб келаётганда ўзимизнинг Бойсун тоғларига ўхшаган қизғиш тусли ерларни кўриб, унча

аҳамият бермаган эдим. Анов кун боғҳовлидан ташқаридаги буғдойпояларнинг тупроғи ҳам қорамтирроқ кўринган, ери шунақа кумок экан, деб қўйган эдим. Энди жилдларни ўқиб кўрсам, бу ерни феррумга тўйинтириш натижаси экан. Мевалар таркибида феррумни кўпайтириш олимлар тавсияси билан икки хил усулда: ўғит сифатида солиш ва пуркаш йўли билан амалга оширилар экан. Бунинг учун феррум унга бой рудалардан ажратиб олиб, эритилади, бошқа кераксиз маъданлардан тозаланиб, кейин яна қотирилиб, кукун ҳолигача туйилади, кейин мевали дарахтларнинг тагига солинади ёки далаларнинг тепасидан махсус ускуналар билан пуркалади. Ерларнинг қизғишлиги шу кукуннинг занг ранги, қорайгани далага янги сепилганидан экан. Мазкур иш жуда кенг миқёсда олиб борилиши ҳақида маълумотлар бисёр, лекин натижаси ҳақида туманли гаплардан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Сиз албатта ишонмасиз, лекин шунақа қизғиш ё қорамтир далаларга ўзим гувоҳ, минглаб, балки кўпдир, ғулийларнинг айни юмуш билан банд эканликларини кўрдим, ўқидим, Ғулистон миқёсида ҳисоб қилсак, қанча маблағ ва техника кучи сарфланишини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Майли, ишонманг, лекин мен бутун бир мамлакат, ҳали нуфусини тўлиқ аниқлай олмаганим ғулиётнинг даҳо ғулийбоши топшириқларини оғишмай, яқдил бажаришига қойил бўлганман.

Изланишларнинг иккинчи бош йўналиши - инсон танасига темир моддасини сингдириш бўлиб, бунга ҳам барча илмий-потенциал кучлар, тумонат боғбону деҳқонлар жалб этилган ва ҳаммаси Ғулистонни тўлиғича олмazor бoққа айлантириш устида тер тўқади. Бошларида албатта даҳо ғулийбоши, бор иш унинг назорати ва ғамхўрлиги остида. Бошқа мевалар борасида ҳам анча баҳслар кечган, улардан, боя айтганим, устуворлик хурмога ҳам салгина берилган ва бу ҳам даҳо ғулийбоши қарамoғида. Умуман мен шу борада улар билан ҳамфикрман: баҳсу мунозара деб илмий жанжалларни урчитгандан кўра, барча соҳаларда, бошқа арзигулиги топилмаса, албатта, бир даҳонинг фикри билан иш юритган маъкул деб

ҳисоблайман. Кейин, бу занжир эътиқодига ҳам мос, ҳамма фаровонлик тартиб ва бўйин сунишда эканини исботлайди.

Энди учинчи, асосий мақсад йўналишига келсак, бунга ҳам, албатта, даҳо ғулийбошининг шахсан ўзи бошчи, ишлар унинг қарами, ғамхўрлиги остида, ҳаммасига вақт ажратиб, шахсан қараб туради. Лекин сиз айтганларимга ажабланманг, чунки бу олдингиларидан ҳам жиддий масала.

Дастлаб ўқиганимда менинг ҳам ҳайратдан эсим оғиб қолаёзди. Ғулиёт олимлари неча-неча йиллардан бери, тарихни мунтазам тузатишларини ҳисобга олсак, балки қадимдандир, мамлакатнинг темир рудасига эҳтиёжини камайтириш, занжирсозликка чек қўйиш мақсадида, англаяпсизми, ҳа, айнан шу серчиқим қора меҳнатни йўқотиш йўлида катта саъй-ҳаракатлар кўрсатиб келар экан. Улар занжирга қарши бош кўтарибди деган фикрга борманг тағин. Асло! Ёзувчи дўстим, айтдим-ку, ана шунақа нозик масалаларнинг устидан юзалаб ўтиб кетган. Майли, уни кўп ёмонлайвермай, қаламни қўлига яхши ниятда олган-ку. Ҳа, улар, яъни ғулиёт, одам ишонмайди, - ғулийнинг ўзини занжири билан бирга туғдиришга бел боғлаган! Англаяпсизми, чақалоқ жимит ғулийча, бўйнида ўзига мос митти занжирчаси билан туғилади! Бир тасаввур қилинг, занжир она қорнидан чақалоққа қўшилиб, баданининг табиий аъзоси бўлиб яралади, туғилгандан кейин у билан бирга улғаяди, яъни бўйи ўсишига қараб чўзилиб-каттариб боради! Бунинг йўли - ғулий танасида темир моддаси – феррум миқдорини ошириш! Феррум қандай кўпаяди – таркибида темир моддасининг миқдори юқори меваларни, айниқса олмани кўп ейишдан. Болаликдан, эркагу аёли. Кўп темир моддаси тўплаган ота-онадан бўладиган ҳомиладаёқ темир моддаси нозик занжир ибтидосига айланиб, туғилганида, баданига тақилган ҳолда, бирга дунёга келади.

Мен, очиги, бунақа илмий жасоратга илгари сира ҳам дуч келмаганим учун тонг қотдим. Ҳали бирон ғулий боласини бўйнида занжири билан бирга туғдиришга эришмаган эканлар-у, лекин ана-мана, бари бир, дунёга келади деб, бутун Ғулистон интиқ. Агар шундай туғма занжирбанд болача туғилиб

қолса, тасаввур қияпсизми, волидаларию авлод-авлодларини ҳам шуҳрат, ҳам маблағ билан мангуга таъминлаб қўйишини.

Биринчи кунлари нима учун доим дастурхонда бир чинни олма туришига, хизматчи қизнинг ҳам ўзи еб, ҳам мени ундаб ҳол-жонимга қўймаслиги, айниқса холдор ғулийнинг олмани пўчоғини узмай юпқа пайраха қилиб арчишига эътиборсиз қараган эканман, энди ваҳимага тушдим. Булар менда ҳам ўша феррум миқдорини ошириб, занжирга табиий майл уйғотишга, эҳтимолки, бу қиз билан... майли, ғулия бўлса-да, кўнгил бердик, ҳар хил гумонларимни айтавермай, ишқилиб, шунақа бир режалар тузган эканлар. Бу, кимёдан саводим чала ҳолида ҳам биламан, албатта хомхаёл, лекин бари бир, танамга сингган темир моддасидан занжир униб, вужудимни чулғаб оладигандек, олмани азалдан яхши кўрсам ҳам, энди томоғимдан ўтмай қолди. Ғулия қизнинг олмахўрлиги ҳам қаергача боришини ўйлаб, хавотирга тушдим.

Лекин бор гапдан кўз юмиб бўлмайди, Ғулистонда занжирбанд бола олиш борасида жуда кенг кўламда иш олиб борилади, бутун ғулий халқи бугун бўлмаса, эртага, жилла қурса, яқин келажакда шундай намуна зурёд дунёга келишига ишончи комил ва шу йўналишда илҳом билан ижод қилади. Олманинг ўзи, шарбати, тўппаси, пўсти, қиёми, очари, парра қоқи, пайраха кесмаси, қуритилгани, димлангани, ошга босилгани, талқони, ҳатто уруғини ютишгача — ҳаммасининг таркибида қанча феррум борлиги жадвалга солиниб, бўлажак онага тавсия этилади. Олма сайли, йилда бир неча марта ошиқлар куни ўтказилиб, уларда занжир жўрлигида хор қўшиқлари куйланади. Чимилдиқларга шу тилакда олма гули осилади. Қиш кунлари ҳам иссиқхоналардан гуллаб турган шохчаси келтирилади. Ашулалар, термалар, мусиқалар, жиринг-жаранг мажмуалари, ҳа, уни бўлажак онанинг ўзи кўзи ёригунича айтиб, занжири билан чалиб юради, ишқилиб, боланинг туғма ғулий бўлиши учун, нима лозим кўрилса, сидқидилдан ҳаммаси қилинади. Ҳозирча куттиряпти, лекин ана-мана келай деб қолган. Шундайин зурёдни

кай бир бахтиёр ёш она етилтираётганига бутун вужудингиз билан қаттиқ инониб, кўз олдингизга келтирсангиз, ҳақиқатан ҳам лоп этиб туғиладигандек туюлаверади. Ҳаммаси ишончга боғлиқ.

Ана шу ўринда ишончнинг ҳаётбахш яратувчилик қудратини чуқурроқ ҳис этдим. Албатта, олма тугул, фарангларда ҳамма нарсани кемириб ташлайдиган одамга ўхшаб, темирнинг ўзини чайнаб еса ҳам, она қорнидаги болада занжир ҳам пайдо бўлиб, яна унга чатишиб туғилмаслигини яхши биламан, лекин мамлакат миқёсида кенг кўламда олиб борилаётган ишга ишонмасликка одамнинг ҳадди ҳам сиғмайди. Шунчанинг умидини битта мен синдира олмайман, ахир.

Ғулистонда жами ишлар ана шу ихлосга қурилгани учун ҳам мамлакат фаолияти равон юритилади. Бунда мақсадга етиш, яъни кутилган натижага эришиш шарт эмас, гап интилишга ундаш, етаклай билишда. Бунда мақсад нечоғли узоқ, унга етиш қанчалар ниҳоясиз машаққат бўлса, яна-да яхши, унга етиш керак ҳам эмас, етилса, зарарли ҳам. Зеро мақсадга эришилса, шу билан унга интилиш тугайди, бинобарин, энди ўзига чорлаб, келажакка илҳомлантирадиган бошқа янги бир мақсад топишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам, тушундимки, ғулиёт учун болани ўз занжирчаси билан дунёга келтириш натижаси нечоғли олис, туманли, унга эришиш қанчалар иложсиз бўлса, шунча маъқул, тинимсиз интилиш ниҳоясига етмаса, демак, ўртада шунча кўп ишлар амалга ошаверади. Даҳо ғулийбоши ўз халқи руҳиятини чуқур англаган ҳолда, унинг олдига ҳеч қачон етиб бўлмайдиган мақсадни белгилаб қўйиб, охири йўқ йўлдан ишонч билан бошқариб бораверади, йўл, табиийки, тугамайди. Занжирбанд бола туғдириш муаммоси ҳам шундай, қанчалар ақл бовар қилмайдиган иш бўлса, демак, амалга ошириш учун ундан ҳам баландроқ ақллар етмайдиган юмушларга қўл уришга тўғри келади. Шу тариқа интилишлар бир-бирига уланиб, илҳомбахш бўлиб бораверади. Олмадаги темир моддасини инсон танасига сингдириш борасида қилинаётган ишлар ҳеч қачон натижа бермайди, балки бу модда кўпайиб

кетса, турли касалликлар ҳам келиб чиқиши ҳам мумкин, лекин шу мақсадга эришиш керак деган ишонч бутун Ғулистонни гуллаган олмазор боққа айлантириб, ғулиётни бу мева ҳосили билан абадул-абад таъминлаб қўйган.

Қудрат йўқ ердан ҳам бўлади

Бошқа, масалан, ғарб дунёси одамларига Ғулистондаги бу ишлар ғалати туюлиши мумкиндир, лекин мен – буюк йўлдан коммунизмга атиги бир манзил қолганда қайтган инсон, дарров тушуниб инкишоф этдим: бу ерда ёлғоннинг яратувчилик қудрати бор. Темир моддаси, у билан боғлиқ мақсадлар, то темир занжири билан туғиладиган чақалоқ масаласигача, бир сўз билан айтганда, ёлғон. Лекин у жуда катта, кўлами камида мамлакат миқёсида, шунинг учун ҳам ишончли, чунки бундай катта кўламли ишга ишонмай бўлмайди, ишонмасангиз, ютиб ҳам юборади. Унинг ҳаётбахшлиги ҳам шунда.

Энсангиз қотмасин-у, лекин сиз ҳам қирқдан ошган бўлсангиз, бошингиздан ўтган, яъни ишончнинг кучини амалда кўргансиз. Ёруғ келажагига етмадиг-у, аммо мақсад сари етмиш йиллик интилишда нималар қилмадик, нималарни қуриб ташламадик! Кўпни алдаш осон шекилли, кейин, мамлакат ҳам кунчиқишдан кунботишга қадар бепоён, нуфуси жуда улкан эди, ўша бўлғуси буюк бахтга ишониб йўл босавердик-ку! Шундоқ экан, етиб бўлмайдиган мақсад сари ҳормай-толмай кетаётгани учун ғулиётга беписанд қарашимиз инсофдан эмас.

Хуллас, белгиланган йўл ёки берилган кўрсатманинг ҳаётбахш яратувчилик қудратига ишонч – уларнинг бахту фаровонлиги. Бу маънода ёлғон уларнинг келажагини таъминлаб қўяди, десак ҳам хато қилмаймиз. Мақсад йўлида топширилган вазифани бажарадилар – келажакка кетаверадилар, ғулиёт психологиясининг одамни ҳайратга соладиган некбинлиги ҳам шунда. Албатта, бунга эришиш осон кечмаган, мен тарих жилдларини варақлаб, бу йўлдаги кескин курашларни кўрмадим, эҳтимол, ўтмиш воқеалари одатдагидек янгилаб ёзилгандир. Лекин ғулиётнинг мўмин-қобил табиати, даҳо ғулийбоши раҳбарга ишончу садоқатидан хулоса чиқарсак, у кўрсатганидан бошқа йўлдан юришни истамайди ҳам. Чунки, бошқа йўл излаш, биринчидан, ғулийбошининг кўрсатмаларига зид,

иккинчидан, ғулиёт орасида бошбошдоқлик ва бўлинишларни келтириб чиқаради. Мен, масалан, энг илк марта қабила бошлиқларининг умумий йиғилишида занжир тақишга ўтилиши борасидаги тарихий манбаларни ўқиб шу фикрга келдимки, фуқаро ғулийлар қабила бошлиқларига, қабила бошлиқлари эса ягона даҳога қарши чиқиб ўтирмаганлар. «Кел, олишиб-тортишиб юргандан кўра, шу занжирини тақиб қўя қолайлик, кейин бир гап бўлар, ахир», деганлар. Кейин, асрлар бўйи такқандан сўнг, шу қадар кўникканларки, тақмаса юролмайдиган, тақмайдиганлардан нафратланадиган бўлиб кетганлар. Мана, ҳозирга келиб ғулийлар - ғулий, мамлакатларининг номи Ғулистон, занжирсизлик тасаввурга ҳам сиғмайди. Бўлмаса, бундай ўйлаб қарасангиз, занжир шунчаки бир темир тушов, эркин юришга ҳалал беради, яшашга ноқулайлик туғдиради, у бутун оламнинг муаззам тартибини яратади деган таълимот ғирт чўпчак, чунки унинг ўзини инсон ясайди, лекин... бу чўпчак ҳар қандай ҳақиқатдан кучли, ҳаётбахшроқ. Ғулий учун ҳақиқат нима – бор-йўғи бор нарса, билганингиз билан бирор нарсага эришсангиз экан. Занжирнинг оламини муаззам тартибда сақлаб туриши тўғри эмаслигини ғулиётга исботлаб, уни ишонтиринг, оқибати нима бўлади? Гуллаб яшнаётган жамият инқирозга учрайди, занжирбандлик таълимоти чилпарчин, ғулиётнинг ўзида занжир ўрнига нимани кишан қиламиз деган калапатралик, ва турган гап, Ғулистон пароканда, унга ҳам янги ном топиш керак, хуллас, бутун мамлакат ғалвага итирқин. Холдор ғулий бир ҳангома берганда «Сарваримиз бизда ғулийларни ўй ўйлашдан ҳалос этиб, қийналмай яшашларига шароит яратган, зеро, ғулий учун ўйлашдан ҳам оғирроқ азоб йўқ», деди, бу гапни у мени ўзларига оғдириш учун айтган бўлса ҳам, ғоят тўғри деб топдим, чунки у ҳам шундай дейишимни кутиб турган эди. Тинч бир жамият, фуқаролари мўмин-қобилгина бир мамлакатга орани бузадиган ҳар хил эркин фикрлар нима керак ўзи? Битта сарвар, яъни ғулийбоши раҳбар бўлса, бас-да.

Бадиий асар ҳам хавфли бўлар экан

Ёзувчи дўстим ўз рўмонида мен бошчилигимда бир гуруҳ ғулийларнинг занжирга қарши бош кўтариб, хуфия ташкилотлар тузганини ёзган-у, лекин бунинг қанчалар зарарли оқибатларга олиб келиб, охир-оқибат, Ғулистонни инқирозга учратишини ўйламаган. Агар у рўмон, ҳалиги олдин айтганим, буларнинг бизга боғланадиган робиталари билан Ғулистонга ўтиб қолса, оқибатини башорат қилиш қийин. Бунга аниқ хавф ҳам бор, масалан, дейлик, рўмон Ғулистонга келишимдан олдин ёзилиб, мен ҳам олиб, Жиззахга борганда ўқирман деб, машинамга ташлаб қўйганимда, келганимдан кейин булар топиб олса, худо кўрсатмасин, бошимга нималар тушмас эди. Ё мамлакатга тақиқланган адабиётни олиб кирганим учун қамалиб кетардим, ёки бу асар ҳам қўлма-қўл бўлиб, анча ғалва қўзғарди. Яхшики, қайтиб келиб, айтиб берганимдан сўнг ёзилган, лекин бу хавф йўқолди дегани эмас. Келажакда бошқа бирон одам ҳам Тошкент – Жиззах йўлида шу кўргуликка учрамайди деб айтиш қийин. Шунинг учун ҳам йўлга чиқадиганларга ёзувчи дўстимнинг рўмонини олиб юрмасликни маслаҳат бераман. Менинг озодлик билвосита акс этган безараргина нарсаларим шунча машмаша чиқарди-ю, уники бориб қолса, ҳай-ҳай, билмадим, ишқилиб, кўп хавф иш бўлар эди лекин. Умуман бегона юрт йўлида бадиий асар олиб юришнинг хосияти йўқ экан. Таннимда синаб кўрдим, ҳали айтиб бераман.

Биз занжир тақмаймиз, инсоннинг ўзини ўзи кишанбанд қилиши ақлимизга ҳам сиғмайди, ғулийлар эса ҳаётни шусиз тасаввур қилолмайдилар, хўп, нима бўпти шунга, қўйинг, ўзларига маъқулми, тинчлик-фаровонликлари шу биланми, яшайверсинлар. Ҳаётимизни уларга ўрнак қилиб қўйиб, ҳаммани ўзимиздек яшашга ундашимиз инсофдан эмас. Шўро замонида бошқаларга ақл ўргатавериб ўзимизда қолмагани етади бизга. Бу гапни бекорга ё ўзимизнинг яқин ўтмиш замонимизни ёмонлаш учунгина айтмаяпман. Ғулистонга ҳеч бир алоқаси ҳам, занжирдан

кутулишга ундов-пундов ҳам йўқ, воқеалари бизнинг кечаги ҳам бугунги кунларимиздан олинган, ғулийларга тариқча ҳам дахли бўлмаган китобимнинг бошимга қандай балолар олиб келганини айттсам, бадий асар билан ҳазиллашиб бўлмаслигини шунда тушуниб оласиз.

«Нўл тўққиз»да, албатта, дўстимнинг рўмони эмас, ўзимнинг ўзоғ йили чиққан китобим бор экан. Ҳа, машинада китобимни олиб юришни одат қилганман. Тез ҳайдайман, «дан»чилар жуда кўп тўхтатади. Шундоқ ола таёғини кўтарса бўлди, юрагим шиг-ғ этиб, тормозни босиб юбораман. Лекин дарров ўзимни босаман, чунки шулар учун албатта бир-иккита китоб атаб қўйилган. «Э-э, салом, яхшимисиз, ҳорманг! Биздан хато ўтди шекилли. Узр, узр энди, бошқа қайтарилмайди», деб яхши саломлашиб, унча қадримни туширмай кечирим сўрайман. Кўпи бунақа қалтирамай очик гаплашишимга ҳайрон туради, айримлари бу одамдан ҳеч нарса ундиролмайман деб сал тумсаяди, шунда «Мени танимаяпсизми?», дейман, танигани танидим дейди, танимагани «Сал танимайроқ турибман. Лекин қаердадир кўрганман», дейди, ана шунда мен: «Офтобда қоврилиб...», киш бўлса, «Совукда қотиб... турган экансиз. Шу меҳнатингизга бир қўлингизни олиб қўяй, деб тўхтадим-да», дейман. Яхши гапирсангиз ким эрмайди? Ўзи тўхтатган бўлса ҳам, ҳурматим учун тўхтабди-да, деб ўйлайди. Шунда ҳам тархашлик қилаверса, «Мана шуни биз ёзганмиз», деб китобни дастхат билан бераман, кейин ҳам жаримасиз қўйиб юбормасин-чи! У турган жойдан ҳар куни ёзувчи ўтпаптими? Баъзи ўтганлари эса бир тийин ҳам бермайди, аксинча, хафа қилади. Бир куни ўзим билан шундай бўлди. Эрталаб учириб бориб қолибман, Сирдарёнинг кўприги тагида биттаси турган экан, ола таёғини ўқталиб, йўлнинг ўртасига чопиб чиқди. Ноилож тўхтадим. Важоҳатидан китоб-питобга кўнадиган эмас. «Қани, ҳужжатларни олинг-чи», деган эди, шартта редакция гувоҳномасини чиқардим. қизил муковали, устида герб ҳам бор. Музейда ишлаганимдан қолган, ичига редакциянинг қоғозини ўзим ёпиштирганман, салобати зўр. «Дан»чи уни шундай кўрди-ю, қўлига олишга ҳам ҳадди сиғмай, ёшим ўзидан кичик бўлса ҳам: «Нимага тўхтайсиз, ака?»

деб қаттиқ ўпқаланди. Тушунмадим албатта. «Э-э, ака, ўзингиз тўхта, деб буни кўтардингиз-ку, тўхтадим-да», дедим. «Э-э, кўтарган бўлсам ҳам, ўтиб кетавермайсизми, шунақа хужжатингиз бор экан, ахир», деди. «Уҳ-х, ўзи бугун омадим чопмаган экан. Ҳали эрталаб, лекин сизга ўхшаб икки киши хужжат кўрсатиб, курук қўйиб кетди», деб хўрсинди яна. Шунақа пайти кўнглига китоб сиғадими, бермадим, эзилиб кетар эди. Лекин, бари бир, ёзувчими, мухбирми, қалам тутганнинг ҳурмати ҳамма ерда бор.

Буларга ҳам ўзимни ёзувчиман деганимни айтдим, бу иззат-икром ҳам, албатта, қаламнинг орқасидан бўлса керак. Жуда ишончли чиқиши учун битта дастхат ёзиб берсам ҳам яхши эди, лекин «нўл тўққиз»ни қаерга қўйганларини билмайман. Кейин, машинада китоб борми, йўқми, Тошкентдан чиқаётганда қараб қўйиш эсимга келмабди. Масалани холдорнинг ўзи ҳал қилди-қўйди. Китобимдан биттасини тўхтаганимда одатда машинанинг ҳаммаёғини айланиб қарайдиган оладиган «дан»чиларнинг кўзи тушсин деб, кўринарли жойга қўйган эканман, бари бир, ўзим эслолмайман, холдор жўрамиз яхшилаб эслатди.

Бу галги суҳбатда у олма арчишдаги маҳоратини эмас, тишининг оқини кўрсатди, деразага қараб, совуқ илжайиб, менга ҳатто иршайгандек кўринди. «Ёзувчи экансиз-да», деди, биламиз сиздақа ёзувчиларни, дегандек. «Ҳа, бошда айтган эдим-ку», дедим. Ўзи ёзувчилигимга бир неча марта ҳурмат билдирган, энди эса мени биринчи марта кўраётгандек, «Китобингиз ҳам бор экан-да», дейди! Гап билан таъсир қилишнинг ёмон ҳадисини олган. Деразага тикилган кўзларида ов кўрган мушукнинг босиқлиги, кейин занжирини асабий шиқирлатишидан бу билан важлашиш бефойдалигини кўнглим сизди. Мени фаҳми етмайди деб ўйласа керакдир, лекин буларнинг занжири қимирлашидан ичида нима гап борлигини биладиган бўлиб қолганман. Авзойидан меҳмон – мезбон ўйини ҳам тугаганга ўхшайди. «Ҳа, бир-иккита чиққан», дедим яширмай. «Лекин бизда эмас», деб таъкидлади холдор ғулий. Қизиқ саволларни беради-ей, китобим албатта буларда

босилмаган, қандай ҳам босилади? «Бу ердаги нашриётларга топширмаганман», дедим. Унинг товуши кескинлашди, «Унда нимага олиб кирдингиз?» деди. «Э-э, машинамда бор эканми?», дебман, ўзимизнинг китобларни ўқишга зориқиб турган эдим, китобим келиб қолгани зўр иш бўлибди, деб ўйладим. Ҳамма ерда ҳам ўзингнинг нарсанг маъқул-да. «Мен китобни кимнинг топшириғи билан олиб кирганингизни билишим керак», деди у. «Ҳеч ким топшириғи билан эмас, ўзи кирган». - «Ким ўзи кирган?» - «Ким эмас, китобим. Доим машинамда юради. «Дан»чиларга ўзимни таништиришга яхши» - «Биздаги «дан»чиларгами?», деган эди, занжири ҳам хушёр жиринглади. «Э-э, сизда ҳам «дан»чи дейиладими? Ҳа, тўғри, йўл ҳаракати ҳамма ерда ҳам шу ҳаракат-да. Агар улар ҳам ўқийман деса, марҳамат», деган эдим, холдор ғулий анча асабийланди, «Ҳали бизнинг «дан»чиларга ҳам ўқитмоқчи эдингизми? Топшириқнинг кўлами кенг экан-да», деди. Нима десам бу бошқа ёққа буриб тутиб оляпти, шунинг учун тўғри гапиришга ўтдим. «Қанақа топшириқ, оғайни? Китоб ўқилади, ўқиганга дам беради, ҳаёт ҳақида фикрлашга ундайди. Топшириққа бало борми?», дедим. «Аҳ-ҳа, ҳамма гап ана шу ундашида-да. Нимага ундайди ва бу ундовни ким, қанақа ташкилот берган?» Ханг-мангим учди, ё пирай, мутлоқ ҳаёлда йўқ нарсаларни сўрайди-я. Шунда ҳам ўзимни кўлга олиб, холдорга ижикилаб тушунтирдим, «Оғайни, муҳтарам ғулий, китоб давлат нашриётида босилган, унгача ҳам роса чиғириқдан ўтган, бир нечта муҳр билан тасдиқланган. Ҳеч қанақа ташкилот-машкилот йўқ», дедим. «Бизда муҳр босилмаган, тасдиқланмаган, демак, тақиқ китобни мамлакатимиз ҳудудига олиб киргансиз. Бинобарин, аниқ бир топшириқ билан. Айтмаяпсизми, демак, топшириқ ҳам махфий, махфийми, унда топширган ташкилот ҳам сир очилмаслигидан манфаатдор, чунки унинг ўзи ҳам шундай. Мана, кўряпсизми, яширганингиз билан бизга ҳаммаси аниқ», деди холдор ишонч билан, занжири ҳам гапини урғулаб, шахдам жаранглади. Нима бўлса ҳам ғулий-да бечора, фикр-мулоҳазаси ҳам занжирланган, шу ғулийлигига бориб адашяпти, ҳар хил ҳаёлларга боряпти. «Э-э, оғайни, битта китобга шунча

гапми? Бизда минглаб нусхада очик тарқатилган, дўконларда ўтмай ётибди. Унда ҳеч қанақа топшириқ-мопшириқ, уни берадиган ташкилот ҳам йўқ. Кейин-чи, китобим чиққанда бизда ҳали шўро деган тузум эди, сал мундайроқ асарни дунё юзини кўрсатмай олиб бориб тиқиб қўярди», деб майдалаб тушунтирдим. «Ҳеч бир иш ўз-ўзича бўлмайди, у ташкил қилинади, демак, уни ташкиллаштирадиган ташкилот бўлади», деб туриб олди ғулий. Ўзи шу «ташкиллаштириш» деган узун ясама сўзни жуда ёмон кўрар эдим, буларда ҳам бор экан. Ғашим келди, лекин бунга бирон ташкилотни айтмасам, қутулмайман шекилли, аксига олиб ҳеч бири эсга келмаяпти, маҳалламни айтай десам, ҳозир у қўмитами, кенгашми ё ташкилот ҳам деса бўладими, буни ҳам билмайман. Бирдан эсимга Ёзувчилар уюшмаси келиб қолди. Ҳа, ҳамма ёзувчи унинг атрофида уюшгандан кейин, ўзи ёзувчиликни ташкиллаштиргандан сўнг, ташкилот-да. Кейин ҳали ҳам обрўси тушмаган. Шунини айтсам, холдорнинг махфий топшириқ деб ўсмоқчиладан қутуламан деб ўйладим. Гапни анча узоқдан бошладим. Ғулий калласига қуйиб олсин деб, аввал бадий асарнинг чегара билмаслиги, мамлакатдан мамлакатга ўтиб юриши, бошқа тилда бўлса, бемалол таржима қилинишини эринмай тушунтирдим. Кейин китобимга кирган қисса, ҳикоя, новеллалардан бир-иккитасининг мазмунини жуда қизиқарли сўзлаб бердим. У ҳам диққат билан эшитди, ҳатто занжири ҳам «маъқул» дегандек жингир-жингир этиб турди. «Мана, кўряпсизки, ҳаммаси яхши ниятли тўқима, бадий асар, публицистик ҳам эмас», деб, публицистикада тегиб кетиши мумкин бўлган гаплар ўтиб кетиши мумкинлигини ҳам изоҳладим. Кейин уюшмамизнинг жуда беозор ташкилот бўлиб, қиладиган иши тинчлик билан дўстлик ўрнатиш эканини, раҳбарлари халқлар ўртасида ўзаро шундай муносабатларни мустаҳкамлаш учун шахсан ўзлари тинмай бошқа мамлакатларга сафарга чиқиб туришларини узоқ гапириб, лекин Ғулистонга ўзим адашиб келганим, бунга уюшма-пуюшманинг алоқаси йўқлигини ҳам таъкидлаб, эсон-омон юртимизга қайтсам, ғулийлар билан ҳам дўстлик жамияти тузиб, бошқа номзод бўлмагани учун унга ўзим раис бўлиб, ўртада

алоқа ўрнатиб ҳам ривожлантиришимни айтган эдим, холдорнинг оқ қоши асабий учиб, «Ана, топшириқ ҳам, ундаги мақсад ҳам очилди», деб юборди. Ўқимаган тўнка, бадий ижод, Ёзувчилар уюшмасининг нималигини тариқча билмайди. Махсус хизматдагилар ҳам шунақа тор бўладими! Қоқвош, йўқ, метин девор! Ҳеч гап таъсир қилмайди, айтганига ёпишиб олган. Ундан занжири таъсирлироқ. Жиринглашидан иссиғингда қотгур эгасининг ичидаги ўйларни билиб тураман.

Адашиб келдим, деган гапни уқтириб бўлмади. Ким адаштирди, биров сизга ола-яшил таёғини ўқталиб, бу ёққа юр, деб йўлингизни бурдими, дейишларига жавобим йўқ эди. «Олдинга тўғри қараб юргансиз, ҳатто йўл ҳам сўрамадингиз», деди. Тўғри, ҳақиқатан ҳам Тошкент – Жиззах йўлидан ҳеч қаёққа бурилмай, тўғри Гулистонга кириб келдим. Йўлда пешвоз чиққанларнинг ичида бунинг ўзи ҳам турувди. Лекин «Адашмай тўғри келдингизми, демак, йўналишни олдиндан билгансиз», деган гапи мантиқли бўлса ҳам, нотўғри эди. Тўғри кириб келдим, лекин, сиз ҳам шохид, келар манзилимни билганим йўқ. Сал хабарим бўлса, машинамни қайириб олмас эдимми? «Ҳаммаси китобни махфий уюшманинг аниқ топшириғи билан аниқ Гулистонимизга киритганингизни кўрсатяпти», деди бу гап уқмаган яна. Билмагандан кейин, Ёзувчилар уюшмаси ҳам булар учун махфий-да. Кўп китоб ўқиб, қомус жилдларини варақлаб, гулиётнинг фикрлаш мантиғини ўрганиб олганман. Буларда биринчи туғилган фикр баҳсли, ҳали унча аниқланмаган бўлиши мумкин, лекин иккинчи фикрданоқ аниқлик бошланади, чунки бу фикрга биринчи фикр аниқ манба вазифасини ўтаган, манба аниқ кўрсатилдими, демак, манбага таянган фикр ишончли, аниқ, ундан кейинги фикрлар, ҳатто тахминлар ҳам, олдинги манбаларга таянган бўлса, демак, ҳаммаси шубҳадан холи, холдорнинг тинмай «демак»лагани ҳам шунинг учун, битта фикр бошланиб, унга иккинчиси таяндими, аниқлаш жараёни тўхтамайди, ҳаммаси тамом аниқланади. Машинамда ўзи келган китобим, мана, кўряпсиз, қанақа аниқ хулосаларга манба бўляпти. Буларда манбага таянилдими, демак, у шубҳа, тахмин ҳам эмас, аниқ аниқ фикр,

нарсанинг ўзи йўқ, йўқлигини исботлаб ҳам беролмайсиз, лекин у ҳақдаги фикр аниқлигича тураверади. Мен Фулистонга китоб билан кирдимми, демак, хуфя ташкилотнинг хуфя топшириғи билан аниқ мақсадда келганим аниқ, тамом: йўқ, бунақа эмас деб, минг тортишмай, бефойда, чунки бошқаттан бошланади: «Сиз Фулистонга айтмай китоб олиб киргансиз, демак, муайян ташкилот, демак, хуфя мақсад...» тарзида бир-бирига чамбарчас боғланган мантиқ тўри, тўғрироғи, занжиридан чиқиб кета олмайсиз, бурнидан тешиб булоқи ўтказилган буқадек, бошингизни ҳар қанча силкитманг, занжирни узишга кучингиз етмайди.

Ўзи ғулийлар, сиз ҳам тушуниб олгандирсиз, мулоҳаза юритиш, фикрлашнинг жуда равон, кучли мантиққа асослангани боис эътироз уйғотмайдиган тизимини эгаллаб олганлар. Биз, айтдим-ку, осмонга булут чиқса, ёмғир ёғадими, ёғмайдими, билолмай баҳслашиб ётамиз, ҳавошуносларимиз нари борса, ёғиш эҳтимоли бор, деб тахмин айтадилар. Ғулийнинг бу борадаги фикрлари лўнда, соддалиги учун ҳам жуда аниқ. Осмонга булут чиқдими, ёғиш-ёғмаслиги табиатнинг иши, муҳими – унинг ерга соя ташлаши, чунки осмонга чиқдими, албатта кўланкаси тушади, кўланка аниқми, унда унинг манбаи ҳам аниқ мавжуд; демак, осмонга булут чиққанми, демак, у ё аниқ ёғади, ё аниқ ёғмайди, вассалом, бошни қотириб ўтириш шарт эмас. Чунки аниқ манбага таянган фикр ҳалқа бўлиб якунланади, энди бошқа фикрга эмин-эркин уланади, уни ҳам айлана, боши бориб охирига уланадиган шаклда бемалол якунлаш мумкин. Ёмғир ёғяптими, демак, ёғиши аниқ, унда ер хўлланади, ер хўлланса, осмонда сув тушадиган булутдан бошқа манба йўқ, демак, ёмғир ёғяпти. Англадингизми, оппа-осон, китобим Фулистонда босилмаганми, демак тақиқланган, яширин кирдими, демак, яширин топшириқ бор, топшириқ яширинми, демак, уни берган ташкилот хуфя, ташкилот хуфяи, бинобарин, топшириғи ҳам, бинобарин, мақсад, охир-оқибат, китоб ҳам тақиқланган. Аниқ фикр нимадан бошланса, яна шунинг ўзига қайтиб, мустаҳкам ҳалқа ясайди ва бу ҳалқада эътирозга ё бошқача фикрга ўрин қолмайди. «Кўванда семирган

кўккина кўзим» деганларидек, бир туғилган фикр ўзини ўзи тарбиялаб, болалаб, чалғимаслик учун яна бошига қайтиб бошлаб, бойиб ётаверади. Мен ўзимизда, на рўмону қиссаларда, на тарихий манбаларда, на қомусларда, ҳуллас, ҳеч бир жойда мулоҳазанинг бундай бекаму кўст тугал шаклларини ўқимаганман. Агар ҳам қадимги чин ё юнон маноқибларида бўлмаса; тан олишим керак, тарихнинг жуда эски саҳифалари бўйича хабардорлигим жуда заиф, лекин уларда ҳам мантиқ илми Фулистондаги каби мукаммал даражага чиқмаган, албатта.

Кутилмаганда шодланганим

Холдор ғулий ҳам, мана, фикр бошини охирига улаб, мустаҳкам мантик халқалари яшашга тушиб кетди, унга қулоқ беришдан бошқа иложим қолмади. Чунки у фақат менга эмас, бутун бир издиҳомга қараб, тумонатни фoš этиб ташлаётгандек баландлади, унинг ёнига кўплашиб кўтарилиб, шунчанинг номидан эътироз билдиришга, албатта, битта ўзимнинг чоғим келмас эди.

Масалани аниқлаш бундоқ бошланибди. Энг бошида китобимни ҳозир тозалаш сабоғида юрган бир ходим ўқиб, уни ўз йўналишлари бўйича хулоса беришлари учун соҳа ходимларига берган, кейин навбати билан сабоққа учраган (сабоқ нималигини ҳали айтаман) булар ҳам мутолаадан хулоса чиқариб, бўлим раҳбарларига оширган, булар ҳам асарларимни, у ҳақдаги хулосалар билан бирга якунлаб, юқорироққа чиқарган ва расамади билан булари ҳам сабоқ олишга ўтган. Кейин албатта. Китобим ҳамма лавозим даражаларида ўқилиб, мартабама-мартаба хулосаланиб, энг баланд раҳбаргача кўтарилиб борган, шу тариқа ҳамма махсуслар назаридан ўтган. Ўқиши шарт бўлмаган бошқа ходимларга ҳам нусха қилинган, четда қолиб кетмайлик деганларига нусхалардан нусхалар, ҳаммасининг ёр-оғайниси, уйига борганда бугун нима иш қилганини тергайдиган хотини, ўрнакка интиладиган бола-чақаси бор, қулоғи тешик қариндош-уруғи, лақиллашадиган кўшнилари ҳам керагича эмасми, хуллас, шунақа китоб келибди деган миш-миш болалаб, гап тарқалиб, кейин нусхалари бутун Ғулистонга ёйилиб кетиб, айтдим-ку, матбаасининг олдинга кетганини, хуллас, янгиликдан бебаҳра юрмайдиган ҳамма саводхон ғулийнинг қўлига бориб тегибди.

Эшитиб роса қувондим. Бунақа ном қозониш тушимга ҳам кирмаган, шодлигимдан қулоғим чиппа битиб, холдорнинг гапларини, латта иси келиб турса ҳам, эшитмай қўйдим. Юрагим ҳаприқиб, ҳатто қувончимнинг ўзи ҳам галдираклаб қолгандек бўлди-ей. Мен Ғулистонда шу қадар оммавий

ўқилсам! Даҳшат-а! Албатта, буларга бошқа мувозий дунё воқеалари бўлгани учун ҳам қизиқарли. Лекин, бари бир, юртида эътибор топмагани боис ёзувчилигига ўзи ҳам унча тан бермайдиган қаламкаш бирдан танилиб, туйиқсиндан буюклашиб қолса, жуда ёмон бўлар экан. Э, бу машҳурликка ҳам сиғмайдиган шуҳрат, ниҳоятда улкан донгдорлик-да, ахир! Бунақа доврўқ жаҳон адабиётидан бирор ёзувчининг орзусида ҳам йўқ, чунки ҳеч бири Ғулистонга келмаган ва турган гап, бу ерда асари ҳам босилмаган, демак, ғулийлар биздан мендан бошқа ҳеч кимни эшитмаган, билмайди ҳам. Битта мен келганман, биргина менинг китобим тарқалган! Мувозий дунёда мендан бошқа ёзувчи йўқ. Ана, мана буни ижодкорнинг ҳақиқий бахти, юксаклик чўққиси деса бўлади. Қойил! Фақат... фақат, минг афсус, ўзимиздагилар бундан буткул беҳабар, бир фақир қаламкашларининг тамомила бегона дунёда қанчалар... э-э, майли, ҳадеб ўзимга бино кўявермай, бу ерда мени ўзимизда мендан зўрларга ҳеч ким солиштириб кўрмагани билан, ҳали қайтаман деган умид бор, кейин уялиб юрмай, хуллас, Ғулистонда шуҳрат топганимни яқин жўраларим ҳам эшитмайди. Ўзимни босиб олиб, қани эди, пештахталарда чанг босиб ётган китобимга қараб хуноб ўтирган дўкончилар ҳозир кўрсалар, ололмаган даромадларига бир таскин ўрнига ўтарди, ёзганларимни унча хушламайдиган устоз танқидчимиз эшитса, сал-пал инсофга келарди. Лекин, минг аттанг, бошқа дунёда донг таратганимнинг ўзимиздагиларга иссиғи ҳам, совуғи ҳам йўқ. Ғулистонда отим чиққанини бирон ғулий у ёққа бориб, «Эй, бу ёқда номи варанглаб кетган ёзувчиларингга шунча ҳам беписанд бўласизларми!», деб наъра тортолмаса, қайтганимдан кейин мақтаниш ўзимга ноқулай, хуллас, камбағални туянинг устида ҳам ит қопгани шу-да.

Чек-адоқсиз, кимсасиз чўлу биёбонда ҳеч нарса йўқлиги боис ҳеч нарсага алмашиб бўлмайдиган бир хум тилла топиб олган гадой аҳволидаман, лекин, бари бир, шуҳрат шуҳрат-да. Жаҳон адабиётимиздан биринчи ҳамда ягона вакил бўлганимдан анча вақт фахр ва шарафга чўмиб ўтирдим. Бу ерда етишган мартабам у ёққа етиб бормаса ҳам, ўзим гувоҳ,

кўриб турибман, тилла етти қават ер тагида ётса ҳам тиллалик қадри йўқолмайди. «Оғайни, ўлманг! Кўп яшанг! Бошим осмонга етди. Бу ёққа ўтиш битта менга насиб этибдими, демак, ўзимда ҳам анча гап бор экан. Махсус хизмат ходимларини ҳам зукколиклари билан табриклайман, китобим мисолида бизнинг олам билан алоқа ўрнатиш шарафига мустағрик бўлибдилар. Чексиз миннатдорман, кўксим ҳам кўк қадар кўтарилди», дедим. Рост-да, бу ўринда камтарлик мутлақо кераксиз, ортиқча юк, энди мени кичкина ёзувчи деган ўйга боришларига йўл қўймаслигим керак. Кейин... истаганча ўзимни оширсам ҳам ярашаверади, чунки бундай эмас дейдиган биронта инсон йўқ бу ерда. Асл кимлигимни ҳеч бир ғулий билмагандан сўнг ўзимизда шунча йил камсуқум юрганим ҳам етар. Доврукка, ўзингиз кўрдингиз, мен интилганим йўқ, ўзлари кўтар-кўтар қилиб юборибдилар. Шундоқ эканми, ўзимизда лабим ҳам тегмаган шуҳрат шаробига бу ерда мириқиб тўйиб олайин-да. Қайтиб борганимда ҳам ё биров танийди, ё йўқ.

Холдор жўрам, занжири тахдидли шиқирлаб турса ҳам, кўзимга яхши кўриниб кетди. «Э-э, оғайни-ей, олдинроқ шуни айтмайсизми, сиздан бекорга хавотирга тушиб юрибман-а», деб гапини бўлдим. Эътибор қияпсизми, уни ҳам ғулийчасига хурсандлигим домига тушириб оляпман. Нечоғли буюк мартабага чиққанимни билиб, шодлигимга шерик бўлсин, ҳаммаёғи гумон бўлган ҳалқасининг гардишидан бу ёққа чиқсин деган маънода. Албатта, ўзимизга қайтиб, кўп йиллар ўтгандан кейин ҳаяжонларимнинг ҳаммаси пуч, машҳурлигим ҳам ҳатто кўзга ҳам илинмайдиган сароб эканини англадим, ўшанда ҳам сезган эдим-у, лекин атайлаб бўйнимга олмагандим. Танилиш, ном қозониш, доврүк таратиш истагига етиш кучи холдор ғулий кўпоровчилик деб баҳолаётган хатти-ҳаракатларимни ҳам энди жазолаб бўлмайдиган жуда баланд мартабага кўтариб юборган, яъни гуноҳим ҳам ниҳоятда пурвиқор бўлиб, энди ҳеч қандай жазонинг ҳаддига сиғмас эди. Шунинг учун ўзимни бемалол тутиб, холдорнинг терговга ўхшаган саволларига кўркмай ва бир оз масхаралаб ҳам жавоб бера бошладим.

Унинг айтишича, маҳоратим нечоғли теран эканини бошда ўқиган масъул ғулийлар сезмай ҳам қолибди. Ўқиб чиққанларидан кейин нимага фикримизни оҳанрабодек бир нарса кенгликларга тортиб кетяпти, нима учун бунақа таъсирланиб қолдик, деб разм солсалар, бу таъсир тубдан, жумлаларнинг тагидан сизиб чиқиб, ўқиган ғулийнинг онгости сезимлари, ақли замиридаги шуурларини бузиб, доимги тинч кўникмаларига путур етказаётган экан. Қаранг-эй, қанақа теран тадқиқ қилганлар - холдорни тор бир нодон деб юрибман-а. Бўлмаса, вазифаси мутлақо бошқа - махсус хизмат, боғча ёшидан назоратга олиб, тарбиясига киришмаса, бундай закий ходимларни етиштириш жуда қийин. Айтдим-ку, хали ўзимизда танқидчиларнинг профессионали ҳам мени бунақа ёзувчи демаган, ижодимни умуман писандга илмаган. Яқин дўстлар ҳам у-бу дегани билан, кўнгил учун. Ҳаммасидан ҳам шундай бало истеъдодим борлигидан ўзим беҳабар юрганимни айтмайсизми! Буларнинг ижодимни шунчалар юксак баҳолаганларига ўзим ҳам қойил қолдим. Узр, «ижодим» деяпман, бу сўзни ишлатишга ҳаддим сиғмай, «машқларим», «ёзув-чизувим» деб юрар эдим-у, аммо бу ерда обрўйим ошиб кетганидан бемалол қўйиб юборяпман. Холдор жўрам ана шу маънода мақсадимга эришганимни ҳам айтган эди, яна ташаккур билдирдим. «Китобингиз таъсирига учраган ғулийларнинг кўплигидан уларни тозалаш сабоғига ўтказишга узундан ҳам узоқ навбат тузилган», дегани майда гап туюлиб, тагини ўйламай, қанақа навбат бўлмасин, ижодим учун экан-ку, деб баттар ғурурландим. «Жуда яхши, асар ёзишдан мақсад ҳам уни ўқиганга ҳаёт, дунё ҳақида таъсир ўтказиб, ўзи қандай яшаётганини танасига яна бир ўйлатиш», дея баланддан қараб насихат қилдим. «Ана, энди нима мақсадда келтирганингизни бўйнингизга оляпсиз», деди холдор ғулий ўша оқ қоши занжири билан бирга титраб. Гапидан заҳар сирқигани парвоимга ҳам келмади. «Ҳа, шундоқ, хайрли мақсаддан ҳеч бўйин товламайман. Фақат китобимнинг эмас, умуман бадий асарнинг мақсади буюк – у маърифат тарқатади, китобхонга ҳозирги яшаётганидан бошқароқ, янада яхши яшашдан сабоқ беради. Лекин мени жа-

а сабоқдан таҳсил берадиган устоз адиб деб ўйламанг, ҳар қандай яхши ёзилган асарнинг мақсади ҳам ўзи шу», дедим ҳеч бир шубҳаю гумонга ўрин қолдирмай, аниқ қилиб. Олдимда қисиниб, довдираб ўтирмасин дедим-да. Холдорнинг ҳам чехраси ёришди: «Ниҳоят-э, қанчалар моҳир бўлманг, бари бир, алдамаяпсиз. Аммо биз ҳам пихимизни ёрганмиз, ҳамма ёзганларингизни сўзма-сўз, жумлама-жумла, ҳар бир калом остидаги маъноларигача батафсил аниқлаб чиқдик», деди. «Жуда катта эътибор бу, бир мусофирнинг ўз юртида рўшнолик кўрмаган қаламини шунча эъзозлаш!», деб яна тўлқинландим. У ёқда кун кўрмай, бу ёқда чироғи палпиллаб ёнган ёзувчи, ғуруримни босиб ололмайман, холдор жўрам ҳай-ҳай дегандек занжирини тиндирмайди; иккаламиз ҳам китобим ғулийларга ўтказган таъсир ҳалқаси бўйлаб айланиб ётибмиз.

Ўзимнинг хаёлимга ҳам келмаган пинҳона ижодий изланишларим, яширин кашфиётларим яна талай экан, лекин булар ҳам писта чаққандек аниқлаб ташлабдилар. Холдор ҳаммасининг номидан: «Тилсимли наср», деб хулосалади. Қисса, ҳикоя, новеллаларимда мен тасвир, кечинма, ҳаракатларни бериш учун эътиборсиз ёзиб кетган шунақа сўзларни айтдики, уларда ғулиётни таъсирлашга қаратилган замонавий тилсимлар бўлиб, ҳаммаси муайян шифрлар билан кодланган экан. Мана, «осмон», «булут», «қушлар», «кенг дала», «сўлим маъво», «тизгинсиз ўйлар», «парвоз», «югуриш», «интилиш», «талпиниш»га ўхшаган ўнлаб, балки юзлаб сўзлар ғулийнинг қатъий кўнглига, ҳозир айтганимдек, тубдан, тағлама таъсир ўтказиб, ўз ҳаётини яна бир марта танасига ўйлаб кўришга ундаб юборар экан. Шунинг учун ҳам китобимни ўқиганларни тозалаш сабоғидан ўтказиш учун навбатлар тузилган, сабоқдан ўтган ва ўтмаганлар орасида катта ихтилоф чиқиши хавфи етилиб келаётган экан. Ниҳоят шуни аниқроқ билиш қалламга келди. «Боядан бери икки-уч қайтардингиз, бу сабоғингиз нима ўзи, китобимнинг таъсири бўйича дарс ўтиладими?», деб сўраган эдим, холдорнинг рангидан қони қочиб, занжири ҳам шалвираб қолди. «Китобингиздан таъсирга учраган ҳамма тозалаш, яъни занжирсизлик

сабоғидан ўтишга маҳкум! Сиз маълум тилсимли сўзлар билан ҳамма ғулийнинг дунёқараши, ўзига қарабини захарлагансиз, энди бу захардан тозалаш учун унга яна шу захарни бериш керак. Улар занжирсизлик қийноғини амалда кўриб, нафратга учраб, хор бўладилар, ўлмай қолганларини кейин махсус комиссия занжирга лойиқ ё лойиқ эмаслигини кўриб чиқади», деб тушунтириш берди. Бу гапдан ўзим ҳам даҳшатга тушдим, худо кўрсатмасин, - ху ҳали буларнинг орасида, кўчада занжирсиз юриб кўрдим-ку, ғулий китобхонларим катта мусибатга учрабдилар. «Хўп, шуни навбат тузиб, қийноқни чўзгунча, ҳаммани бирдан тозаласа-чи? Вақт, харажат ҳам тежалади, кутиш азоби енгиллашади», дедим. «Э-э, йў-ўқ, - деди холдорвой. – Бу ёғига сизга хушёр турамиз. Ҳамма ўқиганнинг занжири олиб ташланса, занжирсизларнинг солиштирма миқдори ошиб кетади, кейин ҳамдардлик кучайиб, эшқилга қараш ўзгаради. Сиз шуни кўзлагансиз. Занжирлилар сонини занжирсизлардан камайтиришга асло йўл қўймаймиз». «Унда сиз нима учун занжирда юрибсиз. Нимага навбатингиз орқада?», деб узиб олдим. Холдор бирдан маъюсланди, деразага жуда эзилиб қараган эди, ҳаммасини тушуниб, ўзим ҳам чўкиб кетдим. «Бари бир, бошингизда шу кўргулик бор экан-да», деб кўнгил сўраган бўлдим. «Сизни тўлиқ ўрганганимдан сўнг, ўзим ҳам бурчимни адо этишга ўтаман. Аммо яна шу шарафга лойиқ кўрилишимга ишонаман. Фулистон унга қилган хизматларимни унутмас», деди у бошини мағрур кўтариб. Кўриб турибман, синини билдирмаса ҳам, ичи тўкилиб, йиғлаб юборай деяпти. Мен эса бошқа сабабдан қийналяпман. Кўп ғулийга келган тўй экан-ку, лекин хизматчи ғулиямнинг аҳволи нима кечади, ундан айрилсам, у бечора мени кўрмай не-не азобларга учрамаса ҳали. Ё занжирини олиб ташлашса ҳам хизматимда қолдирарми эканлар? Секин пардалаб, ўзимга унча алоқаси йўқдек бир бепарволик билан: «Бу, ҳалиги... менга чой дамлаб кириб, ул-бул қарашиб юрган покиза қиз... нимага қизиқиб қолди деб тағин кўнглингизга келмасин... хуллас, унинг тақдири нима бўлади? Сабоғини шу ерда ўтаб, хизматини қилиб юраверсин. Майли, у занжир тақадими, йўқми, менга

фарқсиз», деб ўсмоқчиладим. «Унинг ўрнига сабоқни ўзим олсам ҳам бўлади», деб мардлик ҳам қилиб юбордим. Холдор ғулий тиришиб илжайди-да: «Шунча қилаётган сабоғингиз таъсир ўтказмаган, энди ўтказадими? Қизимиз билан ишингиз бўлмасин, шусиз ҳам у ниҳоятда муҳим топшириқ билан банд. У ҳозир сизнинг самимиятингизни ўрганияпти. Занжирсиз одамнинг севги-муҳаббат ҳолатидаги кечинмаларини тадқиқ этиш бўйича яширин давлат дастурини бажаряпти», деди. Анграйиб қолибман, у билан алоқамизни чуқур бир сир деб юрсам, ҳали бу ҳам занжирбанд ғулия қиз билан занжирсиз одам ўртасидаги ишқий муносабатларга бир тажриба экан-да! Дастурингдан ўргилдим! Ҳали сизларга синовчи ошиқ бўлиб қолдимми, деб бир аччиғим келди-ю, лекин тишимни тишимга босдим. Чунки занжирсиз эркин одамзот вакили сифатида танланган эканманми, мардлигимни ҳам кўрсатиб қўйишим, яъни паст тушмаслигим, хизматчи қизга нисбатан туйғуларимнинг самимийлигини билдиришим шарт. Масалада, калла ишламай, ўзим ҳам чуқур кетиб қолганман. Лекин, албатта, келиб-келиб шуларга тажриба бўлганим анча ботди.

Холдор ғулий ҳам буни сездими, яна қанчалар устомон ёзувчи эканимни таъкидлашга ўтди. Китобимнинг тагига чизилган жумлаларини кўрсатди, тўғриси, бўялмаган сўзнинг ўзи йўқ, ҳаммасида ҳам занжирсиз яшашга даъват пинҳон, эркин ҳаёт чорловлари хуфя, ана шу яширинлиги билан ҳам ўқиган ғулийнинг ҳис-туйғуларини ағдар-тўнтар, ғорат этиб, тозалаш сабоғига тўғрилаб кўяр, сабоқда эса ҳаммаси занжирсиз бўлгани боис бу бебошвоқлик кучайиб кетар экан. Энг ёмони, китобимда биронта қаҳрамоннинг занжири йўқ, ақалли номига бўлса-да, кишанланмаган бўлиб чиқибди. Ғулистон тарихида занжир фалсафасига қарши сўзлар қатида бу қадар яширин, умумий манзаралар бунчалар пинҳоний ташвиқотли китоб ҳали ёзилмаган, энди эса чарос чаросни кўриб чумак ургандек, бирники мингга, мингники туманга, болалаб кетиб, мамлакат келажагини хавф остига қўйиши мумкин экан. Кўряпсизми, қанақа даҳшатли ёзувчи бўлиб чиққанимни! Ўзим ҳам ўзимдан кўрқиб қолдим. «Э оғайни, ошна, бизда

хамма эркин одам, бинобарин, китобим ҳаётнинг ойнадек акси, демак, ундаги қаҳрамонларимга занжир тақиш ҳам кулгили. Бизда бунақа одам ҳаётда тугул, ҳаёлда ҳам йўқ. Фақат жуда қопонғич итлар, ниҳоятда семириб, арқонга бўй бермайдиган бўрдоқи буқаларга занжир солинади. Телба-жиннилар занжирга солиб, даволанган деб эшитганмиз-у, лекин бу ҳам узок ўтмишда. Қаҳрамонларимнинг эркин юриши табиий, ҳаётнинг ўзидан олинган. Э-э, қўйинг, маҳоратимни, майли, айтманг, шунча меҳмон қилганингиз ҳам етади», деб ўзимни кичкина олдим, яна: «Машҳурликдан ҳам тўйдим лекин», деб қўшиб қўйдим.

Хуллас, сирти китобим ҳақида таҳлилий мулоҳазалар, ичи асли тергов бўлган муноқаша - фикр олишувимиз узок чўзилди, мен китоб ўқиш хайрли юмуш деб туриб олдим, холдор эса ёзганларимдан яширин маънолар чиқаришдан чарчамади. Хуллас, мен буларнинг мамлакатига хуфя режа ва яширин топшириқ билан ниҳоятда ашаддий ниятда ўз номимдан китоб ёзиб, жуда устомонлик билан кишибилмас қилиб олиб кирганман ва булар ҳам билмай ўқиб қўйган ва худди ўша мўлжалим бўйича, китоб мисоли бир вабо касалидек ҳаммасига юққан, фақат ўқиганлар эмас, эшитганлар ҳам шу балога чалинган.

Холдор буни шунақа лўнда аниқлаб бердики, ўзим ҳам ишониб кетдим. Адашиб келиб қолдим деб яна хатосини тузатмоқчи эдим, холдор буни ҳам чапароста этиб ташлади, кулоқ солдим. Ҳақиқатан ҳам, айтдим-ку, Тошкент – Жиззах йўлидан то ўзим тўхтаган «ДАН» манзилигача биров йўлимни бургани йўқ, ўзим юрдим, ўзим келдим, машинага манзират қилдилар, қаршилиқ кўрсатмадим, қаёққа олиб боряпсизлар деб сўрамадим, меҳмонхонада кўрсатган иззат-икромларига кўнглим тўлди, хизматчи қиз билан ҳам «юр» деб мажбурлаганлари йўқ, ҳаммаси ўзимдан, буларнинг тўрига илиниб қолган бўлсам ҳам, ўз ихтиёрим билан. Бошда шундоқ устомон ёзувчилигимни булар билмай қолганига келсак, ҳозир берган баҳолари мойдек ёқаётган бўлса-да, бошда буткул хабарим йўқ эди.

Фақат менга бир зараркундага қарагандек қарашлари ботмайроқ турибди, лекин китобимни ўқиб тозалаш сабоғига маҳкум бўлган шунча ғулийнинг орасидан тарафдорларим ҳам чиқиб қолиб, ёнимни олар деган умид озгина таскин ҳам бeryпти. Холдорнинг ўзи айтяпти-ку, сабоқдагилар кўпайса, занжирга қараш ўзгаради, эркинликка интилиш кучаяди деб. Балки занжирсизликни ўйлайдиганларнинг солиштирма миқдори чиндан ҳам ошса, мен уларнинг лидерига айланаманми, ким билади, худойимнинг қарами кенг, булар танимагани билан мени марҳаматисиз қолдирмас, ахир. Шунча суву қушларини у ёқдан бу ёққа ўтказиб қўйибди-ку.

Мен ўзи умуман ҳар қандай кўргуликни синов деб, бошга тушган азобга бардошим билан енгилга интиламан. Бу ёққа келганим ҳам, ким билади, балки ўташим керак бўлган бир имтиҳондир. Балки худойим мени машҳур қилишдан олдин Ғулистондаги шу оғир шуҳрат машаққати билан бардошимни синаб кўраётгандир. Чунки бу ердаги донг таратишимдан ўзимдан бошқа ҳамма беҳабар, у ёқда биронта ғулий йўқми, демак, шуҳратим ҳисоб эмас-да. Худойим менга ўзи йўқ шуҳратни бериб қўйиб, асли ўзи келса боши айланиб қолмасин деб синоққа олаётган бўлса ҳам не ажаб?!

Хуллас, холдор ғулий китобимга ўйлаб топилган гуноҳларни тақашидан ўзим билан ҳисоблашиб қолганини ҳам англадим, ундан кейин кўнглим сал ёришиб, фақат маҳоратимга эмас, умуман, бу вазиятдан чиқиб кетишимга ҳам яна умид умид пайдо бўлди. Холдор нимададир анча пастлади, ўзим эса баландлаб, анча хотиржам тортдим. Хизматчи қиз хизматда бошқа кўриниш бермай, чироқ ҳам бошқа ўчмай қолганига ҳам оқиллик билан қарадим.

Ё ўзимга бир нарса бўлдимки экан

Бир куни боғҳовлида ёлғиз сайр этиб юрганимда лоп этиб келинингиз эсимга тушса! У менга ҳамишагидек жуда яқин туюлди, хизматчи қиз эса узоқлашиб, худди бегонадек бўлиб қолди. Ана, у ичкарида, ланг очик дераза орқасида ишини қилиб ёки бекорчиликдан менга термулиб ўтирган бўлса ҳам, жуда-жуда олисда, ҳатто менга хизмат ҳам кўрсатмаган, бу ердаги чироқлар ҳам ҳаётда ўчмагандек. Виждоним ҳам сал-пал оғридимки дейман, йўқ, кап-катта, болапарвар одам, нима жин уриб ғулий қиз билан дон олишиб юрибсан, деб эмас, болаларимнинг ўзи кўз олдимга келди-да, бу ердаги ҳаётимни сал хиралаштирди. Юрагим ҳам ачишгандек. Уйни соғинибман. Ер бағирлаб учаётган кумуш пўстак Паҳмоқ – Аҳмоғим таққа тўхтаб, икки панжасини кўтарганча тилини осилтириб, «Қачон келасиз?», деб сўраётгандек кўзимга кўринди.

Ана шунда ғулиёт фалсафаси бўйича, нима бошланмасин, охирида яна шу бошига қайтади деган ақидани ўйладим-да, бу - ҳаёт ҳақиқати, келган эканманми, демак, кетаман ҳам деган нажот муждасига чамбарчас ёпишиб олдим. Шундан кейин, холдор ғулий билан суҳбатларим тобора таҳдидли тус олса-да, «Э-э, нари борса, отиб юборарсан», деб ишонч билан қўл силтаган эдим, ўпкам босилиб, кунларим тинч, равон ўта бошлади.

Фақат маишатим бир оз тортилиб қолди. Чинни лагандаги сархил олмалар оғриб тўкилганганларига алмашди. Ичғу келмай қўйди, холдор ғулий билан суҳбатларимиз тобора чуқурлашиб, маъноси равшанлашиб борса-да, қуйғу «тўқиштирмай» қўйдик. Кунлар диққинафас, кўнглим зик, китобхонлик шаштим ҳам сўнган. Жилдларга ҳар қанча тикилмай, битта жумла ҳам хотиримда қолмайди. Ғулистон ҳаётини ҳар тарафлама жиддий ўрганмоқчи, ҳали адабиёти, санъати, киноси, айниқса қўшиқчилиги ҳақида сизга кўп гапириб бермоқчи эдим, битта китобимга шунча ваҳимани кўтаришгандан кейин, буларнинг нимасини гапираман деб ҳафсалам тамом ўлди. Ўзларидан кўрсин, ўргансам, шунақа ҳаёт, шунақа санъатлар ҳам бор

экан, деб айтиб юрар эдим, энди эшитишга ҳам хушим йўқ. Лекин қойил, битта нарсани ҳам кавлайверса, тагидан кўп нарса чиқар экан, занжир мавзуида, унга бағишланган наср, назм, қўшиқ, муסיқалари шунча ранг-барангки, мунча гапу хаяжонни қайдан топадилар деб лол қоласиз. У ёғи ҳам, бу ёғи ҳам, узунасига ҳам, кўндалангига ҳам - ҳамма-ҳаммаси ғул, занжир, унга салламно, мадҳиялар. Эринмаганларини! Шундоқ занжирга қарасалар бас, сўраган нарсангизни тўқиб ташлайдилар, шеърми, ҳикоями, ашулами, фарқи йўқ. Телевизорда шоирларини кўрганман, шеър ўқиётган пайтларининг ўзидаёқ лабларининг қимирлашидан мияларига бошқа шеър куйилиб келаётгани билиниб туради; машшоқларининг қўлига бир нима тутқазсангиз бўлди, чалиб ташлайверадилар, ҳеч нарса топилмаса, айтдим-ку, занжирнинг ўзини ҳам шунақа куйларга соладиларки! Бизда битта муҳаббат мавзуси, ўлдим-куйдимдан нарига ўтилмайди, тўйда пул ёғилса, етади шу. Рақслари.... э-э, битта дўмбира жўрлигида жингир-жингирга шунақа ўйнайдиларки, қараб турган одамнинг боши айланиб кетади.

Бир куни холдорга жиддий айтдим, «Оғайни, шунча ғулий безовта, махсус хизмат овора, ундан кўра, сўранглар, ёзувчи бўлсам ҳам, оддий одам, топшириқ-мопшириққа алоқам йўқлиги маълум бўлади-кўяди», дедим. Холдор астойдил ҳайрон бўлиб: «Кимдан?», деб сўради. «Кимдан эмас, юртимдан», деб унга қаттиқ тикилдим. Буларнинг шу, одамнинг кўзига карамагани ёмон-да, кўнглидаги гапни билиш қийин. «Қанақа юртингиз?», дейди тўнка. Ҳар қандай одамнинг ҳам юрти бўлади-да, ахир. «Қанақа деганингиз нимаси? Мен келган жой, ўзимнинг юртим, туғилган, униб-ўсган маконим, ўлан тўшагим ҳам деймиз. Биз билан боғланиб турадиган робиталарингиз бор шекилли. Шекилли эмас, аниқ», дедим эътирозга ўрин бермай. Холдор саросималаниб, ростми-ёлғонми, «Робита-побита йўқ. Сизлардан ҳеч ким билан алоқа қилмаймиз. Ўзи қаердан келганингизни билолмай ётибмиз-ку», деб тан олди. «Битта йўл, кирган жойимнинг боши, яъни нари ёғи. Бурилмай, тўғри келавердим-ку. Нимага билмаганликка оласиз?», дедим. «Гап шундаки, шу йўлни қаричма-қарич охиригача

текшириб чиқдик, лекин сиз келган юртми, жойми, шунинг учи топилмади, ха, аниқ, йўк», деди холдор ғулий чайналиб. «Ий-э, унда мен қаердан келган бўламан? Мана, борман-ку, олдингизда ўтирибман. Сизлардан эмасман, занжирим йўк. Демак, аниқ бошқа юртдан келган бўламан-да, ахир», дедим, ўзга оламдан десам, яна чалкашмасин деб. Холдор ух тортди, лекин айтганидан қайтмади. «Роса текширдик, бирон хатога йўл қўйиб қўймайлик, деб жуда чуқур қарадик, лекин йўк, бари бир, йўк экан», деб қатъий хулоса қилди. «Хўп, ўша охиригача текширган йўллариингнинг охирида ҳеч нарса йўк экан, унда ўрнида нима бор чиқди? Йўкнинг ўрнида ҳам бир йўк нарса бўлиши керак, бутун бошли мамлакат йўқликка йўқолиб кетмайди-ку» деб мен ҳам тихирлик қилиб туриб олдим. «Чегара», деди холдор. «Хўп, чегара, нариёғи-чи?», дедим. «Нариёғи ҳам чегара, у чегарадан кейин ҳам чегара. Хуллас, у ёғи ҳам фақат-фақат чегаралар», деди холдор.

Ана шундан кейин кўрқдим. Юртим эмас, ўзим... йўқолганман деб эсим чиқиб кетди. Ғулистонда юришим, худо кўрсатмасин, ҳалиги, тилим бормаяпти, э-э, хуллас, ўша ёмон нарсадан кейинги ҳаётга ўхшаган нарса бўлиб чиқса-я? Наҳотки баланд тоғлар ҳам паст келиб а... у ёқда қиёмат кўпгандир. Ҳа, осонми, бутун бошли, кап-катта бир одам, яна янгигина машинаси билан таг-тубсиз йўқоладию тинчлик қоладими! Бола-чақамни олиб келаман деб, Тошкентдан Жиззахга қараб йўлга чиққан-у, шу билан йўқ! Жиззахдагилари бир кун йўл қараган, ана, икки кун ҳам дейлик, ўзи битта йўл, икки юз чақирим ҳам чиқмайди, бурилиш-мурилиши йўқ, Жиззахга келмай, қаёққа ҳам кетади, Самарқандга борса ҳам тушиб ўтарди, албатта, бир гап бўлган, деб Тошкентга сим қоқадилар, қачон чиққан, ким кўрган, ёмон одам кўп, кира қиламан, демаган эдими, унда нимага шунча вақтдан бери ўзи ҳам, машинаси ҳам дом-дараксиз, ха, оқ «нўл тўққиз», сал сут товланиши бор, биров ундай деган, бошқа биров бундай, ҳаммаси худди ўзи кўргандек, ёнимда ўтириб кетгандек тахмин қилади, лекин ҳеч бири аниғини билмайди, эшитмаган ҳам, бари шунчаки яқинларимга бир нарса дейиш учун айтиладиган тусмол умидли гаплар, лекин, албатта, кўнглида

менга ачиниш, «Сал ўпкароқ, бемаъниликлари ҳам бор эди, лекин кимнинг хатоси йўқ, бари бир, яхши йигит эди бечора», деб ўйлашади, кейин ўз ақлларида келиб чиқиб: «Шу замонда ҳам Жиззахга ёлғиз, яна рулда бир ўзи кетадими, а?» деб куйинадилар, худди бошқалар «нўл тўққиз»га саккизталашиб тикилиб юрадигандек. Кейин, турган гап, ўз бошларига шундай кун тушмаганидан қониқиш. Буни очик айтмайдилар-у, лекин бутун куйинишларининг тубида шу мамнуният ётади. Лекин яқинларимга оғир, ҳа, чиндан оғир бўлган. Минг чақир, бақириб йиғла, бари бир, мен йўқман. Ёмонлик қилган, озор берган кунларим ҳам энди ниҳоятда завқли, соғинчи юракни энтиктириб юборади. Э худо, юрган эди-ку бақириб-чақириб, дилозорлиги ҳам ўзимизники, кўтарар эдик, биз-ку яшайверамиз, болалари ҳам бир куни катта бўлади, хотини ҳам... ҳа, майли, э-э, ўзига жабр, жуда ёш кетди-да, деб ўксинадилар. Балки, кўп кун ўтиб кетяпти, маърака-паракаларимни ҳам ўтказиб юборишгандир. Лекин пул йўқ эди-ку, харажатни укам кўтардимикан? Унинг ҳам маишати ўзига яраша эди, кичкина одам бўлганим билан йиғиним катта ўтади. Ҳаммаси ҳам майли, ўзимни айтмайсизми, бу дунёда нимани кўрибман, нима иш қилиб улгурибман, қирқдан ҳам ошиб, нима каромат кўрсатдинг деса, жавобим йўқ. Жони узилаётган одамнинг кўз олдига оқ от келар экан, билганлар: «Ҳа, мана, бизнинг ҳам тулпор келди энди», дер экан. Энди от ҳам оқ «нўл тўққиз»га замонавийлашган бўлса-я! Унда, дейман, ўзим билан келди-ку. Хуллас, ух-х, юрак музлаб кетади. «Эй, мен тирикман, мана, фақат бошқа оламда юрибман. Сизларга кўринмаганим билан, борман. Мувозий дунёларни ўқигансизлар-ку, ўшанақа жойдаман-да», деб бақиргим келади, лекин товушим ўзимизга етиб бормади-да. Хуллас, даҳшат-эй!

Шунақа гапларни кўз олдига келтириб, паққос ишонаман, ўзимга ачинганимдан ўкраб йиғлаб юборай дейман-у, чуқур-чуқур нафас олиб, ўпкамни босаман. Ҳаммасидан ҳам бари бир унутилишим ботиб кетади. Шу экан-да, а, одамнинг ҳаёти, югурасан-еласан, бола-чақа дейсан, қариндош-уруғ, ҳамюрт-ҳамқишлоқ, боласини ўқишга киритса, ўзи ҳам кўшилиб оилаб

ётиб олади уйингда, ўзинг емай едирасан, ҳаммасига хизматинг сингади, лекин сенга бир нарса бўлса, бошида куйиб-пишадилар, э-э, борингки, яхши одам эди ҳам дейишсин, лекин кейин яшайверадилар-эй. Худди менга ҳеч нарса қилмагандек, яъни ўзим ҳам аслида бўлмагандек. Агар ҳам битта-ярим маросимимда эслаб туришларини айтмаса. Ҳе, унда ҳам оғриқсиз, такдирга тан бериб, эл кўзи учун, мана, хали ҳам йиғлаб турибмиз, деб; ростдан, ўлгунларича аза тутмайдилар-ку. Тириклар яшаши керак. Кетган одам, бор эди, кечагина юргандек эди, энди йўқ, худди қайтмас узоқ сафарга чиққан, ўзи асли ҳам бўлмагандек туюлиб қолади.

Шуларни ўйлашга ҳам кўрқяпман-у, лекин қўйиндимни қаерга қўйишган бўлса деган ўй калламдан кетмайди. Албатта, жасадим йўқ, э йўғ-э, худо сақласин, борман, фақат бу ёқда, ўлмаганман, лекин улар аза очгандан кейин бирон белгини ҳам ўйлашгандир? Фақат менга эмас, шу жонкаш-жафокашларимнинг ўзига керак-ку. Бегона юртда дому дараксиз йўқолсанг, яъни ўзингникилар ўлган деб ўйласа-да, юртингда сенга ҳатто мозорда ҳам макон қилинмаса! Бунга чидаб бўладими! Мен, ахир, қирқ беш йил яшадим заминда, бу бор ўтмиш, менинг тарихим, уни ўчириб бўлмайди, шундай экан, биронта изим ҳам туриши шарт-да. Яқинларим шуни ўйлашгандир деб умид ҳам қиламан яна. Ҳеч бўлмаса, ўзлари учун, йўқ эса ҳайитларда руҳимни йўқлаб қаерга борадилар? Ғалати-я, ўтиб кетасан-у, лекин яқинларинг ҳар замон-ҳар замонда бошингга бориб йиғлаб туришларига манзил танлайман деб куйинасан. Жавобни у ёқда берсанг, фарқи нима сенга? Бари бир, бу оламдан узилгинг келмайди. Тамом ўчиб кетмай, мендан бирон белги, ёдгорлик турсин юртимда дер экансан-да. Ундан ҳам қизиғи – ўзинг тирик бўла туриб, қабрингга жой излаб ўтирсанг. Э-э, бас-э, фаришта омин демасин!

У эмас, бу эмас, Тошкентдан Жиззахга қараб кетаётганимда йўлда бир нарса бўлган деб ишонган эдим. Лекин шу қийналиб ўйлайман, бирон белги, асорат тополмайман. Ҳаммаёғим бус-бутун, бирон қирилган ё тирналган

жойим йўқ, йўл ҳам равон, фақат гурсиллаши бор, аммо кўп қатнаганимга, у ҳам ўрганиш... қаричма-қарич эсимда, айниқса бу ёққа ўтгандан кейин майда кум, йўқ, гард тўшалгандек юмшоққина эди, қулоғимда унақа бирон урилган-пурилган товуш-повуш қолмаган, демак, бирон ишкал чиқмаган, бўлса, ҳозир бунақа, одамга ўхшаб ўйланиб ўтирмас эдим. Бошим ҳам зарб емаган, хотира жойида. Қаерда, нима бўлган бўламан?

Хуллас, қанча ўйламай, калламга тузукрок бир тахмин келмайди. Дунёдан айрилганим аниқ, ягона-танҳо, чексиз-чегарасиз ёлғизлик ичида нигорон юрибман. Холдорни ҳамсуҳбат десангиз, бу ҳам энди дудмол гапларга ўтиб олган, кавлашини қўймайди. Хизматчи ғулия билан гаплашмаймиз; чироққа маъноли қараб қўйиб, индамай киради, яна шундай худди тилига муҳр урилгандек чиқиб кетади. Илгари чойни алоҳида, овқатларни алоҳида ташиб, кириш-чиқишини атайлаб кўпайтирган бўлса, энди ҳаммасини битта катта патнисга солиб келади, шу билан йиғиштириб ҳам кетади. Олдинлари дастурхон ёзган ёки чой узатган бўлиб, албатта у ер-бу еримга тегиниб қўяр, шунда нафаси юзимни сийпалар эди, энди бунини тушимда кўряпман. Севгимиз ҳам ёниб, энди кули ўчиб, учиб кетди шекилли.

Шу кунлари яна қочишни ўйлайдим. Унча қийин эмас, мана, боғҳовли, ана, дарахтлар панасида кичкина темир эшик, очиб чиқсанг, сал олисда от ўтлаб юрибди, пусиб бориб миниб оласан, кейин ҳайё-хуйт, олам сеники! Ўтириб олиб кўп хаёл қилганман, эркинликнинг гаштини ҳам сурганман, лекин кейинидан кўрқув бостириб келади: от қўйиб бориб қаердан чиқаман? Чегаранинг у ёғи ўз юртим эмас, ҳалиги айтганим, мувозий оламнинг Ғулистонга қўшни яна бир мамлакатига тушсам, у ердаги давлат булар билан соз бўлса-ку, хўбу хўб, мени бу ёққа қайтариб топширади, лекин ораси бузук чиқса, ана, унда кўраман машмашани. Бу ерда беозор китобимга шунча ваҳима, у ёқда бунақа шубқалар ҳолва бўлиб қолар! Ғулистоннинг шпioni деган айбни бўйнимга қўйиб, бир умрга кесиб юбориши ҳам мумкин.

Шу учун қочиш фикрини фақат ўйлаб қўяман, лекин, айтдим-ку, яна балонинг бошқасига учраб қолмай деб, боғҳовлидан ташқарига бир қадам ҳам босиш йўқ.

Фақат қўлим ҳеч бир ишга бормайди, китоб ўқиш, кассета кўришга, айтдим-ку, ҳушим йўқ, телевизорга қарасам, нуқул юрагим ториқади, боғҳовлига чиқаман, беш-ўн дақиқа кезиб, сабрим чидамайди, яна ўзимни ичкарига ураман. Ниманидир кутаман, табиатга қарасам, у ҳам бир нарсаларга интизордек. Олма тап-туп тўкилади, барглари шалп-шулп товуш беради, терак барглари шивирлаб қолади, ерда мусича пилдираб, ғу-ғулайди, хизматчи ғулиянинг шипиллаган қадамлари эшитилади, осмон очик бўлса-да, шамол гувиллаб булут ҳайдайди, лекин разм солиб қарасангиз, бари бир, ҳаммасининг замирида тинчлик, хувиллаган тубида сукунат, менга буларнинг бари «сабр-сабр» деяётгандек туюлади.

Эй, қодир худо, дейман-у, нима сўрашимни билмай, ихтиёримни шундай ўзига топшираман. Ҳа-а, энди бошингга мушкулот тушганда худони эслаб, мусулмон бўлиб оласанми деб, ўзимни янаман-у, яна эгиликнинг ҳам, тавбанинг ҳам кечи йўқ деб, хижиллигимни кўнгил ибодати билан тарқатишга интиламан.

Вазият ўзгараётган экан

Шундай кунларнинг бирида, орадан канча вақт ўтди, эсимда йўқ, худди йиллар кечгандек, хизматчи ғулия чойини кўтариб кириб, кутилмаганда кўзимга тик боқди. Куппа-кундуз куни, чироқ ҳам ўчмай, ёп-ёруғда биринчи марта менга шундай қараши. Юрагим шув-в этди. «Мана, ҳукм ҳам чиқарилибди. Хўш, шу экан-ку, бу ҳам қисмат-да энди», деб тақдиримга тан бердим. Нигоҳларимиз маъноли тўқнашди, сўнгги марта тўйиб кўриб олай деб, мен ҳам термилдим. У чиқиб кетаётиб ҳам ошкора ўгирилди. Қарашида жасорат билан бирга мулойимлик, очик меҳр ҳам бор. Доим коронғида ўпишганимиз учун кўзида фақат ойнанинг деразадан тушиб турган ғира-шира ёғдуси ё юлдуз чакнаши йилт этганини кўрганман, холос, ҳозирги нигоҳлари шуъласидан кўнглимда бошқача кечинмалар яллиғланиб кетди.

Кўк нимагадир тўниқ, осмонда ҳали булут йўғ-у, лекин авзойи бузилиб келаётган, олмазорни чағир-чуғур қарға босиб, талотум кўтарган эди. Жуда иркит қуш шу, энди боғҳовлида сайр ҳам йўқ, икки одим юрмай елка ё бошинг булғанади. Кўрмайсизми, шунча дарахтнинг ичида жой тополмай, кўналғага шох талашиб ётибди ювиксизлар.

Бир маҳал холдор ғулий ҳам келди. Ўзи қаргадан юрагим ғаш, бу энди баттар сиқади, деб ўйладим. Лекин у ҳориб-толган, махсус хизмат ходимидан кўра, кун бўйи кетмон чопиб, яна овқатсиз қолган мардикордек эзилган эди. Кириши билан, худди иккаламиз ҳамшиша улфатдек, шимининг чўнтагидан бир шиша ичғу чиқариб, иккита қуйғуни тўлдирди. Биттасини менга манзират қилди-да, ўзиникини газак-пазакка қарамай кўтариб юборди. Кейин у ҳам менга тўғри қаради, кўзи билан «Ичмайсизми? Олинг», деб қуйғуга имо қилди. Бунга ажабланмадим. Ҳукмни айтиб, мен билан хайрлашади, ўзи эса энди сабоққа учрашидан хафа, деб ўйладим. Обрўни туширмаслик керак, ҳаётимнинг сўнгги дақиқаларини арзигулик ўтказиш учун калламни равшан, иродамни мустаҳкам тутиш мақсадида ичғуни оғзимга олмадим. Ҳе, ичғунгнинг ҳам падарига лаънат, сайил ўтгандан кейин хинони кетингга қўй,

дедим ичимда. «Ичинг, атай олиб келдим», деди. Бош чайқадим. «Ёмон бўлди», деди у. Бир бошга бир ўлим, деб мардларча туриш бердим.

Қизиғ-эй, нимагадир жуда собит, вазмин, кўнглимни босиб келаётган ваҳмга хотирим жам пешвоз чиқяпман. Бўлмаса, ҳали сабабини билмайман, гумоним эса ёмон эди.

«Кўриб ўтиргандирсиз?» деди холдор телевизорга ишора қилиб. Энди бунақа ҳурматиани бошимга ураманми, дедим-у, лекин ўйимни сиртимга чиқармай: «Кўрмасам ҳам биламан», дедим. «Бир пасда-я? – деб шалвиради у. – Ким ўйлабди, кимнинг хаёлига келибди бунақа бўлиши! Мангу шундаймиз, деб юрардим-а». «Ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Бари бир мажбур эдингиз. Бошга тушганни кўз кўрар, мен чидайман», дедим. «Шундай метин қоя, тош қалъа бир ҳамла билан кунфаякун бўлса-я!», деса, иродамни айтяпти дебман. «Ўйламанг, мен яхшиман. Бундан оғир нарсаларни ҳам кўрганман», деб қўйдим, яна ҳам оғири нима эканлигини билмасам-да. Рост-да, юракдан ҳам бор экан деб ачинишига қўяманми. Англаяпсиз, мен буни ҳукм ижроси олдидан кўнглимга таскин бермоқчи деб ўйлабман. «Сиз билар эдингизми? Ҳа, балки ўзи эркин одамнинг фикри ҳам эркинлашиб, кўп нарсани олдиндан азмойиш олар», деса, менга қойил қоляпти деган хаёлга борибман.

Холдор яна қуйиб ичди, кейин яна. Олдин ҳам айтган эдим-ку, ичғунинг қанақа кучли эканини. Бу ҳам бирпасда ғулдираб, пишиб қолди. Ғулия қиз таом олиб кирди, патнисни қўяётиб, холдордан ҳайиқмай, менга тўғри қаради, нимтабассум қилишидан ҳалиги давлат дастури яхши бажарилаётгани ҳамда бугун кечаси албатта чироқ ўчишини англадим. Гаплашмаган бўлсак-да, муомаламиз очиқ, қарашларимизда шу маъно бор, ўзим ҳам қанақадир эркин эдим. Лекин синимни бузмай ўтиравердим. Ким билади, булар яна нима ўйинлар кўрсатади, холдор ҳам усти юмшоқ, ичи заҳарга тўла илон, ҳаммасига тайёр туришим керак, одамнинг боши ҳар куюкка кўнади, дедим. Аммо ҳукми қанақа бўлса? Қаерда ижро этилади, қанча томошабин тўпланади? Ё ҳеч бир ғулийга кўрсатмай, кесиб

юбораверишадими? Унда чатоқ. Сўнгги сўз, майли, керак эмас, лекин бошингни кундага мағрур қўйсанг-у, томошабинлар кўриб, қойил қолмаса, одамнинг қадри ҳам, берган жазосининг нархи ҳам уч пулга тушиб кетади-да.

Ҳукмнинг обрўси анчайин эканини холдорнинг сўлғинлигидан ҳам билса бўларди. Худди отаси ўлгандек, бўкиб ичиб олди, оғзидан гапи тушиб кетяпти. Вей, ландовур, сен бошқа оламдан келиб, юртингда донг қозонган одамнинг тақдирини ҳал қиялсан, ўзингни сал дадил тутиб, хатти-ҳаракатингга тантанавор тус бермайсанми, ахир! Фулистон номидан иш кўряпсан-а, қотил пандавақи! Гапларини хизматига мени яхшилаб етказганда, балки жазо ўрнига бошқа имтиёзлар ҳам тегиб қолармиди? Бу аблаҳ тўғриси айтиверган, мана, энди оқибати бу.

Ана шунақа, ҳам хавотирдаман, ҳам аччиғим келади. Холдор эса ичавериб учиб қолди, лекин гандираклаб икки марта йиқилса- да, ўз оёғи билан чиқиб кетди. Бечорага ачиндим-у, ёрдамга турмадим. Ўлмайдимки менга деса! Яхши одам эди, ғулийга меҳрибон деб эслаб юришини бошимга ураманми!

Ҳали нима гаплигидан хабарим йў-ўқ. Энди телевизорга ёпишаман десам, ташқарини бирдан тап-туп, ванғ-вунғ-ғ товушлар босиб кетди. Деразадан қарасам, осмонда қарғаларнинг ачавоти, боғ тўла бақувват ғулий, иккитасининг қўлида бензинарра, қолганида болта, олмага қирон солишган. Шу иккитаси дарахтни чийиллатиб қулатади, бошқалари шох-шаббасини чопади, ўтлоққа дупур-дупур олма думалайди. Ишқилиб, ғайрат ҳам, шовқин ҳам катта. Лекин ҳалигидақа қўшиқлар, бир-бирига олма отишлар йўқ; хотинлар ҳам кўринмайди-ку-я. Эркак ғулийлар уларнинг йўқлиги аламини дарахтдан оляптилар.

Тумшуғи чангак бир трактор келиб, кундаковликка тушди. Ерда чаппа ағнаб ётган тўнкалар худди узун-узун бармоқларини кўкка чўзиб унсиз фарёд қилаётгандек одамнинг раҳми келади денг. Ҳа, аниқ нимадир бўлган! Шу

нималигини билай деб телевизорга тармашдим, кўп кунлардан бери кўрмаган эдим-да. Ҳали унинг экрани ёришмаёқ, ғулия севгилим келиб олди. Севгилим деяпман, чунки юз йиллик маҳрамимдек, куппа-кундузи биқинимдан жой олиб, менга бутун гавдасини ташлаб суянди. Нафасим қайтиб кетаёзди, хаяжондан эмас, қиз бола интилиб оғирлигини ташласа, жуда вазминлашиб кетар экан, уни эркалатишни ҳам, телевизорга қарашни ҳам билмай, иккиланиб қолдим. У экранга имо қилди. Бугун узунчоқ янги сирға такқан экан, бошини кимирлатганда оппоқ бўйнида ноз билан солланади, эркалатгани қўлимни юборишим билан телевизор тўсатдан шовқин солди: шалдир-шулдур аралаш анча баланд вағир-вуғур отилиб чиқди Кейин тутакқан ғулийга тўла майдон ёришди. Ҳеч ким ҳеч кимни эшитмай, ҳамма бирдан гапираётган, яъни занжирини силкитаётган, афтидан ҳали нимага кўчага чиққанини ўзи ҳам англамаган талотум тумонат, оғизларнинг катта-катта очилиб ёпилишидан хаяжон зўридан кўкракларига нафас етмаётгани кўриниб турар эди. Фақат майдон эмас, унга туташ кўчаю кўчалар ҳам намоиш шавқи-сурури билан қайнайди. Ҳамманинг юзида шошқин эсанкираш, телевизорнинг ўзида эса бир оғиз ҳам изоҳ йўқ, дикторлар ҳам жойида ўтиролмай, чиқиб тўдага қўшилган шекилли, камералар тўғридан тўғри майдонга улаб қўйилган эди.

Ҳеч нарса тушунмадим. Ғулиям тирсагимдан қаттиқ сиқиб, бошини елкамга хушҳол қўйди-да, ҳикоя қилишга тушди.

Анчадан бери ўзимга ўзим ўралишиб, буларнинг дунёси билан қизиқмай қўйган эканман, ғулиям айтаверса, анграйиб қолибман. Шу кейинги кунлари, аниқ қачонлиги номаълум, вазият бирдан ўзгариб, издан ҳам чиқиб кетибди. Ғулиётнинг тинчи ёппасига бузилиб, калаванинг учини йўқотиб қўйганидан ким ўзини ишга уриб, ким олма чопгани қўлига болта олган, кимдир ўпкасини қўлтиқлаб усиз ҳам ҳовлиққанга тўла майдонга югурган. Гап шундаки, олмани килолаб ҳам, пудлаб ҳам еса-да, бари бир темир моддаси ғулий танасида занжирга айланмаслиги очилиб, она қорнидан

туғма ғулийча туғдириш фани чипакка чиқиб қолибди. Бир олим қахрамонларимнинг ҳам олма ейиши, лекин занжирбандликни хаёлига ҳам келтирмаслиги мисолида шунчаки бир тахмин айтган экан, тахмин ҳам пишиб турган эканми, бирдан аниқ ҳақиқатга айланиб, барқ суръатида ғулиётнинг қулоғига етибди. Ҳақиқатнинг ўзи ҳалиги ғулийча халқа бўйича айлана ривожланиб, яъни гап жуда тез тарқалибди-да, ғулий она қорнида занжирсизми, демак, шундай туғилиши ҳам ҳақ, шундоқ эканми, кейин уни ҳар қанча кишанламанг, у бари бир эркин ҳолига қайтиши керак деган жуда журъатли илмий фаразлар ўртага ташланиб, булар ҳам бирпасда ҳақиқат мақомига чиқибди. Бунга ҳатто газеталари тугул, ҳукуматнинг ўзи ҳам эътироз қилолмай, ожиз қолибди. Ғулиёт энди нима кўрсатма тушар экан деб, даҳо ғулийбошининг оғзига тикилса, бу оғиздан садо йўқ. Ҳаммаси шахсан ўзидан йўл кўрсатишни сўраймиз деб майдонга ёпирилибди. Қарасалар, у кўрсатадиган йўлгина эмас, унинг ўзи ҳам йўқ, устига-устак, йўқлигининг ўзи ҳам шубҳали, яъни ғойиблигига жуда кўп бўлган экан. Буни ҳам ўша фалсафий тизим бўйича ҳисоблаб, аниқлаб кўрсалар, китобим Ғулистонга кириб келган пайтлари ё ундан анча олдинлар вафот этиб кетган-у, унинг ўринбосарлари ё ўрнига бўламан деб талашиб ётганлари буни ғулиётдан яшириб келаётган экан. Яна шу фалсафий тизим бўйича мулоҳаза юритиб, даҳо ғулийбоши раҳбар асли ўзи бўлганми ё бўлмаганми деган масалани ҳам кўтариб чиққанлар топилиб, жумбоқ айлана чалкашиб, алданганларнинг сабр косаси тўлиб-тошиб кетибди. Алам қилади-да шунча йил ўзи йўқнинг кўрсатмалари бўйича яшаш. Ў-ў, илгари биз ишонар эдик ўлган бўлса-да, ўзи мангу барҳаёт деган гапларга. Ғулиётнинг бошидан бунақа тузум алами ўтмаган-да. Яна бу ёқда барчани маҳкам ушлаб, бир тартибда тутиб келган занжир ҳақида қулоқ эшитмаган шовир-шувур. Ҳозирдан унинг шу ўлчам, шу оғирликда бўлиши нима учун мажбурий, сал бошқача ёндашилса, яъни ким қандай кишан хоҳласа, ўшанақасига чулғаниб юрса яхши эмасми, деганга ўхшаган мулоҳазалар чиқиб, уни турли хил материалдан, ҳатто енгил пластмассадан яшаш таклифлари ҳам ўртага

ташланибди. Бир олим сувдек тиниқ резинадан қуйиш усулини кашф этиб ҳам улгурибди. Бу ниҳоятда арзон, хомашёси ҳам ҳаводан олинади, энг асосийси, ўзи унча кўзга ташланмайди, шаффоф, лекин эгаси сал ножўя ҳаракат қилса, тортиб туришга ниҳоятда қулай экан. Виждоннинг ўзи кўринмайди, лекин бор-ку, ғулийнинг майлларини бир чегарада ушлайди, бу ҳам шундай, деб фалсафий томондан ҳам асослаб берибди зукко олим.

Халқаларнинг шакли, эллипсми, тўртбурчакми ёки учбурчак деган эски баҳслар яна кўзғалиб, гуруҳларнинг ичига ичкарилаб, каллаларда ҳам парокандалик туғилибди. Чиқаётган ихтилофларни кўриб, шу пайтгача тақиб келган занжиримиз яхши, мана, ўзгартириш қанақа ёмон оқибатларга олиб келяпти деб, ақидаларга ёпишиб олган эскичилар ҳам кучайиб кетибди. Бу ўртада, албатта, китобимни ўқиганлар орасида, ана, ҳеч қаери кишанланмаган, ҳатто оёғида ҳам занжири йўқлар бемалол яшаб юрар экан, биз ҳам ғулдан тамомила воз кечсак-чи, деганлар ҳам ҳалигиндақа миқдори ошиб қолибди.

Ҳозир ҳамманинг борадиган, учрашадиган, гаплашадиган жойи ҳу ўша майдон бўлиб, шу майдондаги тортишувлар ҳали очик тўқнашувгача етиб бормаган-у, лекин гапхона қизиб, овозлар баландлаган, ана-мана ё у ёқлик, ё бу ёқлик бўлиши турган гап экан.

Ғулия қиз муҳаббатини илгари эл кўзидан пана қилиб юрган бўлса, энди ошкор этишдан ҳам қайтмайдиган шаштда, чунки майдонда китобим билан бирга ўзимнинг ҳам номим тез-тез тилга олиниб, «Занжирсиз одам ҳам орамизда юрсин, унга очик қарашга ҳаққимиз бор», деган хитоблар ҳам янграбди. Боя холдорни видолашаётгани учун довдираяпти, деб ўйласам, бечора, бирдан обрўйим кўтарилиб кетганидан, олдимда нафсини тия олмаганидан хижолатга тушиб, ноқулайликдан чиқай деб яна отиб, баттар кайфи ошиб қолган экан.

Бу гапларнинг бари менга ёқмаётган эди. Майли, номим донг таратсин, маош қўшиб бермаса ҳам, бари бир, ош-нон сўрамайди, лекин эртанги куним нима бўлади? Фулистон безга бўлса, тақдирим кимнинг қўлида қолади? Олдин, даҳо ғулийбоши борлигида ё аниқ у ёқли, ё аниқ бу ёқли бўлар эдим. Борлигида, деяпман, ўзи йўқ бўлса ҳам, бари бир, раҳбарлик салобати бор, шу салобати ғулиётни босиб турар эди-да. Энди тақдирларга ҳукм берадиган у йўқ, ҳатто ўзи асли ҳам бўлмаган, Фулистонни кишанда ушлаш учун махсус ўйлаб топилиб, расми компьютерда тирилтирилган тўқима образ деган узунқулоқ гаплар юрибди. Янги расми қачон чиқади-ю, қачон компьютерга тушиб тиради, кейин унга ғулиёт саломга келадими йўқми – ҳаммасининг думи ҳали хуржунда. Унгача аҳволим нима кечади? Холдорнинг кайфиятига қараганда, хизматидан ҳам ҳол сўрагулик.

Обрўни ҳам вақтида берса экан. Меники доим шу, ҳеч омадим юрмайди. Бошқаларнинг китоби тилга тушса, мактаган тақризлар чиқади, яхши сотилади, бундан, албатта, ўзи ҳам тузуккина қалам ҳақи олади, шундан рўзғори бут, кўчаларда ҳурмати жойида, таниган ёшларнинг саломига салобат билан бош эгиб алик олишлар. Бу ерда эса... хуллас, китобимнинг келмагани, буларнинг ўқимагани минг марта яхши, оч қорним, тинч қулоғим эди. Бу кетишида, худо кўрсатмасин, ғулийларнинг ҳалиги занжирсиз яшаймиз деб чоғланаётганлари бизга етакчи бўлинг деб, мени тутилтириб қўйишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Билиб турибман, олдиндан кўнглим ҳам сезяпти, ҳозир даҳо ғулийбоши йўғида пайтини пойлаган бир раҳбар, йўл ўргатадиган бир бош керак. Ғулиётни китобим кўзғаб қўйгандан кейин, йўлни бошқа ким ўрнатади. Албатта... лекин, йў-ўқ, бу илтимосга кўнмайман! Бунга, турган гап, йўқ дейман, даҳолик ҳам ўз юртингда ярашади, аламини олмадан оладиган оломонга бошчи бўлишга, нима десам... ишқилиб, елкамда каллам йўқ эмас. Яна, қаранг, айна олма ғарқ пишган мавсумда. Хўп, олмада темир моддаси кўп, хўп, у ғулий танасига сингиб, ғулия туғма занжирбанд туғолмас

экан, лекин тилсиз дарахтда нима айб? Ҳамма гап ўзингда-ку, ким сенга шунча аср чўпчакка ишониб яша деди? Олма темир занжирга айланмагани билан, бари бир, фойдали озиқ-ку. Майли, жуда бошини еб битиб, ҳосили омборларга сиғмас, лекин тўғраб, куритиб қоқ қилиб, қишда чойга ивитиб маза қилиб емайдими, а? Ё туйиб талқон қил. Ҳа, олматалқон. Мен Форишда, Осмонсой деган бозорида кўрганман. Бир одам бир тўрвасини сотиб ўтирган экан. Еб кўришга кўнглим бормади, туси занглаганга ўхшаган сарғиш экан. Қандай туйилиши сўрамадим-у, лекин эрталаб наҳорга бир қошиққинасини чойга аралаштириб урсангиз, кун бўйи тўйиб олма егандек тўқ тутади, деди шу талқонфуруш. Телпагига куя тушган бўлса ҳам, ўзи яхши одамга ўхшади, ўлдими, алдамаса керак.

Буларга ҳам шу маслаҳатни берай дедим, лекин ҳафсалам ўлди. Болам занжирбанд туғилади деб олма эмас, сен ишонгансан, шундай эмас эканми, энди хурсанд бўл, шунақа чақалоқ дунёга келганда уни катта қилиш ташвиши нималигини билмайсан-ку. Гулдек нозик миттича темир кишанчаларга чулғаниб ётса-я. Баданчасига совуқ тегиб, шамоллашдан боши чиқмайди, занжирчасини шиқирлатиб овутасанми? Кўкйўталига кўкқарғанинг патининг сувини ичираман деб, учар қушни учмас қилиш инсофданми, кейин.

Рости гап, ғулиётнинг шу авом табиатини ўйлаганим сайин чиройли ғулиясининг суйиб-эркалашлари ҳам унча ёқмайроқ қолди. Шу вақтгача севгилим, жоним-поним деб шивирлаган бўлсам, энди баралла ҳей-вей деб гапиришга ўтдим. Ҳа, дарвоқе, энди чироқ ўчиши ҳам шарт эмас, хоҳлаган пайти учрашиб, очиқ гаплашаверамиз. Унинг, албатта, кайфияти зўр, меҳри товланган, машҳурлигим тилидан тушмайди, майдонни гапириб, мени ҳам қизиқтиради. Лекин ўзимни босаман, авом кўтарилганда қаёққача боришини биламан: ақллашиш учун тўдаланади-да, ақл қолиб, кекирдакка зўр беради, бир кун издиҳом, икки кун айюҳаннос, хўп, ана ҳафта ўтсин, боринг-э, ой ҳам дейлик, кейин, қор ташлаб қолиши, ёмғир ёғиши бор, ёзда бошдан офтоб

уради, охири, кулоқлар ҳам батанг бўлиб, мана, ёмон зўр гапларни айтдик, бопладик лекин, деб ҳамма хотиржам уй-уйига, тепа-тўйига тарқалади. Бу ўртада ҳукумат ўзини тутиб олади, холдорнинг патарот топган хизмати ҳам каддини тиклайди, бағавотда ғайрат кўрсатганларга кейин айбини бўйнига кўйиб, кетига тепиш ниятида тузукроқ иш берилади, энг кўп бакирганларига тилини қисиш учун жиндай-жиндай амал ҳам тегиб қолади. Ҳаёт яна аслига қайтиб, изга тушади.

Кўп ўқиган, ўқимаганини ҳаётнинг ўзи ўқитиб қўйган одамман, Ғулистоннинг бугуни менга аён, эртасига ҳам тахминларим бор, фақат ўзимнинг аҳволим номаълумроқ. Холдордан азмойиш олай десам, иши кўпайиб, кўриниш бермаяпти. Бу ёқда дастурхон ғариблашган, қорин майда масала бўлса ҳам, кўндаланг туриб қолгани чатоқ. Бошқа нима еганим эсимда йўқ, бир-икки кун кесиб, кундаков ҳам қилинган олмазорнинг ўти орасида обияти қочган, лекин ҳали чиримаганларини топиб, артиб-пуфлаб, тамаддини амалладим. Боғҳовлининг бир чеккасида пишиб келаётган кечкироқ олхўри бор эди, нафс ўлсин, оч курсоққа нордонгина деб урган эканман, падарлаънати, аҳволимни анча танг қилди. Яхши ҳам севги доимо севги, нажот ҳам шифо, хизматчи ғулиям қаердандир ярим халтача қоқ нон топиб келиб, жонимга ора кирди.

Бу ўзгаришлар менга фориом келмади, ўзгаларники ҳатто инқилоб бўлса ҳам, сен оч ўтирсанг, айил ботар экан. Шухрати ҳам бунақа пайти кир кўйлакка – зар ямоқ, кераксиз, зўрлаб тикиштиришса бурнингдан ҳам чиқади. Ўзим бошимдан ўтказдим.

Бари бир кўтар-кўтарга учрадим

Ғулиям майдонни тинмай гапиради, аммо, хизматчилик, мени ташлаб кетолмайди, ҳар хил баҳонаи сабаб билан ўзимни ўша ёққа ундайди. Довруғимдан фахрланиб сузилаверганига, ғулийлар мени кўришга шунча муштоқ бўлса, бу ёқда бир қизи билан бекиниб ётсам, бор гап очилиб, маза-бемаза гап-сўз чиқиб юрмасин, шунча иззатимга яраша уларга ҳам ҳурмат кўрсатай деб, содда одам, бир куни майдонга отланибман. Йўлда ўша ёққа шошаётганлари ғалати-ғалати тикилганларини сездим лекин. Аммо буни ўзимга, яъни кишансиз одамга қараш бемалол бўлганига йўйиб, янада кўнглим ҳовлиқиб, энди бу ёғига ҳам обрўйимни сақлай деб, салобат билан камтарона одимладим. Ҳалиги қассоб ҳам дўконидан кетмаган эди, менга ошкора қараган эди, ҳу ўша кунги беҳурматлиги учун кўз қиримни беписанд ташлаб қўйдим.

Майдонда олдин кўрганим ҳалқа-ҳалқа зиёрат йўғ-у, лекин кўлини олисларга чўзган ҳайкал тагида ғулийларнинг уймалашиб, болта-тешаларнинг офтоб тиғида тарақ-туруқ, ялт-юлт қилиб турганидан нима гаплигини дарров англадим: унинг ҳам бошига олманинг куни келган!

Етишим билан қайнаш-кўпириш бирдан босилиб, тумонат юзини менга бурди, шунда анча-мунча ғулийнинг боши ёрилиб, юзи қонга беланганини кўриб, сабабини билсам-да, хавотирга тушдим. Ҳайкал ҳам қасдимда: «Ана, шу қилди!» деб қўли билан мени кўрсатиб турган эди.

Кейин ҳаммаси бу ёққа қараб қалқди. Эс-песим чиқиб кетиб, турган жойимда тўнкадек қотдим. Ҳозир босиб-янчиб ташлайди, ўзимни кўрсатишга шунча жойдан келиб, оломоннинг тагида қолиб кетаманми, деб ҳуррам учиб турганда булар шартта тутиб олиб, осмонга отиб юборишса! Жаҳлдан эмас, шарафлаб. Илгари ҳеч бунақа бўлмаганим учун юрагим ёрилиб кетаёзди. қорин чала курсоқ, хом олхўри қўшиб дармонни ҳам суриб кетган, пуфласа ҳам учаман, яна булар ҳа-хулаб тепага отади. қийқириқ, чапак, олқишлар,

тумонат занжирнинг бирдан шалдирашини эшитмагансиз-да; қулоғим чиппа битиб, ичим тўкилиб, суякларим майдаланиб кетаётгандек бўляпти-ю, лекин ёқимли. Жуда баландга отишяпти, ишқилиб, тушириб юбормасинлар, деб жоним ҳалак.

Оломонга қахрамон бўлиш нима эканини билар эдим-у, лекин ўшанда буни ўз бошимдан ўтказиб, энди минбаъд узоқ юраман деб, онт ичганман. Ҳа, бунақа меҳру муҳаббатдан худонинг ўзи асрасин экан. Кўтар-кўтар қиламан деб, ерпарчин уриши ҳеч гап эмас. Мана, майиб-майриқ бўлишдан омон қолдим. Ҳа-ей, бунақа обрўнинг юзини тескари қилсин. Эсласам, ҳозир ҳам мазам қочиб, э-э, доврўғининг ҳам падарига лаънат деворгим келади, баъзан дейман ҳам. Лекн у пайти анча хатарли бўлса ҳам, бари бир, шуҳратнинг ҳаросати бор эди-да.

Кўтар-кўтарнинг шавқи айна авжида, қарамаган эканман, янги бир оқим келиб қўшилиб, ғала-ғовур кўтарилди. Аввал гарангсиб, ҳеч бир нарсани англай олмадим, ҳамма бақириб, ғулий ғулийни эшитмай, бир-бирига аралашиб, тагин бетартиб шалдир-шулдур бўлиб кетди. Менга тараф турганлари ҳайкалнинг тагини бўшатган эди, у ерни янги келганлари ҳалқа қилиб ўраб олди. Ёнимдагилари - бирови дастрўмоли, бирови енги билан юзидаги қонини артаман деб баттар суйкаб, уларга қараб қолди. Келганларнинг ичида бир чорпахили бор экан, шу ўртага чиқиб, мени ҳурматлаганларга қарата тап тортмай: «Ҳой, беқадрлар! Кимни бошингизга кўтариб, нимага ўзингизни оёқости қиляпсиз? Ғулийлик ориятингиз қани! Уят-э, уят!» деган эди, бу ёқдагилар эсанкираб, мени аста ерга қўйишди. «Башарангизга бир қаранг, бир умр сажда қилган ҳайкалнинг тагига бугун чўкич урасиз, жазосига бошингиз ёрилган, юзингиз йиртилган», деди у яна. Ҳа, булар бузамиз деб ҳайкалга ёпишган, ёмон метин тамал тошидан болтаю теша, ҳалиги темир чўкичлар сакраб қайтиб, урганларнинг ўзига зарар бериб ётган эди-да.

Янги келганларнинг занжири йўғон-йўғон, телевизорда кўзим кўриб ўрганганидан икки-уч баробар салмоқли, юки оғирлигидан баъзи килтирикларининг бўйни букчайиб ҳам қолган. Яна разм солсам, бариники янги қуйилиб, ҳали мойи ҳам яхши артилмаган, ҳалқалари офтоб тигида чакнайди. Шошма, бу ерда бир гап бор деган шубҳага борган эдим, бу ҳам кейин тўғри чикди. Ҳалиги чорпахил яна: «Ҳа-а! Эркинликни истаб қолдингизми? Чопқиллаб кетаверсангиз-да а? Қойил сизларга! Тарихимиз, анъаналаримиз унутиладими? Ким-қаёқдан келганга эргашиб, ота-боболаримиз арвоҳини чирқиллатинг, ҳа, оқпадар бўлинг, кўрнамаклар!», деб бақирди. Бу ёқдагилар уялиб қолди шекилли, жим, энди анча-мунчаси куённи суриб қолмаса, деб турган эдим, лекин биттаси овозини чиқарди, бу ҳам гапидан қайтмайдиган қайсар ғулий экан, «Ота-боболар дейсиз, уларнинг асрлар бўйи кишанда қолгани етмай, биз ҳам шундай юрайликми? Ўргилдик бунақа анъанадан! Биз ҳам, мана, эркин одам деганлари бор экан, ўшалардек занжирсиз бўламиз. Ўқиб чикдик шу китобни, занжирсиз демаса, биздан ортиқ жойи йўқ. Э-э, яшайлик-да бундай. Кейин, мана бу ўзи қаёқни кўрсатяпти? Қўлини чўзган томонга қаранг, нима бор экан? Келажак у ёқда йўқ!», деди ҳайкалга ишора қилиб. Бу гап чорпахилнинг таънасидан дами пасайганларни бошқаттан руҳлантириб юборди. Тарафдорларим энди камаймайди, деб турган эдим, у ёқдан бо биттаси сўз олиб қолди, унинг занжири ваҳимали, пўписага шиқирлатаман деган эди, фақат оғир қарс-курс чикди. Атайлаб қорароққа бўятганми ҳам дедим. «Хўш, - деди у. – Хўш, сизлар одамнинг қутқусига учяпсизлар. Кишандан чиқсангиз, бундан бошқа қутқуларга ҳам учасиз. Ҳа, учиб, шу билан ўзингизни, ўзлигингизни унутасиз. А. сиз ўқиганни биз ҳам ўқиди-ик. Уларнинг дунёси тўла одам экан, яъни занжир тақмайдиган. Одами тикилиб кетганидан экологияси бузук, ўзларига тоза нафас етмайди. Энди сиз ҳам қўшиласизми уларга? Керакмисиз уларга? Ё улар бизга керакми? Тинч ҳаётни бузмай, маза қилиб яшаш ўрнига бу нима нонтепкилик? Қушнинг тушови йўқ, йиртқич ҳайвон бунга нолойиқ, табиатнинг бирон ёввойи жонзотига раво эмас - нима, шулар

каторига тушишми орзуингиз?» Ўзи ҳам лаппос ғулий экан, бўйнига яна бир тонна занжир осса-да инқ этмайдиган чоғи бор.

Шу билан кетди тортишув. Бирови у дейди, бирови бу, гоҳ у томон занжир шиқирлатади, гоҳ бу томон жиринглатади. Бир оқсоқолроқ кўса чиқиб: «Мен соқол кўя олмайман, чунки мўйимни бўйнимдаги занжир тишлайвериб азобга кўяди», деган эди, уни катта ғул таққан бир ёш йигит: «Нима, шундоқ табаррукни иягингиздаги тўртта жунингизга алмашасизми?», деб оқсоқолга аччиққина изо берди. Бу орада ўзи ўғил бола-ю, лекин сочини яшноқ зангорига бўяб, даканг хўрознинг тожидек тикка локлаб қотирган битта мундайроғи: «Келинлар, шуни ингичка, чиройли тилладан қилайлик. Ҳам тартиб, ҳам безак», деб қолди, бир таманноли ингичка товушда. Унга пўрим кийинган бошқаси: «Э-э, жинси бетайин, кўп ликиллама, тилладан куйсак, нархимиз ошиб, туришимиз қиммат бўлиб кетади-ку», деб оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштирди.

Ҳалиги чорпахил ғулий роса тайёрланган экан, яна минбарни эгаллаб: «Мундай ақлни пешлаб, ўйлаб олинг: ахир, сиз ғулийсиз, шундай шарафли номингиз, шунга яраша фахру ғурурингиз бор, занжири йўқ махлуқ эмассиз. Кимни кўрсангиз таассубми? Кўкайингиздаги ўт ўчди шекилли», деб ҳаммани ўйлантириб қўйди. Ҳатто бу томондан менга ёқтирмайроқ караганлар ҳам бўлди. Бир безорибашара ўқрайиб тикилиб, одамнинг юрагини сескантирди. «Мана, олти килолик ғулимни уч баравар оғирига алмаштирдим. Қани, сабабини ўйлаб топинг-чи? Мендан ўртак олиб, биродарларим ҳам оғирроқларини қуйдирдилар, бу нима учун? - деб занжирини куч билан силкитди яна чорпахил шайтон. - Ҳа, шундоқ, кейинги соатларда шу китобни ўқиб, кўканимиз ҳақида бўлар-бўлмағур гапларни эшитгандан кейин қарасам, ўзимиз ҳам унча сезмай қўйибмиз. Мен энди унинг салмоғини уч баробар ҳис қилай дедим. Майли, бир кило темир етмай, ўн етти кило бўлиб қолди. Ҳали яна кўшдираман. Буни сизнинг уволингиз учун, то ўзингизга келмағунингизгача, юролмай қолиб, етти букилиб ерга

киргунимча оғирлаштириб боравераман». Бунинг кўлидан яна бошқа нарсалар ҳам келадиган; гапи орасида занжирига кўникиб, қайси оҳангга солишни ўрганиб олган экан, бетиним шалдиратишга тушди-ку. Ҳамма жимиб қолди, занжирнинг шалдири кескин, қатъий, тўғри бориб виждонга тегарди, бу томондагилар энди хижолатга тушди. «Тўғри-эй! Биз учун азобланишни бўйнига оляптими, демак, бир балодан хабардор», «Нима қиламиз қийналиб? Занжиримизда юраверсак-чи, биздан ош-нон сўраяптими? Осилиб турибди-да ўзича», «Тинчгина ҳаётимизни ўзгартириб нима зарил? Бу ёзувчининг бошқа қиладиган иши йўқ эканми?», деган нолишлар ҳам бўлди. Кўп гаплар чиқиб кетди, баъзиларини эшитдим, баъзиларини йўқ, ҳаммаси занжирини шиқирлатади, жангир-жунгир баҳс, гап бозори қизиган. Энди ҳайкал ҳамманинг эсидан чиққан. Эътибор берсам, бу томондагилар, яъни менга тарафдорларнинг ҳам ғули ўзгариб қолган, ўлчами турлича, ҳар хил рангланиб, чиройли тақилган.

Бир ғулий турган эди, ҳаёли жойида эмас, ўзи ҳам худди бу ерда йўқдек, гапирмайди, фақат бепарво эшитади. Кузатувчими ё. Ҳар замонда менга «Кўряпсизми?» деб имо билан қараб қўяди. Шу бирдан сўз олиб қолди. Кўпчиликнинг эътиборини тортишни билар экан, ўртага чиқди-да, эшиттириб сўлиш олди, «Э-э, жуда чарчатиб юбордингиз-ку», дегандек занжирини таъсирли жиринглади, ҳамманинг кўзини оғзига қаратди. «Менга қаранглар, - деди у барча ғулий ўзига қараб турган бўлса ҳам. – Китобнинг бир жойида: «Олтовлон ола бўлса, оғзидагини олдира», деган гапни ўқидим. Шунини ғулий бўлолмаган одам ёзган, лекин жуда тўғри. Мана, биз, олтовлон эмас, тўла майдон, бутун ғулиёт, ичимиздан олани болалатиб турибмиз. Ҳозир оғзимизни йиғиштирмасак, билмадим, эртага, йўқ, бир-икки соатдан кейин нима бўламиз. Биз, ахир, ягона ва бетакрормиз-ку. Бу оламда ўхшашимиз йўқ, бу ҳам фақат занжир туфайли, у бор – биз ҳам бормиз. Энди ўзимизни йўқотиб қўймайлик, минг-минг йил ғул билан яшаб, энди уни ечсак, демак, йўқоламиз. Мана, китобни ёзган одам шу ерда экан, хали сўраймиз, айтиб берар, озодликдагидан кўра кишанда яшаш ҳимояли эканини

кўраётгандир, ўзи айтар. Минг йиллик ишни бир-икки кунда йўқотсак, ўзимиз ҳам, оёғимиз остидаги ер ҳам омонат бўлиб қолади. Ҳа, азиз ғулий биродарлар, озодликни гапириш осон, лекин унда яшашга тажрибасимиз мутлоқ йўқ. Кейин бу китобдаги қаҳрамонларнинг жуда ҳам бахтли бўлиб кетганини топмадим».

Роса гапга чаток ғулий экан, ҳаммани ўзига оғдириб, бозорни қайтадан киздирди. Менга гап тегмади, текканда ҳам жавоб беришга бошим қотиб қолган эди. Энди озодлик ўзи нима, бу ҳам масъулият талаб қилса, кулликнинг бир тури бўлиб чиқмайдими, занжирдан чиқиб, эркинликка тутилиб қолмаймизми тагин, шундай яшаб юраверсак-чи, деган ғалати гаплар чиқиб кетди. «Нима оғир жиноят қилдикки, занжирсиз қолсак?» деган ҳайронлик ҳам бўлди менга кўринмаётган томонда.

Битта шум кал бор экан, азбаройи соддалигидан кўприк тагида эшак хуркитадиган, шу нима деб сўради денг: «Эй, шошманглар, озодлик, озодлик дейсизлар, нима ўзи у? Мен ҳам шу китобни ўқиб, одам деганларини кўрдим, лекин озодлигини кўрмадим». «Ий-э!- деди орқадан бир гирдиғум. – Ҳали йўқ нарсани бўлиша олмай ётибмизми?» «Ҳа-ей, ўзи нима шу? Ейиладими, ичиладими?», деб қолди битта пўстактабиат ғулий, ўзининг ҳам уруғ-аймоғи маймунми, бўйнининг жунида бўйинтасмаси кўринмай кетган.

Ҳу бошда мен тараф қайсар деганим ғулий анча мулоҳазали экан, «Сизлар ғулийми ё емхўр жониворми? Гапингизда нукул қорин ғами. Озодлик унақа курсоққа урадиган таом эмас. Тўғри... таомлиги бор, лекин у - кўнгил таоми, - деди, ўхшатишига мен ҳам беш кетдим, худди ўзим ўқитиб кўйгандек, а. - Озодлик – бу озодлик! Мана, ҳаводан нафас оламиз, ўзи кўзимизга кўринмайди, лекин усиз яшай олмаймиз. Озодлик ҳам шундай». «Хўп, шу озодлигидан нафас олиш учун нима қилишимиз керак? - деб сўради бояги безори башара. – Бировдан тортиб олиб келиш бўлса, мана, биз тайёр». «Обкелмаймиз, - деб тушунтирди чуқур билимдон. - У ўзи келади, фақат занжирни ташласак – бас», деб гапнинг пўсткалласини айтган эди, бу

ногаҳоний ҳақиқатдан майдоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Анча кейин халиги калдан секингина садо чикди: «Э-э... ўзимизча ташлаб, бир балога йўлиқмайлик тагин. Тепадан рухсат бўлсин-да», деди у. «Ўтган булутдан ёмғир кутма. Тепа ҳеч қачон рухсат бермайди, берса – тепалиги қолмайди, - деди қиш ғамини ёзда еб, қалинроқ бурқиниб олган бошқа бирови умидсизлик билан. – Ечсак, ўз билгимизча ечишимиз керак». Унинг бу доно гапига бояги калбош: «Ҳо, шунчалик билсангиз, бошланг сиз, - деди. – Кейин биз эргашамиз.» Майдонга яна жон кирди. «Ҳа, бошланг сиз, бошланг, биз изингиздан борамиз», «Ҳа, шундай бир мардлик кўрсатинг», «Биздан ҳам ботир чиқадиган кун бор экан-ку», деган хитоблар янгради. Лекин бурқинган ғулий бир одим ортга тисарилиб, ўзини бир ҳўппа семизнинг панасига олди. Ўша ёқдан туриб: «Э-э... бир ўзим отилиб чиқишга юрагим... йў-ўқ, бўлмайди, - деди шашти пасайиб. - Кейин сизлар ташламай қўйсангиз а? Аҳмоғингизни топибсиз! Ташласак ҳаммамиз бирдан!»

Майдон гувиллади, орқада яхши эшитмаётганлари бу ёққа сурилиб, мен ҳам қисилиб қолдим. Ёнимдагилар салом берса ҳам, бўйнини чўзиб интилиб, одамни эзиб юбораёзди.

Шу вақти пўрим кийинган бир ғулий ўртага чикди, «Мендан ҳам гап сўранглар, - деди у. - қани сўранглар-чи?» «Хўп, ана, сўрадик. Айтинг, гапиринг», деган хитоб эшитилди. «Хўш, сўрасангиз – шу гап: ўша озодлигини ким тақсимлайди? Қани, бу гапимга ким жавоб беради?», ўзи сўранг деб яна ўзи савол ташлади пўрим. «Ҳар кимнинг ўзи олаверади, - деди мулоҳазалари қайсар ғулий. «Йў-ўқ, бунақаси кетмайди. Мен тартибсиз яшай олмайман, - деди пўрим, лекин ўзи ҳам лекин ғирт тартиб экан. - Ҳукуматнинг ўзи занжирни ташлашга буйруқ чиқарсин-да, кейин, майли, шу озодлик деганини расамади билан, ҳаммамизга тенг тақсимлаб берсин. Бўлмаса, яна ўзига тўқлар катта қисмини эгаллаб, бундайроқларнинг ризки қийилади». Калбош: «Ҳа-эй, рост, менга ўхшаган камбағалларга тегмаслиги ҳам мумкин», деб, ҳамманинг юрагига ғулу солиб қўйди. «Ҳукумат

тақсимласа, яна амалдорлар ўзаро бўлишиб олар экан-да», деб киноя қилди яна биттаси.

Бир нуроний, лекин ҳали ҳам милтиқнинг ўқидек чол бор экан, шу: «Ёшим саксонга боряпти. Нима, энди шунча йиллик хизматим бекор кетадими?», деб бақириб қолди. Унинг гапини ҳеч ким тушунмади, «Яна қанақа хизмат, отахон, нафақага чиқиб кетгансиз-ку», деб ажабланди чорпахил. «Нафақада ҳам буни тақиб юрибман-ку. Демак, унинг хизматидаман. Гўдаклигимдан бери шу меҳнат. Ҳукумат бир нарса билан тақдирламаса, ечадиган анойи йўқ».

Чолнинг бу гапи ҳаммани таъсирлантирди. Ҳа, дарвоқе, ҳозир занжирга тарафдорлар, қаршилар, бетарафлар - ҳаммаси айқиш-туйқуш эди.

Шу вақти чорпахил яна отни қамчилади: «Ана кўрдингизми, нимага интиляпсиз? Кўз билан кўриб, қўл билан силаб бўлмаса. Яна ўзи бор ё йўқлиги билинмайдиган ҳаво деяпсизлар. Ундан занжиримиз яхши эмасми, мана, бор, кўряпмиз, қўлимиз билан силаймиз. Ана, ушлаб кўринглар, ҳеч ҳам ҳаво эмас. Тағин у бой ё камбағал демай, тенг тақсимланган». Шундай деса ҳаммаси занжирини силашга тушиб кетса! Яна меҳр билан.

Шу калбош бир гап айтган эди, аммо-лекин чапароста жаҳлим чиқиб кетди. «Хай, шу озодлигига занжиримиз билан чиқаверсак-чи? Озод юраверамиз, бу ҳам тураверади! Шунда жиноятчиларга тенг бўлмаймиз», эмиш! Ҳе, ўргилдим каллангдан! Савияни қаранг, кишанбанд бўлиб озод юраверар эмишлар! Шу ҳам китобимни ўқиган-да энди!

Калбошнинг беписанд илжайиб китоб варақлаётгани кўз олдим келди-ю, кўнглим чўкиб кетди: ҳали мен шунақа нодонларнинг орасида шуҳрат топиб юрибманми! Шуларнинг дунёсида доврўқ таратдим деб талтайибман-а! Шунчалар паст кетаманми, а!

Чорпахил эса яна алашимни олти қилди. Нима деди денг: булар ғулий, мен одам, буларга ҳасадим келиб, тинч ҳаётларига ичим куйиб,

аҳилликларини кўролмаганимдан ёзган эмишман! Ҳа, юзингда кўзинг борми демай, шундай деди, номард! «Ғули тугул, чилвир тушови ҳам йўқлиги ўтиб кетган, караса, биз бир тартибли яшаймиз, ўзининг тизгин-пизгиндан маҳрумлиги алаmidан китоб ёзган-да. Юраги тоза бўлса, шунақа қилар эдими?», деди яна хонасаллот. Унинг гапига майдон ҳам гувиллаб, занжирлар бетартиб жаранглади.

Энди феълим бузилди. Бу, ахир, ғирт тухмат-да. «Вей, сизларни олдин кўрмаган бўлсам, қандай қилиб кўролмаган бўламан? Китобим, ахир, бу ерга келишимдан олдин чиққан-ку. Илгари ёзилмаган бўлса, тайёр босилган ҳолида машинада нима қилади? Хўп, уста ёзувчи дейишди – индамадим, ўзимдан сўрамай тутиб олиб, осмонга от-а-от қилдингиз – бунга ҳам кўндим, лекин кўролмаган деганларинг бўҳтон. Ғулийлик ҳам эви билан-да, ахир», деб, ҳаётимиз ҳақидаги бўлар-бўлмас гаплари ўтиб кетган экан, кўрган кўргуликларим ҳам кўз олдимга келиб, оташин нутқ ирод қилиб юборибман. Хитобларимдан ўзим ҳам таъсирланиб, ҳозир ҳам эслолмайман, ўртага чиқиб гапирдимми ё ичимда айтдимми, ишқилиб, қаттиқ-қаттиқ гапларни айтдим. «Вей, аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ, дейдилар. Китобимга ёпишиб оляпсиз. Авваламбор, уни сизлар учун ёзмаганман, лекин ўзи келиб қолибдими, ўқибсизми, адабиётингизда бунақа асар йўқ эканми, ҳа, унда, марҳамат, ўрганаверинг – занжирсиз қандай яшашни кўрсатиб қўйибман-ку. Хоҳланг – озод бўлинг, хоҳланг - яна минг йил кишанда юринг, менга таъсири йўқ, чунки бошқа оламданман, тузумингизга аралашмайман, сизларга йўлбошчи бўлишга, ақл беришга кўзим учиб тургани йўқ. Кўтар-кўтарни ўзларинг қияпсизлар. Бунга ҳам майли, лекин тухмат қилманглар, мен сизларга озодлик бераман деб келганим йўқ», деб, тўлиб кетган эканман, аямай юзларига солдим. Тўғриси-да, ўзим ҳам озодликнинг қандай берилишини билмайман, ахир. «Кошки бунақа намойишларни ким қилиб, нима билан тугадини билмасам. Китобимни машинадан топиб олиб, бутун Ғулистонга тарқатган ҳам ўшалар. Кўриб турибман-ку, бу ерга келганнынг ярмидан кўпи шу хизматдан, икки-уч, тўрт-беш тарафга бўлиниб олиб, сувни

лойқалатишяпти. Сиз менинг эмас, хизматнинг қутқусига учяпсиз. Мана, у мақсадига ҳам эришди. Бир кун келиб озод бўлиш учун юз йил тортишасизлар», деб энди ғулиётнинг кўзини очишга киришган эдим, бирдан офтоб юзини булут тўсди-да, момақалдиروق қарсиллади, ҳа-ху дегунимча ёмғир ҳам уриб берди. Лекин мен тўхтамадим, ҳамма гапимни айтиб, уларга керакли маслаҳатни беришим керак эди. Айниқса, ҳайкал борасида. Рост-да, бир вақтлар ўзлари шундай мустаҳкам қилиб ўрнатган ёдгорликни бузишнинг нима ҳам кераги бор? Кейин, бари бир, янгисини ўрнатадилар, кўникмалари шу бўлса. Шунинг учун ёмғир тагида бўлса ҳам жўяли гапларни айтиб улгурдим. «Бу билан олишиб юрманглар. Қаранг, чўкич урганда чизилибди, холос. Демак, буни мангуликни мўлжаллаб кургансизлар. Энди бундоқ: янги даҳо ғулийбоши келишини кутасиз, чунки битта бошсиз бу ерда тортишишдан нарига ўтолмайсиз, ҳа, уни сайлайсизларми, тайинлайсизларми, мен аралашмайман, кейин, яъни унинг юзи маълум бўлгандан сўнг калласидан нусха олиниб, тунчдан қуясизлар-да, бунинг калласини олиб ташлаб, ўрнига унисини қўндирасиз, вассалом! Бутунича қайтадан ясаб юрмайсиз. Холислик учун, азбаройи тинчликларингни кўзлаб, калламдан нусха олишларингга ҳам, майли, розиман. Фақат калламдан, бошқа жойимга тегинмайсиз. Хўш, занжири масаласига келсак, кейин уни ҳам «болгарка» билан арралаб ташлаб, бўйин, бел, билак-оёқлардаги ўрнини силлиқлаб қўйсангиз бўлади. Албатта, бу кейинроқ. Хў-ў, ўзингиз ташлагандан сўнг. Ҳозирча занжири сизларга керак. Шу вақтгача унга сажда қилиб ўрганган ғулиёт, кейин нимага сиғинасиз? Энди бунинг қўлини бир томонга чўзгани ёқмаётган бўлса, унда бундай қилинг: тагига айланадиган механизм ўрнатсангиз, қайсингизга қай ёқ маъқул тушса, тўхтамай ўша ёқни кўрсатаверади. Тўрт томонингиз - қибла. Шошманг-чи, ўзи сизларда қибла борми-йўқми?...»

Тилим бурролиги ўзимга ҳам ёқиб кетиб роса гапирибман, бир вақти қарасам, мен билан имолашган ғулийдан бошқа ҳамма қўлини бошига пана қилиб, қуёни суяпти. Бари бир, сўзимни тўхтатмадим, бир ўзи бўлса ҳам

қолганларга етказди-ку, деб яна баъзи фикрларимни айтиб олдим. Ҳатто уларнинг юртига келиб, шу кунга тушиб қолганимдан зорландим ҳам шекилли. Бир вақти у ҳам кўланкага айланиб, турган жойида ҳавога сингиб кетгандек йўқолди.

Битта ўзимга буларнинг майдонида пишириб қўйибдими, дедим-да, ҳайкал қўлини чўзган томонни мўлжал олиб, мен ҳам боғҳовлига ҳайдадим. Йўлда келаётиб шу келаётганимга ишонмаганим эсимда лекин. Мана, орадан кўп йиллар ўтиб ҳам майдонга борганим, у ерда кўтар-кўтар бўлганим, кейин яна ерга тушиб, ғулийларга кўп гапларни гапирганимга ўзим ҳам шубҳаланиб юраман: айтсам айтганимга ишонмайман, айтмаган бўлсам, нимага бунча қуйиб-пишганман деб ўйланаман.

Яна ўша шубҳа-гумонлар

Келишим билан патнис кўтариб, чой баҳона, майдонда қандай обрў топганимдан ғурурланишга кирган ғулиямга: «Қани, патнисингни кўй-да, еч!» деб буюрдим. Ғулиям бошқача тушунган экан, шу ҳаракатда «Ўзингизчи?», деган эди, «Йўқ, занжирингни!», деб тўхтатдим. «Қандай ечаман?» деди у таажжубланиб. «Ечасан! Чироқ ўчиришни боплайсан-у, бун билмайсанми?», деб қатъий туриб олдим. «Бари бир кийим алмаштирасиз-ку, шалаббо ивибсиз», деди у умидини узмай. «Устимда қурийверади. Хомтама бўлма, ҳар қанча ялинма, сизларникини киймайман», деб майдоннинг аламини ундан олдим. У шаштимдан чўчиб, икки қўллаб занжирини чангаллади. «Тез бўл! Омбир-помбир топ, ахир», деб қистадим. Ғулиям саросимага тушиб, кўзларини катта-катта очиб тураверди. Сал ўзимни босиб олиб, ётиғи билан тушунтирдим: «Мунча шунга ёпишиб олгансизлар? Ахир, эркин юрганингни ҳам бир кўрай. Мана, чиройли қизсан, занжирингни ечанг, янада очилиб кетасан. Менинг ҳам кўнглимда ғуборлар тарқалади». Ғулиям бошини елкамга қўйиб, тўлиб-тошиб йиғлаб юборди. Мен шодлигидан, эркинлик шавқидан деб ўйлабман. «Ахир, сиздан айрилишни истамайман», деди у. «Нимага айриласан? – деб ажабландим. - Қайтангга, доим шиқирлаб ғашимга тегади, худди роботни қучоқлагандек бўламан». «Йў-ўқ, - деди ғулиям зорланиб, – уни ечсам, кўнглим ҳам тамом эркинликка чиқиб кетади. Севгига ҳам бўй бермай, бошқасини тусаб қолади. Менга эса сизсиз ҳаёт ҳаёт эмас».

Ана холос! Об-бо ғулия! Кўнгли ҳам ғули билан экан-да! Уни ечса, фақат муҳаббатидан эмас, ҳамма нарсасидан воз кечишига тўғри келиб, бутун дунёси остин-устун бўлиб кетар экан.

Шунда чуқур англадим: асли тақдиримиз айро тушган, ўртамиздаги муҳаббат ҳам занжирнинг омонати, усиз - йўқ, иккаламизни боғлаб турган нарса ҳам шу экан. Ҳа, одам билан ғулиянинг қўшилиши ҳам қандайдир

ғайри, мен фақат бу қизга эмас, умуман ғулиётга-да қайнатса қони кўшилмайдиган етти ёт бегонаман.

Қиз ёнимда, бошини елкамга қўйиб, бор вужудини менга топшириб ўтирган бўлса-да, орамиздаги узоқликни чамалаб кўриб, юрагим орқага тортиб кетди. Шунда майдонда ҳам хом иш қилиб қўйганимни англадим. Ҳа, холдорнинг хизмати мени бу ёққа келтириш режасини жуда пухта ўйлаган бўлса ҳам, қаердадир хатога йўл қўйган. Бир-икки кундан бери бош қотириб, шу хатони тополмай юрган эдим, энди бирдан ойдинлашди. Хато менинг ўзимда! Яъни улар ўйлаган, кутган одам бўлиб чиқмадим. Бугун майдонда мисим чиқди. Фақат холдорнинг хизмати олдида эмас, бутун ғулиётнинг кўз ўнгида, асли кимлигимни кўрсатиб қўйдим. Булар менга шунча иззат-икром кўрсатиб, қўллаб-қўлтиқлаб келса-ю, мен оғзимга умид билан термулиб турганларга, эркинликда яшашдан тажрибаси бор одам сифатида, занжирсиз ҳаёт кечириш нима эканлигини ётиғи билан тушунтириш ўрнига, китобимда ўртак қилиб ёзиб қўйибман, ўқиб-ўрганаверинг, лекин озодликка тил тегизманг, деб ёзғириб ўтирсам-а! Яна калламдан нусха олинглар, дебман-а! Ҳе, ишламаган калла! А бунинг ўрнига фирқалар тузиб, демократияга асос солишни ўргатмайманми? Бунга ҳали булар авом деб юрибман-а! Одам ҳам шунақа хом бўладими? Холдор зўр ёзувчи экансиз, ёзганларингизнинг таги тўла тағмаёно, деса, талтайиб ўтирибман. Ахир, Ғулистондаги ҳаётнинг боши берк кўчага кириб қолганини не-не йиллардан бери кўриб келаётган бу хизмат мени мурғаклигимдан бекорга кўз остига олмаган-ку. Келади, озодликдан намуна кўрсатади, унга қараб ўзимиз ҳам ўзгарамиз деб умид қилса, мен, эрк жарчиси, боғҳовлида қамалиб олиб, кутубхонада китоб ўқийман, кассета кўраман деб, аслида сулув қизига эсим оғиб, ҳушимга келган номаъқулчиликларни қилиб юрибман. Уларнинг ҳам э-э, одам дегани шуми, занжири йўқ демаса, ўзимизга ўхшаган ғирт бир ғулий экан-ку, деб роса хафсалалари ўлмаганми!

Очиғи, ўзим ҳам бунақа мўртман, бунақа паст кетаман, деб ўйламаган эдим. Елкамга бошини қўйиб ўтирган шу хушхол қизнинг ҳам ширин хаёлларига арзимаслигимни ўйлаб, баттар эзилдим.

Ҳа, дарвоқе, бир куни эшитиб қолган гапимни айтмабман. Боғҳовлида тўйиб сайр қилиб, хонамга чиқсам, эшик қия очик ичкарида холдор билан хизматчи қиз ғўнғир-ғўнғир айтишяпти. Тўхтаб кулоқ солдим. «Сенга дастурни бажариш топширилган. Унда чегарадан чиқасан деган кўрсатма йўқ», деди холдор. «Доим бирга бўлиш, юриш кўрсатилганми, ахир? Ҳиссиз бир маҳлуқ эмасман-ку», деди хизматчи қиз. «Майли, сенда ҳам юрак бор. Лекин унинг кимлигини ўзимиз ҳам билмаймиз-ку», деди холдор товушини пасайтириб. «Мен биламан, кўнглим билади: у - одам, занжири йўқ ғулий», деб эътироз қилди қиз. «Ўзинг ўйлаб кўр, одам бўлса ҳам, ўзи борми ё кўзимизга худди бордек кўриняптими, ҳали тагига етмадик», деб овозини баландлатди холдор. «Бор, бор одам, - деб туриб олди хизматчи қиз. – Борлигига исбот, мана, бўйимда! Ҳар ҳолда, бу сиздан эмасдир. Ё ҳаводанми?» «Нимага шама қияпсан? Сенга тегинмаганман-ку. Беҳаё киноялар нимага керак? Дастурда унга яқин алоқада бўлиб фарзанд орттиришинг белгиланган, холос. Лекин бу йўл билан бор-йўқлигини аниқлаш сенинг ишинг эмас». «Хўп, мана, бор экан-ку, кўнглим айнимаса ҳам, ҳалитдан қимирлаяпти. Яна нимасини аниқлайсиз?». «Дастурда сенга шунча топшириқ берилган, лекин унда чиндан яхши кўриб қол, сев деб айтилмаган. Чегарадан чиқишнинг оқибати ўзингга маълум. Мен ҳам ёрдам беролмай қолишим бор». «Энди қайтмайман, дастурни бажариш баробарида мен кўнглимдек кўнгил топдим», деди ғулия қиз тушмагур.

Ана кўрдингизми, у мени деб нималарни бўйнига олган. Унинг айтганлари қатъий, холдорнинг гаплари эса раҳбарнинг дашномларидан кўра, чорасиз қолган одамнинг изиллаб йўл излашига ўхшаб кетарди.

Улар анча тортишиб, жуда паст гапиришга ўтганларидан кейин, мен ҳам эшитмай қолиб, келганимни билдирмай, яна хиёбонга қайтиб тушдим.

Холдорнинг ўзи борми ё кўзимизга шундай кўриняптими, ҳали билолмадик деган гапи унча чўчитмади. Чунки Ғулистонда юрибманми, юрмаяпманми деган савол ўзимга ҳам тинчлик бермаётган эди. Лекин ғулия қизнинг борлигимни бўйида борлиги билан исботлашдаги шашти ўйлантириб қўйди. Бунчалар чуқур севишини кутмаган эдим. Албатта, у ҳам мени эртага бизга етакчи, нажоткор қаҳрамон бўлади, ўзим эса эса шундай қаҳрамоннинг маъшуқасига айланаман, деб ўйлаган. Энди майдондаги, йўқ, ҳали занжирда яшаб туринглар, деган гапимни эшитса, бечора қай аҳволга тушар экан? Ҳар ҳолда ўртамиздаги ишқу муҳаббатга путур етиши аниқ. Мана, занжири бўлмаса, мени севиши ҳам уч пул экан-ку. Демак, қизнинг орзу-ҳавасичалик эмасман, бир оддий ғулийман, холос. Фақат занжирсиз.

Елкамга бош қўйган ғулиямнинг сочини силаб ўтириб жуда раҳмим келиб кетди. Йў-ўқ, унга эмас, у раҳм-шафқатдан юқори турар экан, ўзимга. У ёқда ҳам, бу ёқда ҳам ҳеч ким бўлолмадим. Энди буларга-да керак эмасман.

Шу ҳавода яна йўл

Кунларим шундай диққинафас ўтаверди. Ҳаво шу айниганидан қайтиб ўнгламади, ҳар куни шамол, ёмғир. Бир куни сал очилган эди, очиқ осмонга яна булут чиқиб, куппа-кундузи замин қоронғиликка чўмди-да, ҳаммаёқда баҳайбат харсангларни тўкиштираётгандек, бирдан қарсиллаб берди. Яшин чакнаб, оловли тили билан борлиқни ялай кетди. Унча аччиқ эмас-у, лекин кийимдан тортиб, хай-хай демасанг, нақ ечинтириб кетаман дейдиган шамол турди. Боғдаги кесилиб ётган олма барги хазони тўзон бўлиб кўтарилди.

Табиатнинг бу қадар безовталигидан ҳадиксираб, турган гап, хонамга биқиниб олдим. Гулия қиз яна чой дамлаб кирди. Қуруқ чойнинг ўзи ичимни сидириб юборган бўлса ҳам, бостириб-бостириб ичавердим. Бошим терлади, шу одат ҳам ўшандан қолганми дейман, кейин ҳам чой шунақа таъсир қиладиган бўлди.

Деразадан ташқаридаги тўполонни томоша қилиб ўтирган эдим, момақалдироқ қасирғаси ичидан гуриллаган товуш ҳам келиб, бир оқ нарса липиллаб ўтгандек бўлди-да, юрагим гупиллаб уриб кетди.— «нўл тўққиз»им! Қаёқдан келиб қолди? Билмадим, нимагадир қадрдон темир буюмимни кўриб, бежизга эмас деб, қувониб кетдим. Ҳойнаҳой, бу холдорвойнинг иши.

Билганимдек, бир вақти холдор жўрамнинг ўзи ҳам кирди. Эй, махсус хизматда бўлса ҳам, бари бир, яхши ғулий-эй, кўнглимга анча яқин бўлиб қолган экан, кўриб қувондим. У эса авжсиз, «Мендан рози бўлинг. На илож, ҳар қандай шароитда ҳам бурчимга содиқ қоламан», деди. Дарров тушундим, тушундим-у, Гулистондан кўнглим тинчиди: ҳа, у энди яна ишончли кўлларда. Холдорки ўзини тутиб олибдими, демак, хизмати ҳам яна вазифасига қайтган. Лекин унинг хаёли унча жойида эмас эди. Ўзини қанча ўктам кўрсатишга уринмасин, бари бир, тозалаш сабоғидан чўчиётганини сездим. Бўлмаса, энди бу сабоқнинг унча жазолиги қолмади ҳисоб, лекин махсус хизмат учун ходимларни имтиҳондан ўтказиб, ҳар қандай шароитда

хам вазифани оғишмай бажаравериши шарт экан. Холдор ҳам мендан кўра кўпроқ ўзини ишонтириш учун «Ҳамма нарсага тайёрман», деб кўйди. Бечорага ҳам оғир, менинг жаддимга хўрлик кўряпти. «Машинангиз ҳали яхши, ишкали йўқ, фақат тезлигини алмаштиришга кўлим келишмай, ҳайдашга қийнадим. Ўзингиз синаб кўрарсиз, калити жойида», деди чуқур маъноли қилиб. Бу энди, албатта, хизматинг бўлди, иззатинг битди, кет, дегани эди.

Холдор кўл бериб хайрлашди. У кетдию ғулиям йиғламсираб кирди. Эй бечора, ўзингни ушласанг бўлмасмиди, мана, энди аҳволинг нима кечади, яна бўйингда ҳам бор, сени ўзим билан олиб ҳам, ташлаб ҳам кета олмасам, шу азоб етмай турган эди, деб дилим ташқаридаги қоронғудан ҳам хуфтон бўлди. Бола-чақалик одам, кечирасизлар, севги-муҳаббат экан деб, буни занжирини шалдиратиб етаклаб юролмасам. Кейин, демократия, инсон ҳуқуқлари деб, одам тугул, ҳукуматларнинг ҳам ёқасидан оладиган ташкилотлар урчиб кетган. Биронтаси Ғулистонда бўлмаган, ғулий нималигидан буткул беҳабар, бу аҳволда олиб борсам, инсонни кишанбанд қилибсан, деб кунимни кўзимга кўрсатарлар. Занжирини ечдирсам, мени севмай қўяди деган гапни уларга уқдириб бўлмаса. Милицияга топширарлар, йўқ, Ғулистондан, яъни чет элдан қиз олиб борганим учун Интерполга ошириб юборарлар. Шу гапларни ғулиямга тушунтирдим, худо кўрсатмасин, бирга кетсак, шунақа муаммолар чиқади, дедим-у, ўзим ичимда, қани, ишқилиб, кўрсатсин-да деб умидландим. У хизматда чиниққан ё дастурда бу қисмати ҳам кўзда тутилганми, ўзини яхши тутиб, меҳр кўргузиб ўтирди.

Рости гап, кеч тушавергани сари қизга олиб кетолмаслигимни жуда асослайверганим учун, виждоним-да қийнамай кўйди. Бу орада кучли бир шовур келди-да, шаррос жала қуйиб берди. Еру кўкка қорамтир парда тортилгандек, ости-усти билинмай қолди. Чакмоқ ҳар чакқанда оқ «нўл тўкқиз»им охудек қалтираб, менга талпинаётгандек туюлаверди. Ғулиямга охирги марта тўйиб тикилиб, юзидан худди янги ошиқлардек энтикиб бўса

олдим-да, пастга тушиб, машинамга ўтирдим. Моторни ўт олдирсам, ҳақиқатан ҳам ишкали йўқ, текис гуриллади. Ҳайдадим! Ҳали боғҳовлидан чиқмасимдан ҳам озодлик нашъаси кўксимга ошиб тошди.

Дарвоза очик экан. Атроф сим-сиёҳ, фаралар йўлга хира нур сепеди, асфальтнинг усти ниҳоятда текис, юмшоқ, йўлда кетяпсизми ё кўлда сузяпсизми, фарқлаш қийин. Бир-икки жойда «нўл тўққиз» нақ белигача ботиб ўтди, сув атрофга шовиллаб отилди-ю, хайрият, моторга тегиб, ўчириб кўймади. Ҳу, ҳалиги зиёрат майдони ҳувиллаб ётибди. Лопиллаётган чакмоқ шуъласида ҳайкалнинг ёлғиз ўзи ғоз туриб, энди уни кўрмаётган, эшитмаётган ғулий табааларига кўлини чўзиб, яна ўша буйруқларини ялт-юлт уқтиради. Ёндош кўчаларда ҳам жон асари йўқ. Менга ҳам шуниси тинч, яна кўтар-кўтар қиламан деб, машинамни тўнтариб юборишлари ҳеч гап эмас эди.

Чорраҳаларда яшил чироқлар қоронғуга лип-лип илиниб қолган, ҳамма нима бўлишини билмай, ин-инига уриб кетганми, меникидан бошқа бирон машина кўринмади.

Еру кўкка дўқ уриб, ҳукмини юргизаётган момақалдирок деразаларининг кўзи юмуқ уйлар устига ҳам суюқ чақинни аямай қуяди. Бутун шаҳарда чироқ ўчган, шунақа пайтларни мени интиқ-интизор кутадиган ғулия қиз хаёлимга келди, лекин у энди узоқда қолгани учун виждоним ҳам узоқ туюлди. Қаяққа қараб кетаётганимни билмайман, лекин орқага ҳам қайтгим йўқ. Ҳамма ёқ кўллаган бу ёмғирда машинани бураман деб, бирон чуқур-пуқурга тушиб кетишим ҳам ҳеч гап эмас эди. Шунинг учун таваккал, - ё ол, худо, ё бер, худо! – чамбаракни маҳкам чангаллаб, олдинга нигоҳимни бургутдек қадаб, газни босавердим. Жонивор бағрини баттар ерга босиб, овига ташланган ола-була йўлбарсдек илгари отилади, кўп қаватли уйлар виз-виз орқада қолади.

Бир вақти мотор товуши илкис пасайди, уйларнинг шовқинни шув-шув қайтармаганидан билдимки, шаҳардан очик далага чиқдим. Тепадаги осмон кора, пастдаги замин сим-сиёҳ, фара нурлари ерга қапишиб учади, машина ойнасидан сувнинг тепага чизимча-чизимча ипдек юқорилаши ҳали ёмғир борлигини билдиради. Енгил гувиллашдан бошқа ҳаммаси аллалайдиган сукунат, лекин кечалари рулда мулғиб қоладиган одатим йўқ, худди бир нарсаларни ўйлаётгандек бўлиб, хаёлим бўм-бўш, кўзимни киртайтириб, қотиб кетавераман. Кечасилик йўл, худди отам қуриб бергандек, ўзимники бўлиб қолган.

Жуда кўп, жуда ҳам кўп юрдим, кўзимнинг олдида булутлар ер бағирлаб, ўзи йўқ шарпалар ўйноқлай бошлаганидан катта йўлни босиб қўйганим ақлимга етди.

Ўзимизнинг чуқур-чоплар

Бир вақти лоп этиб кун ёришди. Машинанинг ичи ўзи илиққина эди, энди мени бирдан енгил тер босди, яъни ташқаридаги ҳаво ҳам исиб кетди. Бир чўнқир чиқиб қолди, «нўл тўққиз»им ўзиям чарс эчкидай сакраб кетди, бир жойлари карт-карт қилди, лекин ёмон мустаҳкам машина-да, ҳеч нарса бўлмагандек, учиб кетаверди яна. Кўнглимни бир таниш туйғулар эгаллади: ўзимизнинг кадрдон чўнқирлар! Шу баробарида йўл ҳам гурсиллаб берди. Кадрдон палахса бетон плиталар! Роса ҳаяжонлангим келди, эй-ҳей деб, кичкириб ҳам кўрдим, лекин, мана, ҳамма изтиробларим ниҳоясига етиб, эсон-омон Тошкент – Жиззах йўлига чиқиб олганимни англасам-да, унақа ҳаяжонланиб кетмадим, бари бир шундай бўлишини билгандек, осонгина қувондим. Йўлнинг икки чеккасида узун кетган ботиқ кўлмакларнинг занглаган сувларида офтоб липиллаши, нарироқда кета-кетгунча чўзилган осма семон ариқлар, яккам-дуккам барги майда дарахтлар, ҳар эллик-юз одимда осиб қўйилган шиорлар, ҳозир «билборд» дейилади шекилли, хуллас, ҳаммаси ўша-ўша ўрганиш нарсалар. Жуда узоқ, қийналиб кутилган шодлик кейин бирдан келиб қолса, унча ҳам татимас, одамга худди шундай бўлиши керакдек туюлиб қолар экан.

Бари бир, худога шукр қилдим, тезроқ энди Жиззахга етай, болаларимни соғиниб кетдим деб, газни қаттиқроқ босган эдим, дарахт панасиданми ё бутанинг орқасиданми, ола таёғини ўқталиб бир «дан»чи чопиб чиқди. Ҳамишагидек бекиниб турган жойидан аввал ола таёғи, кейин ўзи кўриниш берди. Ана шунда ватанга қайтганимни батамом ҳис этиб, юрагим шувиллаб кетди: камбағалчилик ўлсин, «дан»чига берадиган пулим йўқ эди. Яна бунинг икки чакка сочи оқарган, офтобнинг тагида коврилиб турибди, таёғини пеш қилмаса ҳам, ҳурматини жойига қўйиш керак.

Ўзимизнинг жўқчилардан экан. «Ўй-ба-ёв, жов қувяптими? Бу ерда одам турибди демай ушириб келяпсан», деди у машинадан тушишим билан кафтини тутиб. Дарров ичим ачиди, ҳа, бу акамга ҳам қийин, ўғил

уйлантириб, қиз чиқараётгандир ё неварасига бешик қилиб бериши керак, хаммасига етказишнинг ўзи бўлмайди. Лекин айтдим-ку, бор пулимга бензин олиб қўйганман. Гулистонда биров чақа ҳам бергани йўқ, бўлганда ҳам ғулий буларга ўтмайди. Агар ҳам курукдан кўра шу ҳам яхши, эсдаликка демаса. Яна денг, кун тиғига келган, атрофдан кулоққа худди бўлақолсанг-чи деётгандек, бесабр ҳашарот шовқини урилади, «дан»чининг оқ сочларидан милт-милт тер оқиб, фуражкасининг жиякларигача жикка ҳўл. Ҳа, бу акам ҳам худонинг умидвор бандаси. Ўзим ҳам дарров аслимга қайтиб, тилим одатдагидек гапга келди. «Мана бу ёққа қаранг», дедим келаётган йўлим, яъни Тошкент томонга қўлимни узатиб. У ўша ёққа қаради-ю, лекин ҳеч нарсани тушунмай, яна менга ўгирилди. «Йўқ, сиз яхшилаб қаранг-да», дедим. «Хўп қарадим, не бор экан?», деди у яна бурилиб. «Ана, кўряпсизми, шу йўлдан сизнинг ризқингиз оқиб келяпти. Битта ёзувчи берганига зор эмасдирсиз?», дедим. У бир йўлга, кейин яна менга қаради-да: «Ўй-ба-ёв, ёмон қаттиқ экансан. Э, ма дакуметинг. Бир сўм учун шунча гап-а», деди. Ўлганимнинг кунидан тиржайиб, раҳмат айтдим, у ҳам бошқа тирғалмай қўйиб юборди. Энди ўша бир сўм бўлмагандан кейин илож қанча, шўтқари эмасман-у, лекин шайтонлик қилганимни тан оламан.

Одам ҳар қандай шароитда ҳам одам, хаммасига кўникар экан, шунча вақтгача Гулистонда эдим, мана, энди ундан қутулиб чиқиб, ўзимизнинг йўлдан бемалол боряпман, ҳеч нарса бўлмагандек, гўё ҳеч қаёққа бормаганман, тўғри Тошкентдан келяпман, ҳозир Жиззахга етаман, ўша кетма-кет пахта далалари, ора-сира боғлар, йўлларда канистрда бензин сотаётган болалар, нархи ҳам сўм-купонда, унча ўзгармаган, хуллас, фавқулодда нарса йўқ. Худди Гулистонга бошқа одам бориб келяпти-ю, унинг бошидан кечирганлари менинг хотирамда қолгандек.

Кечаси билан ухламай ҳайдаганимга йўл ҳам сал толиқтирди лекин. Жиззахга яқин қолганда, Пахтакорнинг бурилишида кўп қовун тўкилиб, одамлар машинасини тўхтатиб тушиб, оляпти экан, сал оёғимнинг чигилини

ёзай деб, мен ҳам тушдим. Бир-иккита қовунни чамаладим, тўрини кўриб, думча берганига қараётганда пулим йўқлиги эсимга тушиб қолди. Қовунфуруш ҳам жуда ҳидлаётганимга биладиган харидор келиб қолди, ҳозир қанча дори еганини сўрайди деб хавотирланиб турган эди, «Томоша қиялман. Шу навни экиб яхши иш қилибсиз», деб кўнглини тинчитдим. Кейин, ҳали ҳам қайтганимга кўникканим йўқ-да, кезиниб ёнбошдаги хўжалик моллари дўконига ўтдим. Кўп кирганман, бир марта уйда сира ишлатилмай ётган кир ишқалайдиган қат-қат тунукани ҳам шу ердан олганман. Дўкончи пашша кўриб ўтирган экан, харидор кирганига сал жонланди. Томоша қилаётиб, бир бурчакда нимани кўрдинг денг? Бир уюм занжир! Яп-янги, мойланган, ялтиллаб ётибди. Занжир шунақа дўконда бўлмай, яна қаерда сотилади, шуни билиб турсам ҳам, худди тагин Фулистонга келиб қолгандек, кўнглимга ғулғула тушди. «А бу... занжир қаердан?» деб сўрадим довираб. Дўкончи аччиқ кулиб, қўлини силтади. «Э-э, пул алмашиш ваҳимаси билан базага борсам, бошқалар супуриб кетибди. Қолган нарса шу экан. Ҳали ошиб кетади, фойда қиламан деб, беш тоннанинг ҳаммасини олибман. Энди ўтмай, ҳовлимда бекорга жой эгаллаб ётибди», деди хуноби ошиб. Нима дейишимни билмай қараб қолдим. «Одамлар бунга новвос боғламай қўйган. Итлар ҳам кўчада, тўғри келганни талайди, лекин ҳеч ким занжир солай демайди. Ҳайронман, арқонга қараганда ўлмас матоҳ-ку бу», деб дард қилди, кейин: «Э-э, битта сиз сўрадингиз, бошқа одам қараб ҳам қўйгани йўқ. Майли, олинг энди», деди юзи сал ёришиб. «Бошимга ураманми, ўзи шундан қочиб келялман», дедим. Албатта, нимага бундай деганимни дўкончи тушунмади. «Шундай бераман. Текин, текинга. Зора қўлингиз енгил келиб, савдом очилиб кетса», деган эди, ноилож бош ирғадим. У хурсанд бўлди, битта занжирни шалдиратиб тутқазди. Узун бало экан. Худди совуқ илонни ушлагандек, бир учидан тутиб турдим, у чўзилтириб, кир латта билан мойини артиб берди. Занжирга зориққан жойим йўғ-у, лекин занжиристондан қутулиб чиққанимда буни

кўрганим ҳам бежизга эмас, қараб, бошимдан ўтганларни эслаб ўтирарман деб, машинамга ташлаб қўйдим.

Бу ёғи атиги йигирма чақирим, Жиззахга бирпасда бордим. Қайнотамнинг дарвозасига етганда, мана, ниҳоят биз келдик деб, устма-уст занг бердим. Болаларим ҳовлида ўйнаб юрган экан, «нўл тўққиз»нинг товушини таниб, чопқиллаб чиқишди. Ўғлим катта одамлардек қўл бериб сўрашди-да, индамай қайтиб кириб кетди. Қизим эса «Вой, Пушокнинг бир ўзи қолдими? Қўрқади-ку бечора», деди. Аломат-да шу қизим, кучугини ўйлайди, мендан эса шунча вақт қайда қолиб кетдингиз, деб сўрамайди. Кейин қўлидаги хамир юқини артиб, келинингиз кўринди. «Яхши бўлди келганингиз, манти қилаётган эдим», деди, бошқа ҳеч нарсани сўрамади. Шу вақтгача хиёнатимни ундан қандай яшираман, болаларимни кўрсам, уларнинг кўзига қандай қарайман, деб сал ўйга ботиб келаётган эдим, йўқ, ҳеч нарса бўлмади. Боягидек, гўё Гулистонга бошқа одам борган, ғулия қиз билан ҳам ўша юрган, менга алоқаси – унинг хотираларини мен эслайман, холос. Келинингизга ҳам бемалол қараяпман, болаларнинг олдида ҳам хижолат эмасман, шунчаки, биров бир ёқларда бемаъни ишлар қилган бўлса, қилган, юрган бўлса, юргандир, буни келинингизга айтиб беришимнинг сира-сира кераги йўқ, қайтангга хотирамдан чиқариб ташлаганим яхши. Бор-йўғи шу экан. Каллам чалкашиб турган бўлса ҳам, анча енгил тортдим. Мана, қаранг, одам нима учун бемалол хиёнат қилаверади. қилгуликни қилади-да, хаёлида, тўғри, шу иш бўлди, фақат у мен эмас эдим, мен бўлганим тақдирда ҳам, бари бир, шуни қилганда бошқа одам эдим-да, деб виждонини тинчитиб олади, шаръий завжасига кўзини пирпиратиб, бегуноҳ боқаверади. Мен ҳам шунақа, Гулистонга бормаганман, йў-ўқ, ҳеч қанақа ғулия қиз билан юрмаганман, э-э, мени ким деб ўйлаяпсан, занжирини шалдиратган оқсочга тенг қўйма мени, одамга ишон-да, йўқ эса, шунгача бордим деб, ўзимга ҳам туҳмат қилиб юбораман. Ростдан шундай туюлиб қолди-эй, шу туришимда бир намунали ота, бирам вафодор эрманки, ҳеч у ёқ-бу ёғи йўқ. Одам жуда-жуда тез ўзгарар экан-да шундай.

Буларнинг ҳам хаёлида унақа гап йўқ, келинингизнинг ўйи мантисида, болаларимни кўрганимдан кейин шу узун саргузаштимга ўзимнинг ҳам хафсалам ўлиб қолди.

Бир вақти келинингиз мени ул-бул олиб келган бўлса, туширай деб, машинамга қараб занжирни кўриб қолиб: «Ий-е, бунга ўзингизни соласизми?», деса бўладими. Баъзан тили ёмон аччиқ-да. «Нима, тез-тез кутуриб тураманми?», деб киноя қилдим. «Бўлмаса... бу занжирга соладиган ким бор?» деб ҳайрон бўлди у. «Ким эмас, нима, - дедим. — Паҳмоқ - Аҳмоққа соламан. Кўчага чиқиб, одамларга вакилламай, жойини билиб ётади». «Муштдай нарсага-я? Увол-ку», деб унинг астойдил раҳми келди. «Э-э, итнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам, бари бир, ит», дедиму кейин йўлда дўконга кирганим, дўкончининг текинга шу занжирни берганини айтиб бердим. «Ҳурмат қилиб туриб олгандан кейин, йўқ демай, олдим. Умуман, занжир доим керак нарса», деб тушунтирдим. Шу аснода Фулистонга бориб келганимни, у ерда ҳамма занжир тақишини, шунинг учун ҳам ғулий эканликларини айтиб берай дедим-у, тилимни тишладим. Чунки унда бўлган гапнинг ҳаммасини очишим керак. Келинингиз билан доим самимий гаплашаман, мард одамман, уни алдаб ўрганмаганман. Кейин ўзимнинг ҳам кўнглимга шубҳа оралай бошлаган эди.

Шу вақт спидометрга қараш эсимга келиб қолди. Йўлга чиқаётганда ҳамиша унинг кичкина кўрсатгичини «нўл»га қўяман. Тошкентдан чиқиб, йўлнинг ҳалиги орқа-олди бир хил бўлиб қоладиган жойидан Фулистонгача, ундан бу ёққа, Жиззахгача кечаси билан мижжа қоқмай ҳайдаб, яна кун тигасигача юриб, неча километр босибман экан? Минг чақирим, балки ундан ҳам кўп йўлдир деб қарасам, спидометр Тошкентдан қайнотамнинг уйигача бўлган ҳамишаги масофа, яъни бир юзу саксон етти километрнинг ўзини кўрсатиб турибди! Ана холос! Шунча юрган йўлим қаёққа йўқолди? Вожаб, қойил, мўъжиза, кўзбойлоғичлик ва ҳоказолар дедим, лекин нима фойда?

Машинани айланиб қарасам ҳам Ғулистонда кеча, бугун кечаси билан куйган жаладан асар ҳам йўқ, олд ойнасига, капот устига роса пашша урилган, учта ари ҳам бор, рақамининг тунукаси ҳашаротга чуйкаб кетган, иккита катта-катта чигиртка ҳам ёпишиб ётибди. Эгилиб ҳидласам, доимгидек балиқ иси келди. Ҳолбуки, нафақат ёмғирда, ҳавонинг авзойи бузилса ҳам пашша учмайди, «нўл тўққиз» ҳам ўзини ўзи булғайдиган машина, лойқа чуйкалиб кетган бўлиши керак эди.

Китобим ҳам доимги жойида, орқа ойнанинг тагида турибди. Яна қайтариб қўйишибди-да жойига деб, очиб varaқласам, ҳеч бир жойи чизилмаган, бирон ерида белги-мелги йўқ. Ё чизганда ҳам ҳалиги электрон бўёқни ишлатган эканларми?

Ҳайрон бўлиб ичкари кирдим. Қайнотам уйда эканлар. Саломлашиб, сўрашиш асносида қачон чиқиб, қанчада келганимни суриштирдилар. Билагимдаги соатимга қараб, «Э-э, кўп бўлди, эрталаб эди», деб кўнгилларини тинчитдим-у, лекин ўзим таажжубга тушдим: машинага ўтирганда соатни кўрган эдим, ўшандан бери атиги икки соату ўн дақиқа ўтибди; агар қовунга тўхтаб, дўконга кирганимни чиқариб ташласа, йўлимга бир соату эллик дақиқалар кетган. Қайнотам доим мени авайлайдилар, бу гал ҳам: «Қаёққа бунча шошасиз? Худо кўрсатмасин, йўл-да бу, айтиб бўладими. Ярим соат олдин келдингиз - нима, кейин келдингиз - нима», деб хўп беозор койидилар. Ҳар хил хаёлга бориб юрмасинлар деб, қаёққа бориб келганимни айтмадим, албатта.

Кўряпсизми, бизни ташвишга қўйиб, нимага мунча қорангни кўрсатмадинг, деб сўрамадилар. Бўлмаса ўтириш-туришимга, қаёқларда нима иш қилиб юришимга қизиқадиган одам. Кейин сўрашган қариндош-уруғлардан ҳам бу гап чиқмади, бир-икки оғиз саломлашишдан кейин бу йил иссиқ келган обу ҳавою ўсиб бораётган нарх-наво ҳақида ҳангома давом этиб кетаверди. Ростдан ҳам мен Тошкентдан чиқиб, тўғри Жиззахга кириб келгандек. Ўзимга ҳам шундай туюлиб, шунча кўрган-кечирганларимни

айтишни, турган гап, эп кўрмадим. Йўқ бўлиб кетганимга яраша, ақлимдан ҳам шубҳага бориб юришмасин деб ўйладим. Айтганларимга биров ишонадиган эмас эди, ўзим ҳам қандай айтишни билмаганимдан, индамай кўя қолишни маъқул топдим. Кейин ҳам гапирмадим, албатта, ёзувчи дўстимни истисно қилганда.

Мана, шунақа қилиб, Фулистонга сафарим ҳам қариди, болаларимни олиб Тошкентга қайтдим, сафар ҳам худди бўлмагандек бўлиб қолди.

Сал юрмай қизим ҳамишаги хархашасини бошлади: «Дада, қанчада етамиз?» Ўғлим ҳам доимгидек танбех берди: «Энди юрдиг-у, мунча шошасан?» «Э, сиз аралашманг, дадамдан сўраяпман», деди қизим. «Дада, бир нарса денг шунингизга», деди ўғлим хуноб бўлиб. «Икки соат, қизим, икки соатдан кейин уйда бўламиз», дедим. Бошланди, энди то уйга кириб боргунча шу концерт.

Яна ўша жой кўринди. Ҳеч бир бурум-муруми йўқ, икки томони чуқур-чуқур зовур, узоқларга чўзилиб кетган осма семон ариқ. «Нўл тўққиз»нинг тумшуғи тагин орқага - Жиззахга қаради, юрагим шувиллаб кетди, болаларимни ўйлаб, рулни маҳкам чангалладим, икки-уч сониядан кейин яна Тошкентга ўнгланди. Хайрият, ҳеч қаёққа ўтиб кетмадим. «Секинроқ, секинроқ-э, болалар бор. Қаранг, неччига чиқиб кетдингиз?», деди келинингиз. Спидометрни кўрсам, тезлик бир юзу етмишга чиқибди. Гурсиллаш ҳам пириллашга айланибди. Лекин келинингизга ваҳимамни айтмадим. Дарров тезликни тушириб орқага қарадим: ҳеч қанақа ўзгариш йўқ. Болаларим ҳамишагидек ўриндикни ўртасидан бўлолмай, жанжал қиляпти. У ёғи ҳам, у ёғи ҳам бирдек йўл ортда қолди, шу аснода кўнглимнинг бир чеккасида энди Фулистон менга ёпилди, деган бир ўй пайдо бўлди. Адашмаган эканман, ўшандан бери бу ердан юз марталар ўтгандирман, ҳар гал хавотирга тушиб, машинанинг тезлигини охиригача чиқараман. Лекин ҳеч нарса бўлмайди, «нўл тўққиз»нинг тумшуғи ё у ёққа, ё

бу ёққа қараб хаёлимни чалғитади, кейин яна бораётган манзилимга ўнгланиб қолади.

Ўлан тўшагим

Ҳа, уйга келганимдан Пахмоқ – Ахмоқ бир хурсанд бўлди, шунчалар кувонди-ей, ҳеч у ёқ-бу ёғи йўқ. Сакради, ҳовли бўйлаб чопқиллади, кумуш пўстак ер бағирлаб учди, ҳовлиққанидан бир-икки марта думалаб ҳам турди, кейин таққа тўхтаб, панжаларини кўтарганча кўзимга тикилиб олди. Тилини осилтириб, ҳаҳ-ҳаҳ дейди, бир нималарни сўрамоқчи бўлади, жониворда забон йўқ-да, бўлмаса, қаёқларда бунча қолиб кетдингиз, демоқчи. Ғулистонга бориб келганимни битта шу кумуш пўстак билди. Лекин унга айтганим билан тушунмайди, ит-ку бу. Яна ҳам ким билади, балки ҳайвонлиги учун ҳам занжир таққанларни тушунар. Тилини билганимда унга бошимдан ўтган ҳамма саргузаштларни ҳикоя қилардим. Эшитганда, албатта, у ёзувчи дўстимга ўхшаб, дарров ёлғон-яшиқни тўқиб ташламас, шунчаки эсон-омон қайтиб келганимга хурсанд, ҳовлини гир айланиб чопиб юраверар эди. Ит алдашни билмайди.

Одам юрагидаги дардини биров билан ўртоқлашмаса, жуда қийналиб кетар экан. Ғулистон дард бўлмаса ҳам, кўнглимга қамалиб олиб, доим тинчимни бузади. Жуда кўп ўйлайман, лекин биронта фикр туткич бермайди. Ўйларим фақат асли ўзи нима бўлган эди, нимага бордим-у, қандай қилиб яна ўзимизга қайтиб келдим, деган савол атрофида айланаверади. Ҳар хил жавобларни тўғри қиламан:

а) Вақт биз билганимиздан кўра бепоён, у ичкарисига ҳам чексиз. Жиззахга йўл тортиб, ҳалиги жойда уч-тўрт сония орасида Ғулистонга ўтиб, хизматчи ғулия билан дилдорлашиб, ғулийларнинг уясига ўзим билмай чўп суқиб қўйиб, яна шу йўлга қайтганман ё уларнинг ўзи кераксизлигим учун мени чиқариб юборган ва яна шу, бемалол келаверганман. Лекин унда спидометрнинг кўрсатгичи нега бундай, бир-икки сония ичида қизнинг бўйида бўлиб қолиши ҳам ақлга сиғмайди-ку?

б) Йўлда рулни маҳкам чангаллаб, тезликни туширмай, кўзим очик холида ухлаб, туш ҳам кўрганман, тушимда Фулистонга бориб, ғулия қизни учратганман. Унда нимага шу қизни эслаганда титраб кетаман, шивирлашлари хали ҳам қулоғимда, ўртамизда яна айтиб бўлмайдиган ишлар бўлган?

в) Ўзим Фулистонга бормаганман, шунчаки ўша ғулия қиз мени туш кўрган, Фулистондаги ҳаётим унинг тушида кечган, ғулия мени бир халоскор деб ўйлаб, севиб қолган, кейин у қаттиқ ухлаб қолганда тушидан чиқиб кетганман. Унда... бу ёқдаги ҳаётим кимнинг туши бўлади, кимнинг уйқудаги ҳаёлида яшаётган бўламан?

г) Ҳаммаси ўзимнинг тушим, шундан ўнгимдаги виждоним қийноқда эмас, тушимнинг ичида яна туш кўриб Фулистонга ўтиб қолганман, ғулия қизни севганман, яна бошдаги тушимга қайтиб, унинг давомини кўриб яшаяпман. Бутун умрим узундан-узоқ туш, ўзим ўзимни туш кўриб юрибман. Унда бу ёқда оилам, бола-чақам, қариндош-уруғ... булар кимнинг туши?

Хуллас, ҳар хил тахминларни ўйлаб, биронта ўйни тусмол қилолмайман. Ғулийларга ҳам яхши экан, занжирлари фақат танани эмас, фикрни ҳам бир тартибда ушлаб туради, жуда чуқурлашиб кетгани ҳам қўймайди. Бу ёқда мия ачиб кетади, лекин бирон хулосанинг тайини йўқ. Фулистонга борганимга ўзимни ишонтиришга ҳам қийналаман. У ердан бирон белги, бирон мужда олмабман-да, а? Шунча китоб, шунча кассетадан тўрт-бештасини машинага ташлаб қўймайманми! Энди гапимга ким ҳам ишонади?

Бир марта шунақа ҳолатга тушганман. Пул топиб олдим. Нимагадир секинроқ: «Бировнинг пули тушиб қолибди-ку. Кимники, эй?», деб уч марта кичқирдим. Овоз берадиган кимса кўринмади. Яхши бўлди дедим, пулга карадим: иккита бели синмаган йигирма бешталик тахлам. Йўқ ердан худо бериб қолди, мендан бошқа эга чиқмади, энди буни тушимдан албатта олиб

чиқиб кетаман деб, маҳкам сиқимладим, тахламнинг қирралари қўлимга каттиқ ботиб, оғритди. Яна-да жон-жаҳдим билан чангалладим. Қани, ҳа, бир-икки уч, деб... кўзимни очсам, яъни уйғонсам, кафтим бўм-бўш. Шунча пул барибир тушимда қолиб кетибди. Бўлмаса, ушлаганим, чангаллаганим қанчалар аниқ эди, кафтим ҳалигача оғриб турибди. Лекин беш минг пул йўқ! Ғулистон ҳақидаги хотираларимни ҳам шундай маҳкам ушлайман. Ўзи ушламасам бемалол яшагани қўймайди, аммо ўзи йўқ, бўлмагандек.

Ёзувчи дўстимга ҳам айтмаслигим керак эди. Энди унинг рўмонида оташин курашчи қилиб тасвирланганим, бунга, ўзингиз ҳам гувоҳ бўлдингиз, арзимаслигимга ўзим ҳам хижолатдаман. Лекин ҳозир фикрим ўзгарган. У ҳам китобини машинасига ташлаб юради. «Дан»чиларга кўп тушади-да. Кейин Сурхондарёсига кўп қатнайди. Албатта, йўлнинг ҳалиги жойини ҳам босиб ўтади. Шу Ғулистонга кириб қолса-чи, деб умидланаман. Рўмонини ёмон кўрар эдим, ёмонлаб бўлганимдан кейин ўйласам, бинойидек, ҳавойи муҳаббат саҳналари, ўзимиздан кўчирилган табиат манзараларини демаса, занжирга қарши курашни қандай ташкил этиш ҳақида авом ғулиётга тузуккина кўрсатма. Уларда бунақа мавзуда биронта асар ҳам йўқ. Меники ҳам ўзим билан қайтиб келган, қолганда ҳам бефойда эди: озодликнинг нималигини ўйламай ёзаверган эканман. Агар ёзувчи дўстим у ёққа рўмони билан ўтиб қолса, асари ғулийларга бир дастуриламалдек таъсир қилиши турган гап. Ўзи шу-да, сиёсатга ҳам енгил-елпи ёзадиганлар аралашади. Ёзувчи дўстим эса бунақа шухратга калла ташлайди.

Бориб келдим, ҳаммаси хайриятчилик билан тугади, лекин ғулия қиз бари бир ҳушимни ўғирлаган экан. Айниқса бўйида бўлиб қолгани. Ҳозир орадан шунча йиллар ўтиб кетганини ҳисобга олсак, боламиз катта ҳам бўлиб қолгандир. Фақат билолмайман, у ҳам занжир таққанми, ё ғулиёт ўзгариб кетиб, эркинликка чиққанми экан? Ишқилиб, эркинлик бўлган бўлсин-да, йўқ эса занжирбанд боламнинг аҳволини ўйлаб, унча эзилмайман-у, лекин кўнглимнинг бир чеккаси ҳар замонда симиллаб қўяди. Ҳу супермаркетда

кўрганим болача эсимга келади, боламиз бу ёшдан аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, ҳамон шу мурғак ҳолида менга таъна билан қараб тургандек туюлади баъзан.

Фақат бир таскин: Гулистондан ҳеч бир асорат қолмаган, у ҳатто тушимга ҳам кирмайди. Ўшандан бери Тошкент – Жиззах йўлида қанчалар қатнадим, лекин бирон марта ҳам у ёққа ўтиб кетмадим, ўтганларни ҳам эшитмадим, ҳар гал ёзувчи дўстим Сурхондарёсига бориб қайтганда, оғзига термуламан, ундан ҳам садо чиқмайди.

Демак, Гулистон фақат менинг чекимга тушган экан, шунда ҳам бир марта. Лекин бари бир ўйлайман, улар мени нима учун чиқариб юборишди деб. Ҳафсалаларини ўлдирганим учунми ё шу йўл билан ғулийликни бу ёқда ҳам ёйдирганими? Худди бу ёқда ҳам улардан кимлардир, албатта, занжири ечилган ғулийлар мени кузатиб юргандек туюлади.

Автобусларда юрсам, баъзи одамлар секин тикилиб қолади. «Сизни қаердадир кўрганман, жуда кадрдонсиз-да», дейди, мен: «Телевизорда кўп чиқиш қилганман, шунга кўзингиз ўрганиб қолган», деб чап бераман. «Сиздай одам автобусда юрибдими? Ишдан бўшадингизми?», дейди яна бошқалари. «Ишдан бўшашимнинг нима алоқаси бор?» десам, кифтини қисиб: «Хизмат машинасида юришингиз керак-ку», дейди. Сезяпсизми, ўсмоқчилаяпти, кимлигимни билиб қолган-у, лекин билганини мени билиб қолмасин деб, эҳтиётини қияпти. Бунақаларни кўравериш пишиб кетганман, ҳеч сиримни бой бермайман. «Ҳа, шундоқ, бўшаганман, хизмат машинам ҳам йўқ», деб қўя қоламан. Қизиқ, хизмат машинасида юрдим – нима, автобусда қатнадим – нима, буларга нима фарқи бор? Албатта, ўзлари билмайди, лекин мен биламан. Аммо бунинг энди фойдаси йўқ, улар кимлигини очмайди, очганда ҳам менга керак эмас. Гулистон, ғулийлар ҳақида ўйлашларимнинг ўзи етиб ортади менга. Жиззах – Тошкент йўлида шунча қатнаб у ёққа ўтиб кетмаганимдек, ўтган бошқаларни ҳам мутлоқ эшитмадим. Хуллас, Гулистонни кўриш фақат менга насиб бўлган.

Хотираларимни авайлаб сақлашим керак эди, лекин сиздан яшира олмайман, гап ёзувчи дўстимнинг Гулистон мавзуида яна бир рўмон ёзмоқчи бўлганида ҳам эмас, майли, ёлғоннинг умри қисқа, фақат болалаб кетиши бор. Билганларимни сиз билан ўртоқлашим керак, лекин бу ёқда ҳам бир нарсага кетимни жиддий қўйиб киришмаган одам, у ёқда ҳам ўзгармабман: Гулистон ҳақидаги билганларим ундан-бундан чўкиланган, юзаки, чала, шундан билимимга ўзим ҳам унча ишонмайман. Аммо битта гап аниқ: мен Гулистонга бориб, эсон-омон қайтиб келганман, шуни албатта айтишим, сиз билишингиз шарт эди, қолган ҳаммаси бўладиган гаплар.

Ҳа, дарвоқе, сўнгсўз деймизми, охирламами, Гулистон хотиралари ҳеч тугамайдиган, ёзганларим ҳам ҳали-бери итмомига етмайдиган кўринади, шунга нима деб якунлашга ҳам ҳайронман. Балки яна ёзиб қоларманми. Хотираларим ҳам тўкилиб боряпти лекин...

Ўз юртимда яшаяпман,

Худого шукр!

\Аннотация\

Аҳмад Аъзам – ўзига хос ёзувчи, у дунёга бошқалардан айрича қарайди, воқеликни тамсилий, жозибали тилда тасвирлайди.

Ёзувчи “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” деган яна бир ғаройиб роман ёзди. Нималари ғаройиб экани ўқиб биласиз. Ўқинг, чиндан ҳам ғаройиб...

Фотосурат ёнига /тагига/ кўчирма

Хуллас, Ғулистонни кўриш фақат менга насиб бўлган. Хотираларимни авайлаб сақлашим керак эди, лекин сиздан яшира олмайман... мен Ғулистонга бориб, эсон-омон қайтиб келганман, шуни албатта айтишим, сиз билишингиз шарт эди, қолган ҳаммаси бўладиган гаплар.